



**ҲОЗИРГИ ЗАМОН ЮРИДИК ФАНЛАРИНИНГ  
ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ**

**мавзусидаги республика илмий-назарий**



**конференцияси материаллари**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ҲОЗИРГИ ЗАМОН ЮРИДИК ФАНЛАРИНИНГ  
ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ**

мавзусидаги республика илмий-назарий  
конференцияси материаллари

“НАМАНГАН” НАШРИЁТИ – 2007

Мазкур тўплам Наманган давлат университети Илмий Кенгаштининг 2007 йил 30 майда бўлиб ўтган 9-сонли йиғилиши қарори билан нашрга тавсия этилган.

Тахрир хайъати: Й.Рахимов (раис), М.Х.Жиянов (масъул), О.Э.Эрназаров, Ш.Т.Жўрабоев, Ж.Умаров.

*Ушбу тўпламга Наманган давлат университетида 2007 йил 27 апрелда ўтказилган "Ҳозирги замон юридик фанларининг долзарб муаммолари" мавзусидаги республика илмий-назарий конференция материаллари киритилган.*

*Унда ҳуқуқшунос олимлар, олий ўқув юртлирининг ўқитувчилари, тадқиқотчилар, магистрантлар, талабалар, ҳуқуқни қўлловчи органлар ва муассасаларда фаолият кўрсатаётган амалиётчи ходимларнинг Ҳозирги замон юридик фанларининг долзарб муаммолари билан боғлиқ фикр ва мулоҳазалари ўз ифодасини топган.*

## СЎЗ БОШИ

Бозор муносабатларига асосланган иктисодиёт тизимининг шаклланиши, ўзимизга мос ва хос мустақил ривожланиш стратегиясининг амалга оширилиши, давлат бошқарувининг янгиланиши ва янада демократлашуви ҳамда модернизация қилиниши биз барпо этаётган ҳуқуқий демократик давлат ва инсонпарвар, одил фуқаролик жамияти қуришнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Ҳуқуқий демократик давлат ва одил фуқаролик жамияти қуришда суд-ҳуқуқ соҳасини такомиллаштириш, юридик таълимни ривожлантириш, жумладан, юридик кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш алоҳида ўрин тутди. Юридик кадрларни тайёрлаш доимо давлатимиз раҳбари эътиборида эканлиги фикримизнинг далилидир. Иккинчи чақирик Олий Мажлис олтинчи сессиясида Президентимиз И.А.Каримов бу соҳага қуйидагича фикр билдирган эди: “Ҳолисона тан олиш керакки, сўнги йилларда ўқув жараёнини, ўқитиш услуги ва шакллари такомиллаштириш юзасидан муайян ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, таъкидлаш жоизки, кадрлар сифатига жиддий эътироз билдириш учун бизда ҳамма асослар бор. Хусусан, малакали ҳуқуқшуносларни тарбиялаш иши ҳамон эскича олиб борилмоқда, ўқитиш дастурларининг сифати, айниқса, ҳуқуқнинг янги устувор йўналишлари бўйича замонавий талабларга жавоб бермайди. Уларда эскича ёндашув ва тамойиллар ҳали-хануз сақланиб қолмоқда. Ўқитувчиларнинг ўзини қайта тайёрлаш ва касб маҳоратини ошириш тизими ҳамон паст савияда қолмоқда. Улар ўз маҳоратларини ошириш устида деярли ишламайди”<sup>1</sup>.

Юридик таълим тизимини такомиллаштириш, юридик таълимнинг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти 2005 йил 8-декабрда “Юридик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ўқув дастурларини ўрганиш бўйича ишчи гуруҳини тузиш тўғрисида” Р 2363-сонли Фармойиш қабул қилди.

Юридик таълимни такомиллаштириш ўқув жараёнини ислоҳ қилишни, ўқитишнинг илгор воситалари ва усулларидан кенг фойдаланишни, таълимнинг амалиёт билан узвийлигини кучайтиришни талаб этади.

Ҳуқуқшуносликнинг янги тармоқлари ва соҳаларининг вужудга келиши, мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари, жинсий жазоларни либераллаштириш соҳасидаги сиёсат, айниқса Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида”ги ҳамда “Қамоққа олишга санкция бериш ваколатини судларга ўтказиш тўғрисида”ги Фармонлари юридик фанларни, хусусан “Конституциявий ҳуқуқ”, “Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар”, “Жиноят ҳуқуқи”, “Жиноят процессуал ҳуқуқи”, “Парламент ҳуқуқи”, “Божхона ҳуқуқи”, “Ижтимоий таъминот ҳуқуқи”, “Жиноят-ижроия ҳуқуқи”, “Солиқ

<sup>1</sup> Каримов И.А. “Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак”. Тошкент. 10. “Ўзбекистон” нашриети 2002 йил. 49-50 бет.

хукуки”, “Хукукий маданият назарияси” каби юридик фанларни қайта кўриб чиқишни, ушбу фанларнинг долзарб муаммоларини тадқиқ этишни талаб этмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан юридик кадрларни тайёрлаш ва юридик фанларни ривожлантириш бўйича қўйилган ана шу долзарб вазифаларни бажариш мақсадида Наманган Давлат университетида “Ҳозирги замон юридик фанларнинг долзарб муаммолари” мавзуси бўйича республика илмий-амалий конференцияси ўтказилди. Ушбу илмий-амалий конференция юқорида зикр этилган муаммоларни ҳал қилишга бағишланган.

Конференцияда университетимиз олимлари, республикаимизнинг нуфузли олий юридик ўқув юртлари олимлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари, магистрант ва талабалар ўзларининг илмий мақола ва тезислари билан иштирок этдилар.

Конференцияда баён қилинган фикр ва мулоҳазалар, таклифлар ва тавсиялар мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари, жинсий жазоларни либераллаштириш сиёсати, юридик таълим, жумладан, юридик кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни такомиллаштиришга муносиб ҳисса бўлиб хизмат қилади.

**Наманган давлат университети ректори,  
юридик фанлар доктори Й.Рахимов**

## Таркибли жиноят тушунчаси, белгилари ва турлари

Наманган давлат университетини  
ҳуқуқшунослик факультети декани,  
юримдик фанлар номзоди, доцент  
М.Х.Жиянов

Таркибли жиноят тушунчаси жиноят ҳуқуқида кам ўрганилган, аммо суд-тергов идоралари фаолиятида тез-тез учрайдиган жиноятлар сирасига киради. Бир қанча жиноятларнинг айрим шакллари(жиноятлар мажмуи)га ўхшаб кетганлиги учун квалификация жараёнида кийинчиликлар тугдириши ҳам мумкин, шунинг учун таркибли жиноятлар муаммосини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Таркибли жиноят тушунчаси конунда берилмаган, жиноят ҳуқуқи назариясида эса таркибли жиноят тушунчаси турлича талқин қилинади. Н.Ф.Кузнецованинг фикрича, таркибли жиноятлар икки ёки ундан ортиқ жинойи қилмишлардан ташкил топади ва агар уларнинг ҳар бирини алоҳида баҳолайдиган бўлсак, уларнинг ҳар бири алоҳида оддий жиноятни ташкил қилади<sup>1</sup>.

А.А.Пионтковскийнинг фикрича, таркибли жиноятлар бир неча ҳаракатлардан иборат бўлади ва бу ҳаракатларнинг ҳар бири мустақил жиноят таркиби билан қамраб олинади. Аммо бу ҳаракатлар ўзларининг ички яхлитлиги туфайли битта жиноят деб баҳоланади<sup>2</sup>.

А.М.Яковлевнинг фараз қилишича, таркибли жиноятга ҳос хусусият шундан иборатки, унга кўра ягона айб шакли доирасида турли туман оқибатларга олиб келувчи турлича ҳаракатлар қатори конун йўли билан ягона жиноят деб баҳоланади<sup>3</sup>.

М.Усмоналиевнинг фикрича, «мураккаб таркибли жиноят деганда ҳар бири мустақил жиноят ҳисобланган икки ёки ундан ортиқ оддий таркибли жиноятлардан иборат бўлган жинойи қилмиш тушунилади»<sup>4</sup>.

Биз ҳам М.Усмоналиевнинг берган таорифи мукамал эканлигини эътироф этган ҳолда, таорифда таркибли жиноят мураккаб жиноятнинг шакли эканлигини таоқидлаб ўтиш зарур деб ҳисоблаймиз ва таркибли жиноятга қуйидагича таъриф бериш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Таркибли жиноят деганда икки ёки ундан ортиқ оддий ягона жиноятларнинг белгиларини ўзида мужассамлаштирган мураккаб ягона жиноят тушунилади. Юқорида келтирилган таърифдан таркибли жиноятнинг қуйидаги белгиларини ажратиш мумкин:

- 1) жиноят конунини томонидан мураккаб ягона жиноят сифатида эътироф этилади;
- 2) жиноят конунида назарда тутилган икки ёки ундан ортиқ оддий ягона жиноятларнинг белгиларини ўзида мужассамлаштиради;

<sup>1</sup> Кузнецова Н.Ф. Значение преступных последствий для уголовной ответственности. М., 1958 с.117.

<sup>2</sup> Пионтковский А.А. Учение о преступлении. М., 1961. с. 646.

<sup>3</sup> Яковлев А.М. Совокупность преступлений. М., 1960 с. 27.

<sup>4</sup> Жиноят ҳуқуқи. Умумий ўнсм. Т., Адолат. 1998. 152-153-бетлар.

3) жиноятларнинг идеал мажмуига ўхшаб кетади, лекин жиноятлар мажмуи сифатида баҳоланмайди, чунки у қонун чиқарувчи идора томонидан олдиндан ягона жиноят сифатида ҳисобга олинган.

Таркибли жиноятлар мураккаб ягона жиноятларнинг энг кўп учрайдиган шакли ҳисобланади. Амалиётда таркибли жиноятларни жиноятлар мажмуидан фарқлашда кўплаб хато ва камчиликлар учраб туради. Шунинг учун таркибли жиноят тушунчасини жиноятлар мажмуи тушунчасига таққослаш муҳим аҳамият касб этади.

Жиноятлар мажмуи тушунчаси ЖКнинг 33-моддаси биринчи қисмида берилган бўлиб, унга кўра «Ушбу Кодекс Махсус қисмининг турли моддаларида ёки битта моддасининг турли қисмларида назарда тутилган, жавобгарликка тортиладиган икки ёки бир неча жинойий қилмишни содир этиш, агарда улардан бирортаси учун ҳам шахс судланган бўлмаса, жиноятлар мажмуи деб топилади».

Юқорида баён қилинган таркибли жиноят ва жиноятлар мажмуи тушунчаларини бир-бирига таққосласак, уларнинг ўхшашлиги икки ёки ундан ортиқ турли жиноятларнинг белгиларини ўзида мужассамлаштириши ва уларнинг бирортаси учун ҳам шахснинг судланган бўлмаслигида намоён бўлса, фарқлари амалдаги ЖК Махсус қисмида қандай шаклда ифодаланганлигида кўринади. Агар жиноятлар мажмуи ЖК Махсус қисми турли моддаларида ёки бир моддасининг турли қисмларида ифодаланган бўлса, таркибли жиноят ЖК Махсус қисми бир моддасида ёки бир моддасининг битта қисмида ягона жиноят сифатида ифодаланган бўлади.

Таркибли жиноятларни жиноятлар мажмуидан фарқлаш юзасидан кўрсатмалар давлатимиз Олий Суди Пленумининг 2004 йил 21 майдаги «Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги Қонунни икतिлодий соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги №4-қарорининг 7-бандида кўрсатилганидек, «Мансаб мавқеини сунистеомол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани талон-торож қилиш ЖК 167-моддасининг иккинчи қисми диспозициясида алоҳида квалификация белгиси сифатида назарда тутилганлиги сабабли, мансабдор шахснинг бундай хатти-ҳаракатлари, агар айбдорнинг қасди ўзганинг мулкани эгаллашга қаратилган бўлса, ЖК 205-моддаси билан қўшимча квалификация қилинмайди»<sup>5</sup>.

Мавқеини сунистеомол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани талон-торож қилиш жинояти иккита жинойий ҳаракат: 1) ўзганинг мулкани ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш (ЖК 167-моддаси) ва 2) ҳокимият ёки мансаб ваколатини сунистеомол қилиш (ЖК 205-моддаси)ни ўзида мужассамлаштирган бўлсада, ЖК Махсус қисми бир моддасининг бир қисми (ЖК 167-моддасининг иккинчи қисми)да битта ягона жиноят сифатида ифодаланганлиги ва бир жиноят таркиби билан олинганлиги тўғрисида ягона жиноят деб топилади ва уни қўшимча жиноятлар мажмуи сифатида квалификация қилишга ҳожат йўқ.

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Судидаги Ахборотнома, №2, 2004, 5-бет

Хизмат лавозимини суиистермол қилиш йўли билан этил спирти, алкоғолли махсулот ва тамаки махсулотини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш (ЖК 186<sup>1</sup>-моддаси иккинчи қисми) ҳам иктисодиёт соҳасидаги таркибли жиноятга мисол бўлади. Чунки ушбу жиноят иккита мустақил жиний ҳаракат: 1) этил спирти, алкоғолли махсулот ва тамаки махсулотини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш (ЖК 186<sup>1</sup>-моддаси биринчи қисми) ва 2) ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеомол қилиш (ЖК 205-моддаси)ни ўзида мужассамлаштирган бўлсада, ЖК Махсус қисми бир моддасининг бир қисми (ЖК 186<sup>1</sup>-моддаси иккинчи қисми)да ягона жиноят сифатида ифодаланганлиги ва бир жиноят таркиби билан олинганлиги туфайли мураккаб ягона жиноят деб топилади ва уни қўшимча жиноятлар мажмуи сифатида квалификация қилишга ҳожат йўқ.

Юридик адабиётларда таркибли жиноятни олдиндан қонуннинг ўзида жиноятлар мажмуи сифатида инobatга олинган ҳолат деб ҳам аташади. Таркибли жиноятларни бундай талқин қилишда уларни иккита турга ажратиш мақсадга мувофиқдир:

- 1) икки ёки ундан ортиқ турдаги ҳаракатларга асосланган таркибли жиноят (олдиндан қонунда ҳисобга олинган жиноятларнинг реал мажмуи);
- 2) икки ёки ундан ортиқ жиний оқибатларни келтириб чиқарувчи бир жиний ҳаракатга асосланган таркибли жиноят (олдиндан қонунда ҳисобга олинган жиноятларнинг идеал мажмуи).

Икки ёки ундан ортиқ турдаги ҳаракатларга асосланган таркибли жиноятлар ҳам ўз навбатида яна икки турга бўлинади:

- 1) таркибли жиноят эканлиги тўғридан-тўғри қонуннинг ўзида кўрсатилган жиноятлар;
- 2) қонунда тўғридан-тўғри кўрсатилмаган, лекин таркибли жиноят ҳисобланган жиноятлар.

Таркибли жиноят эканлиги тўғридан-тўғри қонуннинг ўзида кўрсатилган жиноятларга босқинчилик (Жиноят кодекси 164-моддаси), ўлдириш билан кўрkitиб номусга тегиш (Жиноят кодекси 118-моддаси), мансаб мавқеини суъистимол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани талон-тарож қилиш (Жиноят кодекси 167-моддаси) каби жиноятлар мисол бўла олади. Чунки босқинчилик деганда Жиноят кодексининг 164-моддасига мувофиқ ўзганинг мол-мулкани талон-тарож қилиш мақсадида ҳужум қилиб, ҳаёт ёки соғлиқ учун хавfli бўлган зўрлик ишлатиш ёхуд шундай зўрлик ишлатиш билан кўрkitиш тушунилади. Ушбу таорифдан кўриниб турибдики, босқинчилик иккита жиний ҳаракатдан иборат: шахснинг баданига ўртача оғир даражагача бўлган шикаст етказиш ва ўзганинг мулкани талон-тарож қилиш. Маолумки, шахснинг баданига ўртача оғир шикаст етказиш (Жиноят кодекси 105-моддаси) ва ўзганинг мулкани талон-тарож қилиш (Жиноят кодекси 166 ва 169-моддалари) қонунда алоҳида-алоҳида қилиб, мустақил жиноятлар сифатида назарда тутилган.



Ўлдириш билан кўрkitиб номусга тегиш (Жиноят кодекси 118-моддаси 2-қисми «г» банди) жинояти ҳам иккита жиноий ҳаракатдан иборат: зўрлик ишлатиб, кўрkitиб ёки жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланиб жинсий алоқа қилиш (Жиноят кодекси 118-моддаси 1-қисми) ва ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан кўрkitиш (Жиноят кодекси 112-моддаси).

Икки ёки ундан ортик турдаги ҳаракатларга асосланган, таркибли жиноят эканлиги қонунда тўғридан-тўғри кўрсатилмаган, лекин таркибли жиноят ҳисобланган жиноятларга ўқотар қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларини қонунга хилоф равишда эгаллаш (Жиноят кодекси 247-моддаси) жинояти мисол бўла олади. Чунки ўқотар қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларини қонунга хилоф равишда эгаллаш жиноятини содир қилган шахс тегишли руҳсатномасиз ўқотар қурол, шунингдек ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларини олиб юриш ёки сақлаш жиноятини ҳам содир этган ҳисобланади. Руҳсатномасиз ўқотар қурол, шунингдек ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларини олиб юриш ёки сақлаш мустақил жиноят сифатида Жиноят кодекси 248-моддаси 1-қисмида назарда тутилган.

Икки ёки ундан ортик жиноий оқибатларни келтириб чиқарувчи бир жиноий ҳаракатга асосланган таркибли жиноятларга оммавий тартибсизликлар жараёнида қасддан одам ўлдириш (Жиноят кодекси 97-моддаси 2-қисми «е» банди), номусга тегиш ёки жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабиий усулда қондириш билан боғлиқ ҳолда қасддан одам ўлдириш (Жиноят кодекси 97-моддаси 2-қисми «з» банди), безорилик оқибатида қасддан одам ўлдириш (Жиноят кодекси 97-моддаси 2-қисми «л» банди), ҳужжатларни қалбақлаштириш йўли билан ҳарбий ёки муқобил хизматдан бўйин товлаш (Жиноят кодекси 225-моддасининг 2-қисми «б» банди), зўрлик ишлатиб ёки зўрлик ишлатиш билан кўрkitиб транспорт воситасини олиб қочиш (Жиноят кодекси 267-моддаси учинчи қисми «в» банди), оммавий тартибсизликлар жараёнида қасддан баданга оғир шикаст етказиш (Жиноят кодекси 104-моддаси иккинчи қисми «г» банди), безорилик оқибатида қасддан баданга оғир шикаст етказиш (Жиноят кодекси 104-моддаси иккинчи қисми «е» банди), миллатлараро ёки ирқий адоват замирида қасддан баданга оғир шикаст етказиш (Жиноят кодекси 104-моддаси иккинчи қисми «ж» банди) каби жиноятлар мисол бўла олади. Чунки юқорида мисол тарикасида келтирилган жиноятлар мустақил жиноят сифатида назарда тутилган икки ёки ундан ортик оддий ягона жиноятларнинг белгиларини ўз ичига олганлигига қарамай бир жиноят таркиби билан камраб олинади ва амалдаги Жиноят кодексига мувофиқ бир бутун мураккаб ягона жиноят деб топилади. Жиноятларнинг идеал мажмуи сифатида квалификация қилишга ҳожат йўқ.

Хулоса қилиб айтганда, таркибли жиноят амалдаги жиноят қонунига мувофиқ мураккаб ягона жиноятнинг алоҳида шакли деб топилади, икки ёки ундан ортик турдаги жиноятларнинг белгиларини ўзида мужассамлаштирганлигига қарамай, ЖК Махсус қисми бир моддасида ёки

бир моддасининг битта қисмида ягона жиноят сифатида ифодаланган бўлади ҳамда шахс уларнинг бирортаси учун ҳам судланган бўлмайди.

## Мулк ҳуқуқининг бязи муаммолари

НамДУ фуқаролик ҳуқуқи ва процесси кафедраси мудири, доцент, О.Эрназаров  
ЎзМУ ўқитувчиси Д.Эрназаров

«Энг асосий ижтимоий институт бўлган мулкка, асосан хусусий мулкка муносабатнинг ўзгариши – бутун жамиятни ва хусусан иқтисодий ҳаётни демократлаштиришнинг бош бўғини бўлади. Жамиятни сиёсий иқтисодий ва ижтимоий янгилаш асосан янги мулкчилик муносабатлари орқали ўтади»

*И.А.Каримов.*

Мулк ва мулк ҳуқуқи масалалари ниҳоятда мураккабдир. У инсонлар фаолиятининг асосидир. Кишилар фан, санъат, адабиёт ва сиёсат билан шуғулланишдан олдин иқтисодий муносабатлар, яъни мулк билан таъминланган бўлиши лозим. Улар емоқ, ичмоқ, киймоқ керак, ҳамда яшайдиган уй-жойи бўлишлиги лозим. Шунинг учун мулккий муносабатлар жамият тизимининг иқтисодий асосларини ташкил этади. 15 йилдан кўпроқ вақт давомида ўз мустақиллигига эришиб, фаолият кўрсатиб келаётган Ўзбекистон Республикаси мулккий муносабатларга ниҳоятда қатта эътиборни қаратиб келмоқда. «Ўзбекистон Республикасида мулк дахлсиздир. Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли».<sup>1</sup> Демак, мулк кимга - фуқарогами, жамоагами, давлатгами тегишли бўлишидан қатъий назар ҳеч қачон ҳеч ким томонидан ғайриқонуний тарзда тортиб олиниши, мулк эгасининг розилиги бўлмай туриб ундан фойдаланиш, мулкка нисбатан тажовуз қилиниши, эгасининг ўз мулкидан эркин фойдаланишда турли тўскинликлар қилиш мумкин эмас. Мулкни эгасидан тортиб олишга фақат Ўзбекистон Республикаси қонунларида кўзда тутилган ҳоллардагина йўл қўйилади.

Фуқароларга, ташкилотларга ва бошқа мулкдорларга уларнинг мулккий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун давлат тенг шароит яратиб бермоқда.

Қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида биринчилардан бўлиб иқтисодиётнинг самарали амал қилишига ва халқ фаровонлигининг ўсишига имконият яратувчи ҳар қандай шаклдаги мулкчилик бўлишига руҳсат берилди. Мулкчиликнинг ҳамма шакллари дахлсиз бўлишига ва уларнинг ривожланиши учун тенг шароит яратилишига қафолат яратилди.

Иттифок даврида жамиятимиз ишлаб чиқаришининг, янги иқтисодиётнинг ривожланиши учун манба сифатида фақат давлат ва колхоз-кооператив мулклари шаклидаги ижтимоий мулк тан олинар эди. Фуқароларнинг шахсий мулки ва ана шу икки шаклдан келиб чиқувчи

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент «Ўзбекистон» 2003 йил. 36-модданинг 1-банди.

даромад хисобланарди. Эндиликда, қонунда мулкларни ижтимоий ёки ноижтимоий деб аташ кўзда тутилган эмас. Иктисодиётнинг самарали амал қилиш ва халқ фаровонлигининг ўсиши учун мулкнинг барча мавжуд шакллари, яъни хусусий, оммавий, ёки умумий мулклар, давлат, жамоат бирлашмалари, уюшмалари мулклари иктисодий манба вазифасини бажариши мумкин. Давлат барча шаклдаги мулкларнинг кўпайиши ва ривожланиши учун имкониятлар ва тенг шароитлар яратиб берди. Шу билан бирга мулкчиликнинг барча шакллари дахлсиз, уларга путур етказиш ва уларни қайси шаклда бўлишидан қатъий назар тортиб олиш мумкин эмас, улар қонунга асосан тенг ҳимоя қилинади.

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси мулкдорларга қарашли бўлган мол-мулкни сақлаш ва кўпайтириб бориш учун барча зарур шароитларни яратиб бермоқда. Демак, давлат мулкдорга ўз мулкни сақлаш, ундан унумли фойдаланиб, фаол меҳнат қилиш, натижасида мол-мулкни янада кўпайтиришдаги зарур шароитларни яратиб бериш вазифасини ўз зиммасига олмақда.

Биз қадам қўйган жамиятнинг хусусияти ва моҳияти ва мулкчиликнинг ҳамма шакллари, шунингдек хусусий мулк ҳуқуқининг таркиб топиши ва тенг равишда ривожланиши ва ҳимоя қилиниши улар асосида бозор муносабатларининг ташкил топиши билан белгиланади. Шундай экан мулккий муносабатлар ва уларнинг юридик манбаини ташкил қилувчи қонунлар мазмун ва моҳияти жиҳатдан жамиятнинг хусусиятларига мос келиши зарур эди.

«Иктисодий жиҳатдан эркин бўлган фуқаро. ҳақиқий мулкдоргина ўз мол-мулкни самарали тасарруф этишдан, ўз бойлигини кўпайтиришдан манфаатдор бўлибгина қолмай, балки бутун мамлакатни бойитишга ҳам қодир бўлади».<sup>2</sup>

1990 йил 31 октябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Мулкчилик тўғрисида»ги қонуни ва (ҳамда 1993 йил май ойида бу қонунга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди). Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 1995 йилнинг 21 декабрдаги I қисми, 1996 йилнинг 29 августда II қисми қабул қилиниши ва 1997 йилнинг I мартдан амалга киритилиши мулкчилик муносабатларини янада ойдинлаштирди. Айниқса, бу қонунларнинг қабул қилиниши турли шаклдаги мулкчилик ҳуқуқидан фойдаланишга ва шу туфайли ижтимоий-иқтисодий хусусиятга эга бўлган бозор муносабатларининг ривожланиши учун зарур бўлган хусусий ва оммавий мулкчиликнинг кенг кўламада жорий қилиш учун қулай имкониятларни яратди. Эндиликда жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг ўтказилиши ва ривожланиш тамойиллари ҳамда уларни ҳуқуқий асослар билан таъминлаш бозор муносабатларининг заруриятига айланди. Мамлакатимизда қурилаётган демократик ҳуқуқий давлат ва инсонпарвар фуқаролик жамияти мулк шакллариининг янги тизими, қудратли,

<sup>2</sup> Ислам Қаримов. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Тошкент «Ўзбекистон» 1995 йил 45-бет.

ишлаб чиқариш кучлари ва воситалари, илгор фан ва маданиятни барпо этиш, халқ фаровонлигини ошириш, ҳамда такомиллаштириш, эркин шахсни ҳар томонлама камол топтиришга қулай шароитлар вужудга келтираётган жамиятдир. Шунинг учун мулкдорлар тоифасига кенг йўл очиш керак, токи у жамиятнинг етакчи ҳаракатлантирувчи кучига, жамиятнинг маъсул шахсига айлансин.

Бозор иктисодиёти муносабатларининг янада такомиллашиб юқори босқичга ўтиб бориши амалдаги Фуқаролик қонунларини биринчи галда ҳуқук субъектлари доирасини бениҳоя кенгайтириб бормоқда. Яъни турли тадбиркорлик тизимларининг вужудга келиши, жамоат бирлашмалари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг қўпайиши ва уларнинг ҳуқуқий асослар билан тўлиқ таъминланиши, бу ташкилотлар ҳуқуқларини, ваколатларини мазмунан янада бойитиб бормоқда.

Бу жараёнда Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси бозор муносабатларининг иктисодий энциклопедияси ёки Конституцияси сифатида ғоят муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли ҳам бозор муносабатлари тизимида фуқаролик ҳуқуқининг айниқса унинг предметининг асосий қисми бўлган мулк ҳуқуқини ўрганиш, унинг моҳиятини тўлиқ тушуниб етишлик ҳар бир талаба, магистрнинг асосий вазифасидир.

Хўш, мулк масалалари Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик қонунчилигида ўз ифодасини тўлиқ топганми ёки йўқми? Энг аввало, 1990 йил 31 октябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Мулкчилик тўғрисида» ги қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 164-моддасида белгиланишича, мулкдор ўзига тегишли мол-мулкка ўз ихтиёрига кўра, ўз хоҳиши ва манфаатларини кўзлаб эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Демак, мулк ҳуқуқининг соҳиби (мулкдор) мутлоқ асосда, ихтиёрий равишда, ўз хоҳишига кўра ўзига тааллуқли бўлган мулк ҳуқуқларини амалга оширади. Бу муносабатда эрк ва эркин изҳор этишлик ҳамда ўз эрки, иродаси ва манфаатларини кўзлаш ҳеч кимнинг тазйикисиз мулкдорнинг ўзи томонидан тўлиқ амалга оширилади.

Лекин мулкдорни биз мутлоқ мулк ҳуқуқи эгаси деб ҳисобласакда ҳам, аммо кўни-кўшнларнинг сервитут ҳуқуқлари мавжуд. Сервитут ҳуқуқи қадимги Рим ҳуқуқи билан боғлиқ ҳодиса бўлиб, бошқа шахсларнинг мулкидан уларнинг розилигини олган ҳолда маълум мақсадларда фойдаланиш ҳуқуқини амалга оширишдир.

Демак ҳар бир ижтимоий-иктисодий формациянинг ёки базисининг мулк ташкил этади. Кишилар меҳнати билан яратилган ёки табиат томонидан инсонларга ўзига хос тарзда «тақдим этилган» бойликлар ҳар доим мулк бўлиб келган Мулк эгаси бўлиш ёки бўлмаслигига қараб кишиларнинг жамиятдаги мавқеи, аниқроғи ижтимоий-иктисодий мақоми вужудга келади. Мулк ҳуқуқини муносабатларсиз иктисодий муносабатлар, ишлаб чиқариш жараёни ўз мазмунига эга эмас. Мулкнинг ўзига хос хусусиятлари асосий қуйидагиларда ифодаланади:

а) Мулк ишлаб чиқариш муносабатларининг негизи сифатида жамиятдаги бойликларни (ашёларни) ўзлаштириш хусусидаги ижтимоий иктисодий муносабатлардир.

б) Мулкни аниқлашда ишлаб чиқариш муносабатларида асосий моҳият ва мазмун шунга қаратилиши лозимки, мулкка бўлган эғалик кимга қарайди, Ким унинг соҳиби ва кимнинг эркини, манфаатини кўзлайди, қандай мақсадда фойдаланади.

Айниқса, ишлаб чиқариш воситаларига бўлган мулкчилик ишлаб чиқариш муносабатларининг ядросини ташкил этишликдан келиб чиқиш лозим. Албатта, мулк жамиятнинг ривожланиш ва ишлаб чиқариш ривожланишининг асосидир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб-мулк бу кишилар (субъектлар) ўртасида ишлаб чиқариш воситалари ва ашёлар тўғрисидаги муносабатлардир.

Мулк - бу табиат бойликлари, уларни ўзлаштирамасдан ашёга мулкка эга бўлиш мумкин эмас, демак бу табиат бойликларини ўзлаштириш (яъни мулкни вужудга келтириш, ундан фойдаланиш ва тасарруф этишдир).

Мулк иктисодий ва юридик мазмунга эга бўлади. Юридик мазмун мулкнинг юридик тақдирини мулкни тасарруф этиш ваколати орқали амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг оммавий мулкига Республиканинг ва маъмурий ҳудудий тузулмаларининг (муниципиал) мулкидан иборат бўлган мулклар қиради.

Оммавий мулк тушунчаси давлатнинг барча фуқароларига, шунингдек ҳар-бир фуқаросига ҳамда Республика қонунлари йўл кўйган доирада Ўзбекистон Республикасида истиқомат қилаётган ва фуқароликка эга бўлмаган шахсларга ҳам тегишли бўлган мулк маъносини беради. Бу мулк давлат мулки сифатида Ўзбекистон Республикасининг шахсан ўзига ва унинг маъмурий-ҳудудий тузилмаларига тегишли бўлган (муниципиал) мулклардан иборат. Оммавий мулк муносабатларнинг иштирокчилари бўлган давлат ҳамда муниципал органларининг ҳуқуқий ҳолатини ўз ичига олади.

Оммавий мулк ҳуқуқига киритиладиган мулклар таркибини ва турларини ҳеч ким чегаралай олмайди, ҳатто унинг ким томонидан эғалик қилиниши ва ташкилий этилганлигидан қатъий назар, чунки давлат ўз ҳуқуқий нормалари асосида баъзи бир бошқа мулк шакллари объектларини ҳам Республикамиз фуқаролари, соғлиқ-сихат саломатлигини эътиборга олиб ёки уларнинг хавфсизлигини таъминлашдан келиб чиқиб, уларнинг маълум бир қисмини чегаралай олиши мумкин.

Давлат мулки юқори даражада умумлашган мулк шакли бўлиб, бир ёки бир қанча шахсларга тааллуқли бўлмасдан, балки ўзида бутун Республика аҳолисининг манфаати, эрки ва иродасини кўзлайдиган умуммиллий бойликдир.

Шунинг учун, давлат мулкининг бўлиши объектив заруриятдир. У давлат органлари фаолиятларини ташкил этади, уни бошқариб боради, унинг хавфсизлигини, муҳофаа соҳасидаги эҳтиёжларини, фан, санъат, адабиёт,

маданият ва ижтимоий соҳаларнинг ривожланишини таъминлайди ҳамда ижтимоий ҳимояланиши лозим бўлган шахслар ҳуқуқларининг муҳофаза этилишини кафолатлаб, табиий офатлар, фавқулодда ҳолатларга қарши кураш, уларнинг оқибатларини тугатиш, халқ хўжалиги тармоклари фаолиятини амалга ошириш, атом, ёнилғи энергияси ва бошқа соҳаларни бошқариб боришда ўзининг иктисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳуқуқий манба ва замин эканлигини ҳамда энг юқори бўлган мулк шаклини ташкил этади (хатто ҳажми нуктаи назаридан келиб чиқсак ҳам) бошқа мулк шаклларида фарқ қилади. Давлат мулкни ҳуқуқий томонидан тартибга солишда ва таснифлашда биринчидан унинг давлат мулки-умуммиллий бойликдир (умумхалқ бойлигидир) деган таснифдан келиб чиқиш лозим.

Иккинчидан давлат мулки-Ўзбекистон Республикаси ва Ўзбекистонга тааллуқли бўлган чет давлатлардаги мулкнинг ҳажми ҳисобида-ягона фондга эгаллиги асосида;

Учинчидан; Ўзбекистон Республикаси давлат мулкнинг якка-ю-ягона эгаси, Ўзбекистон халқининг эрки, иродаси ва манфаатларини ўзида мужассам этган Ўзбекистон давлатидир. Албатта, бу мулклар қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар ва ўзини-ўзи бошқариш органлари, идоралар ва бошқа ташкилий бирликлар мулкларига бўлинади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, давлат мулкни ўз навбатида икки маънода таърифлаш мумкин:

- а) давлат мулкнинг объектив маънодаги тушунчаси;
- б) давлат мулкнинг субъектив маънодаги тушунчасига.

Давлат ўз мулкидан суверен ва мустақил бўлган яъни халқ хоҳиши, эрки, манфаатини кўзлаб уни эгаллайди, фойдаланади ва тасарруф этади, шунингдек, ўзининг мулк ҳуқуқини ҳамда ўз ваколатларини ўзи белгилайди. Ҳар қандай бузилишликларни бартараф этишни ва уни ҳимоя қилишни ҳам ўзи амалга оширади. Бу тушунча, давлат мулкнинг субъектив маънодаги тушунчасини ташкил этади.

Оммавий мулк ҳуқуқининг моҳиятидан бири - Конституцияда ер, ер ости бойликлари, сув ўсимлик дунёси ва хайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар - умуммиллий бойликдир, деб эътироф этилиши ҳамда бу мулк ҳуқуқининг субъектлари - Ўзбекистон халқи эканлигидадир, яъни бу мулк кўпчилик шаҳарларда, вилоятларда, қишлоқ жойларида - Ўзбекистонда истиқомат қилувчи барча халқларнинг манфаатига, ирода ва эркига хизмат қилишлигидир.

Иккинчидан, бу мулкнинг моҳиятидан яна бири, умуммиллий бойликлардан оқилона фойдаланиш зарурлиги ҳамда улар давлат томонидан муҳофаза этилиши ҳамда бу мулкнинг мақсадга мувофиқ тайинланишлиги ва қонунсиз эгаллаб олган шахслардан уни қайтариб олишликдадир. Бу муносабатларга жиноий, фуқаровий ва маъмурий ҳуқуқий ҳимоя қилиш институтлари қўлланишлиги тақозо этилади.

Учинчидан, ижтимоий йўналтирилган, аҳоли манфаатларига бўйсундирилган иктисодиёт, мулкчилик шаклларининг ва хўжалик фаолияти

ташкилий-хукукий механизмларнинг хилма-хиллигининг қўлланишлиги ҳамда оммавий мулк ҳукукининг халқ эркини, иродасини ва манфаатларини кўзлашдан келиб чиқишлиги имкониятининг яратилиши;

Тўртинчидан, оммавий мулк ҳукукининг мамлакатимиз халқ хўжалигида тутган ўрни, асосий ишлаб чиқариш фондларининг яъни, транспорт ва алоқа, ҳарбий комплекс, социал-маданий объектлар ва бошқа давлатимизнинг ўзига хос бўлган мутлоқ мулкларининг мавжудлиги ҳам оммавий мулк ҳукукининг зарурийлигини таъкидлаш эҳтимоли;

Бешинчидан, ривожланаётган бозор иктисодиёти билан бир қаторда давлат корхоналари ҳам маҳсулот ишлаб чиқаришда ва уларни тақсимлашда фаол иштирок этади. Давлат ўз мулкларининг маълум бир қисмини давлат корхоналарига, муассасаларига хўжаликни бошқариш ёки оператив бошқариш ҳукуки асосида бериб, ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш ва уни тақсимлаш учун жавобгардир.

Оммавий мулкнинг асосий вазифаларидан бири эса, иктисоддаги мувозанатнинг бузилишига йўл қўймасликдир. Бу муносабатлар эса оммавий мулк ҳукукининг қатнашчилари, яъни субъектлари –юридик шахслари билан узвий боғлиқдир.

Давлат мулкига оид бўлган юридик шахслар ўз ҳаракатларини мустақил асосда амалга оширса ҳам, барибир, мулк ҳукукининг субъекти давлат бўлиб қолаверади. Давлатга оид юридик шахслар қанча самара кўрсатса, шунча оммавий мулк ҳукукининг моҳияти юқори даражага кўтарилаверади.

Оммавий мулк ҳукукининг моҳияти яна шундан иборатки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасига биноан, барча мулк эгаларининг ҳуқуқлари тенг ва ҳукукий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилиши эътироф этилган ва кафолатланилган. Лекин давлат муниципал мулкнинг оммавий, яъни барча жамият аъзоларининг эҳтиёжларини таъминлашга қаратилган бўлганлиги учун ва кўпчиликни ҳисобга олган ҳолда қонун билан хусусий мулкка нисбатан маълум даражада чеклашлар ўрнатилиши мумкин.

Масалан, баъзи турдаги мол-мулклар фақат давлатга тегишли бўлиши ёки улар қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳаракатда бўлишдан чекланган бўлиши мумкин.<sup>3</sup>

Ўзбекистон Республикасида бозор муносабатларининг янада шаклланиши натижасида давлатнинг иктисодиётга бўлган муносабати ўзгармоқда, ҳамда давлат мулкнинг моҳияти бутунлай янги тус олмоқда. Масалан:

а) Давлат халқ хўжалигини тўғридан-тўғри бошқарувчи органдан иктисодий муносабатларни тартибга солувчи органга айланаётганлиги;

б) мамлакатимизнинг барча ҳудудларидаги бозор муҳитининг бир хиллигини таъминловчи;

<sup>3</sup> Ҳожи-Ақбар Раҳмонкулов. Хусусий мулк ва унинг дахлсизлиги. Тошкент, «Адолат», 2000 йил, 14-15 бетлар.

в) барча иқтисодий фаолиятнинг субъектлари томонидан ўз ҳаракатларининг эркин амалга оширилишининг кафолатланаётганлиги;

г) товар, хизмат ва молиявий маблағлар эркинлигини, рақобат, курашини, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватловчи фаол ташкилотга айланиб, давлат мулкни ва у билан боғлиқ мулк шаклларида самарали фойдаланишга ундовчи органга ўз ўрнини бўшатиб бераётганлиги жараёнлари буни исботлаб бермоқда. Демак, мулкий муносабатлар иқтисодиётимизнинг асосий негизини яъни базасини ташкил этувчи иқтисодий-ижтимоий муносабатларнинг асосий қисмидир яъни муайян типдаги ишлаб чиқариш муносабатларининг характери ва синфий моҳияти ҳақида умумлашган тасаввур беради.

Юқоридагилардан келиб чиқиб-мулк- бу кишилар (субъектлар) ўртасида ишлаб чиқариш воситалари ва ашёлар тўғрисидаги муносабатлардир.

Мулк-бу табиат бойликлари, уларни ўзлаштирмасдан ашёга мулкка эга бўлиш мумкин эмас, демак бу табиат бойликларини ўзлаштириш (яъни мулкни вужудга келтириш, ундан фойдаланиш ва тасарруф этишдир).

Мулк иқтисодий ва юридик мазмунга эга бўлади. Юридик мазмун мулкнинг юридик тақдирини мулкни тасарруф этиш ваколати орқали амалга оширади.

### Қишлоқ хўжалиги соҳасида шартнома муносабатлари.

Фуқаролик ҳуқуқи ва процесси кафедраси  
катта ўқитувчиси, ю.ф.н. М.Акаева

Ўзбекистон Республикасининг мустақил бўлганлигига қисқача вақт бўлсада у ижтимоий, маънавий ва ҳуқуқий жиҳатдан жуда катта ютуқларга эришди. Бу ютуқда бозор муносабатларига босқичма босқич ўтиб боришни, кам таъминланган, ночор оилаларга давлат томонидан моддий ёрдам кўрсатишни ташкил этиш, иқтисодий жиҳатдан қийинчиликларга дуч келмасдан иқтисодимизни тиклаш фуқароларнинг ҳуқуқлари, ва эркинликларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқий давлатни барпо этиш соҳасида кўрилган чора-тадбирлар, уларга Президентимизнинг бевосита раҳбарлиги, Ўз куч-қудрати, меҳнатини аямай халқ бахт-саодати, Ўзбекистон мустақиллиги, равнақи йўлидаги фаолияти натижасидир.

«Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга асосий эътибор бериб келинди ва кейинги ҳаракатларимизда ҳам бу ҳол ўз устунлигини саклайди, - деб ёзади И.А.Каримов, - бугунги иқтисодиётимизда ва ижтимоий турмушда, бинобарин, сиёсатимизда ҳам қишлоқ соҳаси халқимизнинг фаровон ҳаёти, республикамизнинг таракқиёти ва ўсиш суръатларини ҳал қиладиган муҳим тармоқдир».<sup>1</sup> Шу сабабли Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалиги

<sup>1</sup> Каримов И. А. Ўзбекистон келажиги буюк давлат -Т: «Ўзбекистон», 1992, 20-21 бетлар.



алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, кишлок хўжалик ишлаб чиқариши билан боғлиқ шартнома муносабатларини ўрганиш муҳим роль ўйнайди.

Ривожланган мамлакатларда асосан шартнома асосида иш олиб борилмоқда. Чунки шартнома ҳамкорлик қилаётган икки тарафнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайдиган ҳуқуқий асос вазифасини бажаради.

Кишлоқ хўжалиги соҳасида шартномалар ҳар бир кишлок хўжалик корхонаси ва тайёрловчи ўртасида Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодекси, «Хўжалик юритувчи субъектларнинг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги ва бошқа қонун ҳужжатлари талабалари асосида тузилиши таъминланади.

Ҳозирги кунда, «кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш тизими тубдан ўзгармоқда, фермерлик кишлокда хўжалик юритишнинг энг истикболли ва самарали шакли сифатида етакчи ўрин эгалламоқда»,<sup>2</sup> - дейди. Президентимиз И.А.Каримов ўзининг маърузасида.

Ҳақиқатдан ҳам бугунги кунда фермерлик ҳаракати кенг кулоч ёймоқда.

Лекин, ана шу фермер хўжалигини бошқараётган фуқаролар шартномалар тузишда турли хил муаммоларга дуч келмоқда.

Масалан; кишлок хўжалиги соҳасидаги шартномалар тайёрловчи, таъминотчи, хизмат кўрсатувчи сифатида иштирок этувчи тарафлар кўп ҳолларда товар бозорида монопол ташкилот ҳисобланади. Бу эса шу корхоналар иштирокидаги шартномаларда нархларни белгилашнинг ўзига хос хусусиятларини намоён этади.

Жумладан, кишлок хўжалигини кимёвий воситалар билан таъминловчи, агрокимё хизмати кўрсатувчи «Кишлоқхўжаликкимё» корхоналари маҳаллий ва республика товар бозорларида монопол ташкилот сифатида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997-йил 31-мартдаги «Товарлар бозорида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган «нархлар (тарифлар)ни шакллантириш ва қўлланилишини назорат қилиш тартиби» га муофик кимёвий маҳсулотларни кишлок хўжалик корхоналарига етказиб беришда уларнинг устама нархини мустақил белгилай олмайди. Кимёвий маҳсулотларнинг устама нархи молия идоралари томонидан белгиланади.

Таъминотчи мустақил равишда молия идоралари томонидан белгиланган устама нархларни оширишга ҳақли эмас.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 356-моддасида «шартнома тузилгандан кейин баҳони ўзгартиришга қонун ҳужжатлари ёки шартномалар назарда тутилган ҳолларда ва шартларда йўл қўйилади», деб белгиланган.

Шу сабабли биринчи навбатда қатъий баҳо кўрсатилиб тузилган шартномаларга томонларнинг келишуви билан «маҳсулот таннархини

<sup>2</sup> Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадларимиз жамияти демократлаштириш ва янгилаш мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т: «Ўзбекистон» 2005 йил 70-бет.

ташкил этувчи ҳаражатлар ортган тақдирда томонларнинг келишуви билан маҳсулот баҳоси ўзгартирилади, деган мазмунда кўшимча киритиш керак.

Ёки бошқа шартномаларда ҳам, мисол учун контрактация шартномасида ҳам шартноманинг муҳим шартларида кўпгина фақат маҳсулот миқдорини белгиланади, умумий сумма кўрсатилмайди. Натижада ҳўжалик тайёрловчидан аниқ суммада ифодаланган бўнакни ва тўлов кечиктирилганлиги учун пеняларни ундириш учун аниқ ҳисоб-китоб тайёрлай олмайди.

Шунинг учун шартномада фақат миқдорни эмас, балки умумий суммани ва бўнакнинг аниқ суммасини ҳам кўрсатиш лозим.

Хулоса қилиб айтганда, кишлоқ ҳўжалиги бошқа соҳалардан фарқли ўларок, асосан ҳосилдан бошқа даромад манбаига эга эмас. Шу сабабли, кишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги шартномаларни тузишда ҳисоб-китоб тартиби ва шартнома шартлари, муддатини белгилашда кишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари ҳосилини йиғиштириб олиш яқунлари асос сифатида олиниши мақсадга мувофиқ бўлади.

### Суд-ҳуқуқ ислохотларини амалга оширишда фуқаролик процессуал ҳуқуқи фанини такомиллаштиришнинг ҳуқуқий асослари

Юридлик фанлар номзоди Т.Д.Ю.  
"Фуқаролик процессуал ҳуқуқи"  
кафедраси доц. в.б. З.Н.Эсанова

Бугунги кунда суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотлар кенг миқёсда амалга оширилмоқда. Бу борада мамлакатимизда жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этиш ҳақидаги Концепция ишлаб чиқилган эди. Суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотларнинг бош йўналишлари ва тамойиллари Мустақиллик даврида Олий Мажлиснинг 1991-2006 йиллардаги сессияларида белгилаб берилди ва у босқичма-босқич амалга оширила бошланди. Ислохотларнинг босқичма-босқич ўтказилишида жаҳоннинг кўп мамлакатларининг илғор тажрибалари, халқаро ҳуқуқ нормалари асос қилиб олинди. Ушбу сессияларда қабул қилинган қонунларнинг, шунингдек Президент Фармонларининг асосий мақсади суд ишларининг адолатли ва ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлаш, суд тизимини янада демократлаштиришга қаратилган.

Суд-ҳуқуқ ислохотларининг амалиётга татбиқ этилишини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқарилган Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, махсус қонунларимиз ва қонун ости меъёрий ҳужжатларимизнинг барчаси Фуқаролик процессуал ҳуқуқи фанига оид дарслик, ўқув ва ўқув услубий қўлланмаларда, шунингдек фанга доир намунавий ва ишчи ўқув дастурларида ўз ифодасини топиши даркор. Фанни ўқитиш жараёнида вужудга келган фикр-мулоҳазалар, илмий тадқиқот натижалари сифатида тайёрланаётган хулоса ва тақлифлар мавжуд қонунларимизга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек

тайёрланаётган конун лойиҳалари конунчиликни такомиллаштиришга хизмат қилиши табиий, шу максал йўлида умумлаштирилган хулоса ва таклифлар Олий мажлиснинг Конунчилик палатасига, Ўзбекистон Республикаси Олий судига ҳамда тегишли ташкилотларга юборилмоқда.

Фаннинг замон талабларига мос келишини таъминлаш мақсадида олдимизда унинг ҳуқуқий асослари яъни манбаларини ўрганиш, уни такомиллаштириш талаб қилинади.

Мазкур мақсадлар йўлида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 14 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг суд тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони эълон қилинди ва 2001 йил 1 январдан бошлаб ихтисослаштирилган жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича судлар ташкил топди. 2000 йил 14 декабрда “Судлар тўғрисида”ги янги таҳрирдаги конун ишлаб чиқилди ва Фуқаролик-процессуал кодексига 2000 йил 14 декабрдаги ўзгартириш ва қўшимчалар асосида апелляция, кассация институтларига оид янги боб киритилди. Шунингдек, Фуқаролик процессуал кодексига Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 12 декабрдаги Конуни билан 20\* боб сифатида буйрук тартибида иш юритиш киритилиб, фуқаролик суд ишларини юритиш турлари кенгайтирилди, шу билан биргаликда 2006 йил 17 мартдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судғяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича Олий малака комиссияси фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони<sup>1</sup> қабул қилинди.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда суд-ҳуқуқ тизимида амалга ошириладиган ислохотларнинг натижалари ва уларнинг амалиётга тадбиқ этилиши етакчи ўрин тутмоқда. Кейинги пайтларда фуқаролик-процессуал ҳуқуқ тизимида барқарор ривожланишнинг истиқболлари сифатида сиртдан иш юритиш, апелляция инстанцияси фаолияти, буйрук тартибида иш юритиш институтлари вужудга келди. Чунки хорижий ва МДХ давлатлари тажрибасидан келиб чиққан ижобий жиҳатлар ушбу нормаларнинг кириб келишига асос яратди. Республикада суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашнинг бир шакли сифатида фуқаролик ишлари бўйича ихтисослашган туманлараро ва туман (шаҳар) судлари ташкил топди. Судлар олдида конунийлик ва адолат тушунчалари суд фаолиятининг асоси сифатида белгилаб қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ тизими тарихида дастлаб 1997 йил суд буйруги институти Хўжалик процессуал кодексига киритилган эди. Суд амалиёти таҳлилидан маълумки, бу институтлар деярли яхши натижа берди. Юридик шахслар ўртасидаги айрим низолар мазмунан кўрилмасдан суд буйруги чиқариш йўли билан ҳал қилиниб келинди.

Буйрук тартибида иш юритиш Фуқаролик процессуал кодексига 2003 йил 12 декабрдаги конун билан киритилган.<sup>2</sup> 2006 йил 3 февралда эса

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2006. 12-13 сон, 101-молда.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 2004 йил, 1-2-сон, 18-молда.

“Буйрук тартибида иш юритишни тартибга солувчи конун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги Пленум қарори қабул қилинди.

Қонунчилик палатаси томонидан “Ҳакамлик судлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни 2006 йил 8 февралда қабул қилинди ва Олий Мажлис Сенатининг 2006 йил 25 августда бўлиб ўтган 7- мажлисида маъқулланди ва 2007 йил 1 январдан эътиборан амалга киритилди. Мазкур қонуннинг қабул қилиниши ўз навбатида жамиятимизда суд-ҳукук тизимидаги ислохотларни янада чуқурлаштириш, қолаверса, иктисодий ислохотларнинг амалиётга тадбиғини йўлга қўйиш, низоларнинг тааллуқлилигига қараб ўз вақтида суд ва бошқа ваколатли органлар томонидан ҳал қилинишини таъминлаш мақсадларига қаратилган.

2001 йил 29 августда Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди ва 2002 йил 1 январдан эътиборан амалга киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси судлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори эълон қилинди ва шунга қўра, Республикамизда Суд департаменти ташкил топди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 31 августда ПК-458 сонли Қарори “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори эълон қилинди ва суд департаменти тизими янада такомиллаштирилди.

Ушбу қарорга биринчи илова сифатида “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти тўғрисида”ги Низом ишлаб чиқилди.

Кейинги пайтларда Суд департаменти фаолиятига ҳам давлатимиз томонидан катта эътибор қаратилиб, уларнинг таркибий тузилмаларига ўзгартиришлар киритилди.

Фаннинг ҳуқуқий асосларини яратиш ва уни ривожлантириш билан бирга, фанни ўқитишнинг услубий жиҳатларини ҳам такомиллаштириш тақозо этилмоқда.

Биринчидан, Фуқаролик процессуал ҳуқуқи фанини ўқитиш билан бирга “Фуқаролик процесси” кафедраси ва бошқа махсус кафедралар билан биргаликда бакалавр ва магистратура йўналишидаги талабаларга “Ижро ишини юритиш”, “Нотариат”, “ФХДЁ органларида иш юритиш”, “Уй-жой ҳуқуқи”, “Фуқаролик ишлари бўйича процессуал актлар” махсус курсларини ўқитишни параллел равишда олиб бориш;

Иккинчидан, дарс жараёнида янги технологиялар, слайд ва схемалар, таркатма материаллар, интерактив усуллар асосида дарс жараёнини ташкил қилиш;

Учинчидан, мунтазам равишда назария ва амалиёт бирлигини таъминлаш, “Суд жараёнлари” ўтказиш, очик дарсларга амалиёт

ходимларини жалб этиш, талабалар билан амалиёт ходимлари иштирокида конференциялар, учрашувлар ўтказиш;

Тўртинчидан, кафедра ва аҳолига хукукий хизмат кўрсатувчи юридик клиникалар ҳамкорлигини йўлга қўйишилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

## Роль и место Национальной инновационной системы в развитии науки и производства

ТДЮИ "Фуқаролик процессуал ҳуқуқи"  
кафедраси доц.в.б. ю.ф.и. З.Н.Эсанова

Центр проблем укрепления законности и  
повышения квалификации прокурорско-  
следственных работников Генеральной  
прокуратуры Республики Узбекистан,  
к.э.н., доцент А.А.Артыков

Успех любой страны в социально-экономическом, политическом и технологическом развитии во многом зависит от эффективности включения индивида, предприятий в инновационный и научно-технический процесс<sup>1</sup>. В условиях, когда создана глобальная информационная сфера, направленная на генерирование знаний, основой которого является сетевой принцип, позволяющий формировать транснациональные инновационные структуры. Эти структуры обеспечивают тесное взаимодействие всех участников процесса – научных лабораторий и производственных цехов, маркетинговых структур и конструкторских бюро, сфер деловых услуг, финансовых институтов и потребителей. Как нам известно, сетевые принципы предполагают наличие тесных прямых и обратных связей во взаимодействиях всех участников, которые обеспечивают синергетический эффект, без которого инновационное развитие невозможно.

Инновационная сеть с одной стороны ведет к созданию новой системы разделения труда в глобальном и национальном уровнях, с другой стороны формирует качественно новые отношения между общественными и государственными институтами.

Анализируя формировавшуюся новую систему разделения труда, некоторые ученые выделяют четыре его основных вида:

– производство высокостоймостной продукции, связанные с наукоемкой технологией;

<sup>1</sup> См.: Гарантия нашей благополучной жизни - построение демократического правового государства, либеральной экономики и основ гражданского общества Доклад Президента Республики Узбекистан И.Каримова на заседании Кабинета Министров, посвященном итогам социально-экономического развития страны в 2006 году и важнейшим приоритетам углубления экономических реформ в 2007 году // Народное слово, 13 февраля 2007 г.

– выпуск массовой продукции, конкурентоспособность которой на мировом рынке определяется относительно низкими издержками рабочей силы;

– производство сырья;

– невостребованный в современных условиях труд<sup>2</sup>.

Эти типы труда присутствуют в той или иной мере во всех странах и регионах мира, но в ней существует огромные диспропорции. По данным российского издания «Экономика и жизнь» доля отдельных стран в наукоемкой продукции выглядит следующим образом: 39 процентов его принадлежит США, 30 процентов – Японии, 16 – Германии и лишь 0,3 процента приходится на долю России<sup>3</sup>.

Диспропорции эти вызваны не столько с разным объемом человеческого капитала в названных странах, сколько разным уровнем развития инновационных систем и их инфраструктур, позволяющие реализовать тесное взаимодействие науки, финансовой сферы, производства и подготовки кадров.

За последние годы в Республике Узбекистан доля наукоемких производств начал увеличиваться, однако, их удельный вес, в общем объеме промышленного производства, остается все ещё низким. Слабое внимание уделяется инновационным процессам, развитию инновационных инфраструктур<sup>4</sup>.

Непременное условие активизации инновационного процесса заключается в создании необходимых правовых норм, стимулирующих предприятия к разработке и применению новых видов продукции. Сюда относятся, в частности, налоговые льготы, информационное обеспечение, защита авторского права и интеллектуальной собственности. Такая система правовой поддержки функционирует во всех развитых странах, а в нашей республике она находится в стадии формирования.

Успех любой страны в инновационном развитии во многом зависит от взаимодействия его основных факторов. К этим факторам можно отнести:

А. Факторы производства. К ним относятся: материальные ресурсы; финансовые ресурсы; человеческий капитал.

Б. Стратегию предприятия, фирмы.

В. Наличие родственных отраслей: а) конкурентоспособные на внутреннем рынке; б) конкурентоспособные на внешнем рынке;

Г. Характер спроса внутреннего рынка.

Д. Социальный капитал.

Е. Объем венчурного капитала.

Ж. Патентная система.

<sup>2</sup> См. Кастеллс М. Информационная эпоха. – Москва, 2002.-с.153.

<sup>3</sup> См. «Экономическая газета», 14 апреля 2002 - с.3.

<sup>4</sup> См. Постановление Президента Республики Узбекистан «О мерах по совершенствованию координации и управления развитием науки и технологий» от 7 августа 2006 г. // Народное слово, 2006 г., 8 августа.

3. Правовые нормы непосредственно или опосредственно регламентирующую научную и научно-техническую деятельность.

Среди этих факторов важное место занимает финансы. Рост ассигнований на НИР дают импульс инновационному развитию страны.

Инновационное развитие страны может осуществляться в рамках определенной структуры. Им может быть, как нам кажется – Национальная инновационная система (НИС). В основу концепции НИС заложен отказ от упрощенной модели формирования и развития интеллектуального потенциала общества. НИС и его реализация направлена на достижения, в конечном счете, ускоренного социально-экономического развития страны.

Формирование НИС – это ответ на вызов глобализации. Глобализация за последние годы актуализирует роль человеческого капитала в современном социально-экономическом развитии. Глобализация является процессом стирания границ между национальными рынками, интеграции финансовых и других инструментов, участников рынка, органов регулирования, механизмов торговли, стандартизации их правил и т. п. Но, мы должны отметить, что за последние годы возрастает значение национальной базы, которые годами складывалась в стране – это сложившаяся система образования, научных школ, информационных сетей, институтов, традиций, культуры и системы ценностей. Процесс подготовки квалифицированных трудовых ресурсов и особенно высококвалифицированных специалистов, которые наряду с множественными факторами, влияют на темпы инноваций, детерминированы местным происхождением.

НИС предполагает вместо линейной зависимости «наука- образование - производство - потребление» рассматривает комплекс прямых и обратных связей внутри саморазвивающейся системы, которую можно изобразить следующим образом:



палласида-мустакилликни мустахкамлаш бурчи туради. Агар бу уйда ёки ишхонада бузилса, адолат, инсоф, меъёр бузилади.

Хуқук ва бурч-нафас олиш ва нафас чикаришга ўхшайди. Хуқукий талаб қилиб, бурчни унутиш ёки бурчга амал қилиб, хуқуқни унутиш, бу нафас олишнинг тўхташи каби ҳалокатлидир.

Мустакилликни ҳимоялаш-шахснинг хуқуқи ва айни пайтда жамият, давлат олдидаги бурчи, десак мукамал бир ҳолат номоеън бўлади. Демак, Ватан, Давлат, Мустакиллик ҳимояси масаласида хуқук ва бурч бирлашиб кетади. Зеро, Ватанни севмок-иймондандир, иймон эса-муқаддасдир.

Диний экстремизм ва унинг террорчи тўдалари Аллоҳни, унинг Расулини тан оладилар. Бирок, айтганларига тўғридан-тўғри зид иш қиладилар.

Халифалик Арабистон ярим оролида пайдо бўлган. Ўз ватанида рад этилган халифалик гоёсини нега Ўзбекистонга тикиштиради.

Исломи дини миллий маданиятимиз таркибига сингиб кетганлиги туфайли ҳам у ҳатто шўронинг шафқатсиз сиқувларидан, қирғинларидан асраб олиб ўтилди.

Эътибор беринг: Имом Ал-Бухорий, Мотуридий, Баҳоуддин Накшбанд, Ат-Термизий меъморий мажмуаларини таъмирлаш, ўтган йили эса Хожа Аҳроф Валий таваллудига бағишланган тадбирлар давлат ҳисобидан амалга оширилди. Зеро, мустикал Ўзбекистон-дунёвий давлат, лекин даҳрий давлат эмас. Ўзбекининг мусулмонлигида-миллийлик, миллийлигида мусулмонлик мужассам.

Бизнинг бугунги кунгина эмас, эртани ҳам, ундан кейинни ҳам ўйлаётганимиз, лицей, мактаблар учун мисли кўрилмаган маблағлар жалб этиб, ёшларни келажагини яратаётганимиз ганимларни кўрқувга солмоқда.

Болаларни давлат бепул ўқитаётир. Эртага йўлини топсин деб, йигит-қизлар юзлаб касб-хунар коллежлари, лицейларда ўқиб таълим олмоқдалар. Бунинг учун давлат бюджетидан жуда катта сармоялар ажратилляпти.

Биргина 2006 йил, яъни «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» га бағишлаб бажарилган дастур ижроси учун қарийиб 284 миллиард сўм, жумладан, 133 миллиард сўм бюджет маблағи, 151 миллиард сўм ташкилот ва ҳомийлар томонидан сарфланди.<sup>1</sup>

Шундан 64 миллиард сўми умумтаълим муассасаларига: мактаблар, академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари қурилишига, моддий техника базасини мустахкамлаш, уларни капитал таъмирлаш ва жиҳозлашга сарфланган.

Мустикалликни асраб-авайлаш, ҳимоя қилишда миллий гоёнинг ўрнини бошқа бирон-бир омил боса олмайди. Шу нуқтаи назардан давлат сиёсатининг устивор йўналишлари, мақсад ва вазифаларини маънавий жиҳатдан таъминлаш, бугунги кунда мамлакатимиз тақдири учун ўта долзарб масаладир.

<sup>1</sup> «Халқ сўзи» газетаси. 2006 йил 9 декабр.



Демак, миллий ғояга ишонч ва эътиқод канча мустақкам бўлса, ҳуқуқий, демократик жамият қуриш фуқароларнинг шахсий, оилавий ҳаётида, ижтимоий ҳаётнинг барча жабхалари орқали мустақилликни мустақкамлаб боришга хизмат қилади.

## Интернет тармоғида фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар

ЎЗМУ, ю.ф.н. В.Топилдиев

Фуқаролик-ҳуқуқий муносабат деб, шахслар ўртасида бўладиган ва фуқаролик-ҳуқуқий нормалар билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатга айтилади. Шахслар ўртасида тузиладиган олди-сотди, махсулот етказиб бериш, бирон-бир ишни бажариш, ижара, қарз тўғрисидаги шартномалар фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар жумласига киради.

Цивилист олимларимиздан профессор И.Б.Зокировнинг фикрича «Фуқаролик-ҳуқуқий муносабат. ижтимоий муносабат сифатида энг аввало, шахслар, кишилар ўртасидаги муносабат бўлганлиги учун унда қатнашувчиларнинг эрки-иродасидан вужудга келади. Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатда ифодаланган шахсларнинг эрқлари, турли-туман манфаатлари давлатнинг фуқаролик-ҳуқуқий нормаларида ўз ифодасини топади».

Бундан ташқари етук ҳуқуқшунос олимларимиздан бири Р.Рўзиев фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида қуйидаги фикрларни илгари сурган. «Фуқаролик – ҳуқуқий муносабатлар деб, шахслар ўртасида бўладиган ва фуқаролик – ҳуқуқий қоидалар билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатга айтилади. Фуқаролик – ҳуқуқий муносабатлар шу муносабатларда қатнашувчи шахсларнинг эрки бўйича вужудга келади. Фуқаролик – ҳуқуқий муносабатлари, давлат қорхоналари ўртасида, давлат қорхоналари билан фуқаролар ўртасида, фуқаролар билан фуқаролар ўртасида вужудга келади».<sup>2</sup>

Интернет тармоғида фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги муаммоларни Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик ҳуқуқи фани ва фуқаролик қонунчилиги асосида ўрганишда биз Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексининг 2-моддасида белгилаб қўйилган фуқаролик қонун ҳужжатлари фуқаролик муомиласи иштирокчиларининг ҳуқуқий ҳолатини, мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқларнинг, интеллектуал фаолият натижалари бўлган ҳуқуқларнинг вужудга келиш асосларини ҳамда уларни амалга ошириш тартибини белгилайдиган, шартнома мажбуриятлари ва ўзга мажбуриятларни, шунингдек бошқа мулквий ҳамда у билан боғлиқ шахсий номулкий муносабатларни ва фуқаролик ҳуқуқининг предметиға тегишли бўлган бошқа муносабатларни назарда тутамиз.

Фуқаролик ҳуқуқи Ўзбекистон Республикасида амал қилувчи ҳуқуқ тизимини асосий соҳаларидан бири бўлиб, мамлакатимизда иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш, бозор иқтисодиёти муносабатларига

<sup>1</sup> И.Б.Зокиров. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ҳуқуқи. Т., «Адолат» 1996 й.

<sup>2</sup> Р.Рўзиев. Фуқаролик ҳуқуқи. Т., Фалсафа ва ҳуқуқ институти. 2005 й. 7-бет.

Ўтиш даврида фуқаролар ва бошқа ҳуқуқ субъектларининг моддий ва маънавий эътиёжларини янада тўлароқ кондириш мақсадида мулкрий муносабатларни ва мулкрий характерда бўлмаган шахсий муносабатларни тартибга солиш ташкилий ҳуқуқий муносабатларни мустаҳкамлашга қаратилган ҳуқуқий нормалар йиғиндисидан иборатдир.

Фуқаролик ҳуқуқининг предмети сифатида ижтимоий муносабатларнинг қайси бири интернет тармоғида ўз ўрнига эга бўлиши мумкинлигини кўриб чиқайлик.

Мулкрий муносабатлар деганда иктисодий муносабатлар, яъни ишлаб чиқариш воситалари, истеъмол буюмлари, умуман киши меҳнатининг ҳар қандай маҳсулотларини барпо этиш, эгаллаш, фойдаланиш ва тасарруф этиш билан боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатлар тушунилади. Бунда меҳнат қуроллари ва ишлаб чиқариш воситаларининг мажмуи ишлаб чиқариш воситалари ҳисобланади. Мулкрий муносабатлар икки асосий гуруҳга табақаланади;

- муайян шахслар томонидан у ёки бу моддий неъматнинг ўзиники қилиб олганликда ифодаланувчи мулкрий муносабат:

- моддий неъматнинг бир шахсдан бошқасига ҳаракатланишини акс эттирувчи ва ашёларнинг ижтимоий алмашинувини ифодаловчи муносабат.

Интернет тармоғидагидаги муносабатларни кўриб чиқиш ва таҳлил қилишда улар орасида моддий неъматнинг бир шахсдан бошқа шахсга томон ҳаракатини ифода этувчи мулкрий муносабатни кўрамиз. Бу тўғрисида мисол келтиришга (Activ Media) статистикаси яққол гувоҳлик беради. Унга кўра 1999 йилнинг ўзидаёқ интернетдаги товарлар ва хизматларнинг электрон сотуви 66 млрд. долларни ташкил этган.<sup>3</sup>

Бундан ташқари пўлат сотиш бўйича дунё микёсидаги етакчилар, пўлат савдосини амалга ошириш бўйича ҳалқаро биржаларни тузиш ва бирлашиши ҳақидаги маълумотларни интернет тармоғи орқали эълон қилади.<sup>4</sup>

Шубҳасиз бир қатор юқорида айтиб ўтилган статистикани аниқлашда эътиборга олинган товарлар ҳаракати ва хизматлар кўрсатилиши тармоқда эмас реал моддий оламда юз берган. Лекин шундай муносабатлар ҳам борки, бунда товарнинг ўрнида ахборот майдонга чиқади, яъни ахборот интернетнинг ўзидан сотиб олинади ва узатилади. Мисол тариқасида «Рос Бизнес Консалтинг» (РАА)ни келтириш мумкин. Мижозларнинг кўпчилиги ундан ахборотни – РАА (РБК) нинг асосий товарини – интернет орқали сотиб олади. Мазкур ижтимоий муносабат юзага келадиган ахборот шахслар, ашёлар, фактлар, ходисалар, воқеалар ва жараёнлар ҳақидаги маълумот уларнинг берилиши томонидан қатъий назар ҳисобланади. Ахборот эса маълумки, фуқаролик ҳуқуқининг объекти ҳисобланади.

«Ашёлар ижтимоий алмашинуви»ни ифода этувчи муносабат уларни жамият субъектлари ўзлаштириш муносабатларисиз юзага келмайди ва ривожланмайди. Шунга кўра РБК билан ҳам мулкрий муносабат бошланғич

<sup>3</sup> Опарин А. Электронная коммуникация на пороге 3 D // e Commerce World 2000 № 5-6. С. 33.

<sup>4</sup> Рожкова М. Биржи бьются за металл в Интернет // Ведомости. № 81. 163, 2000.

холат ҳисобланади. Мижозларга ахборот сотувини амалга оширар экан агентликнинг эгаси-мулкдор ҳисобланади. Албатта, ахборот янгиликларнинг ҳаммаси ҳам ҳуқуқий хусусий мулк бўла олмайди. Лекин унинг муайян электрон тарзидаги компоновкаси, шу компоновкага киритилган мулғтимедия ресурслари, ахборотлар архиви, ихтисослашган ахборот тизимлари – буларнинг барчаси – маълумотлар жамгармасини ташкил этади ва булар фуқаролик муомаласида объект ҳисобланади. Шундай қилиб, ҳулоса чиқариш мумкинки, Интернет тармоғида фуқаролик ҳуқуқининг предмети таркибига кирувчи мулкӣ муносабат мавжуддир.

Бундан ташқари интернет тармоғида фуқаролик ҳуқуқи билан тартибга солинадиган номулқӣ муносабатлар бор-йўқлигини кўриб чиқамиз. Маълумки, фуқаролик ҳуқуқининг предмети таркибига кирувчи номулқӣ муносабатлар уч асосий гуруҳга бўлинади:

- номулқӣ маънавий неъмат сабабли юзага келувчи муносабатлар;
- ижодий фаолиятнинг объекти сабабли юзага келувчи номулқӣ муносабатлар (уларни яратиш ва улардаги фойдаланиш туфайли);
- ташкилий муносабатлар,

Мулкӣ муносабатлар билан боғлиқ бўлмаган шахсий номулқӣ муносабатлар юзага чиқадиган номоддий маънавий неъматлар бўлиб, инсоннинг ҳаёти ва соғлиги, шаъни ва кадр-қиммати, шахсий дахлсизлиги, ишчанлик обрўси, шахсий ҳаётининг дахлсизлиги, хусусий ва оилавий сири, номга бўлган ҳуқуқи, муаллифлик ҳуқуқи, бошқа шахсий номулқӣ ҳуқуқлар ва бошқалар ҳисобланади. Буларнинг барчасига эга бўлиш шахс билан яғни, фуқаролик ҳуқуқӣ муносабат субъекти билан чамбарчас боғлиқ, демак, фуқаролик муомаласида иштирок этмайди. Фуқаролик ҳуқуқи сингари номоддий неъматларни ўзига хос бўлган воситалар, билан химоя қилади. Масалан, улар эгасига ўз ҳуқуқларига путур етказувчи хатти-ҳаракатларни олдини олиш тўғрисида судга даъво аризаси билан мурожаат қилиш имқонини беради. Фуқаролик кодексининг 100-моддасида кўрсатилган фуқаронинг ёки юридик шахснинг шаън, кадр-қиммат ва ишчанлик обрўсини химоя қилишдан иборат. Ҳамда қонунчилик билан химоя қилинадиган ҳуқуқӣ, шунингдек манфаатлар бузилишига олиб келувчи хатти-ҳаракатлар шундай ҳол ҳисобланади. Буни интернет тармоғида амалга ошириш номоддий неъмат сабабли юзага келувчи шахснинг номулқӣ муносабатларининг унда мавжудлигига йўл, қўйилиши ҳақида ҳулоса чиқаришга имқон беради. Бу ҳол фуқаролик кодексининг 100-моддасининг 6-бандида аниқ белгилаб қўйилган. Унда ҳуқуқ ва қонун билан химоя қилинадиган манфаатларнинг бузилиши, бошқа шахсни ҳуқуқи ва қонунӣ манфаатлари бузилишига олиб келган шахсни аниқлаш мумкин бўлмаган ҳолларда ҳам аниқ белгилаб қўйилган, чунки тармоқда тарқатилган ахборот аноним бўлиши ҳам мумкин.

Ижодий фаолият объектлари сабабли юзага келувчи номулқӣ муносабатлар, ақлий меҳнат маҳсули ҳисобланмиш объектларни яратиш ва улардан фойдаланиш туфайли юзага келади. Бу объектлардан фойдаланиш

имкониятлари мавжудлигини, уларнинг фуқаролик муомиласида мустақил, ўзлари яратган шахсдан ажралган ҳолда бўлишлари билан изоҳлаш мумкин.

Web-саҳифа шундай объектлардан ҳисобланади, булар, маълум маънода, инсон ижодий фаолиятининг натижаси, ақлий меҳнат маҳсулидан иборатдир. Демак, улардан фойдаланиш, уларни узатиш ва қайта ишлаш бўйича муносабатлар-ижодий фаолият объекти сабабли юзага келадиган номулкий муносабатлардир.

Ташкилий муносабатларни фуқаролик ҳуқуқининг предмети таркибига киритилишига кўпчилик қўшилавермайди, бир тарафни иккинчи тарафга маъмурий бўйсунушига асосланмаган тарафларнинг тенглик тамойилига асосланган бу муносабатларни фуқаролик ҳуқуқининг предмети тааллуқли эканлиги тўғрисидаги фикр-мулоҳазани О.Красавчиков билдирган эди. У уларни фуқаролар ва ташкилотлар ўзаро алоқаларини ва уйғунлашувини ташаббусларни ривожлантириш жараёнида тартибга солиш бўйича қонунда қўзда тутилган фаолият чегарасида амалга оширилишини ифода этувчи қатнашчилар тенглиги асосига асосланган тарзда таърифлайди. Шу билан бирга, фуқаролик ҳуқуқи билан тартибга солинадиган ташкилий муносабатлар, одатда мулкий муносабатлар билан боғлиқ кейингилар учун хизмат вазифасини ўтайди.

Ташкилий муносабатлар мисол тариқасида сотувчининг товарга учинчи бир шахснинг ҳам ҳуқуқи борлиги ҳақида харидорни огохлантириш бўйича мажбурияти тарзидаги, фуқаролик ҳуқуқий муносабат қатнашчиларининг ташкилий ахборот олиш ҳуқуқи ва мажбуриятларини келтириш мумкин. Учинчи шахс ҳуқуққа эга сотувчи ва олувчини албатта огохлантириш керак. Огохлантириш интернетда ҳам амалга оширилади, зеро у тармоқда содир бўладиган товар олди-сотдиси билан боғлиқ.

Бошқача йўл билан харидор ўз вақтида хабардор қилиниши мумкин эмас. Бундай ҳолат интернетда ҳам ташкилий муносабатлар мавжуддир дейиш учун асос бўла олади.

Фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар хусусидаги нуқтан назарлардаги мавжуд қарама-қаршиликни таҳлил этишга тўхталмай, бир овоздан қабул қилинган қоидадан унинг таърифи сифатида фойдаланамиз. У фуқаролик ҳуқуқи меъёрлари билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатдан иборатдир.

Интернет тармоғида шаклландиган ва ривожландиган фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар уларга ўз таъсирини ўтказди, сифат жиҳатдан ўзгартиради ва тармоқдан ташқари шаклландиган ҳамда ривожландиган шундай ҳуқуқий муносабатлардан фарқланади.

Анъанавий тарзда қуйидагилар фуқаролик ҳуқуқий муносабатларнинг унсурлари(элементлари) деб аталади: субъектлар, объектлар ва мазмун.

Қуйидагилар фуқаролик ҳуқуқининг объекти ҳисобланади; буюмлар, пул ва қимматли қозғалар; бошқа мулклар, шу жумладан мулкий ҳуқуқ; ишлар ва хизматлар; ахборот; ақлий меҳнат натижалари, шу жумладан уларга бўлган мутлоқ, ҳуқуқ (ақлий мулк); номоддий неъматлар. Айтиб ўтилганларнинг барчаси, шу жумладан Интернетда шаклланаётган ва

ривожланаётганлари ҳам, фукаролик ҳукукий муносабатлар ҳисобланади. Интернет тармоғидаги фукаролик ҳукукий муносабатларни янада тўларок англаб етиш учун унинг вужудга келиш шароитини кўриб чиқамиз. Ҳукукий муносабатлар вужудга келиши учун бошланғич омиллар мужмуи бўлиши лозим. Ҳуқуқ меъёри субъектларнинг ҳуқуқий қобиллик юридик факт шундай меъёрлардан бўлиб ҳисобланади.

Ҳуқуқий қобилликдан ташқари фукаролик ҳуқуқий муносабатларнинг субъектлари объектив имкониятга эга бўлиши-интернетда шаклланаётганда ва ривожланаётганда мазкур муносабатларда қатнашиш имконига эга бўлиши керак. Бунинг учун улар интернетни кўра олиши, ўз фукаролик ҳуқуқини амалга ошира олиши ҳамда тармок талабларини бажариши керак.

Интернетдаги фукаролик ҳуқуқий муносабатлар динамикаси яна бир омил билан боғлиқ. Тармокдаги маълумотлардан фойдаланиш, уларни қайта ишлаш ижтимоий муносабат турларининг юзага чиқишига олиб келади. Уларнинг ўзига хос жиҳатлари уларни алоҳида технологик таъминоти, моддий техника воситалари, компьютерлар, қурилмалар, энергия манбаи вазифасини бажаради ҳамда дастурий таъминотда намоён бўлади. Бунда улар интернет тармоғидаги фукаролик ҳуқуқий муносабатларнинг ҳар бир иштирокчисига ўз иродасини аниқ акс эттириш ва контрагентлардан истаган биттасини мутлоқ муаллифлаштириш (идентификациялаш) имкони таъминланиши керак. Ҳозирги вақтда фукаролик ҳуқуқий муносабатларнинг қатнашчилари бундан маҳрумдирлар. Ҳусусан тармокда олди-сотди бўйича битим тузишда томонлар, уларнинг истагидан қатъий назар, контрагентларнинг реквизитли ва асл нусхадаги имзоли ҳужжатларни қолдирмаслиги мумкин, булар аудидалик сифатида тақдим этилиши мумкин. Бундан ташқари ҳар икки томоннинг шахси сохталаштирилиши ҳам мумкин. Бундай вазиятда ҳуқуқий тартибга солишнинг таъсирчан воситаси йўқлиги туфайли қонун интернет тармоғидаги фукаролик ҳуқуқий муносабатлар субъектларининг муҳофазасига қодир эмас.

Масалан, тегишли қилинаётган ҳуқуқ ҳимоясини аниқ таъминлашга ҳуқуқий муносабатни амалга ошириш вақтида бўлиши мумкин бўлган фукаролик ҳуқуқини суд ҳимояси билан таъминлашнинг иложи йўқдек кўринади. Интернет тармоғидаги ижтимоий муносабатлар фукаролик ҳуқуқи меъёрларини бошқаришда мавжуд ҳаёт талабларини тўла акс эттирмайди. Бу қўлланиладиган ҳуқуқий воситаларни самарасиз қилиб қўяди ва ўз навбатида интернет тармоғидаги фукаролик ҳуқуқий муносабатларнинг тузилиши ва унинг мазмун-моҳиятини бузилишига олиб келади; бир шахснинг ҳуқуқи бошқа шахснинг қонуний фукаролик ҳуқуқий муносабатларга хос бўлган бошқа шахс мажбурияти мавжуд бўлишини таъминлай олмайди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, юқоридаги ҳолатлар интернет тармоғидаги фукаролик ҳуқуқий муносабатларни фукаролик ҳуқуқи фани томонидан ҳар томонлама ва атрофлича илмий тадқиқ этиш зарурати мавжудлигини англатади. Интернет тармоғидаги фукаролик ҳуқуқий муносабатларни ҳар томонлама ўрганиш у ҳақида илмий асосланган назарий хулосалар ишлаб чиқишга, унинг моҳиятини англаб етишда, бу

муносабатларнинг фуқаролик-хуқуқий асосларини мустаҳкамлашга, мақсадли йўналтирилган хуқуқий тартибга солиш механизмини яратишга олиб келган, бу эса охир – оқибатда фуқаролик қонунчилигини янада ривожланишига туртки берган бўлур эди.

## **Фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар**

ю.ф.н. Н.Х.Эгамбердиева

Фуқаронинг соғлиғига зарар ёки шикаст етказиш, шунингдек ҳаётдан маҳрум этиш айбдор шахсга зарар етказишдан келиб мажбуриятларни вужудга келтириб, мажбуриятларнинг умумий қоидаларидан ўларок ўзига хос хусусиятларга эга. Бу мажбуриятлар ФКнинг алоҳида нормалари, яъни 57-боб билан тартибга солинади. Айниқса, ишчи ва ходимларнинг меҳнат фаолияти жараёнида соғлиғи ва ҳаётига зарар етказилишида зарарни ундириш, ҳозирги кунга қадар жуда баҳсли бўлиб келган. Чунки бундай муносабатлар нафақат фуқаролик, балки меҳнат ва маъмурий қонунчилик билан тартибга солинади. Мазкур муносабатларни тартибга солиш мақсадида 2005 йил 11 февралда Вазирлар Маҳкамасининг «Ходимларга уларнинг меҳнат вазибаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни тўлаш» Қоидалари қарори қабул қилинди. Унга биноан ходимларга уларнинг меҳнат вазибаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни тўлаш бўйича муносабатлар тартибга солинади.

Фуқаронинг ҳаёти ва соғлиғига зарар етказилиши унинг номулкий хуқуқларини бузиш ҳисобланиб, унинг асосида нафақат моддий, балки маънавий зарарни коплашни ҳам талаб этишга ҳақлидир (ФКнинг 1021-модда). Фуқарога мулкий зарар етказилиши иш ҳақини йўқотиш ёки бошқа даромад манбаларини йўқотиш, соғлигини тиклаш учун қилган ҳаражатлари, дафн этиш ҳаражатлари ва ҳ.клар тушунилади. Агар ҳеч қандай мулкий зарар етказилмаган бўлса, бироқ унинг соғлиғига зарар етказилганлиги аниқланса, жисмоний ва маънавий зарар етказилиши оқибатида кечирган хис-ҳаяжон учун товон ундиришга ҳақли бўлади.

Етказилган зарар учун жавобгарликнинг шартларидан бири бўлиб, хуқуқбузарнинг айбли ҳаракати, ҳамда ошиқча хавф манбаи томонидан ва суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органлари ва суднинг қонунга ҳилоф ҳаракатлари (ФКнинг 991, 999-моддалар) ҳисобланади. ФКнинг 985-моддасига мувофиқ зарар етказган шахс, агар зарар ўз айби билан етказилмаганлигини исботласа, зарарни тўлашдан озод этилади.

Фуқаролик-хуқуқий жавобгарликнинг яна бир шarti бўлмиш сабабий боғланиш, зарар етказувчининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) билан фуқаронинг ҳаёти ва соғлиғига шикаст етказилиши ўртасида боғлиқлик

бўлишлиги, ҳамда жабрланувчининг ҳаёти ва соғлиги билан мулккий йўқотишлар (ойлик маошини йўқотиши, кўшимча харажатлар ва бошқалар) ўртасида боғлиқлик бўлиши керак.

Мазкур деликт мажбуриятларни икки асосий турга бўлишимиз мумкин, яъни фуқаронинг қандай манфаатларига зарар етказилишига қараб: а) фуқаронинг соғлиғига зарар етказганлик учун жавобгарлик; б) боқувчисини йўқотганлик учун жавобгарлик. Қайд этилган ҳолатлар ўзининг субъектив состави, қоплаш жиҳати ва бошқа хусусиятлари билан бир-биридан тубдан фарқ қилади.

Фуқаронинг соғлиғига зарар ёки шикаст етказилиши натижасидаги мулккий йўқотиш бўлиб меҳнат қобилиятини қисман ёхуд тўла йўқотиши оқибатида ойлик иш ҳақини (даромад) ололмаслиги, соғлиғини тиклаш учун қиладиган ёхуд қилган харажати тушунилади.

Ололмай қолган даромад ёхуд ойлик иш ҳақи кўринишидаги зарар икки омилга кўра аниқланади: 1) зарар етгунга қадар оладиган даромади ёки ўртача ойлик маоши; 2) жабрланган шахснинг профессионал даражасининг камайиши, профессионал меҳнат қобилиятининг йўқлигида – умумий меҳнат қобилиятининг йўқотилиши инobatга олинади. Йўқотилган иш ҳақи (даромади) нинг таркибига меҳнат ва фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар асосида оладиган, ҳамда даромад соғлиғига қаратиладиган тўловлар қиради. Тадбиркорлик фаолияти натижасида олинадиган даромадлар ва муаллифлик гонорари ҳам шу таркибга қиради. Меҳнат таътилидан фойдаланмаганлик учун олинадиган компенсациялар ва ишдан бўшатирилганлик учун бериладиган ҳисоб-китоблар қайд этилган таркибга қирмайди. Вақтинча меҳнатга қобилиятсиз бўлган, ҳомиладорлик ва туғиш таътили учун тўланган нафақалар инobatга олинади. Ҳамма иш ҳақи (даромад) лар солиқ солишдан олдинги суммалар ҳисобида инobatга олинади.

Жабрланувчининг ўртача ойлик иш ҳақи (даромад) соғлиққа шикаст етказилишидан олдинги ишланган ўн икки ой ичидаги иш ҳақи (даромад) нинг умумий суммасини ўн иккига бўлиш йўли билан ҳисобланади. Зарар етказилган пайтгача жабрланувчи ўн икки ойдан кам ишлаган ҳолларда ўртача иш ҳақи (даромад) соғлиққа шикаст етказилишидан олдинги амалда ишлаган ойларидаги иш ҳақи (даромад)нинг умумий суммасини ана шу ойлари сонига бўлиш йўли билан ҳисоблаб чиқилади. Жабрланувчи тўлиқ ишламаган ойлари унинг хоҳишига кўра бундан олдинги тўлиқ ишланган ойлари алмаштирилади ёки уларни алмаштириш имконияти бўлмаганда ҳисобдан чиқариб ташланади. Жабрланувчининг мулккий аҳволи ўзгариши аниқ бўлган, яъни иш ҳақининг ошиши, янги лавозимга тайинланиши соғлиққа зарар етгунга қадар содир бўлса, олиши мумкин бўлган иш ҳақи (даромади) инobatга олинади.

Жабрланувчи бу вақт мобайнида ҳеч қаерда ишламаган тақдирда, унинг хоҳишига кўра меҳнат шартномаси бекор қилинишигача бўлган иш ҳақи (даромади) ёки мазкур жойда унинг малакасидаги ходимга тўланадиган, аммо қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақининг беш қаррасидан

кам бўлмаган одатдаги ҳақ тўлаш миқдори ҳисобга олинади (Фкнинг 1007-моддаси).

Иш даври тўлик ойдан кам вақтни ташкил қилган тақдирда, зарарни тўлаш миқдори шартли ойлик иш ҳақи (даромад) миқдоридан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқилади. У қуйидаги тартибда аниқланади: бутун ишланган вақт давомида олинган иш ҳақи (даромад) кунлар сонига бўлинади, ҳосил бўлган сумма бир йил учун ўрта ҳисобда ҳисоблаб чиқилган бир ойдаги иш кунлари сонига кўпайтирилади.

Ҳақиқий иш ҳақи миқдори тўғрисидаги ҳужжатларни олиш имконияти бўлмаган тақдирда зарарни тўлаш миқдори зарарни тўлаш тўғрисида мурожаат қилинган вақтда белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқилади. Жабрланувчининг ўртача ойлик иш ҳақи миқдори энг кам ойлик иш ҳақи миқдоридан кўп бўлмаган ҳолларда ҳам етказилган зарарни тўлаш миқдори худди шу тартибда ҳисоблаб чиқилади<sup>1</sup>.

Йўқотилган иш ҳақи (даромад) нинг миқдорини аниқлашнинг иккинчи омили бўлиб, жабрланган шахснинг профессионал меҳнат қобилиятини йўқотиш даражаси ҳисобланади, касб маҳорати бўлмаганда эса унинг умумий меҳнат қобилиятини йўқотиш даражаси инobatга олинади. Шунингдек меҳнат қобилиятини аниқлашда вақтинчалик ва доимий меҳнат қобилиятига алоҳида эътибор берилади. Вақтинчалик меҳнат қобилиятини йўқотиш деганда, маълум вақт мобайнида умуман меҳнатга қобилиятсиз бўлиши тушунилади ва иш ҳақи (даромад) дан маҳрум бўлишига айтилади. Вақтинчалик меҳнатга қобилиятсизлик тиббий муассаса томонидан аниқланиб, фуқарога вақтинчалик касаллик варақасини бериш йўли билан тасдиқланади.

Умуман меҳнат қобилиятини йўқотиш эса давлатга тегишли тиббий муассасалар (олдинги ВТЭК) ва суд-тиббий экспертизаси томонидан тўлик ёхуд қисман йўқотилганлиги аниқланади. Фуқаронинг доимий меҳнат қобилиятини йўқотиш уни I, II ёки III гуруҳ ногирони деб тан олинishi билан белгиланади. Тўлик меҳнат қобилиятини йўқотган фуқаронинг ўртача иш ҳақи (даромад) ни белгилаш юқорида белгиланган тартиб бўйича аниқланади. Қисман меҳнат қобилиятини йўқотганда унинг миқдори фуқарода сақланиб қолган меҳнат қобилиятининг фоизи ҳисобида аниқланади. Мисол учун, экспертизанинг хулосасига мувофиқ жабрланган шахсда 60% профессионал меҳнат қобилияти сақланиб қолган бўлса, қолган 40% қопланиши керак бўлади.

Юқорида келтириб ўтилган қоидалар асосида зарар тўлик қопланиши керак. Жабрланувчи шахснинг *қўпол эҳтиётсизлиги* туфайли соғлиғига шикаст етадиган бўлса, зарар тўлик қопланмайди. Миқдорнинг ўзгариши жабрланувчининг айблилик даражасига қараб белгиланади.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маъжасимасининг 2005 йил 11 феврал «Ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатлигининг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни тўлаш» Қоидалари тўғрисидаги 60-сонли қарори.



Жабрланувчининг кўпол эҳтиётсизлиги зарарни ундиришда тўскинлик килмайди.

Фуқаро майиб бўлганда ёки унинг соғлиғига бошқача шикаст етказилганда жабрланувчи оладиган ёки муайян равишда олиши мумкин бўлган йўқотилган иш ҳақи (даромадлари), шунингдек саломатлигига шикаст етказилиши туфайли қилган қўшимча харажатлари, шу жумладан даволаниш, қўшимча овқатланиш, дори-дармонлар сотиб олиш, протез қўйдириш, бировнинг парваришида бўлиш, санаторий-курортда даъволаниш, махсус транспорт воситаларини сотиб олиш, бошқа касбга тайёргарликдан ўтиш харажатлари, агар жабрланувчининг ана шу ёрдам ва парвариш турларига муҳтожлиги ҳамда уларни бепул олиш ҳуқуқига эга эмаслиги аниқланса, ўрни қопланиши лозим.

Юқорида кайд этилган ҳолатлар жабрланувчи бепул даволанмасдан харажатлар қилган тақдирда, унинг томонидан қилинган қўшимча харажатларни ундиришни талаб этиши мумкин. Албатта бу ҳолат тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар тақдим этилгандагина амалга ошириш мумкин бўлади.

Йўқотилган иш ҳақини (даромадларни) аниқлашда жабрланувчига майиб бўлиши ёки соғлиғига бошқача шикаст етиши сабабли тайинланган ногиронлик пенсияси, худди шунингдек соғлиғига зарар етказилмасидан олдинги ва ундан кейинги бошқа турдаги пенсиялар, нафақалар ва бошқа шунга ўхшаш тўловлар эътиборга олинмайди ва зарарни қоплаш миқдорини камайтиришга ҳам сабаб бўлмайди (зарарни ҳисоблаш ҳисобига киритилмайди). Зарарни ҳисоблаш ҳисобига шунингдек жабрланувчи соғлиғига шикаст етказилганидан кейин оладиган иш ҳақи (даромади) ҳам киритилмайди (ФКнинг 1006-модда).

Фуқаронинг соғлиғига шикаст етказилиши натижасида жабрланувчи ўз касби билан шуғулланиш имкониятидан маҳрум бўлиб, тадбиркорлик билан шуғулланиш натижасида кўп даромад топадиган бўлган тақдирда ҳам зарарни ундириш миқдорига таъсир этмайди.

Зарарнинг миқдори автоматик равишда ва манфаатдор шахсларнинг талаби билан ўзгариши мумкин. ФКнинг 1013-моддасига мувофиқ, турмуш қийматининг ошиб бориши ва қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг оширилиши муносабати билан тўловлар миқдори мутаносиб равишда ўзгаради. Қолган вазиятларда тўловлар миқдорининг камайиши ёхуд кўпайиши ФКнинг 1012-моддасида кайд этилган манфаатдор тарафларнинг талаби билан ўзгариши мумкин. Меҳнат қобилиятини қисман йўқотган жабрланувчи зарарни тўлаш мажбурияти юқланган шахсдан исталган вақтда, агар унинг меҳнат қобилияти соғлиғига етказилган шикаст туфайли ўзига зарарни ундириш белгиланган пайтда соғлиғи нисбатан ёмонлашса, қоплаш миқдорини тегишлича кўпайтиришни талаб қилишга ҳақли. Жабрланувчининг соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш мажбурияти зиммасига юқланган шахс, агар жабрланувчининг меҳнат қобилияти зарарни ундириш белгиланган пайтда нисбатан ошган бўлса, қоплаш миқдорини тегишлича камайтиришни талаб қилишга ҳақли.

тахлил қилиши, уларга қандай қонуний, ахлокий-психологик баҳо беришига қараб судланувчига қўйилган айбни исботлай олиш-олмаслигига қараб, фуқаролик иши бўйича эса даъво ни асослай олиш-олмаслигига қараб уларнинг қасбий-ҳуқуқий тафаккури, ҳуқуқий маданияти баҳоланади. Агар прокурор судьяга эътироз билдиришни истаса, қонунда белгиланган регламент ва нутқ маданияти меъёрларига мувофиқ ҳолда иш қўриши керак. Шунингдек, прокурор савол беришда аниқлик, равшанлик принциpigа амал қилиши, судланувчига панд-насихат қилмаслиги ва саволлар риторик бўлмаслиги, алоҳида фактларни ойдинлаштиришга қаратилаган ҳамда энг муҳими мақсадли бўлиши лозим. Яна шуни айтиш мумкинки, прокурорнинг ҳам, суднинг ҳам, адвокатнинг ҳам нутқи баланд овозда, аниқ, равшан ва иложиборича лўнда ифодаланиши керак.

Иш судда қўрилаётганда айблаш, химоя қилиш ва ишни ҳал қилиш вазибалари бир-бирдан алоҳида ажратилиб, айнан бир орган ёки айнан бир мансабдор шахс зиммасига юклатилиши мумкин эмас.<sup>4</sup>

Бундан ташқари прокурор суд мажлисига ўз вақтида келиши зарур. Чунки белгиланган қонун-қоидаларга сўзсиз риоя этиш ҳам прокурорларнинг қасбий-ҳуқуқий тафаккур ва ҳуқуқий маданиятининг энг муҳим белгиси ҳисобланади.

Химоячи гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини қонунда белгиланган тартибда химоя қилишни амалга оширишга ҳамда уларга керакли юридик ёрдам кўрсатиш ваколатига эга бўлган шахсдир.<sup>5</sup> Айбсизлик презумциясига амал қилган ҳолда химоячи ўз химояси остидаги шахсни оқловчи далил-исботлар топиши ҳамда ўзининг қасбий-ҳуқуқий тафаккури ва ҳуқуқий маданиятидан келиб чиққан ҳолда судда химоя қилиши керак. Адвокатнинг суддаги нутқи тингловчиларда ижобий таассурот қолдириши, бошқаларни ҳам жиноятнинг асл сабаблари устида бош қотришга мажбур этилиши зарур.

Судланувчи - бу аввало, ўз инсоний кадр-қиммати ҳар қандай бошқа шахс қаби ҳурмат қилиниши лозим бўлган одамдир. Шунинг учун ҳам суд жараёнида судланувчига нисбатан қўпол ва таҳкиромуз муносабатда бўлишга йўл қўйилмайди. Суд процесси иштирокчилари бир-бирларини қамоқларидан четга чиқмаган ҳолда (пичинг-қесатикли ва захархандали олишувга айланиб қетмаслиги) олиб борилиши керак. Суд тортишуви инсон тақдирини адолатли ҳал қилиш, муҳоқама қилинаётган ҳар-бир ишнинг тагида аллақандай мавҳум бир суд ходисаси эмас, балки бу иш ортида тирик жон, муайян инсон турганлигини доимо эсдан чиқармаслик зарур.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Хозирда биз ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўлидан бораёмиз. Ваҳоланки, ҳуқуқий демократик давлатнинг энг муҳим шarti - ҳуқуқий маданият ва қонунийликдир. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки қонунийлик ва одил

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси, 25-моддаси, 2-қисми.

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси, 49-модда, 1-қисми.

судлов маданияти судлов ишларини юргизиш ҳам маънавий-ҳуқуқий ҳам ташкилий, тарбиявий, иктисодий ва бошқа жихатларни ўзида акс эттиради. Судлов ҳуқуқи маданияти тушунчасини мустақил юридик категория сифатида илмий жихатдан ўрганиш бугунги куннинг муҳим талабларидан бири ҳисобланади.

## Миллий истиклол мафкурасининг ҳуқуқий ғоялари

НамДУ «Миллий истиклол ғояси ва маънавий асослари» кафедраси  
мудри, ф.ф.н. О.Маматов

Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш ҳамда одамлар онгида мустақиллик ғоясини, ватанпарварлик, инсонпарварлик, адолат, эркинлик, демократия каби ғояларнинг шаклланишида миллий истиклол мафкурасининг ўрни жуда катта. Миллий истиклол мафкурасининг ҳуқуқий ғоялари БМТ Бош ассамблеяси томонидан 1948 йил 10 декабрда тасдиқланган ва эълон қилинган инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларациясига тўла мос келади. Ўзбекистон ҳукумати ўз фуқароларининг ҳуқуқларини дунёнинг қайси бурчагида бўлишидан қатъий назар ҳимоя қилади.

Ҳуқуқий мафкурамиз «инсонпарвар демократик жамият», «фуқаролик жамияти», «ҳуқуқий давлат», «адолатли жамият» каби тушунчалар орқали шаклланаётгани унинг йўналиши Ўзбекистон халқларининг манфаатларига тўла мос келишини ифодалайди.

Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси эътироф этган ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қафолатлаганидек. Ўзбекистонда дини, irqи, ёши, жинси, миллати ва бошқа ижтимоий, табиий тафовутлардан қатъий назар «Барча одамлар қонун олдида тенг ва ҳеч бир тафовутсиз қонуннинг тенг ҳимоясига ҳақлидирлар»<sup>1</sup>.

Миллий истиклол мафкурасининг ҳуқуқий ғоялари ўз олдига қуйидаги мақсадларни қўяди:

- республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлаш;

- инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш;

- фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувликни таъминлаш»<sup>2</sup>.

Миллий истиклол мафкурасини халқ мафкураси, жамият мафкураси дейишимизга сабаб ҳам шуки, у ўз ғоялари назарий асосларини халқнинг, жамиятнинг иродасини ифодалаган Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан олган.

Мафкурамиз ҳуқуқий ғояларининг шаклланиши «ворислик қонуниятига тўла мос келади. У энг аввал инсон ҳуқуқлари ва давлат суверенитети» ғояларига, «ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибасига таяниб,

<sup>1</sup> Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси, 7-модда, Т.: 1998.-Б.13.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.: «Ўзбекистон» 2003.

халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоидаларини тан олган ҳолда шаклланимда. Юқорида эътироф этилган халқаро ва умуминсоний нормалар мустақиллик мафқурасининг шаклланишида ижобий ворислик родини ўйнайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Ўзбекистондаги барча ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий муносабатларнинг асоси ҳисобланади. Чунки, жамиятдаги барча муносабатлар, шунингдек, бошқа давлатлар билан бўлган муносабатлар ҳам Конституция орқали мустаҳкамланган бўлади.

Аввало жамиятнинг ижтимоий тизими, турмуш тарзи ва иқтисодий онги ҳам конституцияга узвий боғлиқ. Маълумки, жамиятдаги ижтимоий, синфий, тоифавий муносабатлар мулкка бўлган муносабатдан келиб чиқади. Мулкка бўлган муносабатдан эса, жамиятдаги башқа муносабатлар, масалан, сиёсий, ҳуқуқий муносабатлар шаклланади. Жамият тараққиётининг қайси томонга қараб йўналганлиги ҳам мулкий муносабатларнинг хусусиятига боғлиқ. «Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма - хил шаклдаги мулк ташкил этади»<sup>3</sup>. Демак, мустақил Ўзбекистондаги ижтимоий, ишлаб чиқариш, бугунги кунда фаолият кўрсатаётган хусусий корхоналар, ҳиссадорлик жамиятлари, хусусий тadbиркорлар, давлат корхоналари, дехкон-фермер хўжалиқлари ва бошқа мулкий муносабатлар ва шундан келиб чиқадиган ижтимоий гуруҳлар, тоифалар ҳамда улар ўртасидаги муносабатларнинг шаклланишида 53-модда муҳим рол ўйнайди. Шунингдек, у ишлаб чиқаришнинг ривожланишига, тadbиркорлик фаолиятининг кенгайишига, пировард натижада халқ форовонлигининг ошишига олиб келади. Шунинг учун бирор бир давлат конституцияси мулкчилик масаласини четлаб ўта олмайди.

Конституция ҳар қандай давлатнинг келажигини, тақдирини белгиловчи асосий ҳужжатдир. Келажак эса кеча ва бугуннинг натижасидир. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ишлаб чиқишда айнан қонуниятига суянилганлиги, Ўзбекистонда бозор муносабатларини шакллантиришдаги мувоффақиятимизни таъминлади, яъни Ўзбекистон халқлари қадим-қадимдан мулк хилма-хиллигига асосланган ҳолда ишлаб чиқаришни амалга ошириб келишган. Фақат, собиқ Иттифок давридагина барча бойлиқлар давлат монополиясига айлантилган эди. Бу эса эркин, ижодий меҳнат фаолиятига тўсқинлик қиларди.

Конституциямиз мустаҳкамлаб берган мулкчилик муносабатлари ана шу ўтмиш турмуш тарзини мулкчилик муносабатларидаги анъаналаримизни чуқур таҳлил қилиш ва энг илғор мамлакатлардаги мулкчилик муносабатларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган. Шунингдек, ер, ер ости бойлиқлари, сув ва бошқа табиий захираларимиздан қадим-қадимдан умумхалқ бойлиги сифатида фойдаланиб келганмиз ва халқимиз бу бойлиқлардан айниқса, ер ва сувдан оқилона, жуда ҳам тежаб-тергаб, асраб-авайлаб фойдаланишга ўрганган. «Авесто»да ер, сув, хавони булғаш оғир

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.: «Ўзбекистон» 2003.

гуноҳ ҳисобланган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида «Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойлик»<sup>4</sup> эканлиги таъкидланган.

Жамиятимизда мулкчилик аънаналарига суянган ҳолда маънавий ахлоқий муносабатлар ҳам шаклланмоқда. Ерни улуглаш, авайлаш, бу-Ватанни, унинг тупроғини авайлаш, осмонимиз мусаффолигини авайлаш демакдир.

Ўзбекистон миллий истиклол мафқурасининг ҳуқуқий ғояларида иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маънавий муносабатлар уйғунлашганини кўрамиз.

Мустақиллик мафқурасининг сиёсий ғоясида ҳам ворислик муҳим аҳамиятга эга. Аввалам бор, ўзаро ҳамкорлик, яъни алоқадорликсиз жамиятнинг сиёсий тизими ривожлана олмайди. Алоқадорлик эса ворисликнинг муайян кўринишидан бошқа нарса эмас. «Бирор бир жамият, бирор бир синф, бирор ижтимоий гуруҳ, бирор инсон ҳамкорликда фаолият олиб бормас экан, эркин ривожлана олмайди» - деб ёзади Р.Жумаев<sup>5</sup>. Бу методологик муаммо демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти учун муҳим аҳамиятга эга.

Сиёсий мафқура соҳасида ҳам ўтмиш мафқураси, хусусан марксизм мафқурасидаги сиёсий тизим, давлат, унинг вазифалари тўғрисидаги тушунчаларга ҳам янгича ёндошмаслик, эски тушунчалардан воз кеча олмаслик инсонпарвар, демократик жамият қуришга йўналтирилган мафқура назариясининг шаклланишида ҳам унинг амалиётидаги ифодасига ҳам тўсқинлик қилади. Ворислик лутган назаридан ёндашиш, энг аввало даврни, яъни тарихий шароитни ҳисобга олишни талаб этади, шунинг учун ҳам биз давлат-зўрлик қуроли, ҳукмронлик ва мажбур этиш воситаси каби тушунчалар орқали ёндоша олмаймиз. Жамиятни зўрлик билан бошқариш унинг кучлилигидан эмас, аксинча, кучсизлигидан далолат беради. Инсонларнинг, ижтимоий гуруҳ, синф ва тоифаларнинг эҳтиёжидан, манфаатларидан келиб чиққан ҳолда фаолият кўрсатувчи давлат- кучли давлатдир. Ҳар қандай давлат инкирозининг сабаби инсоннинг кадрсизланишидадир<sup>6</sup>. Шунинг учун ҳам мустақиллик мафқурасининг бош ғояси инсон қайси синф, тоифа, гуруҳга мансуб бўлишидан катъий назар, унинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган.

Ўзбекистонда давлатчиликни шакллантириш дунёдаги энг йлғор давлатлар тажрибасига ва ўзининг шарт-шароитлари ва аънаналарига таянган ҳолда амалга оширилмоқда. Масалан, ҳокимият қонун чуқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти тизимларига бўлинган.

Ўз-ўзини бошқариш органлари сифатида маҳаллалар ташкил этилди. Президент И.Каримов айтганидек, «Улар халқнинг тарихий аънаналари ва

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 55-модда. Т.: «Ўзбекистон» 2003.

<sup>5</sup> Жумаев Р. Проблемы формирования и укрепления политической системы Республики Узбекистан. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора политологических наук. Т.: 1996. - Б. 22-23.

<sup>6</sup> Жумаев Р. Проблемы формирования и укрепления политической системы Республики Узбекистан. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора политологических наук. Т.: 1996. - Б. 22-23.

рухиятини ҳисобга олиш асосида тузилган. Махалла одамлар ўртасидаги муносабатларда яхши қўшничиликни, ҳурмат ва инсонпарварликни тарбиялашда муҳим рол ўйнайди»<sup>7</sup>.

Хулоса қилиб айтганимиз бўлса, жамиятимиз сиёсий тизимини шакллантиришда нафақат ўтмиш кадриятларимизга, балки бугунги энг илғор давлатлар тажрибасига ҳам сўянилганлиги, унинг инсонпарвар демократик жамият сифатида ривожланиши учун имкониятлар яратади. Бизнинг қонунларимиз демократия учун барча шароит ва имкониятларни яратиб қўйди. Лекин, эълон қилиб қўйиш билан жамият демократик бўлиб қолавермайди. Демократия нозик масала, энг аввало, у давлат шаклидир. Демак, демократия қонун билан, шунингдек, эркинлик билан узвий боғлиқ. Эркинлик эса, англаб олинган зуруриятдир. Демократик жамият ҳам инсонлар томонидан қонунларни чуқур англаб етиш ва шу қонунлар асосида эркин фаолият кўрсатиш демакдир. Бунинг учун эса, одамларнинг сиёсий, ҳуқуқий онги ривожланган бўлиши керак.

### Суд процессида қонун ва виждон назорати

НамДУ «Жиноят ҳуқуқи ва процесси»  
кафедраси ўқитувчиси. ф.ф.н Ш.Жўрабоев

НамДУ ҳуқуқшунослик факультети 3-курс  
талабаси К.Алиходжасв

Маълумки, истиклол туфайли мамлакатимиз нафақат сиёсий ва иқтисодий, балки ҳуқуқий мустақилликка ҳам эришди. Мамлакатимизда олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари фикримизнинг ёркин далили ҳисобланади.

Ишларнинг ҳолисона, тарафларнинг тенглиги асосида кўрилиши суд ҳокимиятининг асосий шартларидан биридир. Суддаги барча иштирокчилар Конституцияга, процессуал қонунларга, шунингдек, «Судлар тўғрисида»ги, «Прокуратура тўғрисида»ги қонунларга қатъий риоя қилишлари керак. Бу талабларни муваффақиятли бажариш учун суд процессининг барча иштирокчилари юқори савияли ва ҳуқуқий маданияти шаклланган ҳамда виждонли шахс бўлиши керак.

Табиийки, одил судловни амалга ошириш чоғида процесс қатнашчилари ва жамият ўртасида мураккаб ахлоқий муносабатлар вужудга келади. У фақат судгяларни эмас, балки прокурор, химоячи ва одил судловни амалга оширишга қўмаклашувчи бошқа кишилар фаолиятини ҳам ўзида акс эттиради.

Суд процесси фақатгина ёзиб қўйилган қонун-қондалар доираси билангина чегараланиб қолмайди, балки у ёзилмаган қонун-қондаларга ҳам амал қилган ҳолда амалга оширилади.

<sup>7</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараккиёт кафолатлари. Т.: Ўзбекистон, 1997. –Б. 15.

Ёзилган конун-қоидалар бу ижтимоий ва давлат тизимининг энг муҳим институтларини ўрнатувчи маълум бир тизим асосида тузилган ҳаммага бирдай ва ҳаммага мажбурий хатти-ҳаракат қоидалари бўлиб, уларни давлат назорат қилиб туради.

Ёзилмаган конун-қоидалар ҳам борки, улар ҳаммага бирдай, аммо барчага ҳам мажбурий бўлавермайдиган ихтиёрий хатти-ҳаракат қоидалари бўлиб, уларни фуқароларнинг эгтикودي, иймон-инсофи, виждони назорат қилиб туради. Уларни бажармаслик ёки унга қарши бориш маънавий жавобгарлик ҳиссини уйғотади.

Маънавий юксак жамиятда, жумладан, суд процессида ёзилган ва ёзилмаган конун-қоидалар бир-бирини тўлдиради, яъни конун ва виждон назорати барчага бирдай ва муҳим бўлган ижтимоий муносабатларнинг тартиб воситасига айланади. Шундан келиб чиқиб айтиш жоизки, белгиланган процессуал нормаларнинг ўзи ҳам жамиятдаги ахлоқ-одоб қоидалари асосида тузилади. Конституциямизда «ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон кадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйикка дучор этилиши мумкин эмас»<sup>1</sup> деган принцип бежизга мустаҳкамлаб қўйилмаган.

Судлов ҳуқуқий муносабатлар бир пайтнинг ўзида ҳам виждон, иймон-инсоф, ҳам давлат қонунчилиги томонидан назоратда бўлгандагина, суд процессида тўла тартиб-интизом, уюшқоқлик, ўзаро ҳурмат ва ишонч вужудга келади. Киши ўз касби ва ижтимоий бурчининг туб моҳиятини тушуниб, уни мажбуран эмас, балки виждон амрига қўра бажарсагина бошқаларнинг тақдирини ҳал қилиш учун маънавий ҳуқуққа эга бўлади. Бу ҳақда мамлакатимиз Президенти шундай фикр билдиради: «Ҳуқуқ-тартибот идораларининг айрим попоқ ходимлари учун фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш биринчи навбатдаги вазифа бўлмай, балки кўрkitиш, ўз ваколати ва ҳукмдорлигини кўрсатиб қўйишга интилиш, ўзини гўё жиноятчиликка қарши қурашаётгандек қилиб кўрсатиш каби нохуш одат ҳамон яшаб келмоқда.

Шундайлар ҳам борки, улар қонунчилигимиздага айрим номуқаммалликлар одамларнинг хато ва бахтсизликлари ҳисобига ўзларининг ғаразли, тамағирлик мақсадларига эришишга уринади. Бундай ходимлар халқ ҳақида, давлатнинг обрўси ва фаровонлиги ҳақида мутлақо ўйламайди.

Энг хавфлиси шундаки, одамлар тақдирига бепарволик, номақбул иш услублари оқибатида биз оддий, умуман олганда, қонунга итоат этувчи, лекин қонундан бир оз чекинган фуқароларни нотўғри жазолаб, улардан ҳокимиятга ҳам, қонунга ҳам ишонмайдиган норози одамлар тоифасини ўз қўлимиз билан яратамиз»<sup>2</sup>. Шунинг учун судья, прокурор, терговчи ва суриштирувчи инсонпарвар, кишиларнинг қўнглига йўл топа оладиган, ҳар

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 26-модда, 2-қисми Т «Ўзбекистон» 2003.

<sup>2</sup> Каримов И. А. Адолл - қонун устиворлигида. 2001 й., 29-август

бир ишда факат жиноятчини эмас, балки бу иш оркасида мураккаб ички кечинмалари билан турган тирик инсонни кўра биладиган бўлишлари керак. Агар суд процессини юритишга масъул бўлган шахслар мавжуд қонунларга ҳурмат билан муносабатда бўлиб, уларга бўйсунишда, итоат этишда ўз ички дунёларига, бошқача айтганда, иймон-инсофи, эътиқоди, виждони амрига бўйсунса, уларга нисбатан фуқароларда ишонч хисси пайдо бўлади. Улар эса буни доимо хис этишлари лозим. Ваҳоланки, виждонсиз одамдан ҳеч қачон адолатни ҳам, бурчга садокатни ҳам кутиш мумкин эмас. Виждонли одамларгина ҳақиқий эркин, демократик фуқаролик жамиятини яратиб оладилар. Зеро, виждон, энг аввало, ўзгаларга нисбатан бурч ва масъулиятни такозо этади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, суд процессида ишни юритишга масъул бўлган шахслар (судья, прокурор, адвокат ва х.)нинг ҳуқуқий маданияти ҳамда уларнинг касбий-ҳуқуқий тафаккури ҳамбарчас боғлиқ бўлиб, улар бир-бирини тўлдирди, ҳуқуқшуносларнинг ягона касбий этикасини ташкил қилади. Юқори малакали ҳуқуқшунос ҳисобланган судья, прокурор ва адвокатнинг касбий фаолияти инсон ҳаёти, унинг тақдири ва фаолияти билан боғлиқ масалаларни ҳал этади. Шунда улар ўзларининг юксак маънавийлиги эканлигини, умумэътироф этилган кадриятларни ҳурмат қила олишларини, қонунларни чуқур билиши ва энг асосийси ишни ҳал қилишда одиллик принципига тўла риоя қилишлари керак. Чунки одиллик суд процессининг асосий мезонидир. Адолат бор жойда фуқаролар ёки юридик шахсларнинг ҳақиқатдан бузилган ҳуқуқлари тикланади.

Суд процессини амалга оширишга масъул бўлган шахсларнинг ишни кўришдаги фаолияти устидан назорат қонун-қоидалари «Судлар тўғрисида»ги «Прокуратура тўғрисида»ги қонунлар ҳамда процессуал қонунчилик нормалари асосида амалга оширилса, улар фаолиятидаги виждон назорати кишиларнинг ички иймони, ахлоқи ва унинг масъулияти орқали тартибга солинади. Агар бу икки жиҳат суд процессини юритишга масъул бўлган шахсларда мавжуд бўлса, нафакат суднинг обрўси ошади, балки одил судловнинг маънавий асослари мустаҳкамланади.

### **Ишларнинг фуқаролик ва ҳўжалик судларига таалукчилигини фарқлаш мезонлари**

НамДУ Фуқаролик ҳуқуқи ва процесси кафедраси катта ўқитувчиси Ж.А. Умаров

Президентимиз И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2005 йил 28 январда бўлиб ўтган Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида: «Бизнинг асосий узок муддатли ва стратегик вазифамиз аввалгича қолади - бу демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш жараёнлари ва бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш, одамлар оиғида демократик кадриятларни мустаҳкамлаш



йўлидан огишмай, изчил ва катъият билан боришдир»<sup>1</sup> - деб таъкидлаб ўтганидек, ислохотларни чуқурлаштириш йўлидан собитқадамлик билан боришгина кўзланган натижани беради.

Фукаро ва ташкилотларнинг субъектив ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари одилона тарзда ҳимоя қилиш таъминланиши адолатли жамиятнинг мезони ҳисобланади. Бунда суд ҳокимияти демократик ҳуқуқий давлатда мустақил тармок сифатида муҳим ўрин тутаети.

Шундай экан, авваламбор, фукаро ва ташкилотларнинг бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва масалани қонуний ҳал қилиш бўйича бирон бир талаб қўзғатилганда, бундай вазифани ҳал қилиш ҳуқуқи қайси бир давлат органига ёки жамоат ташкилотига юклатилганлигини билиш керак бўлади.<sup>2</sup>

Шу ўринда фукаролик ва хўжалик судларига тааллуқли бўлган ишларни доирасини аниқлаш мақсадида қандай ишлар фукаролик ёки хўжалик судига кўрилиши лозимлиги ҳақида ҳуқуқий адабиётларда ва амалдаги қонунчиликда ифодаланган ҳолатларни ёритиш зарурати юзага келади.

Конституциямизнинг III-моддасига мувофиқ хўжалик судлари ваколат доирасига иктисодиёт соҳасида ва уни бошқариш жараёнида юзага келган низоларни ҳал этиш киритилгандир. Бу билан хўжалик судлари ва бошқа идораларнинг, энг аввало умумий судларнинг ваколоти белгилаб берилган. Ишларнинг тааллуқлилигини аниқлаш муаммоларининг муҳимлиги ҳам айнан хўжалик судлари ва умумий судларнинг ваколатлари чегарасини белгилаш заруратидан келиб чиқади.

Ишларнинг судга тааллуқлилиги қонунлар ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари билан белгилаб қўйилади. Шу билан бирга юридик ишлар анча турли-тумандир, шунинг учун қонунда ҳар бир низонинг судга тааллуқлилиги ҳақида тугал кўрсатмалар бериб чиқишнинг иложи йўқ<sup>3</sup>. Шунинг учун Хўжалик процессуал кодексининг 23-моддасида ишларнинг хўжалик судларига тааллуқлилигига доир умумий қоидалар белгиланган ва бу қоидалардан айрим истиснолар кўрсатилган.

Хўжалик судига қуйидаги ишлар тааллуқлидир:

- иктисодиёт соҳасида юридик шахслар, юридик шахс тузмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган ва яқка тартибдаги тадбиркор мақомини қонунда белгиланган тарзда олган фукаролар ўртасидаги фукаровий, маомурий ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларга доир ишлар;

- иктисодиёт соҳасида ташкилотлар ва фукароларнинг ҳуқуқлари вужудга келиши, ўзгариши ёки бекор бўлиши учун аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги ишлар;

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ёзининг бош мақсади миз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох қилишдир. Тошкент., «Ўзбекистон». 2005. 34-бет.

<sup>2</sup> Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фукаролик процессуал ҳуқуқи. -Т. «Адолат», 2001. 125-бет.

<sup>3</sup> Азимов М. Низоларнинг хўжалик судига тааллуқлилиги. Хўжалик ва ҳуқуқ. 1998. 12-сон.31-6.

- ташкилотлар ва фуқароларнинг банкротлиги тўғрисидаги ишлар.  
Қонун билан ҳўжалик судига тааллуқли ишлар жумласига бошқа ишлар ҳам киритилиши мумкин.

Ҳўжалик суди ўзига тааллуқли ишларни, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси ташкилотлари ва фуқаролари, шунингдек, чет эл ташкилотлари, чет эл инвестициялари иштирокидаги ташкилотлар, чет эл фуқаролари. фуқаролиги бўлмаган шахслар иштирокида кўради.

Ўзаро боглик бўлиб, баъзилари ҳўжалик судига, бошқалари эса умумий судга тааллуқли бўлган бир неча талаб бирлаштирилган тақдирда, ҳамма талаблар умумий судга тааллуқли ҳисобланади.

Ҳўжалик процессуал кодексининг 24-моддасида ҳўжалик судига тааллуқли бўлган низолар рўйхати кўрсатиб ўтилган. Булар қуйидагилардан иборат:

- тузилиши қонунда назарда тутилган шартнома юзасидан келиб чиккан келишмовчиликлар ёки шартнома юзасидан келиб чиккан бўлиб, ҳал этиш учун ҳўжалик судига топшириш ҳақида тарафлар ўзаро келишган ихтилофлар;

- шартнома шартларини ўзгартириш ёки шартномани бекор қилиш ҳақидаги низолар;

- мулк ҳуқуқини тан олиш тўғрисидаги низолар;

- мажбуриятлар бажарилмаганлиги ёки тегишли даражада бажарилмаганлиги тўғрисидаги низолар;

- мулкдор ёки мулкнинг бошқа қонуний эгаси томонидан мол-мулкни бошқа шахснинг қонунсиз эгалигидан талаб қилиб олиш тўғрисидаги низолар;

- етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги низолар;

- шаън, кадр-қиммат ва ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш тўғрисидаги низолар;

- давлат органлари ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган, ташкилотлар ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган ҳужжатларини (бутунлай ёки қисман) ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги низолар;

- ундириш сўзсиз (акцептсиз) тартибда амалга оширилмаган ижро ҳужжати ёки бошқа ҳужжатни ижро этилиши мумкин эмас деб топиш тўғрисидаги низолар;

- давлат рўйхатига олишни рад этганлик ёки белгиланган муддатда давлат рўйхатига олишдан бош тортганлик устидан берилган шикоят;

- агар қонунда сўзсиз (акцептсиз) тартибда жарима ундирилиши назарда тутилмаган бўлса, текширув вазибаларини амалга оширувчи давлат органлари томонидан ташкилотлар ва фуқаролардан жарималар ундириш тўғрисидаги низолар;

- текширув вазифаларини амалга оширувчи органлар томонидан қонун ҳужжатларининг талабларини бузган ҳолда сўзсиз (акцептсиз) тартибда ҳисобдан чиқарилган пул маблағларини бюджетдан қайтариш тўғрисидаги низолар.

Бу рўйхат қатойи эмас, бундан ташқари, қонун томонидан хўжалик суди ўзининг ваколат доирасига киритилган бошқа низоларни ҳам ҳал қилади<sup>4</sup>.

Юқорида кўрсатиб ўтилган низолар нафақат хўжалик судида, балки фуқаролик судида ҳам кўриб ҳал қилиниши мумкин. Айнан қайси ишлар қайси судларда кўрилишини белгилувчи мезонлар мавжуд бўлиб, улар фуқаролик ва хўжалик судлари иш кўриш доирасини белгилаб беради.

Шу ўринда судларга тааллуқлилиқ тушунчасини умумий тарзда қўллаб, уни фуқаролик ва хўжалик судларига тааллуқлилиқ тушунчаларига таснифлаш ўринли бўлишини таокидлаб ўтмоқчимиз.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 31-моддасида фуқаролик ишларининг судларга тааллуқлилиқига оид нормалар белгиланган бўлса-да, лекин уни белгилашга оид мезон сифатида факат тарафлардан ҳеч бўлмаганда биттаси фуқаро бўлишлиғи кўрсатилган, ҳолос. Фуқаролик процессуал кодексининг 32-моддасида эса, бир-бири билан боғлиқ низоларнинг баъзилари судга, баъзилари эса, хўжалик судларига тааллуқли бўлган бир қанча талаблар бирлаштирилганда, бу талабларнинг ҳаммаси судда кўрилиши лозимлиғи кўрсатилган. Кўришиб турибдики, процессуал қонунчиликда судга тааллуқлилиқ мезонларини белгилувчи нормалар тўла ўз ифодасини топмаган.

Ҳуқуқий адабиётларда судга тааллуқлилиқ мезонларини белгилаш юзасидан турлича илмий қарашлар мавжуд бўлса-да, уларни умумлаштирган ҳолда қуйидагича ифодалаш мумкин:

1) **низоли ҳуқуқий муносабатнинг моҳияти ва низоининг мазмуни.** Бу мезон орқали фуқаролик ва хўжалик ишларининг турли суд ҳокимияти органларига тааллуқлилиғи белгилаб олинади. Умумий қоида тарикасида иқтисодий моҳиятга эга бўлган низолар хўжалик судлари томонидан ҳал қилинади, бошқа низолар эса, умумий юрисдикция судлари ваколатига берилган.

Агар низо фуқаролик, оила, меҳнат, уй-жой каби ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқиб, мулкий ва номулкий (шахсий) моҳиятга эга бўлса, фуқаролик судларига тааллуқли бўлади.

2) **низо иштирокчиларининг субъект таркиби.** Бу мезон орқали турли суд органлари ва ижро ҳокимияти ваколатини амалга оширувчи идоралар – нотариуслар, ФХДЁ идоралари, прокуратура органлари ўртасида юридик ишларнинг тақсимланиши амалга оширилади.

Низоли ишлар субъект таркибига боғлиқ ҳолда ё фуқаролик судида ёхуд хўжалик судида кўриб ҳал этилади. Агар тарафлардан лоақал бири

<sup>4</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодексига шарҳлар. Т.: «Иқтисодият ва ҳуқуқ дунёси», 2001. 39-49 б.

фуқаро бўлса, бундай ишлар фуқаролик судларида кўрилади. Иккала тараф юридик шахс бўлса ёки тарафлардан бири юридик шахс мақомига эга бўлмаган ҳолда яққа тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи фуқаро бўлса бундай низолар хўжалик суди юрисдикциясига тегишли бўлади.

3) **ҳуқук (талаб)нинг низоли ёки низосизлиги.** Бу мезон орқали суд органлари билан низосиз мохиятга эга бўлган фактларни рўйхатга олишни амалга оширувчи ижро ҳокимияти органлари, жумладан ФХДЁ ва нотариус идоралари ўртасида юридик ишларнинг ҳал қилиш ваколат доираси чегараланади.

Шуни ёдда тутиш керакки, баъзи низосиз ишлар (низо бор, аммо сўзсиз далиллар билан исботланувчи фактлар) фуқаролик судларида ҳам кўрилиши мумкин. Масалан, бўйруқ бўйича иш юритиш ҳақидаги фуқаролик процессидаги қондаларда шундай ҳолат назарда тутилган.

4) **низоланувчи тарафлар ўртасида шартноманинг мавжудлиги.** Баъзи юридик ишларда тарафлар ёзма шартнома тузиб, юзага келиши мумкин бўлган низоларни дастлаб қайси идорада ҳал қилишни кўрсатиб ўтадилар. Бундай ишлар бўйича албатта тузилган шартнома талабига риоя қилиш керак бўлади. Шунинг учун юқоридаги мезон орқали суд органлари ва ҳакамлар судлари ўртасида фуқаролик ёки хўжалик ишларини тааллуқлилиги чегараси белгилаб олинади.

Шундай қилиб, судга тааллуқлилиқ мезонларини аниқлаш юридик ишларнинг келгусида қайси суд орқали ҳал қилиш зарурлигини белгилаш имкониятини беради.

**Ўлим жазоси тайинлаш назарда тутилган жиноят учун жавобгарликка тортиш муддати қўлланлишнинг ўзига хос хусусиятлари.**

НамДУ жиноят ҳуқуқи ва процесси кафедраси катта ўқитувчиси  
И.Кўзибоев

Бизнинг бош мақсадимиз жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир.

И.А.Каримов

Суд-ҳуқук ислохотлари бугунги кунда жамиятимизда кенг даражада муҳокама қилинаётган масалалардан бири ҳисобланади. Президентимизнинг 2005 йил 1-августдаги “Ўзбекистонда ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида”ги Фармони бугунги кунда олимлар, мутахассислар ва кенг жамоатчилик томонидан муҳокама қилинмоқда. Чунки бу Фармон Асосий Қонунимизда белгилаб берилган инсоннинг табиий ҳуқуқи ҳисобланган яшаш ҳуқуқини таъминлашда муҳим ҳуқуқий замин ҳисобланади.

Ўлим жазосини ижро этиш учун суднинг ҳукми ҳамда афв этиш тўғрисидаги илтимосномани рад этиш ёки афв этишни рад этиш тўғрисидаги хабарнома асос бўлади.<sup>1</sup>

Ўлим жазоси жиноят қонунда назарда тутилган энг оғир жазо тури бўлиб, маҳкумни суд ҳукми билан ҳаётдан маҳрум қилишдан иборатдир. Ўлим жазоси алоҳида ҳоллардагина фақат қонунда назарда тутилган бўлсагина қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 51-моддасига биноан отиб ўлдириш тарикасидаги ўлим жазоси фақат жавобгарлиқни оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдириш, терроризм учунгина тайинланиши мумкин.<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 14 декабр қонунига биноан ўлим жазоси Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг фақат иккита моддасида қолдирилди, ҳолос.

Айрим мамлакатларнинг жиноят қонунларида ўлим жазоси жиний жазо сифатида назарда тутилган.

Мамлакатимизда ўтказилаётган суд ҳуқуқ-ислохотлари, хусусан жиний жазоларнинг либераллаштирилаётганлиги ўлим жазосига ҳам тўқдан ёндашишни тақозо қилмоқда.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2005 йил 29 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги маърузаси муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Ўлим жазоси тайинланиши мумкин бўлган жазоларнинг жуда ҳам қисқартирилганлигидан ташқари, бу жазони тайинлаш мумкин бўлган шахслар доираси ҳам чекланган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси 51-моддасининг иккинчи қисмида белгиланишига кўра, ўлим жазоси аёлга, олтмиш ёшдан ошган эркакларга ва ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсга нисбатан тайинланиши мумкин эмас.

Ўлим жазоси афв этиш тартибида йигирма беш йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштирилиши мумкин. Ўлим жазосига ҳукм қилинган шахслар, фақат шундай маҳкумларни сақлаш учун мўлжалланган жойларда сақланиладилар ва уларни умумий сақлаш шароитига ўтказишга йўл қўйилмайди.

ЖПКда белгиланган муддатлар, шунингдек қонунда назарда тутилган ҳолларда суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарори ёки суднинг ажрими билан тайинланган муддатлар соатлар, суткалар ва ойлари билан ҳисобланади. Муддатларни ҳисоблашда муддатнинг ўтиши бошланган соат, сутка ҳисобга олинмайди, аммо бу қонда ушлаб туриш, қамокда сақлаш ва тиббий муассасада бўлиш муддатларини ҳисоблашга тааллуқли эмас. Муддатни ҳисоблашда ушлаб туриш, қамокда сақлаш ва тиббий муассасада бўлиш муддатлари ҳам вақт ҳам эътиборга олинади. Муддатлар суткалар

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленуми "Суд ҳукми тўғрисида"ги қарори. 1997 йил. 2-май № 2. // Т.: "Шарк", 1997 йил. 113-114 бетлар.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексига шарҳлар. -Т.: "ИЛМ ЗИЁ", 2006 йил. 374-бет.

билан ҳисобланганда муддат охиригى суткада соат 24<sup>00</sup> да тугайди. Тегишли ҳаракат судда, прокуратурада ёки бошқа давлат муассасасида бажарилиши лозим бўлса, муддат ушбу муассасаларда иш вақти тамом бўлиши билан тугайди.

Ойлар билан ҳисобланадиган муддат охиригى ойнинг муддат бошланган кунига тўғри келган санасида тугайди, муддатнинг тугаши тегишли санаси бўлмаган ойга тўғри келса, муддат шу ойнинг сўнги суткасида тамом бўлади. Муддатнинг тугаши ишдан холи кунга тўғри келса, муддат шундан кейинги биринчи иш кунида тугайди, ушлаб туриш, камокда сақлаш ва тиббий муассасада бўлиш муддатини ҳисоблаш ҳоллари бундан мустасно. Қонунда назарда тутилган ҳолларда суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарори ёки суднинг ажрими билан муайян ҳаракатни бажариш учун белгиланган муддат процесснинг манфаатдор иштирокчиси қилган илтимосга биноан муддатни белгиланган суриштирувчи, терговчи ёки прокурорнинг қарори ёхуд суднинг ажрими билан узайтирилиши мумкин.

Ўлим жазосини қўллаш соҳасининг босқичма-босқич камайиб бораётганлиги мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини, жиноий жазоларни либераллаштириш борасида амалга оширилаётган жараёнларнинг муҳим йўналиши бўлди. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган вақтда жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ўлим жазосини назарда тутувчи 30 дан ортиқ моддалардан иборат эди. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Жиноят кодексида бундай моддалар сони 13 тага, 1998 йилда 8 тага, 2001 йилда 4 тага, 2004 йилда эса 2 тага камайтирилди.

Ўлим жазосини умрбод ёки узок муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштиришнинг афзалликлари қуйидагилардан иборат:

1. Инсонга ҳаёт фақат худо томонидан берилганлиги сабабли ундан ҳеч қим маҳрум этишга ҳаққи йўқлиги.

2. Ўлим жазосини жиноий жазо тури сифатида сақлаш, айбдор бўлмаган одамларни жазолаш хавфини келтириб чиқаради.

3. Қотилдан ўч олиш инсоний фазилат эмас, бу шавқатсизлик бўлиб, жохиллик замонларидаги каби “қонга қон, жонга жон” деган қасоскорликдан бошқа нарса эмаслиги.

4. Умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосининг ўлим жазоси бажарадиган функцияларни бажариши. Бирок, умрбод ёки узок муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазосида шахс тирик қолиб, унинг яшаш ҳуқуқи сақланиши.

5. Ўлим жазоси умрбод ёки узок муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштирилса, қотилга камокда ўз меҳнати билан жамият олдига ўзини оқлаш имкониятининг берилиши.

6. Ўлим жазоси пировард натижада бирор бир ижтимоий муаммони ечмайди, аксинча муаммоларни янада мураккаблаштирилиши мумкинлиги.

7. Ўлим жазоси жиноятларнинг камайтирилишини амалиётда исботланмаган. Бунинг устига ўлим жазосини бекор қилган бирор бир

мамлакат тажрибасида бундай қарор салбий оқибатларга олиб келганини тадқиқодчилар ҳали қайд этмаган.

8. Яшаш ҳуқуқи инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсонни яшашдан маҳрум этиш энг оғир жиноятдир.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, давлатимизнинг олий жазони бекор қилиш, шунингдек, жазо тизимини либераллаштириш соҳасидаги сиёсатининг босқичма-босқич ва илмий-назарий асослантирилган равишда олиб борилаётганлиги халқаро ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар инсонпарварлик ва адолат ғояларига асосланган халқаро стандарларга ва халқимизнинг миллий манфаатларига тўлиқ мослигидан далолат беради.

### Суд ижрочилари туман (шаҳар) бўлимларининг ҳуқуқий мақоми

НамДУ Ҳуқуқшунослик факултети  
"Жиноят ҳуқуқи ва процесси"  
кафедра ўқитувчиси С.Тўйчибоев

НамДУ Ҳуқуқшунослик факултети  
2 курс талабаси К.Ҳайитов

Маълумки, бугунки кунда қонун ва судлов тартибига қатъий риоя этилган ҳолда қотиллар, давлат мулкани ўзлаштирганлар, ижтимоий тартибни бузувчилар, жинсий жавобгар шахслар ёхуд сиёсий номаъсул кишилар, улар ким бўлиши қайси мавқени эгаллаб турганлидан қатъий назар бирдай муайян жазога тортилмоқдалар. Башарти қонун амал қилмаса, давлат ва унинг ҳокимиятларида нуфуз, халқда эса ишонч ва сабр тоқат қолмайди. Бу жиҳатдан суд ижрочилари туман (шаҳар) бўлимларининг аҳамияти қатта. Мазкур бўлимлар суд департаментининг жойлардаги қуйи таркибий бўлинмаси бўлиб, ўз фаолиятида суд департаменти ҳамда ҳудудий бошқармага хисобот беради.

Суд ижрочилари туман (шаҳар) бўлимлари ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармоишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Адлия Вазирлиги ва Суд Департаментини буйруқлари, фармоишлари ва кўрсатмалари ҳудудий бошқарма бошлигининг буйруқ ва кўрсатмаларига, шунингдек мазкур низомга риоя қилган ҳолда амалга оширади.

Маълумки, ҳар бир давлат идораси, ўз фаолиятини боқа давлат идораларидан, органларидан жамиятчиликдан ажралган ҳолда амалга ошира олмайди. Агар бундай алоқа тўғри ўрнатилса унинг самараси яхши натижа беради.

Суд ижрочилари туман (шаҳар) бўлимлари ўз фаолиятини судлар, маҳаллий ҳокимият идоралари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа давлат идоралари ҳамда ташкилотлари билан ҳамкорликда амалга

оширилади. Лекин, Суд ижрочилари туман (шахар) бўлимлари одил судловни амалга ошириш жараёнига бошқа давлат органлари каби алмашишга ҳақли эмас.

Суд ижрочилари туман (шахар) бўлимлари тўғрисидаги низомнинг 9-моддасида мазкур бўлимларнинг асосий вазифалари этиб, қуйидагилар белгиланган.

А) Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини сўзсиз ижро этилишини таъминлаш

Б) Иш юритувга қабул қилинган ижро ҳужжатларига асосан мажбурий ижро этиш ва бошқа чораларни қўллашни таъминлаш

Бу вазифаларни бажаришда суд ижрочилари туман (шахар) бўлимлари ҳуқуқларга эга:

- зарур ахборот, тушунтириш ва маълумотлар олиш:

- корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда ишлаётган қарздорларга нисбатан суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг ижро этилишини ва молиявий ҳужжатларнинг юритилишини ижро этиш юритувга мувофиқлиги юзасидан текшириш:

- ижро иши юритишда иштирок этаётган жисмоний ва юридик шахсларга муайян ижро ҳаракатларини амалга ошириш масалалари юзасидан топшириқлар бериш:

- қонунга мувофиқ мол – мулкни хатлаш, хатланган мол – мулкни олиб қўйиш, саклашга топшириш ва реализация қилиш:

- ижро ҳаракатларини амалга ошираётганда, асос бўлган ижро ҳужжатидаги талабларда ноаниқлик бўлган тақдирда, ижро ҳужжатини берган суд ёки бошқа органда уни ижро этиш тартибини тушунтириб беришини сўраш:

- қарздорга, унинг мо – мулкига ёки болага нисбатан қидирув эълон қилиш ва хоқозо.

Суд ижрочилари туман (шахар) бўлимлари ўз ҳуқуқларини амалга оширишда қуйидаги мажбуриятларни бажаришга мажбурдирлар:

- қонунда белгиланган тартибда, расмийлаштирилган ва муддатда тақдим этилган ижро ҳужжатини иш юритувчига қабул қилиш:

- бўлим иш юритувга келиб тушган барча турдаги ижро ҳужжатлари, муқожаатлар ва хат хабарларни ўз вақтида ва белгиланган тартибда рўйхатга олиш:

- ижро иши юритишда иштирок этаётган шахсларга уларнинг процесуал ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириш:

- агар ўзи ижро иши юритиш жараёнидан манфаатдор бўлса ёки унинг бегаразлигига шубҳа туғдирадиган бошқа ҳолатлар мавжуд бўлса ўзини – ўзи рад этиш:

- суд ижрочиларининг зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

Шунингдек, суд ижрочилари ўзларига берилган ҳуқуқлардан қонунга мувофиқ фойдаланиши ҳамда ўз фаолиятида давлат, юридик ва жисмоний



шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари қамситилишига йўл қўймаслиги шарт.

“Суд ижрочилари туман (шахар) бўлими тўғрисида”ги Низомининг 4-бўлимида суд ижрочилари бўлимининг фаолияти ташкил этиш белгиланган. Унга кўра, суд ижрочилари туман (шахар) бўлими суд департаменти томонидан ҳудудий бошқармалари орқали шакллантирилади, ҳамда маблағ билан таъминланади. Бу бўлимларга ҳудудий бошқарма бошлиғи томонидан суд департаменти директори билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган катта суд ижрочисиси раҳбарлик қилади.

Суд ижрочилари туман (шахар) бўлимининг суд ижрочилари ҳудудий бошқарма бошлиғи томонидан суд департаменти директори билан ҳолда лавозимга тайёрланади ва озод этилади. Мазкур бўлимининг жамоат ёрдамчилари эса бошқарма бошлиғи буйруғи билан суд ижрочилари лавозимига захирада турган шахслардан тайинланади ва озод этилади.

Суд ижрочисиси лавозимга тайинлаш учун кадрларни танлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади. Тартибда ўн та ёки ундан кўп суд ижрочисиси штат бирлиги мавжуд бўлган суд ижрочилари бўлимида катта суд ижрочисисининг билдириши асосида департаментнинг ҳудудий бошқармаси бошлиғининг буйруғи билан суд ижрочиларининг иш фаолияти, соҳалар (умумий юрисдикция судлари, хўжалик судлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш) бўйича тақсимланиши мумкин.

### **Фуқаролик жамиятини шакллантиришда ўзини-ўзи бошқариш органларининг тутган ўрни ва аҳамияти.**

НамДУ фуқаролик ҳуқуқи ва процесси кафедраси катта ўқитувчиси Х.К. Холиқов

Президентимиз И.А. Каримов таъкидлаганларидек: “Биз фуқаролик жамиятини қуришга интиломқдамиз. Бунинг маъноси шуки, давлатимиз ривожлана борган сари бошқарувнинг турли хил вазифаларини бевосита халққа топшириш, яъни ўзини-ўзи бошқариш органларини янада ривожлантириш демакдир”<sup>1</sup>. Юқорилардагидан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, бугунги кунда давлатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотлар, туб ўзгаришлар ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятини самарадорлигини ва уларнинг мавқеини оширишни тақозо этади.

Шу боисдан фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органларида жамоа назорати амалга ошириш учун маҳалладаги олиб борилаётган ишлар юзасидан ҳисоботларни тўғридан-тўғри халққа етказиш, маҳаллий оммавий ахборот воситалари орқали етказиш ва кўпчилик ёшлар ҳозирги кунда

<sup>1</sup> Каримов И.А. Асарлар тўплами. “Ватан саждагоҳ қабри муқаддас” 3-жилд. Тошкент “Ўзбекистон” 1996 йил 11-бет.

интернетдан фойдаланишлари кун сайин ортиб бораётганлигини инобатта олиб, интернет сайтлари оркали етказишни йўлга қўйиш зарур.

Мустакилликнинг дастлабки кунлариданок ўзини-ўзи бошқаришнинг жаҳон амалиётида ўхшаши йўқ, ноёб миллий, ҳақчил ҳисобланган маҳаллаларни ижтимоий ҳаётдаги мавқеини оширишга катта аҳамият берилди. 1992 йилдаёқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида биноан, республика "Махалла" хайрия жамғармаси ташкил этилди, 1993 йилда "Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги қонун илк бор қабул қилинди. 1999 йилга келиб эса Олий Мажлис томонидан ушбу қонун такомилга етказилиб, янги тахрирда қабул қилинди.

Жамият-айрим кишиларнинг оддий йиғиндиси эмас. Жамият-инсонларнинг оила, гуруҳ, табақа, синфий муносабатлар алоқасининг ҳаракатдаги мураккаб тизимидир.

Жамиятга ижтимоий муносабатлар мажмуи сифатида қараш, унга муайян тарихий ёндашиш (турли ижтимоий босқичларни кўрсатиш ва уларни бир-биридан фарқлаш);, ижтимоий ҳаётнинг асосий соҳаларига ҳос хусусиятларни аниқлаш; ижтимоий муносабат субъектлари (шахс, оила, миллат, давлат)ни белгилаб олиш имконини беради.

"Фуқаролик жамияти" тушунчасининг маъноси "Жамият" тушунчаси маъносидан торроқ бўлиб, фуқаролик жамияти анча кейин пайдо бўлган. Француз утописти Сен-Симон ўз вақтида "Жамиятнинг иккита душмани бор, булар анархия ва деспотизмдир", - деб таъкидланганди. Фуқаролик жамияти ижтимоий муносабатларнинг шундай етуклик ҳолатидирки, унда бу иккала қарама-қаршилик асосан инкор этилади. Фуқаролик жамиятининг Гегелга ҳос тахлили қуйидаги икки асосий принципга асосланган: индивидлар фақат ўз хусусий манфаатларига риоя қиладилар ва улар ўртасида бири иккинчисига тобе бўлган ўзаро ижтимоий алоқа юзага келади. Бошқача айтганда, Гегел фуқаролик жамияти деганда ижтимоий муносабатларни иктисодий тузилмасини тушунганди.

Фуқаролик жамияти хусусий мулкчилик ижтимоий тузилмаси сифатида вужудга келар экан, энг аввало, рақобатни ва маъмурий ҳокимият томонидан бошқарилмайдиган жараёнларни бартараф этиб, ўзига йўл очиши лозим бўлган бозор муносабатлари тизимини ифодалайди. Шунинг учун фуқаролик жамияти инсон фаолиятини ижодий асосларини намоён қилиш мумкин бўлган шахс эркинлиги тўғрисидаги орзулар хақиқий воқеликка айланган даврдагина қарор топиши мумкин.

Фуқаролик жамияти - тенг ҳуқуқли инсонларнинг жамияти, яққа шахслар ёки жамоалар манфаатларини амалга оширишга қўмақлашадиган жамоат институтларининг тизимидир.

Фуқаролик жамияти фуқаролик институтларининг йиғиндисигина эмас, балки улар фаолиятининг натижасида пайдо бўладиган муносабатлар тизими ҳамдир. Шунинг учун ҳам, фуқаролик жамиятини миллий ва диний аъёнларсиз, урф-одатларсиз, ахлоқ-одоб нормаларсиз, миллий кадриятларсиз ва бу кадриятларни ўзида мужассам этган, ҳақчил, давлат

ичидаги «давлатча» хисобланган, асосий дастак бўлмиш ўзини-ўзи бошқариш органларисиз тасаввур этиб бўлмайди.

### Фаолият билан лицензиясиз шуғулланиш

НамДУ жиноят ҳукуки ва процесси кафедраси ўқитувчиси Ф.О.Собиров

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларга мувофиқ айрим турдаги фаолиятлар билан шуғулланиш учун лицензия олинishi лозим хисобланади.

Лицензия билан боғлиқ муносабатлар бир қанча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади. Бу норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга:

-2000 йил 25 майда қабул қилинган «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида» ги қонун;

-«Ўзбекистон Республикасидаги қорхоналар тўғрисида» ги қонуни;

-«Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида» ги Олий мажлис қарори 2001 йил 12 май;

-«Тадбиркорлик фаолияти юритиш учун рухсатнома турларини қисқартириш ва уларни бериш тартиб-қоидаларини соддалаштириш тўғрисида» ги Президент қарори қабилад киради;

«Ўзбекистон Республикасидаги қорхоналар тўғрисида» ги қонуннинг 8-моддасига кўра: «лицензия олинishi керак бўлган фаолият турларини амалга ошириш учун қорхоналар зарур лицензияни олиши шарт».

Қорхонанинг лицензия олинishi керак бўлган фаолиятига рухсатнома бериш ва бундай рухсатномани ҳақиқий эмас деб топиш тартиби, Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майдаги қарорига иловасига мувофиқ.

Қурол-яроғ ва унинг ўқ дориларини, химояланиш воситаларини, ҳарбий техникани, уларнинг эҳтиёж қисмлари, бурловчи қисмлари ва приборларини яратиш, ишлаб чиқариш, таъминлаш ва реализация қилиш захарли моддалар уларни қўллаган ҳамда материаллар ва маҳсулотлар яратиш, ишлаб чиқариш, ташиш ва реализация қилиш;

Ҳарбий маҳсулотни намойиш этиш ва реклама қилиш;

Мудофаа объектларини лойихалаштириш, қуриш улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш;

Қимматбаҳо ва нодир металллар казиб олиш;

Божхона омбори таъсис этиш;

Фармацевтика фаолияти;

Лотореялар, тотализаторлар ва бошқа таваккалчиликка асосланган ўйинлар ташкил этиш;

Адвокатлик фаолияти;

Нотариат фаолияти;

Туризм фаолияти ва шунга ўхшаш фаолиятлар билан шуғулланиш учун лицензия олинishi шарт хисобланади.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ фаолият билан лицензиясиз шугулланганлик учун жавобгарлик белгиланган. Ўз. Р. ЖК нинг 190-моддаси Фаолият билан лицензиясиз шугулланиш деб номланади.

Ушбу моддада назарда тутилган жиноятнинг объекти тадбиркорлик билан шугулланишни амалга оширилишини тартибга солувчи ижтимоий муносабатлардир.

Объектив томондан жиноят лицензия олинishi лозим бўлган фаолият билан махсус рухсатнома олмасдан шугулланишда ифодаланади яъни бу жиноят формал таркибли ҳисобланади. Ўзбекистон республикаси Олий суди пленумининг «Савдо соҳасидаги жиноятларга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида» ги қарориди «Амалдаги қонунларга мувофиқ савдо фаолиятининг айрим турлари билан шугулланиш учун махсус рухсатнома (лицензия) талаб қилинади, Бундай рухсатноманинг йўқлиги, айбдор муқаддам шундай ҳаракатлар учун бир йил мобайнида МЖТК ни 176-моддаси билан маъмурий жавобгарликка тортилган бўлса, ЖК ни 190-моддаси бўйича жавобгарликни юзага келтиради. Агар, бунда айбдорнинг савдо фаолиятини фақат рухсатномасиз амалга оширибгина қолмай балки, рўйхатдан ўтишидан ҳам бўйин товлаганлиги аниқланса, унинг ҳаракатлари ЖК ни 188 ва 190-моддалари мажмуи билан квалификация қилинмоғи лозим» деб тушунтирилган.

Ж.К 190-моддасининг биринчи қисми маъмурий преюдицияга эга. Шунинг учун жавобгарлик фаолият билан лицензия олмасдан шугулланган шахсга нисбатан маъмурий жазо қоралари қўллангандан кейин содир этилган ҳоллардагина юзага келади.

Фаолият билан лицензиясиз шугулланиш жинояти қасддан содир этилади. Жиноятнинг мотив ва мақсади ҳар-хил бўлиши мумкин. лекин улар қўлмишнинг квалификациясига таъсир кўрсатмайди.

Фаолият билан лицензиясиз шугулланганлик учун 16 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахслар жавобгарликка тортилиши мумкин.

Фаолият билан лицензиясиз шугулланиш жиноятини квалификация қилишда, фаолият билан лицензиясиз шугулланган шахс солиқларни тўлашдан ҳам бўйин товлаган бўлса, ушбу ҳаракатлари Ўз.Р ЖК 190 ва 184 моддаларида назарда тутилган жиноятларнинг жами бўйича жавобгарликни вужудга келтирилишини назарда тутмоқ керак.

Бу модданинг Жиноят қонунчилигига киритилишининг аҳамияти шундаки, лицензия олиши шарт бўлган фаолиятлар махсус мутахассислик, малака ва тайёргарликни шунингдек, техник воситаларнинг махсус стандартларга жавоб беришини талаб қилади. Агар бу фаолият билан юқоридаги талабларга риоя қилмасдан шугулланилса, инсонлар ҳаёти ва соғлигига, жамият манфаатларига жиддий зиён етиши мумкин. Шахс ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш эса жиноят қонунининг асосий мақсадларидан биридир.

## Талаба ёшларнинг ҳуқуқий маданияти

НамДУ Жиноят ҳуқуқи ва  
процесси кафедраси ўқитувчиси  
ф.ф.н., Ш.Г.Журабаев

Ўзбекистон Республикасида фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш борасидаги жамиятни демократиялаштириш ислохотлари аҳолининг, айниқса талаба ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлиги, ўз билимларини амалий ҳаётга тадбиқ эта олиш кўникмалари, ўз ҳуқуқ ва эркинликларини қай даражада ҳимоя қила олиши каби бир қатор сиёсий-ҳуқуқий омиллар билан бевосита боғлиқ бўлиб қолди. Чунки, талаба ёшлар жамиятнинг илғор қисми сифатида демократик жараёнларда ҳал қилувчи роль ўйнаши кутилади. Бозор муносабатларига асосланган фуқаролик жамиятида эса мулк ва мулк билан боғлиқ шахсий муносабатларни тартибга келтиришда аҳолининг ҳуқуқий билим ва савияси ижтимоий тараққиётга ижобий таъсир этади. Шу маънода талаба ёшларнинг олий тағлим тизимида олган бошланғич ҳуқуқий билим ва тажрибалари жойларда аҳолини ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этади. Қолаверса, демократик янгиланиш шароитларида аҳолининг онгида устувор бўлган жамоавийликдан индивидуалликка ўтиш, ахлоқий онгга нисбатан ҳуқуқий онгдаги ўсиш ва ўзгаришда ҳам талаба ёшларнинг ҳуқуқий маданияти белгиловчи жараёндр.

Энг аввало, талаба ёшларнинг ҳуқуқий маданиятининг ўзига хос жиҳат ва хусусиятларини ижтимоий фанларда атрофлича тадқиқ этилсада, лекин олимлар мазкур тушунчанинг моҳият мазмуни масаласида ҳали яқдил фикрга келолганлари йўқ. Маданият атамасини замонавий цивилизация шароитида тўла англаш ва талқин этиш мураккабликлари туфайли олимлар кишилиқ жамияти томонидан яратилган барча моддий ва маънавий неғматларни йиғиндисига тушунишни тақлиф этадилар. Шу билан бирга олимларнинг иккинчи бир гуруҳи маданиятга фақат жамият ижтимоий онги, маънавийяти билан боғлиқ соҳаларни тушунишни тақлиф этадилар. Мазкур муаммо таҳлилида Европа олимлари томонидан илм-фан, техниканинг ютуқлари, ишлаб чиқариш ва шахсий турмушда инсон қўл меҳнатини енгиллаштириш борасида эришилган ютуқлар билан Осиёлик олимлар эса ахлоқийлик ва динийлик омилига алоҳида ургу беришини кузатиш мумкин. Масаланинг мураккаблигидан маданият атамасига таърифлар бир неча юздан ортиб кетганлигидан уларда такрорлаш ёки таърифларни моҳиятан ўзгармаган ҳолда таърифлаш ҳоллари ўам учрайди.<sup>1</sup> Бу ҳол “талаба ёшларнинг ҳуқуқий маданияти” тушунчасини ўзига хос ижтимоий-ҳуқуқий хусусиятларини ёритиб беришни замонавий ҳуқуқшунослик фанлари олдида долзарб вазифа қилиб қўймоқда.

Янги аср бошида ижтимоий-гуманитар фанларда маданият тушунчасига “инсон ҳуқуқ ва эркинликлари” ва “демократия” нуктан

<sup>1</sup> Ионин Л.Г. Социология культуры: путь в новое тысячелетие –М.: Логос, 2000, -С. 11

назаридан қараш янги илмий анганга айланиб бораётганлигини эғтироф этиш мумкин. Дарҳақиқат, инсон маданияти мазмунини унинг табиий ҳуқуқлари ташкил этиши ҳақидаги фикрларга қўшилиш мумкин. Ҳар қандай инсоннинг ижтимоий моҳияти унинг эркинлиги ва ўзгалар билан ижтимоий муносабатларда тенглиги каби адолат тамойиллари билан ўлчанади. Шу мағнода ВАТАН мустақиллиги миллий ва шахсий маданий ҳаётимизнинг бебаҳо ҳуқуқий маданияти деб изоҳлаш мумкин.<sup>2</sup>

Талаба ёшларнинг ҳуқуқий маданияти жамияти миллий ҳуқуқий мафкура ва мағнавиятининг таркибий қисмидир. Уларнинг мағнавий маданияти ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги ёшлар маданиятидан фарқли муайян тизим ва анланганлик билан ажралиб туради. Талаба ёшларнинг ҳуқуқий билимлари ўз тенгдошларига нисбатан диалектик тарзда ўсиши, ижтимоий ҳаётда ҳуқуқий муаммоларни ҳал этишда фаол иштироки билан ҳам ажралиб туради. Шу боисдан биз талаба ёшларнинг ҳуқуқий маданияти деганда шахснинг мағнавий ўсиш даражаси, фуқаролик муносабатларида прогрессив қонун ва қоидалар билан муносабатларни ўрнатиш қобилияти деган фикрга келамиз. Мазкур ёндошув талаба ёшларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги демократиялаштириш ва мамлакатни модернизация маконида фаол ижодий фаолият тағсир этиш имконияти давридир.

Талаба ёшлардаги ҳуқуқий маданиятнинг яна бир жиҳати уларнинг орзу-умид, ўй-фикрлари айна барқ уриб очилган, жисмоний куч-қувватга тўлган ҳолдаги инсоннинг табиатга ҳамда атрофдагиларга бўлган муносабатининг ифодаси ҳамдир. Чунки, талаба ёшларнинг давлат томонидан қабул қилинган қонунлардан яхши хабардорлиги боисдан қонунга итоаткорлик, аниқроғи қонунийликни тағминлашдаги иштироки, уларнинг ҳуқуқий онгини қай даражада эканлигини кўрсатади. Биз шу мағнода Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан 2001 йил 4 январда “Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш ҳақида”ги Фармони ўз вақтида қабул қилинган муҳим юридик акт деб ҳисоблаймиз.<sup>3</sup> Мазкур Фармонни ҳаётда рўёбга чиқарилиши талабаларни нафақат ҳуқуқий маданияти, балки миллий мағнавияти ва ижтимоий фаоллигига бекиёс даражада рағбат беради деб ўйлаймиз.

Таникли ҳуқуқшунос олимлардан А.Саидов., Таджихановларнинг талаба ёшларнинг ҳуқуқий маданияти мағнавий-ахлоқий маданиятни ўзида мужассам этган ҳолда амалдаги қонунчиликдан тўлақонли хабардорлик, миллий – ҳуқуқий тарихимиздан воқифлик билан бирга муносабатларда давлат қонунчилигини оқилона қўллаш одобидир деган фикрларига ҳамфикрмиз.<sup>4</sup> Бу ҳол ўз навбатида талаба ёшларда ҳуқуқий маданият ижтимоий назоратнинг зарурий турмуш тарзи сифатида шаклланишини такозо этади. Демак, талаба ёшларнинг ҳуқуқий маданияти улар томонидан

<sup>2</sup> Давлат ва ҳуқуқ назарияси -Т.: ТДЮИ, 2000, -Б. 453

<sup>3</sup> “Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш ҳақида” Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони. Халқ сўзи, -2001. -6 январ

<sup>4</sup> Таджиханов У., Саидов А. Ҳуқуқий маданият назарияси 2 том. - Т.: ИИВ Академияси, 1997, -Б.213

хукукий онглилик асосида фукаролик муносабатларига киришув ва мамлакат конун ижодиётида ҳам фаол иштирок этишни назарда тутди. Биз талаба хукукий маданиятидаги энг муҳим жиҳати миллий хукукий тартибот ва конунийликни тағминлашда аҳоли орасида хукукий билимларни тарғиб этиш миллий барқарорликка тағсир этувчи хукукубузарликларга қарши туриш одоби ҳам деб ҳисоблаймиз. Чунки, тағлим тизимидаги хукукий билимлар асосида талабалар мағнавияти ҳосил бўлади. Шу мағнода олий ўқув юртларининг маҳаллий ҳокимият органлари билан ҳамкорлигидаги фаолияти талабаларни аҳоли хукукий саводхонлигини ошириш борасидаги муҳим ижобий ходисадир.<sup>5</sup>

Талаба ёшларнинг хукукий маданияти жамиятда аҳолининг умумий мағнавий маданиятининг шаклланиши, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт ютуқлари билан бойиб, янгиланиб борадиган ижтимоий-мағнавий ходисадир.

### Тадбиркорлик субъектларини текширишнинг хукукий асослари

НамДУ хукукушунослик факультети  
Фукаролик хукуки ва процесси кафедраси  
Ўқитувчиси А.А. Нишонов

Мамлакатимизда бозор иқтисодиёти муносабатларини кенг ривожланиб бораётган ҳозирги даврда давлатимиз томонидан тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Мустақилликга эришгандан сўнг шу кунга қадар тадбиркорликни ривожлантириш, тадбиркорларнинг хукук ва конуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида катор конунлар қабул қилинди. Ушбу конун ҳужжатларида тадбиркорларнинг хукук ва конуний манфаатлари тўла-тўқис ифодаланди, ҳамда кафолатланди. Шундай конуний ҳужжатлардан бири «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги 1998 йил 24 декабрда қабул қилинган ва 19 январь 1999 йилдан кучга киритилган конунидир.

Ушбу конунга асосан тадбиркорликни амалга ошираётган жисмоний ва юридик шахсларнинг фаолиятини давлат томонидан назоратга олинади ва шу конун барча текширувларнинг хукукий асоси ҳисобланади.

«Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги конунининг 3-моддасининг 1-қисми 1-бандига эътибор берадиган бўлсак, «назорат қилувчи органлар-хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилишга конун ҳужжатлари билан ваколат берилган вазирликлар ва идоралар;»<sup>1</sup> - деб таъриф берилган. Шу ерда биз қайси вазирлик ва идоралар эканлигига шарҳ берадиган бўлсак, булар: Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши, Молия вазирлиги, Давлат Солиқ кўмитаси, Ички Ишлар

<sup>5</sup> Наманган давлат университети, вилоят ички ишлар бошқармаси, вилоят оксоқоллар кенгаши, "Маҳалла", хайрия жамғармасининг вилоят бўлимининг қўшма қарори // Маҳалла, -2004. -25 март  
<sup>1</sup> «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги. Тадбиркорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш бўйича Ўзбекистон Республикасининг норматив ҳужжатлари. Тошкент 2002 йил 31 бет.

Вазирлиги, Прокуратура органлари, Миллий хавфсизлик хизмати, Монополияга қарши кураш ва рақобатни кучайтириш органи, Адлия Вазирлиги ҳисобланади. Шулардан Ички Ишлар Вазирлиги, Прокуратура органлари, Миллий хавфсизлик хизмати, Монополияга қарши кураш ва рақобатни кучайтириш органи, суд органлари кўзгатишган жиноят ишлари юзасидан муқобил текширувни амалга оширадilar. Ушбу ҳолатда улар жиноят ишига доир соҳанинг ўзини текширишга ваколатли ҳисобланади, яъни бу органларни хўжалик юритувчи субъектларда муқобил текширишлар ўтказишларига текширилади субъект билан ўзаро муносабатлари юзасидангина йўл қўйилади. Демак юқоридаги давлат органлари назорат қилувчи органлар таркибига киради.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг текшириш ушбу қонуннинг 4-моддасига биноан қўйидаги йўллар билан амалга оширилади:

-Текшириш, шу жумладан тафтиш, муқобил текшириш, назорат тартибда текшириш;

- Статистика ахборотларини ва бошқа ахборотларни таҳлил қилиш;

- Идора қарамоғидаги органларни текширишдан ўтказиш;

Текшириш дейилганда - хўжалик юритувчи субъектлар томонидан қонунлар ҳамда ўз фаолиятини тартибга солувчи бошқа қонун ҳужжатлари, ҳамда бажариладилигини назорат қилувчи органларнинг бир марта назорат қилиши тушунилади. Текшириш ўз навбатида тафтиш, муқобил текшириш ва назорат тартибда текшириш қўринишларида бўлади.

Тафтиш бу - молия ва солиқ масалалари бўйича қонун ҳужжатларига риоя этилиши, солиқ, давлат статистика органларига ҳамда банкларга тақдим этиладиган ҳисобга олиш ва ҳисобот ишларининг тўғрилиги устидан назоратни амалга ошириш мақсадида хўжалик юритувчи субъектларнинг бухгалтерлик, молия ва бошқа ҳужжатларини текширишдир.

Муқобил текширув бу - операциялар бирлиги туфайли ўзаро боғлиқ бўлган ва турли хўжалик юритувчи субъектлардаги ёки бир хўжалик юритувчи субъектнинг турли бўлинмаларидаги ҳужжатларни таққослашдан иборат текширувдир. Хўжалик юритувчи субъектларда муқобил текширишлар жиноят ишлари юзасидан тергов олиб бориш жараёнида текшириш тайинлаш тўғрисидаги қарор асосида ёхуд назорат қилувчи органлар томонидан махсус ваколатли органнинг қарорига биноан амалга оширилади.

Нazorat тартибда текшириш бу-хўжалик юритувчи субъектнинг илгариги текширишда қўрсатилган қоидабузарликларни бартараф этиши устидан назорат қилувчи органлар амалга оширадиган текширишдир.

Нazorat қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгашининг 2001 йил 23 апрелдаги 01 -сон қарори билан тасдиқланган «Нazorat қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишни мувофиқлаштириш тартиби



тўғрисидаги низом<sup>2</sup>га асосан текширишнинг ўзи қисқа муддатли текшириш, комплекс текшириш ва режадан ташқари текширишларга бўлинади.

қисқа муддатли текшириш бу-назорат қилувчи органлар томонидан бир иш кунни давомида ўтказиладиган ва хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш билан боғлиқ бўлмаган текширувини тушунилади.

Комплекс текшириш бу-бир вақтнинг ўзида икки ва ундан кўп назорат қилувчи органлар томонидан амалга ошириладиган текшириш тушунилади.

Режадан ташқари текшириш бу-назорат қилувчи органлар томонидан қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда амалга ошириладиган йиллик (чорақлик) текширишлар режасига қиринмаган текшириш(жумладан қисқа муддатли)хисобланади.

Давлат назоратини амалга оширишда бошқа органларга нисбатан ваколати жиҳатидан Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши алоҳида ўрин тутати. Бу орган Республикадаги барча назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш вазифасини бажаради. «Текширишларни тартибга солиш ва назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиришни такомиллаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида бинон, мулкчилик шаклидан катъий назар, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини қонунчиликда белгиланган ҳуқуқларга мувофиқ амалга ошириладиган текширишларнинг ҳаммаси Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши билан келишилган ҳолдагина ўтказилади<sup>3</sup>.

Давлат ва нодавлат ташкилотлари томонидан статистика ахборотларни ва бошқа ахборотларни таҳлил қилиш юзасидан ҳам текширув амалга оширилади. Бундан асосий мақсад хўжалик юритувчи субъектларни истикболлини белгилаш ва хўжалик юритувчи субъектларни келгуси фаолиятига замин яратиш мақсадида ўтказилади. Бундай текширишларда урғу асосан бозор иқтисодиёти даврида бозор муносабатларида рақобатбардошликни аниқлаш, товар маҳсулот бозорини такомиллаштириш ва мониторингини олиб боришга берилади.

Идора қарамоғидаги органларни текширишдан ўтказишда эса юқори турувчи идора органлари ўзининг тизимини ички тартиб назоратини олиб бориш, мониторингини тайёрлаш ва бошқа субъектлар билан муносабатлар ўрнатилганда қонунбузарликларга йўл қўйилишини олдини олиш мақсадида ўтказилади.

<sup>2</sup> «Назорат қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишнинг мувофиқлаштириш тартиби тўғрисидаги Низом. Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Ўзбекистон Республикасининг норматив ҳужжатлари. Тошкент 2002 йил 54 бет.

<sup>3</sup> «Текширишларни тартибга солиш ва назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиришни такомиллаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Ўзбекистон Республикасининг норматив ҳужжатлари. Тошкент 2002 йил 41 бет.

Якка тартибдаги тадбиркорлик билан шуғуланаётган шахсларнинг фаолиятини текширувини эса солиқ органлари ҳамда бошқа назорат килувчи органлар томонидан ваколати доирасида текширилади.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини режали текширишда махсус ваколатли органлар қарорига биноан йилига кўпи билан бир марта амалга оширилади. Агар хўжалик юритувчи субъект тартиб ва кодаларга бўйсунувчи бўлса ва ҳар йилги аудиторлик текшируви хулосаларини назорат килувчи органларга тақдим этиб келаётган бўлса бунда кўпи билан икки йилда бир маротаба текширув амалга ошириш рухсат берилди.

Хўжалик юритувчи субъектларни текширувини амалга оширилаётганда мўддатлари 30 календарг кунидан ошмаслиги лозим бўлади, алоҳида ҳолатларда эса бу мўддат узайтирилиши мумкин.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига ноконуний арашмаслик мақсадида давлатимиз томонидан бир қанча қонунлар қабул қилинди ва кўрсатмалар берилмоқда, бу хўжалик юритувчи субъектларни ҳуқуқлари ва манфаатлари ҳимоя қилишга қаратилган чора тадбирлар ҳисобланиб, бар назорат килувчи органларни қонуний тартибда ишлашга ундайди. Бу қатор қабул қилинаётган қонун ва бошқа норматив актлар текширишларнинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилади. Лекин, айрим ҳолатларда ваколатли органлар ходимлари ўзининг мансаб мавқеини суистеъмол қилганлиги натижасида, салғбий оқибатларга йўл қўйилмоқда. қуйида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлик хизмати раиси ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раисларининг қўшма кўрсатмасида кўрсатиб ўтилган ҳолатга эътибор берамиз;

Ҳозирги кунда бир қатор ҳолларда ҳуқуқни муҳофаза килувчи ва назорат килувчи органлар ходимлари томонидан хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқий билимининг етарли даражада эмаслигидан фойдаланиб, қонунчиликга зид равишда текширишларни рўйхатга олиш китобини мажбурий равишда тўлдиришдан бўйин товлаш мақсадида хўжалик юритувчи субъектларининг раҳбарларини ва тадбиркорларни тушунтиришлар бериш учун чақиргандек бўлиб, аслида уларнинг фаолиятини текширмоқдалар<sup>4</sup>.

Тадбиркорларнинг шикоятларидан шу нарса маълум бўлмоқдаки, юқорида қайд этилган органларнинг мансабдор шахслари ўз хизмат вазифасини суистеъмол қилиб, айрим ҳолларда чақирилганларни бир неча соатлаб асоссиз ушлаб турмоқдалар, ўзларини ҳурматсизларча ва менсимаслик билан тутмоқдалар, таалуқли бўлмаган материалларни талаб қилмоқдалар, айрим ҳолларда эса хўжалик юритувчи субъектлар

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлик хизмати раиси ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раисларининг қўшма кўрсатмаси. Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Ўзбекистон Республикасининг норматив ҳужжатлари Тошкент 2002 йил 76 бет.

фаолиятидаги бирон-бир камчиликни рўқач қилиб, таъмагирлик билан шуғуланмоқдалар<sup>5</sup>.

Юқоридагилардан кўришиб турибдики айрим жойларда мансабдор шахслар ўз мансаб ваколатини суистеъмол қилиб, хўжалик юритувчи субъектларнинг қонунларни яхши билмаслигидан фойдаланиб, ўзларининг қабих ишларини амалга оширмоқдалар. Бундай ҳолларни олдини олиш учун эса биз ҳуқуқшуносларнинг вазифамиз жамиятимиздаги барча қатлам фуқароларимизга, хўжалик юритувчи субъектларга ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушуниб олишларида амалий кўмак бериб, ўз ҳуқуқ ва манфатларини ҳимоя қилишлари учун давлатимиз томонидан қабул қилинган қонун ва қонуности актларини жойларда ҳуқуқий тарғиботи ва ташвиқотини кучайтиришимиз лозимдир.

### Германия жиноят процессида прокуратура идораларининг ўрни

НамДУ ҳуқуқшунослик факультети  
Жиноят ҳуқуқи ва процесси кафедраси  
ўқитувчиси И.Атамирзаев

Буюқ аждодимиз Абу Наср Фаробий адолат ҳақида сўз юритиб, жамиятнинг келиб чиқишида табиий эҳтиёжлар ётишини, бу эҳтиёжларни уйғунлаштиришнинг зарурий шартини эса адолатни шакллантириш деб билади. Адолат шу маънода биз барпо этаётган давлат ва жамият ҳаётида туб асослардан бири бўлиши зарур. Мамлакатимизда амалга оширилаётган янгиликлар ва таракқиёт сиёсатининг стратегик мақсади юртимизда яшаётган барча инсонлар учун муносиб ҳаёт шароитини яратиб бериш, эркинликларини таъминлаш, моддий жиҳатдан таъминланган, ахлоқий жиҳатдан мустаҳкам оила неғизда барпо этилган адолатли жамиятни шакллантиришдир.

Мамлакатимизда олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари жараёнида прокурорнинг иштироки масаласи долзарбдир. Шу ўринда хорижий мамлакатлар жиноят жараёнида прокурорнинг иштирокини ўрганиш ва унинг ижобий томонларини қонунчилигимизга жорий қилиш юзасидан илмий асосланган таклиф ва тавсиялар бериш муҳим аҳамият касб этади. Фикримизча, бу ҳусусда Германия Федератив Республикаси тажрибаси ибратлидир. Аммо герман прокуратурасининг жиноят жараёнидаги фаолияти мамлакатимиз тадқиқотчилари томонидан қам ўрганилган масалалардан ҳисобланади.

Россиялик ҳуқуқшунослардан В.Н.Даданов, А.Жаминский, А.Рерикт, В.Е.Крутских, М.А.Черьцов, Бебутов, Т.М.Махова, Б.А.Филимонова, ГФР

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, Ўзбекистон Республикаси миллий ҳавфсизлик хизмати раиси ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раисларининг қўшма кўрсатмаси, Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Ўзбекистон Республикасининг порчатив ҳужжатлари. Тошкент 2002 йил 76 бет.

хукукшуносларидан В.Беке, Х.Хеннелв. Х.Лесс, К.Роксин ва Э.Шмутлар<sup>1</sup>  
Германия прокуратура идоралари фаолиятини илмий жиҳатдан ўрганган.

Германияда прокуратура тизимининг вужудга келиши 1871 йилда  
Германиянинг бирлашуви билан боғлиқдир. 1871 йилда ЖПК кабул  
килингач, жиноят процесси ягона прокуратура кўлида тўпланди.

Герман прокуратурасига жиноят кидирув функцияси ва тергов устидан  
рахбарлик қилиш ваколатлари берилган эди<sup>2</sup>.

XX асрга келиб Германия жиноят процессуал конунчилигида  
прокуратура органлари фаолияти билан боғлиқ ўзгаришлар юз берди ва  
демократик принциплар асосида прокуратура соҳасининг  
оптимизациялашуви юз берди.

Германияда прокуратура фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини  
қуйидагиларда кўриш мумкин:

биринчидан, прокуратура тўғрисида алоҳида конуннинг мавжуд  
эмаслиги;

иккинчидан, прокуратуранинг хукукни муҳофаза этувчи орган  
сифатида мустақил эмаслиги ва марказлашувнинг юқори даражада эканлиги;  
учинчидан, прокурорларнинг судлардан алоҳида фаолият кўрсатиши;  
тўртинчидан, прокурорларнинг Адлия вазирлигига бўйсунishi ва  
ижроия ҳокимиятининг мансабдор шахси эканлиги<sup>3</sup>.

Прокурор суд жараёнида айблов эълон қилади.

Германияда прокурорнинг асосий функцияси объективликка риоя  
этишдир. Ушбу қоида ГФР ЖПК нинг 160-моддаси 2-абзацида белгилаб  
қўйилган. Жиноят иши юзасидан суд жараёнида прокурор фаолиятининг  
ўзига хос тамойиллари мавжуд бўлиб, ҳақиқатни аниқлаш ва айблов  
позициясида ишни кўришга қаратилган<sup>4</sup>.

Германия ЖПКнинг 160-моддасига биноан прокуратура органларининг  
ваколатига иш бўйича тўлиқ терговни амалга ошириш ва ишни судга  
тайёрлаш қиради. Полициянинг фаолияти ушбу жараёнда прокуратура  
назоратида бўлади.

Германияда агар судда далиллар асослантирилмаган бўлса,  
прокуратура ишни қўшимча терговга қайтариш ҳукукига эга. Қўшимча  
терговнинг ҳукукий асоси ГФРнинг ЖПК-202-моддасида белгиланган<sup>5</sup>.

ГФРнинг ЖПКсига кўра, суд процесси талабларини бузиш орқали  
тақдим қилинган исботлар инобатга олинмайди.

Германия жиноят процессида прокурорнинг ўрнини Ўзбекистон  
жиноят процесси билан солиштирсак, унинг қуйидаги ўзига хос  
хусусиятларини кўришимиз мумкин:

<sup>1</sup> Каранг. Смирнов А.В. Типология уголовного судопроизводства. Дисс... докт. юрид. наук М., 2001.

<sup>2</sup> Каранг. Прокуратура органлари фаолияти ва тартиби тўғрисидаги фармойиш. 1975 й. 12 март

<sup>3</sup> Каранг. Прокуратура органлари фаолияти ва тартиби тўғрисидаги фармойиш. 1975 й. 12 март.

<sup>4</sup> Каранг. ГФР ЖПК 160-модда.

<sup>5</sup> Каранг. ГФР ЖПК 202-модда.

биринчидан, ГФРда прокурор айблов томони сифатида иштирок этмайди. Унинг асосий мақсади судга иш бўйича ҳақиқатни қарор топтиришда яқиндан ёрдам бериш;

иккинчидан, ГФР прокуратура органлари расман ягона суриштирув органи сифатида тан олинган;

учинчидан, прокурорнинг судга қадар бўлган жараёнга таъсири мавжуд бўлиб, айнан судга исботлар ва далиллар ҳақида маълумот беради;

тўртинчидан, баъзи бир шахсларга нисбатан жиноят ишини кўзгатишда прокуратура алоҳида эътибор беради.

Суриштирув полиция томонидан олиб борилиши, гумонланувчи шахсни аниқлангунига қадар прокуратура назорати ва раҳбарлигида бўлади. Прокурор процессуал ҳаракатлар талаб этса, яъни шахснинг ҳуқуқ эркинликларини чеклаш билан боғлиқ ва ишга дахлдор ҳолатлар аниқланмагунча муддат чеклаб белгилаб қўймайди. Бу эса ката эффе́кт беради. Ишни тўлиқ очиб бериш, терговни тўла-тўқис амалга ошириш имконини беради.

Бизнинг фикримизча, ГФРдаги жиноят процессида суднинг қўшимча тергов билан боғлиқ фаолияти ишнинг тўлиқ ва объектив ўрганиш имкониятини беришни ҳисобга олиб, бизнинг жиноят процессимизда қўллаш мумкин.

## Ўзбекистон Республикасида Парламент

НамДУ Ҳуқуқшунослик факультети  
«Жиноят ҳуқуқи ва процесси кафедраси»  
ўқитувчиси Х.Ҳақимов

Ҳуқуқий давлатчиликни шакллантириш кўплаб муаммоларни бартараф этиш билан боғлиқ бўлган мураккаб ва давомли жараёндир.

Парламентаризм принциплари асосида фаолият кўрсатувчи давлат институтлари билан боғлиқ масалалар Ўзбекистонда ҳуқуқий давлатчиликнинг қарор топишига тааллуқли муаммолар силсиласида муҳим ўрин тутди. Чунки ХХI асрнинг бошларига келиб оддий бир ҳақиқат - тўла ваколатга эга бўлган парламентсиз мамлакатда тўлақонли демократия бўлиши мумкин эмаслиги яққол кўзга ташланиб қолди. Бинобарин, фуқаролар демократия тўғрисидаги тасаввурларини аввало давлатни идора этишда ўзлари иштирок этишларининг реал имконияти билан, қолаверса, парламент орқали қонун ижодкорлиги жараёнига таъсир кўрсата олиш имкониятлари билан боғлайдилар. Парламентаризм ўзига хос тарихий йўлни босиб ўтган бўлиб, тарихий мазмунга эга бўлган парламент яъни қонун чиқарувчи органнинг Ўзбекистонда қарор топиши ўзига хос жиҳатларга эгадир.

Бу аввало ўтмишга боғлиқ. Миллий ўзлик давлат қурилишининг турли шакл ва усулларини назарда тутди. Шундай қурилишнинг танлаб олинган муайян усули эса миллий-тарихий ўзига хослик билан умумжаҳон

тамойилларининг синтезидир. Зеро ҳар қандай ижтимоий воқеликни англаш учун биринчи навбатда муайян тарихий босқичнинг конкрет шароитларида қай тарзда юзага келганлигини, ўз тараққиётида қайси асосий босқичлардан ўтганлиги, ана шу ривожланиш жараёнида қай даражада ўзгарганлиги, истиқболда унинг қай тарзда ҳаракат қилишини англаб олиш муҳим эканлиги бежиз эмас. Ана шу қоидалар ҳар қандай ижтимоий воқеликни, шу жумладан парламент сингари муҳим институт масаласини кўриб чиқишда алоҳида аҳамият касб этади. Қолаверса, амалиётнинг далолат беришича, парламентаризмнинг қарор топиши ўта мураккаб, баъзан эса машаққатли жараёндир. Унда тарихий даврнинг ўзига хос жиҳатлари, ҳар бир алоҳида мамлакатнинг ижтимоий ва давлат ҳаёти миллий анъаналари, халқнинг ҳуқуқий маданияти ва сиёсий хошиш-иродаси намоён бўлади. Табиийки, ижтимоий амалиётнинг ривожини, тарихий тарққиётнинг кечишини мамлакат қонун чиқарувчи органи тўғрисидаги назарий тасаввурларни ҳам ўзгартириб боради.

Қонунчилик ҳокимияти давлат ҳокимиятининг муҳим таркибий қисми бўлиб, уни такомиллаштириш давлат ҳокимияти бутун тизимининг тарихий эволюцияси билан боғлиқ. Шу сабабли қонун чиқарувчи олий органларнинг қарор топиши ва ривожланиши муаммоларини ҳар томонлама таҳлил этиш давлат қурилиши назарияси ва амалиёти учун, Ўзбекистон парламентаризмининг келажаги учун теран аҳамият касб этади. Айни пайтнинг ўзиде истиқболни белгилаб олиш учун ўтмишни чуқур ва холис ўрганмоқ зарур. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов таъкидлаганларидек: «Миллий давлатни асраш керак, миллатни асраш учун эса унинг ҳақиқий тарихини ўрганиш, авайлаб ҳимоялаш керак»<sup>1</sup>. Демак, тарихий ёндошув сиёсий-ҳуқуқий таҳлилнинг ажралмас қисми бўлиб, усиз сиёсий воқеликка ҳаққоний баҳо бериб бўлмайди.

Мамлакат қонун чиқарувчи олий органини, унинг асосий ташкилий-институционал тузилмаларини сайлаш масалаларини, парламентнинг қонунчилик масалаларини, парламентнинг қонунчилик фаолиятини ва бошқа вазифаларига доир муаммоларни тадқиқ этиш юридик фаннинг муҳим, долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. Амалга оширилаётган сиёсий-ҳуқуқий ислохотларнинг муваффақиятли кечишини кўп жиҳатдан Ўзбекистонда парламентаризмнинг моҳияти, характери ва ўзига хос жиҳатларини илмий жиҳатдан англашга боғлиқ бўлади.

Мамлакат қонун чиқарувчи олий органининг тараққиёт йўлларини баҳолаш Ўзбекистоннинг ўн беш йиллик мустақил ривожланиш даврининг муайян яқунларини чиқариш мумкин бўлган ҳозирги кунда алоҳида аҳамият касб этади. Истиқлол йилларида тўпланган тажрибани ўрганиш асосида парламентаризм институтларининг мамлакатимиз давлат ва ижтимоий ҳаётидаги таъсирчан ролини кучайтириш мақсадида уларни такомиллаштириш масалаларини осонлик билан ҳал қилиш мумкин. Юридик фанлар доктори, профессор О. Ҳусанов «Ўзбекистонда икки палатали

<sup>1</sup> Каримов И. А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураемиз. Т.7.-Т.:Ўзбекистон. 1999. 301-6.

парламентга ўтиш зарурати» номли мақоласида - «Парламент вужудга келиши давлат бошқаруви соҳасида муҳим аҳамият касб этди. Шу туфайли, яқка ҳукмронлик чекланди. Давлат бошлиғи фаолияти устидан самарали ва таъсирли назорат ўтказиш имконияти, мамлакатда маълум ижтимоий муносабатларни қонун асосида тартибга солиш амалиёти пайдо бўлди. Энг муҳими, ҳокимиятнинг амалга оширишда халқнинг иштироки таъминланди ва халқ вакиллиги вужудга келди. Шунинг учун парламентнинг ҳокимият тизимида вужудга келишини демократиянинг энг муҳим галабаси, дейиш мумкин. Бир ярим аср аввал айтилган «Ваколатли демократик жамиятда қонун чиқарувчи ҳокимият халқнинг кўзи, қулоғи ва овози вазифасини ўтайди», - деган таъриф ҳаётда ҳақиқатдан ўз ўрнини топди. Бу орган турли мамлакатларда турлича номлар билан аталсада, уларнинг барчасига парламент атамаси қўлланилади»- деб билдиради.<sup>2</sup>

Парламентаризм тамойиллари илмий мушоҳада қилиш объекти ва давлат сиёсатининг энг муҳим масалалари ҳисобланади. Уларга бўлган қизиқишнинг сарбаландлиги шу билан изоҳланадики, Ўзбекистонда парламентаризмни такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган янги ғояларнинг тез суръатда ривожланиши содир бўлмоқда. Аммо, айтиш мумкинки, Ўзбекистоннинг сиёсий ҳаётида парламентаризм масалаларига қизиқиш ортинининг асосий сабаби – бу бир қатор миллий давлатчилик институтларининг ривожланиши ва бевосита парламентаризм тамойиллари билан боғлиқ кўпгина муаммоларнинг юзага келаётгани ва халқ қилинаётганидир.

Бу ва бошқа кўпгина масалалар чуқур илмий таҳлил этишни сиёсий – ҳуқуқий мушоҳада қилишни ва умумлаштиришни, парламентаризм ва парламент ҳуқуқини ривожлантириш методологиясини ишлаб чиқишни талаб қилувчи муаммолар доирасини аниқ белгилайди. Негаки, бугунги кунда парламентаризм амалиёти унинг назариясидан анча олдинда бормоқда.

Кўриб чиқилаётган муаммонинг қай даражада ўрганилганидан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, парламент ҳуқуқи назариясини парламентаризм эҳтиёжларига монанд равишда шакллантиришда жиддий камчиликлар мавжуд. Бу кўп жиҳатдан XX аср мобайнида Ўзбекистонда давлат ҳокимиятини ташкил этиш моделлари бир неча марта алмашганлиги, шунингдек парламентаризмнинг вакиллик тамойилларига мослиги совет даврида мутлақо инкор этилганлиги билан боғлиқдир. Парламентаризмга бўлган бундай ёндошув Ўзбекистонда унинг ривожланишини узок вақт тўхтатиб турди.

Парламент демократияси амал қилаётган мамлакатларда парламентаризм институтларини тегишли самарадорлик даражасида сақлаб туриш жиҳатидан ҳам, парламентаризм назариятчилари ва амалиётчилари, юридик, сиёсатшунослик ва бошқа ўқув юртларининг талабалари ва

<sup>2</sup> Хусанов О. «Ўзбекистонда икки палатали парламентга ўтиш зарурати» Жамият ва бошқарув журнали. 2002 й. 3-сон. 4-6 бет.

тингловчилари томонидан ўрганиш жихатидан ҳам парламент ҳуқуқига ва парламентаризм институтларига бўлган қазиқиш ошиб бормоқда. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда конун чиқарувчи олий ҳокимият органи фаолиятининг етарлича ишончли ҳуқуқий замини яратилган ва парламент ишининг муайян тажрибаси тўпланган бўлишига қарамай, Ўзбекистон Республикасининг парламент ҳуқуқи, миллий парламент фаолияти, унинг давлат ҳокимият органлари тизимидаги роли ва ўрни, илмий тадқиқотлар мавзусига айланмаётганлигини Олий Мажлис онунчилик палатаси спикери Э.Халилов ўзининг: «Ўзбекистон Республикаси конун чиқарувчи олий органи: сохта вакилликдан ҳақиқий парламентаризмга қадар» китобида баён этган.

Олий Мажлиснинг конституциявий-ҳуқуқий мустақамланиши илгари мавжуд бўлган Олий Кенгашдан шунчаки воз кечилганинигина эмас, Балки Ўзбекистонда чинакам парламентаризм қарор топаётгани ва ривожланаётгани, яъни парламент алоҳида ўрин тутгани ҳолда ҳокимиятнинг тармоқларга бўлиниши, тузилишига кўра ва вазифалари жихатидан конун устуворлиги тамойилларига асосланган конун чиқарувчи ҳокимиятни ташкил этишнинг демократик тизими ривожланаётганлигини билдиради. Шу муносабат билан давлат ҳокимиятининг энг нуфузли сайлаб қўйиладиган органи сифатида конун чиқарувчи олий органнинг тутган ўрни ва аҳамияти узлуксиз равишда ўсиб бораётганлиги ғояси ва концепцияси барча мамлакатлар давлатчилилик назарияси диккат марказида турибди. Ўзбекистонда ривожланишнинг ўзимизга хос, ҳақиқий вазиятга мос йўллари топилган ва парламент қурилишининг стратегик дастури ишлаб чиқилган тақдирдагина демократик ҳуқуқий давлатни мувоффақиятли қуриш мумкин бўлади.

Парламентаризм назарияси ва унинг жаҳон амалиётидаги замонавий муаммоларни тадқиқ этиш қуйидаги хулосани чиқаришга асос бўлди: биринчидан, Ўзбекистонда кўп партиялилик шароитида икки марта муқобиллик асосида кечган сайловларда сиёвдан ўтган тўлақонли мустақил парламент вужудга келтирилди; иккинчидан Ўзбекистон парламентаризми кўп жихатдан Олий Мажлис ташкилий-институционал тузилмаларининг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ белгиларга эга. Бу ўзига хос хусусиятларни таҳлил этиш шундай башорат қилиш имконини бералики. объектив шарт-шароити яратилган (профессионал сиёсатчиларнинг етарлича қатлами ва ривожланган кўппартиялилик тизими вужудга келган, тегишлича сиёсий маданиятга эга бўлган электорат- сайловчилар шаклланган, зарур ҳуқуқий база пайдо бўлган) ва миллий давлатчилик институтлари ривожланган сари Ўзбекистон парламентининг фаолияти тобора депутатлар фақат Олий Мажлисида ишлашларига, яъни профессионал депутатлар ишига асослана боради.

Ўзбекистонда ҳокимият конун чиқарувчи тармоғининг шакллангани, миллий парламент аънчалари ривож топиганига асосланиб, шунингдек Ўзбекистон ҳалқининг кўп миллионли ва мамлакат ҳудуди катталигини ҳисобга олиб, мазкур ишда Ўзбекистон Республикаси Президенти



И.А.Каримовнинг парламент тузилишини ўзгартириш ва бир палатали тизимдан икки палатали тизимга ўтиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги таклифини янада кенгрок асослаб беришган ва ривожлантиришга ҳаракат қилинди.

Турли мамлакатлардаги асосий ташкилий - институционал тузилмаларнинг тузилиши ва уларнинг фаолияти тартибини киёсий-ҳуқуқий тадқиқ этиш, шунингдек миллий қонун ҳужжатлари ва бу тузилмаларнинг Ўзбекистон парламентида фаолият кўрсатиши амалиётини системали таҳлил қилиши асосида, Олий Мажлис Кенгаши, қўмиталари ва комиссиялари, шунингдек депутатлар фракциялари ва блокларининг тузилишини ва уларнинг фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштиришга қаратилган аниқ таклифлар ишлаб чиқилди.

Ўзбекистонда «Давлат ҳокимиятининг вакиллик органлари» фанида илк бор парламентнинг энг муҳим ташкилий-институцион тузилмаларидан бири бўлмиш депутатлар фракциясига норматив таъриф беришга ҳаракат қилинди.

Олий Мажлис депутатлари фракциялари ва блоклари фаолиятининг таҳлиliga асосланиб айтиш мумкинки, кўп партиялилик Ўзбекистон ҳудудида муқаррар ҳодисага айланди. Шуни ҳам эътироф этиш жоизки, кўп партиялилик тизимининг шаклланиш жараёни илк босқичда турибди, мураккаблик ва қийинчилик билан кечмоқда. Бу кўп жихатдан, сиёсий маданият етарли эмаслиги, партиялар ва давлат ҳокимиятининг биргадқида иш олиб бориш тажрибаси билан боглиқдир. Шу муносабат билан ушбу асослаб берилган конституциявий ҳуқуқ (давлат ҳуқуқи) нинг кичик тармоғи сифатида «партия ҳуқуқини» шакллантириш зарурлиги тўғрисидаги алоҳида тўхталиб ўтмоқ лозим. Ўзбекистон конституцияси ва мамлакатимизнинг сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари, сайловлар тўғрисидаги қонунлари бу кичик тармоқнинг асосий манбааларидир. Ўзбекисон Республикаси президенти ҳам бу масалага алоҳида эътибор бермоқда. Шунингдек Олий Мажлиснинг 2004 йил апрелдаги сессиясида партиялар фаолиятини молиялаштириш бўйича норматив ҳужжат яратишга бўлган эътибор алоҳида аҳамиятга эга.

Ўзбекистон парламентининг ваколатлари масаласига алоҳида эътибор қаратилади. Зотан, бу юридик фан ва сиёсий амалиётда таянч маалалар жумласига қиради. Бу борадаги тадқиқ қонун чиқарувчи орган ўзининг давлатдаги ижтимоий ролини қандай ва қай даражада бажаришини, унинг бошқа давлат институтлари билан муносабатлари қандайлигини аниқлаш имкониятини беради. Тўпланган тажрибани назарий таҳлил этиш ва умумлаштириш асосида қонунчилик, назорат ва ташки сиёсатга оид фаолиятнинг самарадорлигини оширишга ва унинг ҳуқуқий тартибга солинишини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар киритилади, бу институтларни янада демократлаштириш резервлари очиб берилади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери, Юридик фанлари доктори Э. Халилов «Шак-шубҳасиз, Ўзбекистонда икки палатали парламентнинг тузилиши халқнинг ўз хоши- иродасини янада тўлароқ

ифода этишга, конун ижодкорлиги фаолияти ривожланиши учун янада кулайроқ шароитлар таъминланишига имкон беради. Мамлакат конун чиқарувчи олий органида демократия ва фикрлар хилма-хиллиги кучайиб боришига, миллий давлатчилик институтлари тизимида унинг солмоғи янада ортиб боришига замин яратади. Пировард натижада эса икки палатали парламентга ўтиш Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг бутун тузилмасига ижобий таъсир этади, фуқаролик жамиятини шакллантиришга қўшилган муносиб ҳисса бўлиб қолади» деб таъкидлади.

## Ўзбекистон Республикаси Конституциясида бағрикенглик тамойиллари

НамДУ «Миллий истиқлол гоёси ва маънавий асослари» кафедраси катта ўқитувчиси О.Топилдиев

Жамият тарихи ўз моҳият ва эътиборига кўра кишилар ўртасидаги муносабатлар тарихидан иборат бўлиб, тарихий тараққиётнинг ҳар бир даврида таркиб топган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тизим эса жамиятни ташкил қилган шахслар ўртасидаги иқтисодий, сиёсий, маънавий муносабатларни шакллантиради ва идора қилади. Ўзбекистон Республикасининг мустақил тараққиёт йўлига ўтиши, мамлакатимизни буюк тарихий бурилишлар маънавий-сиёсий, ахлоқий ва ҳуқуқий ўзгаришлар жараёнига бошлади. Бугунги кунда дунё чуқур ўзгаришларни бошидан кечирмоқда. Иқтисодий интеграциялашув ва ўзаро боғлиқликнинг кучайиши аҳолининг кучли ва кенг камровли миграцияси, жамият сонал тузилишидаги ўзгаришларнинг чуқурлашуви тезлик билан амалга ошмоқда.

Ана шундай мураккаб ўзгаришлар содир бўлаётган бир пайтда жаҳоннинг турли нуқталарида миллатлараро низоларни келтириб чиқариши мумкин бўлган зиддиятлар ҳам сакланиб, маълум даражада ривожланиб бормоқда. Шунинг учун ҳам бугунги кунда миллатлараро муносабатларнинг нисбатан барқарор ва турли кўринишдаги таҳдидлар ҳамда инкироزلарга бардош берувчи тизимини яратиш умуман ер юзида тинчлик ва тараққиётни таъминлаш йўлларида бири бўлиб қолмоқда. Бу кўп миллатли Ўзбекистон Республикаси учун ҳам хос бўлиб, мамлакатимизда истиқомат қилувчи турли миллат ва элатлар вакиллари ўртасида инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари устуворлигига асосланган тенг ҳуқуқчилик ва ўзаро ҳамкорлик муносабатларини Асосий қонунимиз Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустақамланиб эътироф этилганини таъкидлаш ўринлидир. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек «Аввало, барчамиз бир ҳақиқатни англаб, тушуниб бормоқдамиз - бугун жамиятимизда қандай ютуқ ва манбаларга эришаётган бўлсак, буларнинг пойдеворида Конституциямиз—буюк ҳаёт қомусимиз турибди».<sup>1</sup> Ўзбекистон

<sup>1</sup> Халилов Э.Х. «Икки палатали парламентни шакллантириш йўлида» Қонун ҳимоясида, 2003 й. 1-сон 7-бет.  
<sup>2</sup> Каримов И.А. «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт—пировард мақсадимиз». Тошкент, 2000. 87-бет.

Республикаси Конституциясидаги багрикенглик тамойиллари тинчликни, миллатлараро муносабатлардаги ўзаро ишонч, бир-бирига хурмат руҳи мустахкамланганини ёрқин ифодасидир.

Сабаби, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида инсонпарварлик, одамларга нисбатан меҳр оқибатда бўлиш, кишилар тўғрисида ғамхўрлик қилиш, уларга хурмат ва эҳтиром билан қараш каби багрикенглик ғоялари муҳим ўрин олган.

Шу билан бирга Конституциямизда мамлакатимиз фуқароларининг ҳуқуқ ва бурчлари, вазифалари улар учун яратилган кафолатлар ҳамда ватанпарварлик, миллатлараро тотувлик динлараро багрикенглик тамойиллари юқсак даражада акс этган.

Багрикенглик ҳақида фикр юритар эканмиз Конституциямизнинг 4-моддасида «Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истикомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари хурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади»<sup>2</sup> дейилган. Бунинг амалиётда ўз аксини топганлигини мамлакатимизда яшовчи 136 дан ортиқ миллат ва элатлар, 15 та диний конфессия вакиллариининг бир-бирлари билан инोक, биродар бўлиб яшаётганлигидан ҳам кўрса бўлади. Бундан кўриниб турибдики, мамлакатимизда барча ижтимоий масалалар қатори миллатлараро тотувлик ва багрикенглик тамойилларининг ривожланишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Миллий мансублигидан қатъий назар ҳар бир инсон ўзини Ўзбекистон Республикаси фуқароси деб билиб, жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётида бир хил ва тенг имкониятларга эга бўлган ҳолда фаол қатнашиб келмоқда. Чунки, Конституциямизнинг 18-моддасида «Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чикиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар қонун олдида тенгдирлар»<sup>3</sup> – деган қоидаининг мустахкамлаб қўйилгани бундай ютуқлар учун сиёсий-ҳуқуқий замин яратганини қайд этиш лозим. Шу билан бирга бу жараёнда турли миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари, маданияти хурмат қилинишини таъминлаш, уларнинг ривожланиши учун шароит яратиш фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чикувчи, ижтимоий, миллий, иркий ва диний адоватни тарғиб қилувчи фаолиятга йўл қўймасликдек тамойилларга қатъий амал қилинганлиги аҳамиятга молик бўлди.

Шунингдек, Конституциямиздаги виждон эркинлиги масаласига бағишланган 31-модда ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унда «Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиши ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди» – деган қоидалар демократик, ҳуқуқий инсонпарвар дунёвий жамиятга хосдир. Демак, диний

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.: «Ўзбекистон», 2003 йил.  
<sup>3</sup> Уша жойда.

багрикенглик, инсонни у ёки бу динни танлашдаги ҳукуки, эрки ёки эътикод эркинлигини белгилаб беради. Мамлакатимизда қарор топган диний багрикенглик хилма-хил диний эътикодга эга бўлган фуқароларнинг бир замин, бир ватан, бир само остида олийжаноб гоё ва ниятлар йўлида ҳамкор ва ҳамжихат бўлиб яшашига ёрдам бермоқда.

Бу ўринда эса мамлакатимиз Президентининг миллатлараро муносабатларни ва багрикенглик тамойиларини янада уйғунлаштиришга қаратилган сиёсатни изчил давом эттиришга бўлган иродаси бунинг асосий ва муҳим замини эканини таъкидлаш даркор.

Фуқароларнинг демократик давлат қуриш ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишга бўлган интилиши ҳамда мамлакатимиз ҳудудида яшовчи миллат ва элатлар вакиллари ўртасидаги миллий уйғониш жараёни уларнинг миллий-маданий ўзига хосликни сақлаб қолиш ва ривожлантириш йўлида интилишлари бундай ютуқларни кенгайтиришни яна бир муҳим манбаидир. Шу билан бирга ҳозирги даврда кечаётган жараёнда барча миллат ва дин вакиллари биргаликда ҳамжихатлик ўзаро ҳурмат ва багрикенглик тамойилларига амал қилган ҳолда ҳаракат қилиб, мамлакатимизда қонун устувор бўлган ҳуқуқий демократик жамиятни қуришда фаол иш олиб бориш лозимлигини тақазо этмоқда.

Бу ўринда юртбошимиз И.А.Каримовнинг қуйидаги фикрларини таъкидлаш ўринли «Жамият тараккиётининг устувор йўналишларидан бири мамлакатда миллатлараро тотувлик ва диний багрикенгликни мустаҳкамлашдир. Бизнинг ягона уйғимиз бўлган Ўзбекистонда яшовчи барча одамларнинг, уларнинг миллати, иймон-эътиқодидан қатъий назар тинч ва фаровон ҳаётини таъминлаш, олиб бораётган сиёсатимизнинг асосий мазмуни бўлиши керак»<sup>4</sup>.

Бу билан кўп миллатли жамиятимизнинг келажакини миллатлараро тотувлик ва багрикенглик тамойиллари асосида ягона Ватанимиз Ўзбекистонда бир оила фарзандларидек ахилликда ва иннокликда истикомат қилишлари билан таъминлашдек энг муҳим ва долзарб вазифа турибди.

Сабаби Конституциянинг жуда кўп моддаларида багрикенглик тамойиллари акс этган. Жумладан, 22-моддада «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз фуқароларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларга ҳомийлик кўрсатишни қафолатлайди» дейилган, ёки 25-моддада «Ҳар кимнинг эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга эканлиги», 29-моддада «Ҳар кимнинг фикрлаш, сўз ва эътикод эркинлиги ҳуқуқига эга эканлиги» кўрсатиб ўтилган. Умуман олганда Конституциядаги шахсий, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликлар багрикенглик тамойиллари асосида белгилаб қўйилган.

Ҳулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларининг қафолатларини кўрсатиш билан бирга уларнинг ҳар томонлама юксалишига, ўз имкониятларини яхши ишларга тўла сафарбар этишга, тадбиркорликни, ташаббускорликни

<sup>4</sup> Каримов И.А. «Ўзбекистон буюк келажак сарни». Тошкент – 1999 йил.

оширишга кенг имкониятлар яратиб бермоқда. Шунинг айтиш жоизки, республикамиз фукароси ўзининг амалга ошираётган барча хатти харакатларини, амалларини ўзининг моддий ва маънавий манфаатдорлигига қаратиш билан бирга Ўзбекистон Республикасининг таракқиети, юксалиши, гуллаб яшнашига ҳам қаратиши лозим. Бу ҳар бир фукаронинг ватанпарварлик бурчи ҳисобланиб, Конституциямизда эътироф этилган бағрикенглик тамойиллари муҳим аҳамият касб этади. Чунки, жамият ва демократиянинг таракқий этиши бағрикенглик тамойиллари мазмунини ҳам бойитиб, ривожлантириб бормоқда.

Дарҳақиқат, Конституциядаги бағрикенглик тамойиллари мамлакатимизда бугунги кунда кўлга киритилган ютуқларни янада мустаҳкамлашга, миллий мансублигидан қатъий назар фукараларнинг снёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги иштирокини ҳар томонлама фаоллаштириш имкониятларини янада кенгайтирмоқда. Турмуш тарзимиздаги бағрикенглик фазилатлари, халқаро ижтимоий муносабатларда давлатлараро ҳамдўстлик муносабатларида ўта муҳим аҳамиятга эга. Жамиятдаги тинчлик, мурося ва ўзаро ҳамкорлик вазиятининг барҳаёт бўлиши эся, фукараларнинг тинч ҳаёт кечиришлари ва фаолиятлари учун қулай имкониятлар яратмоқда.

### “Экологик мувозанатни барқарорлаштириш ва уни ҳуқуқий таъминлаш”

Қўқон ДШИ ўқитувчиси О.Юнусалиев  
Қўқон ДШИ магистранти И.Мавлонов

Бугунги кунда ер юзидаги инсониятни ҳавф остида қолдираётган ташвишлардан бири экологик мувозанат ҳисобланади. Жамиятнинг атроф муҳит билан ўзаро бузилган алоқаси кўпчиликда қатта ташвиш уйғотмоқда.

Ҳозирги пайтда мамлакатимизнинг ижтимоий – иқтисодий ривожланишида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни ташкил этиш, экологик ҳолат барқарорлигини таъминлаш шу куннинг долзарб муаммоларидан биридир.

Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш давлат экологик снёсатининг муҳим вазифаларидан ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси президенти И.А.Қаримов “Табиат ва инсон ўзаро муайян қонуниятлар асосида муносабатда бўлади. Бу қонуниятларни бузиш ўнглаб бўлмас экологик фалокатларга олиб келади” – деб таъкидлаган.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида собиқ индустриал даврда республикамиз бой табиий - жуғрофий бойликларидан аёвсиз фойдаланиш, табиатни муҳофаза билан боғлиқ чора тадбирларнинг бажарилмаслиги оқибатида, 80-йилларда табиий мувозанатнинг бузилиши, иқлим шароитининг ўзгариши, экологик ҳавф-хатарнинг пайдо бўлиши ва кескинлашувига олиб келди.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, табиий ресурслар фақат халқимиз миллий бойлиги сифатида эътироф этилиб, табиий қонунлари устиворлиги тан олинган ҳолда миллий хусусиятларимиз асосида оқилона экологик сиёсат олиб борилиши катъий белгиланди.

Экологик хавфли омилларни бартараф этиш юзасидан кенг камровли, халқаро минтақавий ва маҳаллий дастурлар яратилди.

“Экологик хавфсизлик муаммоси, - деб эътироф этади И.А.Каримов, - аллақачонлар миллий ва минтақавий доирадан чиқиб, бутун инсониятни умумий муаммосига айланган. Табиат ва инсон ўзаро муайян қонуниятлар асосида муносабатда бўлади. Бу қонуниятларни бузиш ўнглаб бўлмас экологик фалокатларга олиб келади. Экологик хавфсизлик кишилиқ жамиятининг бугуни ва эртаси учун долзарблиги, жуда зарурлиги боис энг муҳим муаммолар жумласига киради. Бу муаммолар амалий тарзда ҳал этилса, кўп жиҳатдан ҳозирги ва келгуси авлод турмушининг ахволи ва сифатини белгилаш имкониятини беради.”<sup>1</sup>

Жамиятда экологик инкироз ва хавф-хатарнинг кескинлашиши шароғида давлат ва ҳуқуқ олдида мавжуд экологик хавфни олдини олиш ва бартараф этиш билан боғлиқ муҳим вазифалар туради. Экологик хавфсизлик миллий хавфсизликнинг асосий таркибий қисмларидан бири бўлиб, экологик муҳитни барқарорлаштириш, экологик инкироз кескинлашишининг олдини олиш, хавфли ва зарарли таъсирларни камайтириш, аҳолининг экологик сиёсати асосида таъминланади. Ҳозирги кунда, ўсиб бораётган инсоннинг демографик фаолияти ва фан - техниканинг ривожланиши оқибатларни, маҳаллий хусусиятларга эга бўлган экологик ўзгаришлар инсоният кўз ўнгидан минтақавий ва глобал фалокатларга айланиб бормокда. Бу эса табиат бойлиқларини оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасида давлат назоратини ҳозирги кун талаб даражасида олиб боришни таъқозо этмокда.

Экологик хавфсизликни ҳуқуқий таъминлаш, табиий муҳит барқарорлиги, аҳолининг соғлиги ва ҳаётига таъсир этувчи омилларни камайтириш, олдини олиш, чеклаш ва бартараф этишга қаратилган сиёсий ижтимоий-иқтисодий, маданий - маърифий, ташкилий чора - тадбирларни белгилайдиган халқаро, минтақавий, миллий қонунчилик ҳужжатлар тизимини шакллантиришдан иборат. Давлат экология назоратнинг мақсадига эришишининг асосий воситаларидан бири экологик талаб акс эттирилган қонун ҳужжатларини бузишда айбдор бўлган шахсларни юридик жавобгарликка тортишдир.

Фан ва техника тараққиёти, аҳоли сонининг ортиб бориши, жамиятни табиатга таъсирининг кучайиши экологик вазиятни мураккаблаштиради. Шу сабаб давлат экологик сиёсатини ҳуқуқий кучайтириш, экологик мувозанатни барқарорлаштириш шу куннинг муҳим вазифаларидан бирига айланди. Бу эса табиатга муносабат борасидаги хатоларни атрофлича таҳлил

<sup>1</sup> И.А. Каримов “Ўзбекистон XXI аср бўёғида: хавфсизликка таҳлил, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қароратлари” Т. 6. Т. Ўзбекистон 1998. 108, 110 бетлар.

килиб хулоса чиқаришни, шунинг билан бирга экологик таълим ва гарбён берилни кучайтириш зарурлигини таъқозо этади.

## Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасининг объектлари

ТДЮИ "Фуқаролик ҳуқуқи" кафедраси  
ўқитувчиси Б.Р.Тошпидиев

Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий - иқтисодий тизими ва ҳуқуқий негизини доимий равишда такомиллаштириб бориш мамлакатимиз равнақини таъминлашнинг муҳим омилларидан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий негизини яратиш иқтисодий ислохотни амалга оширишнинг асоси эканлигини таъкидлаб, «Мустақкам ҳуқуқий негиз бўлгандагина ўзини оқламаган эски тизимни тўла ишонч билан қайта қуриш, маданий бозор иқтисодиётига эга бўлган янги жамият қуриш мумкин. Ҳозирги мутлоқ янги сиёсий – иқтисодий ва ҳуқуқий муносабатларни ақс эттирувчи янги қонунлар мажмуигина биз барпо этаётган ёш ижтимоий бинога барқарорлик, демократик характер бахш этувчи омил бўлиб хизмат қилади. Республиканинг барча аҳолиси манфаатларини таъминлашга, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар мавжуд бўлгандагина туб ўзгаришларнинг кучли ижтимоий асослари яратилади, Ўзбекистоннинг ёркин келажагига ишонч уйғотилади»<sup>1</sup> – деган фикрини илгари сурган.

Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси Ўзбекистон Республикаси фуқаролик қонунчилигида янги ташкил топган институтлардан бири бўлиб ҳисобланади. Унинг пайдо бўлиши бозор муносабатларининг ривожланишига асосланган. Бизга маълумки, бу турдаги янги институт фуқаролик ҳуқуқи қонунчилигида муқаддам ёритилмаганлиги ва ҳозирги бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш даврида янги мулкий муносабатларнинг вужудга келиши оқибатида ушбу институтни амалиётга кенг тадбиқ қилиш фуқаролик ҳуқуқининг муҳим вазифаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Чунки, бу институт бизга қадар инглиз-америка ҳуқуқ тизимида «трастинг» номи билан кенг тарқалган ҳуқуқ институтларидан саналиб келган.

Фуқаролик кодексининг 851 – моддасига асосан ишончли бошқариш объектлари қорхоналар, ва бошқа мол мулк комплекслари, кўчмас мулкларга мансуб бўлган алоҳида объектлар, қимматли қоғозлар, алоҳида ҳуқуқлар ва бошқа мол-мулкдан иборат бўлиши мумкин. Ушбу модданинг биринчи қисмига бинаон мулкдорнинг ҳар қандай мол-мулкни ишончли бошқариш объектлари бўла олмайди. Фуқаролик кодексига мол-мулкни ишончли бошқариш объектлари бўла олмайдиган мол-мулклар кўрсатиб ўтилган бўлиб, улар жумласига энг аввало муайян мол- мулклар мажмуаси қиради. Бундай мулклар йиғиндисига кўчмас мулк, бўлиши ёки бўлмаслиги ҳам мумкин.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т.: Ўзбекистон, 1995. – 29 б.

Лекин, аксарият холларда ишончли бошқариш объектлари сифатида кўчмас мулкларнинг мажмуаси иштирок этади. Жумладан, корхоналар, муассисалар ва бошқалар. Фукаролик кодексининг 85-моддасида кўрсатилишича, бутун корхона мулккий мажмуа сифатида кўчмас мулк ҳисобланади. Корхоналар таркибига унинг фаолияти учун мўлжалланган ҳамма мулк турлари, шу жумладан ер участкалари, бинолар, иншоотлар, ускуна, инвентар, хом-ашё маҳсулот, талаб қилиш ҳуқуқи, қарзлар, шунингдек корхонани унинг маҳсулоти, ишлари ва хизматларини ақс эттирувчи хусусий аломатларга (фирма номи, товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари) бўлган ҳуқуқлари ва бошқа мутлок ҳуқуқлар, агар қонун ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, қиради. Шунинг таъкидлаш лозимки, корхона ишончли бошқарувга топшириладиганда ҳуқуқ сифатида эмас, балки мол-мулклар мажмуаси яъни ҳуқуқ объекти сифатида қаралиши керак. Шунингдек, корхона ишончли бошқарувга топшириладиган шахсга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлиши лозим. Айрим холларда корхона бундай шахсга мажбурият ҳуқуқи асосида ҳам тегишли бўлиши мумкин. Масалан, бирор шахс ижара олган корхонани агар ижра шартномасида унга ваколат берилган бўлса, ишончли бошқарувга топширилиши мумкин. Шунингдек корхона ишончли бошқарувга тўлиқ тарзда берилмасдан, унинг бир қисми ёки филиали, бўлинмаси ва ҳақозо мол-мулклар ҳам ишончли бошқарувга топширилиши мумкин.

Мазкур моддада таъкидланишича бошқарув объекти бўлиб, кўчмас мулкка мансуб бўлган алоҳида объектлар (уй-жойлар, оғборхоналар, иморгалар), қимматли қогозлар (акциялар, облигациялар, векселлар ва ҳақозо), ҳаттоки алоҳида ҳуқуқлар (интеллектуал мулк объектига нисбатан мутлок ҳуқуқлар; Кодекснинг 1034-1035-моддалари ва бошқа мол-мулклар ҳисобланди) ушбу мол-мулкларнинг ҳар бири ишончли бошқарувнинг объекти сифатида тан олинади. Пул одатда, ишончли бошқаришнинг муваққат объекти бўлиб ҳисобланмайди. Чунки, қонунчиликда пул маблағини бирор шахсга фойдланиш учун бериб, ундан маълум фойда (фонд) олиш ҳуқуқи фақат банкларга ва бошқа кредит ташкилотларга берилган бўлиб, бундай фаолият кредит шартномаси тарзида расмийлаштирилади ва ўз навбатида бу ерда пул маблағлари кредит шартномасининг объекти бўлиб ҳисобланди. Шу билан бирга фукаролик кодексда белгиланишича, пул маблағлар истисно тариқасида фақат қонунда бевосита кўрсатиб ўтилган холлардагина ишончли бошқариш объекти бўлиши мумкин. Пул маблағлари ёки қимматли қогозлар ишончли бошқарувга берилган тақдирда ҳам улар қонунда белгилаб қўйилган махсус ҳуқуқий режим асосида бошқарилиши лозим. Мазкур модданинг 3-қисмига биноан хўжалик юритувида ёки оператив бошқарувда бўлган мол-мулкнинг ишончли бошқарув объекти сифатида иштирок этиши тақиқланган. Кодекснинг 852-моддасида назарда тутилган ҳолат истисно.

Мол-мулкни ишончли бошқаришда ишончли бошқариш юзасидан тегишли шартнома тузиладиган пайтда мавжуд бўлмаган, лекин кейинчалик вужудга келиши, эгалланиши мумкин бўлган мол-мулкларни топшириш ҳам



кайд қилиниши мумкин. Масалан, мол-мулкни бирор шахсдан олиб бериш ёки бошқа бир шахс томонидан келтириб берилиши ва ҳоказо.

Бундай ҳолатда ишончли бошқаришга реал ўтказилмаган ушбу мол-мулклар ишончли бошқариш шартномасининг предмети бўлиб ҳисоблансада, аммо ишончли бошқариш предмети бўла олмайди. Шундан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, ишончли бошқаришга топширилган мол-мулк даромад, ҳосил келтирадиган бўлса, бундай даромад ва ҳосил ишончли бошқарувчининг эгалигига реал ўтгандан сўнггина ишончли бошқариш объекти бўлиб ҳисобланади. Юқорида таъкидланганидек, ишончли бошқариш объекти бўлиб, индивидуаллашган муайян ашёлар ва ҳуқуқлар ёки уларнинг мажмуаси ҳисобланиши мумкин. Бундай мажмуанинг таркибий қисмида ишончли бошқаришнинг мустақил объекти бўлиши мумкин бўлмаган мол-мулклар ҳам, жумладан пул маблағлари ҳам мавжуд бўлиши мумкин. Масалан, корхонанинг пул маблағлари ва ҳақозо.

Шуни таъкидлаш лозимки, ишончли бошқарувчининг мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси юзасидан содир этган юридик ва амалий ҳаракатлари ишончли бошқаришнинг эмас, ишончли бошқариш шартномаси бўйича тарафлар ўртасида вужудга келган ҳуқуқий муносабатларнинг объекти сифатида қаралади.

### Ўзбекистон Республикасида интеллектуал мулк ҳимоясининг ҳуқуқий асослари

Ўзбекистон Республикаси Солиқ  
қўмитасининг Солиқ Академияси  
А.Ортиқов

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 42-моддасида баён этилганидек: «Ҳар кимга илмий ва илмий-техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади. Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ҳамхўрлик қилади»<sup>1</sup>.

Илмий-техникавий ижоднинг натижаси—бу интеллектуал маҳсулотдир. Бу мулкка эгаллик қилиш, уни тасарруф этиш ва ундан фойдаланиш муносабатлари самарадорлигини янги босқичга кўтариш бугунги куннинг энг долзарб муаммоларидан биридир.

Мулкчилик шакллариининг конституциявий асосларини ишлаб чиқилиши, мулк дахлсизлиги ва унинг тенг ҳуқуқийлигини таъминланиши янги иқтисодий тизимнинг ўзига хос белгиларидир. Мулкчилик таркибида интеллектуал мулк муҳим ўрин тутди. Республика Президенти И. Каримов таъбири билан айтганда, мамлакатимизда қудратли интеллектуал салоҳият яратилган ва у иқтисодий мустақилликни мустаҳкамлаш, тараққиётга эришиш учун асос бўлиб хизмат қилмоқда.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.— Т.: «Ўзбекистон», 2003. — 10-б.

"Интеллектуал мулк" баркарор ҳукукий ибора сифатида халқаро ташкилотлар фаолиятида, битимларда, жумладан, Ўзбекистон қонунчилигида ҳам қўлланилади. Интеллектуал мулк фан, адабиёт ва санъат асарлари, ижрочилик фаолияти, овоз ёзиш, радио эшиттириш ва телекўрсатувлар, ихтироларга эғалик ҳамда саноат намуналари, ошқор этилмаган ахборотлар, шунингдек, фирма номлари, товар (хизмат кўрсатиш) белгилари билан боғлиқ кўпдан-кўп элементларни ўз ичига олади.

Интеллектуал мулк объектларини ҳукукий муҳофаза қилиш Ўзбекистонда қандай йўлга қўйилган? Бу мулк объектларига шахсий номулкий ва мулкый ҳуқуқлар қандай белгиланган? Муаллифлик ҳуқуқи ва уни кўриклашда қандай нормалар мавжуд? Шу каби саволларга жавоб топиш ушбу мақола мазмунини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси IV бўлимининг 19-65-бобларида интеллектуал мулк, муаллифлик ҳуқуқи, турдош ҳуқуқлар, саноат мулкига бўлган ҳуқуқ, янги ўсимлик навлари, ҳана ҳайвонларининг янги зотлари, ошқор этилмаган ахборотдан ноконуний фойдаланиш, фирма номига бўлган ҳуқуқлар, уларга амал қилиш, ҳуқуқни бошқа шахсга бериш, муҳофаза қилиш белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексида таъкидланишича, қуйидаги ҳолларда интеллектуал мулк объектлари эгасининг ҳуқуқи қонун билан химоя қилинади ва унга хуруж қилганлар, тегишли жиноий жавобгарлика тортиладилар:

- сир тутилган фан-техника, ишлаб чиқариш, иқтисодиёт, савдога оид ёки бошқа шу каби ахборотни эгасининг розилигисиз ошқор қилиш ёки ундан фойдаланиш мақсадида ҳар қандай усулда тўпланса;

- ахборотни эгасининг розилигисиз қасдан ошқор қилиш ёки ундан фойдаланиш субъектга кўп миқдорда зарар етказган бўлса.

Юқорида келтирилган қонунлардан ташқари интеллектуал мулк ва унинг объектларини муҳофаза қилиш бўйича қонуний кучга эга бўлган норматив ҳужжатлар ҳам мавжуд - булар Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Мувофиқлаштириш Кенгаши ҳамда Патент маҳкамасининг буйруқлари, тегишли йўриқномаларидир. Бундан ташқари, интеллектуал мулкнинг қалам ҳақи, асарларни кўпайтириш ва бошқа шакллари миқдорини белгилайдиган норматив ҳужжатлар ҳам мавжуд.

Айни чоғда шуни таъкидлаш лозимки, республикамизда интеллектуал мулк таркибини белгиловчи, уни химоя этиш ва фойдаланиш тартибини тўла-тўқис ақс эттирувчи қонунлар ҳали яратилган эмас. Бу борада, бизнинг фикримизча, Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг фан-техника сиёсати тўғрисида»ги, қонунини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, реализациясини таъминлаш мақсадга мувофиқдир. Чунки, республиканинг чет мамлакатлар билан илмий-техникавий ва маданий алоқаларининг кенгайиб бораётганлиги ҳамда интеллектуал мулкнинг таркиби ва ундан фойдаланиш тартибини, унинг ҳукукий химояси

хамда эгасининг ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш муаммоси бугунги ривожланиш кун тартибининг долзарб вазифаларидан биридир.

1967 йили Стокгольм (Швеция) шахрида бўлиб ўтган конференцияда Интеллектуал мулк умумжаҳон ташкилоти (ИМУТ) таъсис этиш тўғрисида конвенция қабул қилинди ва у 1970 йил 20 апрелдан кучга кирган эди. 1976 йили бу жаҳон ташкилоти томонидан ривожланаётган мамлакатларда уларнинг мулкӣ имкониятларини мустаҳкамлаш мақсадида, Муаллифлик ҳуқуқи бўйича доимий дастур тасдиқланди. Бугунги кунда ушбу умумжаҳон ташкилотига 160 дан ортиқ мамлакатлар аъзо бўлиб, уларнинг 130 таси ривожланаётган мамлакатлар деб белгиланди. ИМУТ нинг бош вазифаси – Конвенцияда катнашувчи давлатларни мулкдорларнинг интеллектуал маҳсулотга бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилишга даъват этиш, илмий ишланмаларни патентлаш, рўйхатдан ўтказиш ва уларни айирбошлаш учун имкониятлар яратишдан иборатдир. Мамлакатимиз ушбу ташкилотга 1993 йилнинг май ойида аъзо бўлди, аммо ҳозирги кунгача республикамиз муаллифлик ҳуқуқи бўйича кенг кўламдаги икки ва кўп томонлама қелишувларнинг катнашчиси эмас. Бизнинг фикримизга кўра, Ўзбекистон Республикасининг "Интеллектуал маҳсулотлар, уларни ишлаб чиқариш ва айирбошлаш тўғрисида"ги қонунини тайёрлаш ва қабул қилиш мақсадга мувофиқдир ва бу Қонун лойиҳасини тайёрлаш жарёнида ИМУТ ни, орттирган тажрибани ҳисобга олиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Бугунги кунда ривожланган мамлакатларда биржа олди-сотдисидаги товарларнинг 50-60 фоизини интеллектуал мулк объектлари ташкил этмоқда. Интеллектуал мулк бозори баъзи адабиётларда "ғоялар бозори" деб ҳам юритилади. "Ғоялар бозори" – мажозий маънодаги ибора. Албатта, бозорда ғоянинг тоза, қуруқ ўзи сотилмайди. У товар-маҳсулот шаклидагина қийматга эга. Таркибида "ғоя", интеллект маҳсули мужассамланган товарлар нархини белгилаш ўта муҳим ва масъулиятли вазифадир. Интеллектуал мулк объектларининг ҳар бирида икки нисбий мустақил жиҳат – моддий ашё ҳамда ахборот (ғоя, янгилик, ихтиро), мазмуни мавжудлигини фарқламоқ керак. Мазкур товарларда моддий ашёнинг ўрни, салмоғи, одатда, кўп эмас. Уларда мужассамланган янги ахборот, ихтиро интеллектуал мулкнинг хақиқий қийматини белгилайди. Интеллектуал мулк объектлари нархини дифференциациялаш (табақалаш)да асосан интеллектуал маҳсулотдаги "ғоя" қисми табақаланади ва у маҳсулотнинг бозор нархини белгилайди.

Сўнги йилларда республикамизда лицензиялар бозори ҳажмининг ҳам ўсиб бориши кузатилмоқда. Бу ижобий ҳол интеллектуал мулк бозорининг шаклланишидан далолат беради. Шунинг таъкидлаш лозимки, 2006 йилда 1996 йилдагига нисбатан уч-тўрт баравар кўп лицензия сотилган. Бу лицензияларни сотиб олувчи давлатлар географияси охириги йилларда жуда кенгайди. Ўзбек интеллектуал мулк бозорининг бу хусусияти республикамиздага илмий институтларда, илмий ишлаб чиқариш марказларида яратилган янги техника, технологияларга бўлган талабнинг юқори эканлигидан далолат беради, истъмоқчилар орасида саноати ривожланган мамлакатларнинг мавжудлиги қувонарли ҳолдир. Дунё

микёсида 2005 йилда интеллектуал мулк соҳасида халқаро тижорат операциялари 55 млрд. АҚШ доллари микёсида қайд этилди. Биз шуни қувонч билан таъкидлашимиз мумкинки, унда мамлакатимизнинг ҳам муносиб улуши бор.

### Молия ижараси шартномасини тартибга солишнинг ҳуқуқий муаммолари

НамДУ Ҳуқуқшунослик факультети Фуқаролик ҳуқуқи ва процесси кафедраси ўқитувчиси  
В.Х.Норбеков

НамДУ Ҳуқуқшунослик факультети 2-босқич талабаси Д.Д.Муротов

Бугунги кунда тадбиркорлик фаолиятининг субъектлари иктисодиётимизда муҳим ўрин эгаллайди. Улар ҳам фуқаролик-ҳуқуқий муносабат иштирокчиси сифатида битимлар тузиш орқали ўз ҳуқукдорлигини намоён қилади ва ўз-ўзидан турли битимлар тузиш орқали жамиятда мавжуд бўлади ва «яшайди» айнан ушбу уларнинг фаолият доираси турли битимлар тузиш орқали намоён бўлар экан улар орасида ижара муносабатлари ва унинг бир тури бўлган молия ижараси муносабатлари алоҳида ўрин эгаллайди. Мамлакатимиз мустақилликка эришгач ва бозор муносабатлари табора шакллана борган сари турли шартномаларга ва улар ичида энг афзалларига эҳтиёж сезилади. Айнан шу шартномалар ичида тадбиркорлик субъектлари учун «афзал» бўлган шартномалардан бири, албатта молия ижараси шартномаси ҳисобланади. Бу ҳақда мамлакатимиз Президенти жумладан шундай деб таъкидлаган эдилар:

«Биринчи навбатда давлатни бошқарув йўлини чегаралаш, хўжалик юритувчи субъектларнинг иктисодий эркинликларини ҳамда иктисодиётнинг барча соҳаларида хусусий мулк микёсларини кенгайтириш, мулкдорларни мавқеи ва ҳуқуқларини мустаҳкамлаш демакдир».<sup>1</sup>

Юқоридаги Президентимиз фикридан шу нарсани уқиб олиш мумкинки, хусусий мулкни шакллантириш, мулкдорлар синфини иктисодиётда тобора ривож топишига эришиш учун уларнинг ҳуқуқларини кафолатлаш механизми ишлаб чиқилган. Молия ижараси шартномасини ҳозирги кунда нафақат Фуқаролик кодекси, балки Ижара тўғрисидаги қонун ва махсус қонун ҳисобланган «Молия ижараси тўғрисидаги» қонун ҳам ҳуқуқий тартибга солади.

Юридик фанлари номзоди, доцент С.Б.Бобоқуловнинг фикрича бу ерда аввало шуни, таъкидлаб ўтиш лозимки, Ўзбекистонда то 90-йилларга қадар молия ижараси тўғрисида махсус қонунлар мажмуи йук эди. 90-йилларнинг бошларида мамлакатда молия ижараси фаолияти бирон бир норматив ва қонун ҳужжатларисиз ижарага ўхшаш бир тарзда йўлга қўйилди. Яъни, молия ижараси муносабатлари ва тарафлар ўртасида тузиладиган молия

<sup>1</sup> Каримов И.А. «Ўзбекистон XXI асрга интилоқда», Т.: «Ўзбекистон», 1999. 17-бет.

ижараси шартномаларини ҳуқуқий тартибга солиш факат 1991 йил 19 ноябрда қабул қилинган «Ижара тўғрисида»ги қонун асосида тартибга солинар эди. Бироқ, ушбу қонунда молия ижараси шартномаси ҳақида биронта бир ҳолат назарда тутилмаган эди.<sup>2</sup>

Шу ўринда, Ўзбекистонда молия ижараси муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш мақсадида 1994 йилнинг 5 майида «Чет эл инвестициялари ва чет эллик инвесторлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Олий Мажлиснинг қонуни қабул қилинди. Кейинчалик бу фаолиятни тартибга солиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 7 февралг 670-сонли «Кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш учун чет эл кредитларини беришни ташкил қилиш масалалари тўғрисида»ги қарори, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки Бошқарувининг 1997 йил 29 март 11-сонли протоколи билан тасдиқланган 327-сонли «Ўзбекистон Республикаси Банклари томонидан молия ижараси операцияларини ўтказиш тартиби тўғрисида» Низом қабул қилинди.кк

Айтиш жоизки, бу ҳужжатлар мамлакатимизда молия ижарасини ҳуқуқий тартибга солиш жараёнидаги дастлабки қадам бўлди. Хусусан, Низомда молия ижараси шартномаси тушунчаси, унинг объектлари, молия ижараси муносабатларига таъриф берилган. Шу билан бир қаторда, молия ижараси шартномасига нисбатан қўйиладиган талаблар- «шартноманинг муҳим белгилари» Низомда тўла бўлмасда ўз ифодасини топганлигини ҳам инкор этиб бўлмайди. Низомда молия ижараси берувчи сифатида банкларнинг, молия ижараси олувчининг молия ижараси предмети бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари, хусусан мол-мулкни сотиб олиш шартлари кўрсатилган. Бироқ, молия ижараси олувчининг банкротлик ҳолатларида молия ижараси предметининг тақдири, тарафларнинг жавобгарлиги, молия ижараси олувчи билан сотувчи ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий табиати, шартнома мажбуриятларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик оқибатлари, субмолия ижараси (қўшимча молия ижараси) хусусида аниқ меъёрлар ўз аксини топмади. Албатта, бундай ҳуқуқий актда молия ижарасини тўлиқ ҳуқуқий тартибга солиш мумкин эмас. Шунинг учун, Ўзбекистон Республикаси ФКсининг қабул қилиниши ва унда молия ижараси муносабатларини, хусусан молия ижараси шартномасининг тартибга солиниши муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Ҳозирги кунда молия ижараси шартномаси мамлакат аграр соҳасини ривожлантиришга катта хисса қўшмоқда. Айни кунларда уларни саноатнинг бошқа тармонларига олиб киришни, шунингдек фуқароларнинг ҳар бирига молия ижарасининг моҳиятини тушунтириш вақти келди деб ўйлаймиз. Шу мақсадда амалда учраётган муаммоларни таҳлил қилиш ва молия ижараси шартномасининг назарий ўрганиш орқали учраётган муаммоларни ҳал этиш ушбу тадқиқот объектини ўрган ишнинг долзарблигини белгилайди.

<sup>2</sup> Бобоқулов, С. Лизинг шартномасини ҳуқуқий тартибга солишнинг баъзи бир жиҳатлари. Давлат ва ҳуқуқ. 2001 йил. № 4 (8). 24-бет.

## Хусусий корхоналарнинг хўжалик субъекти сифатидаги фаолияти

НамДУ Хукукшунослик факультети  
2-босқич магистри М.Ж.Қаҳхаров

Ўзбекистон Республикасида иктисодий-ҳуқуқий ислохотларнинг босқичма-босқич амалга оширилиши корхона, ташкилот ва муассасаларининг мулк шаклини ўзгартириш, хусусийлаштириш ҳамда тадбиркорликни жадал ривожлантиришни тақазо этмоқда.

Мулкчилик шакллари камраб олган бозор иктисодиёти шароитида хўжалик юритувчи субъектларининг ҳуқуқий асосини белгилаб берувчи Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинаётган қонунлар корхоналарнинг, шу жумладан хусусий корхоналарнинг ҳам фаолиятига ҳуқуқий таъсир этиб, уларнинг ҳозирги кун талабларига жавоб бера оладиган юридик шахс сифатида шаклланиб боришини талаб этмоқда.

«Йирик корхоналарнинг буюртмалари асосида майда бутловчи қисмларни ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган янги кичик корхоналар ташкил этиш, хонадонларда майда хусусий цехлар очишни тарғиблантириш лозим».<sup>1</sup>

Мамлакатимизда хусусий корхоналарнинг хўжалик субъекти сифатида ташкил этилиши ва ривожланиши мустақилликнинг қўлга киритилиши билан боғлиқдир.

Хусусий корхоналарнинг аҳамияти шундаки, улар ўз бизнесини юритишда ҳамкорлар билан иш олиб боришга, ўзларининг хусусий фирмаларини тузишга ва албатта, келиб тушадиган даромадни фақат ўзлари тақсимлашга мойилдирлар.

Ўзбекистон Республикасининг «Хусусий корхона тўғрисида» ги Қонуни 2003 йил 11 декабрда қабул қилинди.

Ушбу Қонуннинг мақсади хусусий корхоналарнинг тузилиши, фаолияти, қайта ташкил этилиши ва тугатилиши соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Хусусий корхона тадбиркорлик субъектларининг ташкилий-ҳуқуқий шаклидир.

Хусусий корхона ўз мулкида алоҳида мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўлиши ҳамда уларни амалга оширилиши, мажбуриятларини бажариш, судда давогар ва жавобгар бўлиши мумкин. Хусусий корхоналарнинг бошқа корхоналардан асосий фарқи шундаки, хусусий корхона мулкдор, яъни ягона жисмоний шахс томонидан тузилади. Унинг устав фонди бўлинмасидир. Хусусий корхонанинг мулкдори раҳбар сифатида бу корхонани яқка бошқаради. Корхонанинг мол мулки етарли бўлмаган тақдирда унинг мажбуриятлари бўйича ўзига қарашли мол-мулк билан бевосита жавобгар бўлади. Хусусий

<sup>1</sup> Каримов И.А. Бизнеснинг бош мақсадимиз-жамиятнинг демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатнинг модернизация ва ислох этишидир. 2005 й 83-бет Т., Ўзбекистон

корхонанинг фойдаси солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан сўнг корхона мулкдорнинг тасарруфига ўтади ва унга солиқ солинмайди.

Хусусий корхона конунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб юридик шахс ҳуқуқини олади. Хусусий корхоналар ўз фаолиятларини амалга ошириш учун давлат рўйхатидан ўтиш жараёнида конун ҳужжатларида белгиланган айрим фаолият турлари учун рухсатнома (лицензия) олишлари лозим бўлади. Айрим фаолият турларининг ва уларга лицензия берувчи давлат идораларининг рўйхати конун ҳужжатларида белгиланган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25-майда қабул қилинган «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида» ги Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 июнда қабул қилинган «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида» ги «Ўзбекистон Республикаси Қонуни амалга киритиш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарори ва бошқа ҳужжатлар шулар жумласидандир.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, тадбиркорлик фаолиятини молиялаштириш кўпчилик мамлакатларда, айниқса, янги мустақил давлатларда муаммоли масалалардан биридир. Хусусий корхона раҳбари маблағга эркин эга бўла олади. У корхона ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун банкдан кредит олиш мумкин. Ҳозирги кунда банклар мақсадли кредитлар бермоқда, лекин кредитни қайтариш муддати хусусий корхона энди ўзини тиклаб, оёққа туриб олгунча келиб қоляпти, бу эса корхонани иқтисодий ночор аҳволга тушириб қолдирмоқда.

Шунинг учун хусусий корхоналарга кредит бериш муддатини бироз муддатга узайтириш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Хулоса қилиб айтганда, тадбиркорлик субъектларини ташкил қилиш ва улар фаолиятининг такомиллаштирилиши иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг муҳим омилларидан ҳисобланади.

### **Мажбуриятларни тартибга солишда конунчиликнинг аҳамияти.**

НамДУ Ҳуқуқшунослик факултети  
2-босқич магистри Б.Холдоров

Иқтисодий ислохотларни амалга оширишда асосий белгиланган вазибалардан бири бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий негизини яратиш ҳисобланган. Бу тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов ўзининг «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларини чуқурлаштириш йўлида» деб номлаган асарида чуқур мулоҳазаларни ўртага ташлаган. Жумладан, асарда «Биринчи босқич бутун иқтисодий тизимнинг ҳуқуқий шакллантириш ва мустаҳкамлашга, эскича фикрлаш тарзларини онгимиздан чиқариб ташлашга қаратилган эди. Бу босқичда янги тузум учун ишончли пойдевор яратиш вазифасини қўйилди ва ҳал қилинади» дейилади. Мустаҳкам ҳуқуқий негиз бўлгандагина ўзини оқламаган эски тизимни тўла ишонч билан қайта қуриш,

маданий бозор иктисодиётга эга бўлган янги жамият куриш мумкин. Ҳозир мутлако янги асосий - иктисодий ва ҳуқуқий муносабатларни акс эттирувчи янги қонунлар мажмуигина, биз барпо этаётган ёш ижтимоий бинога барқарорлик, демократик характер бахш этувчи омил бўлиб хизмат қилади. «Шу сабабли биринчи босқичда биз ислохотларнинг ўз ҳуқуқий негизини яратишга асосий эътиборини қаратиб келдик» дейди И.Каримов. Ҳозирги вақтда иктисодиёт соҳасига тегишли бўлган, иктисодий муносабатларни шакллантиришнинг ҳуқуқий негизини барпо этадиган юзлаб қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Ислохотларнинг ҳуқуқий негизларини яратиш, давлатни бошқариш қоидаларини тартибга солувчи қонунлар қабул қилиш босқичида «Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий қонуни, «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги қонун, «Фуқароларнинг ўзини - ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинган бўлса, кейинроқ мулкчилик тўғрисида, ер тўғрисида, хусусийлаштириш тўғрисида, ижара тўғрисида, банк ва банк фаолияти тўғрисида, пул тизими тўғрисида, сугурта тўғрисида, биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида Гаров тўғрисида, Хўжалик процессуал, Фуқаролик процессуал, Фуқаролик кодекси ва бошқа қонунлар қабул қилиндики, «Қабул қилинган норматив ҳуқуқий ҳужжатларни муваффақият билан ҳаётга тадбиқ этиш, кўп жиҳатдан янгича ҳуқуқий онгни, ҳуқуқий маданиятни шакллантириш билан боғлиқ. Ҳуқуқий маданият даражаси қабул қилинган қонунлар сони билан эмас, балки уларнинг бажарилиши билан белгиланиши яхши маълум. Қонунга амал қилган ҳолда яшаш ва меҳнат қилишни ўрганишимиз, ўз ҳуқуқ ва эркинликларимизни қонун орқали ҳимоялашни, ўз мажбуриятларимизни оғишмай бажаришни ўрганиб олишимиз керак» - дейди йўлбошчимиз И.А.Каримов.

Мажбуриятлар билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишнинг асосий ҳуқуқий манбаи Ўзбекистон Республикаси асосий қонуни. Конституция асосий ҳужжат бўлиб, унда мулкчилик муносабатлари мустаҳкамланган. Мамлакатимизда барпо этилаётган фуқаролик жамиятида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари алоҳида эътироф этилган бўлиб, Конституциянинг 36-38-моддаларида унинг иктисодий ҳуқуқлари белгиланиб, уларнинг давлат томонидан қафолатланиши белгилаб қўйилган. Инсоннинг иктисодий ҳуқуқлари қонун ҳужжатларида мустаҳкамланиб, мулкчилик муносабатларга алоҳида эътибор берилди. Шунинг учун мулкка бўлган ҳуқуқ нафакат Конституциянинг 36 - 53 - 54 - моддаларида балки, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, «Мулкчилик тўғрисида»ги мулкни давлат таъссаруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги, «Тадбиркорлик фаолиятининг эркинлиги қафолатлари тўғрисида»ги қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатларида ўз аксини топган.

Ўзбекистон Республикаси «Адолат» нашриётида чоп этилган. «Хўжалик шартномларига оид қонун ҳужжатлари ва шартномалар наъмунавий тўплами»да мажбуриятни тартибга солувчи қонунлар жамланган. Унда мажбуриятларни асоси сифатида шартномаларга, айниқса



Хўжалик шартномаларига ва унинг ҳукукий асосларига алоҳида тўхталиб ўтилган. Шунингдек, мажбуриятлар бажарилишини таъминловчи қонунлар, улардан кўчирамалар берилган. Мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан чиқарилган Фармонларига, мажбуриятларни тартибга солиш борасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган қарорларга кенг ўрин берилган. Шартномалардан наъмуналар келтирилиб, уларда мажбуриятлар алоҳида - алоҳида кўрсатиб ўтилган. Ушбу билимларни хулосалаб биламизки, шартномали мажбуриятлар вужудга келишда шартнома тузишга ва унда мажбуриятлар кўрсатилишига алоҳида эътибор бериш керак.

Шартнома тузиш шартларида қуйидагиларга эътибор бериш керак: Масалан, шартнома бажарилиш муддати, ҳисоб - китоб қилиш тартиби, тарафларнинг мажбуриятларини белгилаш, шартнома шартлари ва мажбуриятлари тўла ёки қисман бажарилмаганда тарафларнинг жавобгарлиги, низоларни ҳал этиш тартиби ҳамда тарафларнинг реквизиитлари, шартнома тузилган сана ва жой, шунингдек қонунларга зид бўлмаган бошқа шартларни ақс эттириш.

Шартноманинг амал қилиш муддати ҳатто тарафларнинг мажбуриятлари бажарилиш муддати аннқ, бўлса ҳам шартномада кўрсатилиши шарт. Бу бошқа тараф шартнома мажбуриятни бажармаганида, тегишли талабнома киритиш ва жарима, пеня ундириш, келтирилган зарарни қоплаш учун имконият яратади. Мажбуриятлар ҳуқуқи 1995 йил 21 декабр ва 1996 йил 29 августда қабул қилинган Фуқаролик кодексида умумий ва махсус тартибда тушунтирилган. Мажбуриятни бажарилишини таъминлаш мақсадида 1998 йил Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан янги қонун қабул қилинган. Бу қонун «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида» деб номланиб, турли хил мулк шаклларига асосланган субъектлар ўртасидаги мажбуриятларни бажармаслик оқибатларини тартибга солиш учун ҳуқуқий асос ҳисобланади.

Ушбу қонун Олий Мажлиснинг 1998 йил 29 август қарори билан 1998 йил 1 ноябрдан қучга киритилган. Ушбу қонун аҳамияти мажбуриятлар бажарилмаслиги натижасида вужудга келган низоларни ҳал этишда ва ҳисоб - китобларнинг тури ҳал қилишда кўринади.

Қонунлар ижросини таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти «Халқ хўжалигида ҳисоб - китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун қорхона ва ташкилотлар раҳбарларининг маъсулиятини ошириш борасидаги чора - тадбирлар тўғрисида» 1995 йил 12 майда ПФ 1154 - Фармонини қабул қилди. Шунингдек, «Тўлов интизомини ва ўзаро ҳисоб - китоблар тизимини мустаҳкамлаш чора тадбирлари » 1996 йил 24 январда ПФ №1363 сонли фармонини қабул қилди

Мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлашда мансабдор шахслар маъсулиятини ошириш мақсадида «Хўжалик юритувчи субъектларнинг маъсулиятини ошириш ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун маъсулиятини кучайтириш тўғрисида» 1998 йил 4

мартда ПФ 1938 - сонли Фармон қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1993 йил 2 мартда 118 - сонли қарор чиқарилган бўлиб, бу қарор "Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарув органлари ва корхоналарида юридик хизмат тўғрисида"ги Низомни тасдиқлаш ҳақида бўлиб, унга асосан Ўзбекистон Республикасининг бошқарув органлари ва юридик хизмат тўғрисидаги низоми тасдиқланган. Унда давлат бошқарув органлари шунингдек мулкчиликнинг барча шаклларидаги корхоналар юридик хизматнинг ҳуқуқлари, бурчлари ва маъсулиятини белгилайди деб кўрсатилган. Чиндан ҳам бошқарув ва турли мулк шаклларидаги корхоналар фаолиятини тўғри йўлга қўйишда, юридик хизматни ўрни алоҳида бўлиб, шартномлар тузиш ва шартномалардан вужудга келадиган мажбуриятларни ўз вақтида бажарилишида юридик хизматни ўрни ва роли билинади. Ушбу низомни иккинчи қисм "Г" бандида, мажбуриятларни бажарилишини таъминлаш масаласидаги юридик хизмат роли куйидагича баён қилинган: «Тизим хўжалик ҳисобини мустаҳкамлаш, ижара муносабатларни ва меҳнатни рағбатлантиришни ташкил этишни бошқа самарали шакллари жорий қилиш учун ҳуқуқий воситалардан фойдаланишни яхшилаш, Хўжалик шартномаларининг родини ошириш ва мажбуриятларни бажарилиши учун маъсулиятни кучайтириш юзасидан чора - тадбирлар кўради».

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 4 март-ПФ №1938 - сонли фармонида шартномаларни ўз вақтида тузилиши ва уларда белгиланган мажбуриятларни лозим даражада бажарилишини таъминлаш мақсадида раҳбарлар маъсулиятини ошириш ва уларнинг юридик жавобгарлигини кучайтириш чора - тадбирлари кўрсатилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ушбу фармон бажарилиши юзасидан қарор қабул қилди. Ушбу «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори 1998 йил 24 апрелда 177 - сонли қарор бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ичорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиш учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида»ги 1998 йил 4 мартдаги ПФ №1938 сон фармонининг бажарилишини таъминлаш чора-тадбирлари ҳақида» деб номланган. Ушбу қарорнинг иккинчи бандида «Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги, Олий Хўжалик суди» шартномалар бўйича мажбуриятлар бузилган тақдирда, мансабдор шахсларнинг шахсий жавобгарлиги ва Хўжалик судларида даъво кўзгашилари, шунингдек, шартнома шартлари бажарилмаганлиги натижасида йўл қўйилган зарарларни қоплашлари юзасидан бир ой муддатда бажарилиши мажбурий бўлган тегишли тақдимномалар киритиш масаласи белгиланиб, учинчи бандда ушбу масала мустаҳкамланиб, мажбуриятлар бажарилиши мунтазам назорат қилиниши кўрсатилган. Олтинчи бандида эса, Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида мажбуриятларни бажарилишини назорат қилиш бошқармаси, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар, Тошкент шаҳар Хокимликлари, Адлия бошқармалари тузилмасида тегишли бўлимлар ташкил этилиши мустаҳкамланган.

Ушбу қарорни бажариш юзасидан суд ва адлия органлари томонидан, бир қанча ишлар амалга оширилиб барча Хўжалик юритувчи субъектлар учун тегишли тартибда шартнома намуналари юборилиб, унда мажбуриятлар ва мажбуриятларни бажарилишини таъминлаш учун алоҳида қисмлар ёритилган. Мажбуриятлар ва уларни бажарилиши бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва қонун ости актлари, ҳалқ хўжалигини тараққий эттириш, жамиятимиз аъзолари турмуш тарзини юксак даражага кўтаришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

## Мажбуриятда қатнашувчи тарафлар

НамДУ Хуқуқшунослик факультети  
2-босқич магистранти Д.У. Усанов

Бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий давлат қуриш сари дадил одимлаётган республикамизда қонун устуворлигига ва ҳуқуқий меъёрларга оғишмай амал қилишликка алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбари қонун устуворлигига ва шартнома интизомига рўя қилиш бозор иқтисодиёти шароитида муҳим ўрин тутиши хусусида, «Асосий ижтимоий, энг аввало иқтисодий муносабатлар фақат қонун билан тартибга солинади, унинг барча қатнашчилари эса ҳеч бир истисносиз ҳуқуқ меъёрларини бузганлиги учун жавобгар бўлади», деган эди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, «Фермерларга бўлгани хосил ҳисобидан имтиёзли ставкалар асосида кредитлар беришга ўтишни таъминлаш керак, ва энг муҳими-барча томонларнинг қабул қилинган шартнома мажбуриятларини бажариши юзасидан қатъий интизом ўрнатилиши даркор»<sup>1</sup>.

Бозор иқтисодиётининг муҳим талабларидан бири фуқаролик ҳуқуқи субъектлари ўртасида тузилган шартномалар бўйича олинган мажбуриятларнинг лозим даражада бажарилишидир. Ушбу мажбуриятларни бажарилишига эришиш учун, энг аввало улар ҳуқуқий воситалар орқали қафолатланиши лозим.

Ҳар қандай шартнома эркин, ихтиёрий тарафлар томонидан тузилади. Мажбуриятлар эса тузилган шартнома ва зиён етказиш натижасида вужудга келади. «Шартнома Билан вужудга келтирилган ҳуқуқий муносабат давомида шартнома тарафларининг хатти ҳаракати қанчалик қонунга мувофиқ бўлган-бўлмаганлигини ҳам текшириш имкониятнини беради»<sup>2</sup>.

Мажбуриятнинг тарафлари бўлиб, бири-кредитор, иккинчиси-қарздор деб аталади.

Мажбуриятда қарздор ва кредитор бўлиб иштирок этувчилар. Фуқаролик ҳуқуқлари ва мажбуриятларига эга бўла оладиган шахслар

<sup>1</sup> Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз-жамиятни демократлаштириш, ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишидир. Тошкент, Ўзбекистон, 2005 й 85-бет.  
<sup>2</sup> Раҳмоқулов М Роль и сущность гражданского-процессного договора в условиях рыночной экономики. Т. «Фан», 1994. 113-114 бетлар

бўлиши керак. Мажбуриятга онд муносабатларда кредитор ва қарздор сифатида фуқаролар, юридик шахслар, шунингдек баъзи ҳолларда Ўзбекистон Республикаси ҳам субъект бўлиб иштирок этиши мумкин.

Фуқаролик ҳуқуқида аксарият мажбуриятларда (шартномаларда) қатнашувчи шахслар бир вақтнинг ўзида ҳам кредитор, ҳам қарздор ҳисобланади.

Масалан; олди-сотди шартномасида сотувчи сотилган нарсани текшириш юзасидан қарздор, унинг суммасини талаб қилиб олиш юзасидан кредитор ҳисобланади ва аксинча сотиб олувчи нарсани талаб қилиб олиш юзасидан-кредитор, унинг суммасини тўлаш юзасидан қарздор ҳисобланади.

Мажбуриятда иштирок этаётган тарафларда, яъни кредитор ва қарздорда ҳам талаб қилиш ҳуқуқи, ҳам мажбурият бўлса, бундай мажбуриятлар (икки томонлама шартномалар) мураккаб мажбуриятлар деб ҳам юритилади.

Одатда, ҳар бир мажбуриятда икки тараф кредитор ва қарздор қатнашади. Аммо баъзи ҳолларда мажбуриятда кредитор ва қарздор тарафида ёхуд икки тарафда ҳам бир неча шахслар иштирок этиши мумкин. Бундай мажбуриятлар кўп шахсли мажбуриятлар ҳисобланади.

Масалан; бир мулк икки шахс томонидан сотиб олинганида-сотувчи ҳузурида унинг суммасини тўлаш юзасидан қарздор томонидан икки шахс қатнашади.

Мажбуриятда қатнашувчи тарафлар ўзлари шартлашган мажбуриятларни белгиланган муддатда бажариб берсалар ҳеч қандай низолар келиб чиқмас эди. Бунинг учун мажбурият субъектлари шартнома интизомига риоя этишлари керак бўлади. Шунга кўра мажбуриятларни тегишли равишда ижро этиш хусусида И.Б.Зокировнинг берган фикри диққатга сазовордир. «Мажбуриятларни тегишли равишда бажариш уларни қонун ҳужжатларига, шартнома шартларига, иш муомиласи одатларига, одатда қўйиладиган талабларга мувофиқ равишда шартнома нарсасининг сифати, миқдори, ҳажми бўйича ўз вақтида бажарилишини англатади».<sup>3</sup>

Хулоса қилиб айтганда, давлат, юридик шахслар ва фуқаролар томонидан олинган мажбуриятларнинг ўз вақтида бажарилиши халқ хўжалигида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, мулкий муносабатларни мустаҳкамлаш, жамиятни табора ўсиб бораётган моддий ва маданий талабларини қондиришда катта роль ўйнайди.

<sup>3</sup> Зокиров И. Б. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик ҳуқуқи. 1-қисм. 2006. 276 бет.

Бозор иктисодиёти шароитида тадбиркорлик фаолиятининг амалга оширишда шартномалар муҳим ўрин тутди. Шартномавий алоқдорликнинг асосий мақсади тадбиркорликнинг субъектларининг мамлакат ишлаб чиқаришдаги ўрни ва ролини кучайтириб, шу орқали иктисодиётни ривожлантиришдир,

“Кейинги йилларда Республика ҳукумати томонидан амалга оширилган чора тадбирлар натижасида хусусий бизнес фаол янги кўрсатаётган макроиктисодиёт ва тадбиркорлик муҳити анча яхшиланди. Буни мамлакатимиз тадбиркорлари ҳам, хорижий экспертлар ҳам эътироф этмоқда, бироқ, бу борала барча муаммолар ҳал қилинди, деб айтишга ҳали эрта»<sup>1</sup>.

Бунда ҳар соҳада бўлган каби шартномавий муносабатларда ҳам иштирокчиларнинг эркин ҳаракат қилиши ҳар тамонлама кафолатланади.

Лизинг (молиявий ижара) фуқаролик хусусий шартномаси бўлиб, уни тўғри тушуниши ва қўллай билиш муҳим аҳамиятга эгадир. Лизинг шартномасига фуқаровий-ҳуқуқий шартноманинг мустақил тури сифатида қаралган фикрлар тизими И.А.Решетник қарашларида ўзининг тўлиқ ифодасини топган. Унинг фикрига “лизинг шартномаси табиатан турли хил бўлган элементларни ўз ичига олади. Улардан ижара туридаги, олди-сотди, ҳуқуқий ва аниқ хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартномавий муносабатларни алоҳида ишга олиш мумкин.”

Шундай қилиб “Лизинг-инглизча “Forlease” сўзидан олинган бўлиб, ижара олмоқ деган маънони англатади. “Лизинг тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрелдаги қонунида айтилишича, лизинг ижара муносабатларининг алоҳида тури бўлиб, бунда бир тарзда (лизинг берувчи) иккинчи тараф (лизинг олувчи)нинг топшириғига биноан учинчи тарафдан (сотувчидан) ҳақ эвазига эгаллик қилиш ва фойдаланиш учун лизинг шартномасида белгиланган шартларда бериб қўйиш мақсадида мол-мулк (лизинг объекти)ни олади.

Лизинг берувчи, лизинг олувчи ва сотувчи лизинг субъектларидир.

Лизинг берувчи-жисмоний ёки юридик шахс ҳисобланиб, лизинг шартномасини тузиш орқали ўз ҳисобидан мол-мулкни сотиб олади ва лизинг предмети сифатида муайян ҳақ (тўлов)эвазига муайян муддатда ва шартлар асосида лизинг олувчига вақтинчалик фойдаланиш ва эгаллик қилиш ҳамда лизинг предметиға бўлган мулк.

Мулк ҳуқуқини ўтказиш ёки ўтказмаслик шартин асосида беради. Лизинг олувчи-жисмоний ёки юридик шахс ҳисобланиб, лизинг

<sup>1</sup> Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз-жамиyatни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир.

шартномасига биноан лизинг предмети (ашёлар, мол-мулк)га муайян ҳақ эвазига, муайян муддатда ва шартлар асосида вақтинчалик эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш, ҳамда қабул қилиш мажбуриятини олади. Сотувчи (ишлаб чиқарувчи ёки воситаси)жисмоний ёки юридик шахс ҳисобланиб, лизинг берувчи билан тузилган олди сотди шартномасига биноан, унга лизинг предмети ҳисобланган мол-мулкни белгиланган муддатда сотиш ва етказиб бериш мажбуриятини олади, Сотувчи лизинг предметини олди-сотди шартномасига биноан лизинг олувчига ёки берувчига бериши шарт.

“Лизинг шартномасининг объекти; истеъмол қилинмайдиган, тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланиладиган ҳар қандай ашёлар лизинг объекти бўлади. Ер участкаси ва бошқа табиат объектлари бундан мустасно”<sup>2</sup> бўлиб, истеъмол қилинмайдиган турли ашёлар, жумладан, мулкый комплекслар, бинолар, иншоотлар, усқуналар, транспорт воситалари ва бошқа иш каби тадбиркорлик фаолиятида қўлланилиши мумкин бўлган кўчар ва кўчмас мулклар ҳисобланилиши мумкин.Қонунчилигимизга кўра,ер участкалари ва бошқа табиат объектлари, шунингдек қонун асосида фуқаролик муомиласидан чиқарилган ёки норматив ҳужжатларда муомиланинг алоҳида тартибда ўрнатилган мол-мулкларнинг предмети ҳисобланиши мумкин эмас.

Лизинг муносабатларида лизинг субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, хоҳиш-иродасини ва тарафларининг объектга бўлган ҳуқуқий ҳолатини белгилаб берувчи ҳужжат лизинг шартномасидир.

2000 йил 2 ноябрда Ўзбекистони Республикаси Вазирлар маҳкамасининг “Қишлоқни лизинг шартларида қишлоқ хўжалик техникаси билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бўйича лизинг шартномаси асосида олиб келинган техналогиялар,машиналар ва бошқа объектлар қичик ва ўрта бизнеснинг ривожланишига кўшимча ишга ўринларининг жорий қилинишига, мамлакат иқтисодиётининг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Лизинг шартномаси ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида муҳим аҳамиятга эга бўлган янги шартномалардан бўлиб, иқтисодий ҳаётга кириб келмоқда.

Албатта бу шартнома бундан аввал чет эл давлатларида асосий роль ўйнаган.

Лекин Ўзбекистон Республикаси мустақиллика эришиши натижасида бу шартноманинг ўрни сезиларли билинмоқда “Ҳозирги вақтда ислохотлар жараёнини давлат ҳуқуқий жаҳатдан бошқаришнинг яхлит тизими таркиб топди.”<sup>3</sup> - дейди И.А.Каримов ўзининг “Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир” рисоласида.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик кодекси. 587-модда.

<sup>3</sup> Каримов И.А. “Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир” 3-жилд. -Т.: “Ўзбекистон” 1996. 194-бет

Ўзбекистон Конституциясининг 53-моддасига мувофиқ «Ўзбекистон иктисодиётининг негизини хилма хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди». Республикамиз Президенти Ислоҳ Каримовнинг таъкидлаб ўтишича, «Мустақиллик йилларида республикада халқаро амалиётда қабул қилинган, инсон ҳуқуқий ва эркинлари устуворлигидан келиб чиқадиган ҳуқуқий қоидалар ва нормаларга асосланган кенг ҳуқуқий макон вужудга келтирилади. Биз тоталитар тузумнинг ўз ҳукмини ўтказиши ва бошбошдоклигидан воз кечдик. Одамнинг давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан, шунингдек, мулкчиликнинг ҳамма вакилларидаги маъмурий-хўжалик тузилмалари билан хилма-хил муносабатларини тартибга солишнинг ҳуқуқий нормалари сари дадил кадам ташладик»<sup>1</sup>.

Ўзбекистон қонунлари мамлакатимизда рўй берган туб бурилиш - бозор муносабатларининг ривож топиши билан ифодаланувчи янги жамият тузумига ўтиши натижасида вужудга келган муҳим иктисодий ва сиёсий муаммоларни ҳал қилишни таъминлашга бағишланди.

Конституциямиз, «Мулкчилик тўғрисида»ги, «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунлар ва Фуқаролик кодексига хусусий мулкнинг давлат томонидан муҳофазаланиши ҳамда тадбиркорларнинг ўз фаолиятини танлашда эркинлиги белгилаб қўйилган. Бу хусусида Президентимиз И.А.Каримов «Биз барчамиз, биринчи навбатда қонун ҳимоячилари, шўро давридан қолган эски иллатлардан тўла ҳолос бўлишимиз, тадбиркорлик, бизнес, хусусий сектор вакилларига нисбатан муносабатимизни тубдан ўзгартиришимиз керак»<sup>2</sup> деб таъкидлаб ўтди.

Интеллектуал мулк шаклининг вужудга келиши ҳуқуқ тизимида яна бир ҳуқуқий институтнинг пайдо бўлишига асос бўлди. Интеллектуал мулк ҳуқуқи ҳозирги пайтдаги фуқаролик ҳуқуқи соҳасида пайдо бўлган янги муносабатларни тартибга солмоқда. Айни пайтда, бу муносабатларни ўрганиб чиқиш масалалари долзарб хусусиятга эгадир.

Муаллифлик ҳуқуқи бу интеллектуал мулк шаклининг бир тури ҳисобланади. Муаллифлик ҳуқуқи ижодий фаолият натижаси бўлмиш фан, адабиёт ва санъат асарларига нисбатан, уларнинг мақсади ва кадр-қиммати, шунингдек ифодаланиш усулидан катъий назар, татбиқ этилади.

Асар оғзаки, ёзма шаклда ёки уни идрок этиш имконини берадиган бошқа объектив шаклда ифодаланган бўлиши лозим.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва таракқиёт кафолатлари. Т., «Ўзбекистон», 1997 йил, 201-бет.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т., «Ўзбекистон», 2005 й. 50-бет.

Ёзма шаклдаги ёки моддий жисмда бошқача усулда ифодаланган асар (қўлёзма, машинкаланган ёзув, нотали ёзувлар, техника воситалари ёрдамидаги ёзув, шу жумладан аудио ёки видео ёзув, икки ўлчовли ёки ҳажмий-фазовий шаклда яратилган тасвир ва ҳоказо), ундан учинчи шахсларнинг фойдаланиши имконияти бор-йўғлигидан катъий назар, объектив шаклга эга деб ҳисобланади.

Озгаки ёки моддий жисмда ифодаланмаган бошқа асар, башарти у учинчи шахслар идрок эта оладиган ҳолга келган бўлса (омма олдидан сўзлаш, оммавий ижрочилик ва ҳоказо), объектив шаклга эга деб ҳисобланади.

Муаллифлик ҳуқуқи эълон қилинган (ошкор қилинган, чоп этилган) асарларга нисбатан ҳам, эълон қилинмаган асарларга нисбатан ҳам татбиқ этилади. Муаллифлик ҳуқуқи рояллар, концепциялар, принциплар, тизимлар, таклиф қилинаётган ечимлар, объектив мавжуд кашфиётларга нисбатан татбиқ этилмайди. Муаллифлик ҳуқуқининг юзага келиши учун асарни рўйхатдан ўтказиш ёки бошқа бирон-бир расмийликка риоя этиш талаб қилинмайди.

Муаллифлик ҳуқуқи объектлари жумласига қуйидагилар қиради:

- ✓ адабий асарлар (адабий-бадиий, илмий, ўқув, публицистик ва бошқа асарлар);
- ✓ драматик ва сценарий асарлар;
- ✓ матнли ва матнсиз мусиқа асарлари;
- ✓ мусикали-драматик асарлар;
- ✓ хореография асарлари ва пантомималар;
- ✓ аудиовизуал асарлар (кино, теле ва видео филмлар, слайдфилмлар, диафилмлар ва бошқа хил кино, теле ҳамда видео асарлар), радио асарлар;
- ✓ рангтасвир, хайкалтарошлик, графика, дизайн асарлари ва бошқа тасвирий санъат асарлари;
- ✓ манзарали-амалий ва сахна беағи санъати асарлари;
- ✓ архитектура, шаҳарсозлик ва бог-парк барпо этиш санъати асарлари;
- ✓ фотография асарлари ва фотографияга ўхшаш усулларда яратилган асарлар;
- ✓ жуғрофия, геология хариталари ва бошқа хариталар, жуғрофия, топография ва бошқа фанларга тааллуқли шарҳлар, эскизлар ва асарлар;
- ✓ барча турдаги электрон-ҳисоблаш машиналари (ЭҲМ) учун дастурлар, шу жумладан амалий дастурлар ва операция тизимлари; Фукаролик Кодекснинг 1041-моддаасида белгилаб қўйилган талабларни қаноатлантирувчи асарларнинг қисмлари, уларнинг номи ва ҳосила асарлар муаллифлик ҳуқуқи объектларидир.
- ✓ Ҳосила асарлар жумласига қуйидагилар қиради:
  - ✓ бошқа асарларни қайта ишлаш натижасида ҳосил этилган асарлар (ишланма асарлар, аннотациялар, рефератлар, мухтасар хулосалар, шарҳлар, инсценировкалар, аранжировкалар ҳамда фан, адабиёт ва санъат соҳасидаги шунга ўхшаш бошқа асарлар);



- ✓ таржималар;
- ✓ материалларнинг танланганлиги ёки жойлаштирилганлигига кўра ижодий меҳнат натижаси бўлган тўпламлар (энциклопедиялар, антологиялар, маълумот базалари) ва бошқа жамлама асарлар<sup>1</sup>.
- ✓ куйидагилар муаллифлик ҳукуки объектлари ҳисобланмайди:
- ✓ расмий ҳужжатлар (қонунлар, қарорлар, тўхтамлар ва шу қабилар), шунингдек уларнинг расмий таржималари;
- ✓ расмий рамзлар ва белгилар (байроқлар, герблар, орденлар, пул белгилари ва шу қабилар);
- ✓ халқ ижодиёти асарлари;
- ✓ оддий матбуот ахбороти тусидаги кундалик янгиликларга доир ва жорий воқеалар ҳақидаги хабарлар;
- ✓ инсоннинг бевосита индивидуал асар яратишга қаратилган ижодий фаолияти иштирокисиз, муайян турдаги ишлаб чиқариш учун мўлжалланган техника воситалари ёрдамида олинган натижалар.

Расмий ҳужжат, рамз ёки белгининг лойиҳасига бўлган муаллифлик ҳукуки лойиҳани яратган (ишлаб чиққан) шахсга тегишлидир. Расмий ҳужжатлар, рамзлар ва белгиларнинг лойиҳаларини ишлаб чиққан шахслар, башарти бундай лойиҳани ишлаб чиқиш тўғрисида топширик берган орган томонидан тақиқланмаган бўлса, ўзлари яратган лойиҳаларни эълон қилишга ҳақлидирлар. Лойиҳани эълон қилишда уни ишлаб чиққан шахслар ўз исмларини кўрсатишга ҳақлидирлар.

Асар кимнинг ижодий меҳнати билан яратилган бўлса, ана шу фуқаро асар муаллифи деб эътироф этилади. Асар биринчи марта эълон қилинганда муаллиф сифатида кўрсатилган шахс, башарти бошқача ҳол исботланмаган бўлса, асар муаллифи ҳисобланади. Асар имзосиз ёки таҳаллус остида эълон қилинган тақдирда (муаллифнинг таҳаллуси унинг ким эканлигига шубҳа қолдирмайдиган ҳоллар бундан мустасно), асарда исми-шарифи ёки номи кўрсатилган ношир, башарти бошқа далиллар бўлмаса, муаллифнинг вакили ҳисобланади ҳамда муаллифнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларнинг амалга оширилишини таъминлаш ҳуқуқига эга бўлади. Бу қоида бундай асар муаллифи ўз шахсини ошқор этгунича ва ўзининг муаллиф эканлигини маълум қилгунича амалда бўлади.

Икки ёки ундан ортиқ фуқаронинг биргаликдаги ижодий меҳнати натижасида яратилган асарга бўлган муаллифлик ҳукуки, мазкур асар бўлинмас бир бутун ёки ҳар бири ҳам мустақил мазмунга эга қисмлардан иборат эканлигидан қатъий назар, ҳаммуаллифларга биргаликда тегишли бўлади. Ҳаммуаллифларнинг ҳар бири асарнинг ўзи яратган, мустақил мазмунга эга бўлган қисмидан ўз хоҳишига кўра фойдаланишга ҳақлидир. Ҳаммуаллифлар ўртасидаги муносабатлар, қоида тариқасида, келишув тариқасида белгиланади. Бундай келишув бўлмаган тақдирда асарга бўлган муаллифлик ҳукуки барча муаллифлар томонидан биргаликда амалга оширилади, муаллифлик ҳақи эса улар ўртасида тенг тақсимланади. Башарти

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 1041-моддаси.

хаммуаллифларнинг асари бўлинмас бир бутунни ташкил этса, асардан фойдаланишни етарли асослар бўлмай туриб тақиклаб кўйишга хаммуаллифлардан ҳеч бири ҳақли эмас.

Бошқа асарларни қайта ишлаган шахслар, таржимонлар, тўпламлар ва бошқа жамлама асарларнинг тузувчилари тегишинча ҳосила асарларнинг муаллифлари деб эътироф этилади. Ҳосила асарнинг муаллифи қайта ишланган, таржима қилинган ёки жамлама асарга киритилган асар муаллифининг ҳуқуқларига риоя этган тақдирдагина ҳосила асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқидан фойдаланади.

Ҳосила асарлар яратувчиларининг муаллифлик ҳуқуқи бошқа шахсларнинг муқаддам фойдаланилган асарлар асосида ўз ҳосила асарларини яратишига тўсқинлик қилмайди. Асарлар яратилишини ташкил этувчи шахслар (энциклопедияларнинг ноширлари, филгмларнинг тайёрловчилари, продюсерлар ва шу кабилар) тегишли асарларнинг муаллифлари деб эътироф этилмайди. Аудиовизуал асар, шу жумладан филгм яратиш хусусида шартнома тузиш, башарти бундай шартномада ўзгача ҳол назарда тутилган бўлмаса, мазкур асар муаллифларининг асарни такрорлашга, уни тарқатишга, омма олдида ижро этишга, барчанинг эътиборига етказиш учун кабелг орқали беришга, эфирга узатиш ёки асардан бошқа ҳар қандай тарзда оммавий фойдаланишга, филгм матнини субтитрлаш ва дубляж қилишга бўлган алоҳида ҳуқуқларининг асарни тайёрловчига ўтишига олиб келмайди. Мазкур ҳуқуқлар аудиовизуал асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқининг амал қилиш муддати давомида амал қилади.

Алоҳида муаллифлик ҳуқуқининг эгаси ўз ҳуқуқларидан хабардор этиш учун асарнинг ҳар бир нусхасида ақс эттириладиган ва қуйидаги уч унсурдан иборат муаллифлик ҳуқуқининг ҳимоя белгисидан фойдаланиши мумкин:

- айлана ичига олинган лотинча «С» ҳарфи;
- алоҳида муаллифлик ҳуқуқлари эгасининг исми (номи);
- асар биринчи марта эълон қилинган йил.

Муаллифлик ҳуқуқининг ҳимоя белгисида кўрсатилган шахс ҳуқуқ эгаси ҳисобланади. Муаллиф ўз асарига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳамда асарга ўзининг розилигисиз бирон-бир шахс томонидан ўзгартишлар ёки қўшимчалар киритилишидан асарини ҳимоя қилиш бўйича алоҳида ҳуқуққа (асарнинг дахлсизлигига бўлган ҳуқуққа) эга бўлади.

Муаллифнинг розилигисиз унинг асарини безаклар билан, сўзбошн, хотима, шарҳ ёки бирон-бир тушунтиришлар билан нашр этиш тақикланади. Муаллифнинг вафотидан кейин асарнинг дахлсизлигини ҳимоя қилиш васиятномада кўрсатилган шахс томонидан, бундай кўрсатма бўлмаган тақдирда эса муаллифнинг меросхўрлари, шунингдек қонунга мувофиқ зиммасига муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мажбурияти юқлатилган шахслар томонидан амалга оширилади.

Муаллиф аниқ бўлмаган доирадаги шахсларнинг асардан фойдаланишига имкон яратиб бериш ҳуқуқига (асарни эълон қилиш ҳуқуқига) эгадир. Асарни нашр қилиш, омма олдида ижро этиш, оммага

намоиш этиш йўли билан ёки бошқа тарзда оммавийлаштириш оркали муаллиф томонидан ёки унинг розилиги билан аниқ бўлмаган доирадаги шахсларнинг асардан фойдаланиши учун биринчи бор имкон яратиб берилса, асар эълон қилинган ҳисобланади.

Асарга унинг объектив шаклини, ақалли асл нусхасида қандай бўлса, шу ҳолдаги шаклини қайта бериш (асарни нашр этиш, аудио ёки видеоёзувлардан нусха кўпайтириш ва шу кабилар) асарни такрорлаш ҳисобланади. Асар нусхаларини сотиш, алмаштириш, ижарага бериш ёки улар иштирокида бошқа амалларни бажариш, шу жумладан уларни импорт қилиш асарни тарқатиш ҳисобланади.

Асардан даромад (фойда) олиш мақсадида фойдаланилганлиги ёки ундан фойдаланиш бундай мақсадга қаратилмаганлигидан катъий назар, асар фойдаланилган деб ҳисобланади. Асардан фойдаланиш ҳукуқи бир шахсдан бошқа шахсга универсал ҳукуқий ворислик тартибда ўтади. Муаллифлик ҳукуқи муаллифнинг бутун ҳаёти давомида ва вафотидан кейин у вафот этган йилдан кейинги йилнинг биринчи январидан эътиборан эллик йил давомида амал қилади. Ҳаммуаллифликда яратилган асарга бўлган муаллифлик ҳукуқи ҳаммуаллифларнинг бутун ҳаёти давомида ва ҳаммуаллифлар орасида энг узок умр кўрган шахс вафот этганидан кейин эллик йил давомида амал қилади.

Биринчи марта таҳаллус остида ёки имзосиз чоп этилган асарга бўлган муаллифлик ҳукуқи асар чоп этилган йилдан кейинги йилнинг биринчи январидан эътиборан эллик йил давомида амал қилади. Муаллиф вафотидан кейин эллик йил ичида биринчи марта чоп этилган асарга бўлган муаллифлик ҳукуқи асар чоп этилган йилдан кейинги йилнинг биринчи январидан эътиборан эллик йил давомида амал қилади.

Муаллифлик, муаллифнинг исми ва асарнинг дахлсизлиги муддатсиз ҳимоя қилинади. Асарга бўлган муаллифлик ҳукуқининг амал қилиш муддати тугаганидан кейин асар ижтимоий мулкка айланади. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳеч қачон ҳимоя билан таъмин этилмаган асарлар ижтимоий мулк ҳисобланади,

Биз интеллектуал мулк ҳукуқининг бир тури бўлган муаллифлик ҳукуқини тушунчаси ва моҳияти, вужудга келиши билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқдик. Мавзун илмий ўрганиш жараёнида қуйидагича фикр ва хулосаларга келинди:

- биринчи навбатда интеллектуал мулк ҳукуқининг мазмун-моҳиятини очиб берадиган алоҳида дарслик ва қўлланмалар ишлаб чиқилса мақсадга мувофиқ бўлар эди;

- муаллифлик ҳукуқини ҳимоя қилиш усули сифатида негатор давонинг ҳукуқий табиатини белгилашда мол-мулк рўйхатга олинганда у мулкдорнинг эгаллигида қолиши ёки қолмаслиги ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шунинг учун, рўйхатга олинган мол-мулк мулкдорнинг ўзида қолдирилган бўлса, мазкур даъво негатор даъво сифатида, агар мол-мулк унинг эгаллигидан

олиб кўйилган бўлса, виндикацион даъво сифатида баҳоланса мақсадга мувофиқ бўлади<sup>4</sup>.

Уйлаймизки, юқорида билдирилган хулоса ва фикрлар мамлакатимизда хусусий мулкчилик ва тadbиркорлик фаолияти билан боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш жараёнида манба сифатида хизмат қилади.

## Хусусий мулк ҳуқуқининг субъекти сифатида фуқаролар

НамДУ ҳуқуқшунослик факультети  
2-босқич магистранти О.Рахимов

Бозор иқтисодиёти шароитида фуқаролар иқтисодий муносабатларнинг муҳим субъекти бўлиб ҳисобланадилар, яъни ўз иқтисодий, ҳуқуқий ва мулкий жавобгарлиги эвазига ихтиёрий равишда хўжалик фаолиятини амалга оширадилар.

Президентимиз И.А.Каримов айтиб ўтганидек, «фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш ва бурчларини бажариш вақтида фуқаролар ва ташкилотлар давлатимиз бозор иқтисодиётини шакллантириш шароитида қонунларга ва норматив ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан чуқур ҳурмат ҳиссини тарбиялаш алоҳида аҳамиятга эгадир»<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 207-моддасига асосан хусусий мулк ҳуқуқи шахснинг қонун ҳужжатларига мувофиқ тарзда қўлга киритилган мол-мулкка эгаллик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқидир. Хусусий мулк ҳуқуқининг субъектлари фуқаролар хўжалик ширкатлари ва жамиятлари, кооперативлар, жамоат бирлашмалари, ижтимоий фондлар ва давлатга қаршли бўлмаган бошқа юридик шахслардир.<sup>2</sup>

Юқорида айтганимиздек, хусусий мулк ҳуқуқи фуқаролар ва нодавлат юридик шахслар мулки кўринишида учрайди.

Фуқаролар мулки хусусий мулкнинг ўзига хос кўриниши бўлиб, мулкнинг бошқа турларига нисбатан қуйидагича афзалликларга эга:

1. Мулкдор ҳар доим конкрет шахс бўлади.
2. Мулкдор мулкка нисбатан энг яқин бўлади ва шу сабабли ҳам унга таъсир қилишда қатор устунликларга эга.
3. Бинобарин, бундай мол-мулк тошмачилик, ўғрилиқ, хўжасизликнинг қурбони бўлиш эҳтимолидан узоқдир.

Хусусий мулкнинг асосий белгилари мол-мулкка нисбатан ўз ҳуқуқларини хусусий тарзда амалга оширишга ҳақли эканлигидир.

Ҳозирги даврда хусусий мулк республикамизда конституциявий мақомга эга бўлади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-

<sup>4</sup> Эргашев В. Мулкдор ҳуқуқларини эгаллик қилишдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган ҳуқуқбузарликлардан ҳимоя қилиш (исгатор даъво). Хўжалик ва ҳуқуқ. 2004. № 12. 28-бет

<sup>1</sup> Каримов И.А. «Ўзбекистон-бозор муносабатларига ўтишни ўзига хос йўли». -Т., «Ўзбекистон», 1993. 72-бет.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси. Т., «Алолат» 2003.208-модда.

моддасига мувофик, бозор муносабатларига қаратилган Ўзбекистон иктисодиётининг негизини хилма-хил шаклдаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқий устунлигини ҳисобга олиб, иктисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мол-мулк шакллари тенг ҳуқуқлилигини ҳамда ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини қафолатлайди. Хусусий мулк бошқа мулк шакли каби дахлсиз ва давлат химоясидадир. Хусусий мулк эгаси бўлган фуқаролар мол-мулкка нисбатан ўз ҳуқуқларини хусусий тарзда амалга оширишга ҳақлидирлар. Хусусий тарзда амалга ошириш деганда, мулк эгаси бўлган шахснинг бошқа ҳар қандай шахслардан руҳсат олмай, ўз хоҳишига кўра мулк ҳуқуқларни эътироф этиш, айланма меҳнатни қўллаш асосида фойда олиш мақсадини кўзлаб ишлаб чиқариш воситаларига, корхоналарига эгаллик қилиш имкониятларига йўл очди.

Ҳозирги даврда фуқаролар иштирокида вужудга келадиган муносабатлар характерининг ўзгариши ва доирасининг анча кенгайиши натижасида уларнинг одатдаги ҳуқуқий мақомига муҳим ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 18-моддасига асосан фуқаролар олдинги чеклашлардан озод бўлди, эндиликда улар фақат ўзларининг шахсий эҳтиёжларини таъминлаш учун эмас балки хусусий мулк асосида турли тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга юридик шахслар ташкил этишга ва улар билан биргаликда умумий мулкка эга бўлиш ҳуқуқларига эришдилар.

Демак, фуқаролар ўзларининг хусусий мулкига эга бўлиб юқорида кўрсатилган ҳуқуқларга эга бўлиб, шу билан биргаликда улар мажбуриятларга ҳам эгадирлар.

Фуқаролар ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига қаршли бўлган бутун мол-мулки билан жавобгар бўлади. Лекин бундай жавобгарлик фуқароларнинг фуқаронинг қонунда назарда тутилган мол-мулкига нисбатан жорий қилинмайди. (ФК- 25-модда)

Фуқаролик мажбуриятлари юзасидан ундирув фуқаронинг шахсий мулкига, умумий мулкдаги ҳиссасига эр-хотиннинг биргаликдаги умумий мулкига қаратилиши мумкин.

Агар фуқаронинг қарзини унинг даромадларидаги (иш ҳақи, пенсия, степендия ва бошқа даромадлар) ундиришнинг иложи бўлса, ундирувчи барча ҳолларда мол-мулкка қаратиш шарт эмас. Бунинг учун ундирувнинг миқдори иш ҳақининг ёки бошқа даромадларнинг қонунда белгиланган фондидан ошиб кетмаслиги керак.

Ундирув фуқаронинг қундалик ҳаёти учун зарур бўлган мол-мулкига нисбатан қаратилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаб ўтгандек, «Ҳозирги вақтда аҳолининг энг фаол табақалари шаклланимда, уларнинг иктисодий манфаатлари мол-мулк эгалари ёки шериклари бўлишга интилиш, фойдадан улуш олиш, ишлаб чиқаришни бошқаришда шахсан катнашиш, ўзи

жамгарган сармоядан ўз хошишига кўра фойдаланиш имконияти билан бевосита боғлиқдир».

## Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш шартномаси субъектлари ва уларнинг ҳуқуқий ҳолати

НамДУ Ҳуқуқшунослик факультети  
2-босқич магистранти Қ.Долиматов

Ўзбекистон Республикасининг қишлоқ хўжалик соҳаси, унинг асосий ишлаб чиқарувчи, моддий ноз – неъматлар яратувчи тармоғи ҳисобланади. Айниқса, Республикамиз мустақилликка эришганидан сўнг бу тармоқнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида роли ва аҳамияти ниҳоятда муҳим бўлиб қолди. Шу сабабли бу тармоқда иқтисодий ислохотларни ўтказиш энг долзарб масалага айланди. Қишлоқларда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг аҳамияти тўғрисида Президентимиз шундай деган эди: «Қишлоқда туб ислохотлар ўтказиш. қишлоқ хўжалигини тараққий қилдириш, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг асосий омили ва манбаидир»<sup>1</sup>.

Қишлоқ хўжалигида ижтимоий – иқтисодий муносабатларни тубдан ислох қилиш, товар ва – пул муносабатларини тартибга солувчи восита сифатида ҳуқуқнинг аҳамияти ошиб бораётган ҳозирги пайтда, деҳқончилик тармоқларини ривожлантиришнинг ҳуқуқий муаммоларини қонунга асосланган иқтисодий ислохотлар воситасида бартараф этиш, жамиятга фуқаролик ҳуқуқининг ролинини кескин оширишни талаб қилмоқда.

«Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни ташкил этиш тизими тубдан ўзгартирмоқда, фермерлик қишлоғида хўжалик юриштиринг энг истиқболли ва самарали шакли сифатида етакчи ўринни эгалламоқда»<sup>2</sup>.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг харид бўлиш муносабатларининг субъектлари бўлиб, мулкчилик шаклидан ва идоравий бўйсунушидан қатъий назар, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилишни амалга оширувчи ташкилотлар, корхоналар (тайёрлов, савдо, қайта ишловчи ва бошқалар) билан деҳқон хўжалиқлари, фермер хўжалиқлари ва ижара корхонаси ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият кўрсатаётган субъектлар шартнома муносабатларида мустақил қатнаша олиши учун қонунда белгиланганидек мустақил ҳуқуқ лаёқатига эга бўлиши лозим.

Ҳуқуқий лаёқатлилик субъектнинг фуқаролик ҳуқуқи ва бурчига эга бўлиш қобилиятидир. «Ҳуқуқ субъектларини характерлайдиган асосий ҳуқуқий хусусиятлар ҳуқуқ ва муомала лаёқатларидан иборат»<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Каримов И.А. «Бунёдкорлик – фаровон ҳаёт асоси» Ўзбекистон овози 1995 – Яил 23 декабрь.

<sup>2</sup> Каримов И.А. «Ўйлаш беш мақсаднинг жамиятнинг демократлаштириш ва янгилаш мамлақатин модернизатсия ва ислох этишидир» -Т.: Ўзбекистон. 2005. 70 – бет.

<sup>3</sup> Зокиров И.Б. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик ҳуқуқи. Тошкент «Адолат» 1996 – Яил. 36 – бет

Демак кишлок хўжалик соҳасида фаолият олиб бораётган субъектлар ҳуқуқ лаёқатиغا эга бўлмаётган туриб муайян ҳуқуқий муносабатда субъект бўлиб иштирок эта олмайди.

Мустақил корхоналар жумладан кишлок хўжалик фаолияти билан шуғулланаётган корхоналар энг аввало маҳсус ҳуқуқ лаёқатиغا эга бўлиб сўнгра муайян бир ижтимоий муносабатларда иштирок этадилар. Улар маҳсус ҳуқуқ лаёқатиغا эга бўладилар.

Кишлоқ хўжалиги соҳасидаги ўтказиладиган ислохотларнинг натижаси сифатида дехкон, фермер хўжаликлари, кишлок хўжалик маҳсулотлари етиштирувчи янги субъектлар шаклида ташкил топди.

Дехкон хўжалиги, фермер хўжалиги ва бошқа кишлок хўжалиги маҳсулотларини тайёрловчилар, истеъмолчилар, қайта ишловчи корхоналарининг субъектив ҳуқуқлари билан боғлиқ муносабатлар тегишли қонунлар ва қонунларга мувофиқ равишда чиқарилган бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади. Булар жумласига Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Мулк тўғрисида»ги, «Дехкон хўжалиги тўғрисида» ги, «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги, «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Хусусий корхона тўғрисида»ги, «Кишлоқ хўжалиги корхоналарини санация қилиш тўғрисида»ги қонунлар, «Хўжалик юритувчи субъектларнинг иктисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларини бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида»ги, «Тадбиркорлик субъектларини химоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, «Тадбиркорлик субъектларининг хўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарликни эркинлаштириш тўғрисида»ги қонунлар ва бошқа бир қатор фармонлар ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатларни келтиришимиз мумкин.

Демак, кишлок хўжалигида фаолият юритувчи корхоналарнинг ҳуқуқий ҳолатини белгилувчи асосий ҳуқуқий ҳужжатлар, юқоридаги қонунлар Президент фармонлари, Ҳуқуқат қарорлари ҳамда вазирликлар ва идораларнинг меъёрий ҳужжатлари ҳисобланади.

### **Мусулмон ҳуқуқида фуқаролик ҳуқуқий муносабат сифатида савдо-сотик ишларини юритилиши**

НамДУ Ҳуқуқшунослик факультети  
2-босқич магистранти Ш.Ш. Эралиев

Ислом ҳуқуқшунослигини гарбий ҳуқуқий тизимлар билан қиёсий услубда ўрганиш давр талаби ва тарихий зарурат ҳисобланади, негаки бу-узук муддатли тоталитар тузум даврида халқимизнинг йўқотиш ва унутишга ҳукм этилган илмий-тарихий хотирасини тиклашнинг самарали йўлларидан биридир.

Ғарб ҳуқуқи дунёвий тизим бўлганлиги сабабли унинг манбалари қонунлар ва урф-одатлардан иборатдир. Аммо ислом ҳуқуқи дунёвий ҳуқуқ

бўлганлиги учун ўзининг сарчашмасини илохий манбалардан олади, бу эса гарб ҳукуки билан унинг асосий фаркларини кўрсатади.

Дарҳақиқат юртбошимиз таъкидлаганидек «ҳукукий меросимиз илдиэлари ниҳоятда бақувват, қўхна оллох одамзотни шундай яратганки ҳар бир инсон ўзига хос бир олам».<sup>1</sup>

Дарҳақиқат юртбошимиз таъкидлаганидек, ҳукукий меросимиз илдиэлари ниҳоятда бақувват, қўхна. Буни бутун ислом олами эътироф этган асарлари ислом дорулфунунларида дарслик сифатида кадрланаётган, ханафий мазҳабининг ишончли қўлланмаси ҳисобланмиш Бурхониддин Марғилонийнинг «Ал-Ҳидоя фил-фуруғ» асари тимсолида ҳам кўришимиз мумкин. «Ҳидоя» асарининг эътиборли томони шундаки, мусулмон фуқаролик ҳукуки жуда пухта ишланган. Унда берилган ҳукукий муносабатлар фақатгина асосий манбаларга суяниб колмасдан, ижтимоий тараккиёт манбаларидан келиб чикиб, ҳуқуқ ижодкорлиги (ижтиҳод) фаолияти натижасида Янги-янги муносабатларга жавоб берилган мазкур асарнинг савдо-сотик бобида фикримизни тасдиқловчи бир қатор далиллар мавжуд. Хусусан, ислом диёрларида савдо билан шугулланиш қадимдан кенг ривожланганлиги баён қилинган. Ислои ҳуқуқи тизимининг асосчиси Муҳаммад (с.а.в.) ўзлари макка бозорларини айланиб, ундаги аҳвол билан танишиб, савдо қоидаларини эслатиб ўтганлар.

Савдо қоидалари Қуроннинг «Бақара», «Муфтаффифун» сураларида эслатиб ўтилган. Пайгамбаримизнинг ҳам бу борада 20 га яқин ҳадислари бор.

Пайгамбаримиздан сўнг издошлик даврида юқоридаги манбалардан фойдаланиб, савдо-сотик масалалари тўлалигича ишлаб чиқилган. Жумладан, савдо билан шугулланувчи шахслар ислом ҳуқуқига асосан шариат бўйича белгиланган савдо қоидаларини харидорлар ичида фақат мусулмонларни ажратмаслик (яъни барчага баробар бўлиш), товарга қўйилган нархни қатъий қилмаслик (яъни шароитга қараб арзонлаштириш), савдо вақтида иложи борида харидорга ён босиш каби қоидаларни билишлари зарур. Бу ҳақда Расуллуллоҳ «Зин ва аржих» яъни «тарозини тартаётганда харидорнинг хақини бироз ошириб қўй»,<sup>2</sup> деганлар. Бундан ташқари савдогар муомула лаёқатига эга, соғлом ва ақлли инсон бўлиши керак. Аммо савдо, гаров ишларида шароитга кўра муомула лаёқатига етмаган ўсмир ўз вақили орқали турли битимларни тузиш мумкин. Бу қоидалар ўзимизни ҳам, яъни Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 29-моддасида ҳам кўрсатилган.

Ислои ҳуқуқшуносларининг фикрига кўра, савдо-айирбошлаш асосан бешта тамойил асосида амалга оширилади:

1. товарнинг сони, оғирлиги, ҳажми ва миқдори аниқ бўлиши шарт;
2. ўзаро айирбошлаш вақтида товар харидорнинг қўлига ўтиши керак.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Бизнинг беш мақсадимиз-жамятини демократлаштириш ва янгилаш, мамлакат модернизация ва ислоҳ этишлари Т. Ўзбекистон 2005. 13-бет

<sup>2</sup> Бухорий ҳадислар тўплами, 3-қисм 260-бет



3. айирбошлаш учун такдим этилган товар бир биридан фарк қилиши шарт. (яъни, Расуллох бешта нарасада судхўр бўлиб қолишдан қайтарганлар бугдой, арпа, олтин, қумуш, туз.
4. гаров учун қолдирилган нарсаларни эгасининг рухсатисиз сотиш ёки айирбошлаш таъқиқланади.
5. турли хизматлар учун ёки қарзни тўлаш учун товар билан ҳисоблашишга рухсат берилади.

«Қимқи билиб туриб ўғирлик сотиб олса, у шу ўғирликнинг ори ва гуноҳига шерик бўлади»,<sup>3</sup> ёки «Ҳалол ризқ топиш ҳар бир мўмин учун вожибдир»,<sup>4</sup> дейилади, «Аллоҳ-одобга оид» «Ҳадис намуналари»да.

Барча даврларда ҳам мусулмонлар савдо қоидаларига ҳурмат билан қараб келганлар. Айниқса, ҳалқимиз орасида «бировнинг ҳаққи» ибораси кўп қўлланилиши сўзимиз далили бўла олади.

Шунинг учун ислом давлатларида ҳокимият савдо ишларига алоҳида аҳамият беради, чунки ислом ҳуқуқига кўра, савдо-сотик давлат даромадининг асосий манбаларидан бири ҳисобланади.

### **Жиноят туфайли етказилган мулкӣ зарарни бартараф этиш муаммолари**

НамДУ ҳуқуқшунослик факултети  
2-босқич магистранги Х.Согитовдиева

Республикамизда амалга ошириладиган иқтисодий ислохотлар шароитида фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларни мустаҳкамлаш ҳозирги кун тартибидаги асосий масала бўлиб келмоқда. Чунки, бозор иқтисодиёти қонуниятлари иқтисодий жиноятчилик ва иқтисодий жиноятларни содир этувчи шахслар ҳамда уларни содир этиш механизмларини ўрганишга мутлақо янгича ёндашувларни талаб қилмоқда. Президентимиз таъбири билан айтганда, «... жиноят қонунчилигида иқтисодий соҳада жиноят содир этган шахсларга нисбатан иқтисодий таъсир чораларини қўллаш имкониятларини кенгайтириш зарур. Бу қонунчилигимизда иқтисодий соҳадаги жиноятлар ва унинг учун жавобгарлик тушунчасини замон талабига мос равишда янгиликларни қўшиш зарур. Бу ҳақда Президентимизнинг қарори билан қонунчилик ҳаётида асосланган янгиликларни қўллаш зарур. Бу ҳақда Президентимизнинг қарори билан қонунчилик ҳаётида асосланган янгиликларни қўллаш зарур».<sup>1</sup>

Маълумки, иқтисодий жиноятлар мулкӣ муносабат субъектлари ва алоҳида олинган шахсларнинг мулкига таъвоуз қилиш оқибати содир этилади. Бунинг натижасида эса ушбу субъектлар, фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига зарар етди. Энг ачинарлиси, бутунги кунда

<sup>3</sup> «Аллоҳ-одобга оид «Ҳадис қонуналари», Тошкент, «Фан», 1990 йил 142-бет.

<sup>4</sup> Ўша ерда, 104 бет.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Адолат-қонун устиворлигида. Ўзбекистон Республикаси Президентини Каримовнинг иккинчи чакриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг олтинчи сессиясидаги маърузаси. Халқ сўзи, 2001 йил 30 август.

ушбу хукукбузарликлар натижасида етказилган зарарларнинг кўпчилик қисми ундирилмасдан қолиб кетмоқда.

Жиноят туфайли етказилган зарарни бартараф қилишда зарар етказишнинг субъектларини аниқлаш муҳимдир. Ушбу субъектларнинг бири зарар етказган шахс (гумонланувчи, айбланувчи, судланувчи, фуқаровий жавобгар. ХМКО органлари ходим)лар бўлса, иккинчи томон эса зарар кўрган шахс (жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, унинг қонуний вакиллари) бўлади.

Жиноятдан зарар кўрган шахслар доирасини аниқлаш бевосита муҳим аҳамият касб этади. Бунга жиноят процессида иштирок этиш ҳукуқи, жумладан, жиноят туфайли чекланган моддий ҳолатни ҳимоя қилиш учун ҳаракатларни содир қилиш имкониятлари (ёки ушбу имкониятга эга эмаслиги) боғлиқ. Чунки фуқаровий даъвогарни пайдо бўлиши уларни манфаатларини таҳдид остига қўяди.

Юқорида қайд қилинганидек, жиноий иш суди юритуви жараёнида фуқаровий даъвогар бўлиб, ноконуний тарзда ишдан бўшатилиши натижасида ойлик маошдан маҳрум бўлган шахслар ҳам бўлиши мумкин.

Жиноят иши жараёнида фуқаровий даъво бошқа даъволар сингари даъвогар ва жавобгар процессуал фаолиятида субъектларни бир-бирига карама-қарши функциядаги ҳолатини намоён қилади. Булардан бири ўзиде фуқаролик даъвосини қўллаб-қувватловчи функция бўлса, иккинчиси унга тесқари функциядир.

Бу шахслар фуқаровий даъво иш юритуви тизимида марказий ўринни эгаллайдилар. Уларни бу иш юритувида бевосита қатнашиши фуқаровий даъвогар ишига нисбатан тўлиқ, объектив ва ҳар томонлама ёндошишга қафолат бўлади.

Шу маънодан келиб чиқиб, жиноят процессуал қонунчилиги жиноят процессида фуқаровий даъвони қуйидаги шахслар бериши мумкинлигини белгилайди:

- зарар етказувчи билан жиноий-ҳуқуқий муносабатда бўлган шахс (яъни жиноятда бевосита жабр кўрган шахс);

- моддий характердаги зарарни кўрган шахс;

Бу шартларда биринчисига алоҳида тўхталиб ўтамиз. Масалан, А. исмли шахс Б. исмли шахснинг автогаражини умуман йўқ қилади. Бирок, Б. исмли шахснинг бу гараждан С. исмли шахс вақтинча фойдаланиб турган бўлади. А. исмли шахс ўзининг хатти-ҳаракати билан Б. исмли шахс ва С. исмли шахсларга мулкий зиён етказяпти. Қонун томонидан олиб қарайдиган бўлсак, фуқаровий даъво кўзгатиш ҳуқуқи фақат Б. исмли шахсга бериляпти. С. исмли шахсга етказилган зарар эса, Б. исмли шахс ва С. исмли шахс ўртасидаги шартномадан келиб чиққан ҳолда ундирилади. Чунки Б. исмли шахс керакли хавфсизлик чораларни кўрмаган. Бундан келиб чиқиб, С. исмли шахс Б. исмли шахсга нисбатан умумий даъво тартибида шикоят қилиши мумкин.

Иккинчи шартга мувофиқ жиноят туфайли етказилган зарарлардан фақатгина мулкий зиёнларгина жиноят процессида кўрилиши мумкин.

Маънавий ва жисмоний зарарлар эса, фуқаровий суд ишларини юритиш тартибида ундирилади. Бу эса, фуқаровий ҳуқуқий талабларнинг жиноят процессида субъектлар доирасини чегаралайди. Ушбу саволни аниқлаштириш учун фуқаролик кодекси, меҳнат кодекси, оила ва никоҳ кодекси нормаларига мурожат қилишимиз керак бўлади.

Жиноий иш юритувида қуйидаги шахслар фуқаровий даъвогар бўлиб қатнашиши мумкин дейди рус олими С.А.Александров:

- моддий қийматликларга зарар етказиш, йўқ қилиш, мусодара қилишда ушбу моддий бойликларнинг эгаси.

- меҳнат ҳуқуқига тажовуз қилинганда ишдан ҳайдалганлиги натижасида маошидан маҳрум бўлган шахслар.

- шахснинг озодлиги, шаъни ва кадр-қимматига тажовуз қилишда, соғлиғига шикаст етказилишида зарар кўрган шахс.

- ғайриқонуний ҳаракат натижасида боқувчисидан айрилган марҳумнинг қарамоғида бўлган ёки у вафот этган кунгача ундан таъминот олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар, шунингдек, марҳумнинг вафотидан кейин туғилган фарзанд.

Жиноят туфайли тузилган зарарнинг бартараф қилиш жараёнида кўзда тутилган ҳаракатлар биргаликда ўтказилган тақдирдагина ижобий натижага эришиш мумкин.

Бирок, шу ерда шу нарсани ҳам айтиб ўтиш лозимки, жиноят туфайли етказилган зарарни қоплаш жараёнида «зарарни қоплаш» атамаси билан биргаликда «зарарни бартараф этиш» атамаси ҳам ишлатилади. Шу ўринда бу икки атамани бир-биридан фарқлаб олишимиз лозим.

Зарарни бартараф этиш тушунчаси биров кенгрок тушунчадир. Чунки зарарни қоплаш бу бартараф этишнинг бир кўринишидир.

Зарарни бартараф этиш деганда, бир томондан жабрланувчига етказилган зарарни жабрланувчи томонидан воз кечиши ёки бўлмаса, айбланувчи (фуқаровий жавобгар) га нисбатан фуқаровий даъвосидан воз кечиши ҳам тушунади. Зарарни бартараф этиш жараёнида етказилган зарарни қайтариб ёки қайтармасдан бартараф қилиш мумкин.

Жиноят туфайли етказилган зарарни бартараф қилиш жараёнида илк бор қилинадиган ишлар жумласига унинг миқдорини аниқлаш қиради. Зарар миқдорини аниқлаш ҳам ўзига яраша мураккаб ҳолдир. Шундай экан, зарар миқдорини аниқлаш ҳам бир қатор тергов ҳаракатлари билан боғлиқдир. Улар орасида энг аҳамиятлиси воқеа жойини кўздан кечиринч тергов ҳаракатидир. Чунки, воқеа жойи орқали биз энг қимматли далилларга эга бўлишимиз мумкин. Шу билан биргаликда жиноят туфайли етказилган зарар воқеликда бўлган ёки бўлмаганлигини аниқлаш мумкин.

Жиноят туфайли етказилган зарарни қоплаш борасида асосий камчиликлардан бири, фуқароларимизнинг ўзларининг ҳуқуқ ва бурчларини билмаслигидир. Бунинг оқибатида, фуқароларимиз бузилган ҳуқуқларини қандай тиклаш йўллари билмай ҳуқуқшнос маслаҳатига мухтож бўлади.

Ўз-ўзидан бу кўшимча сарф-харажат билан боғлиқдир. Бундан ташқари, амалиётда жиноят туфайли етказилган зарарни коплашда жиноят қилган шахсларни ушбу зарарни коплаш имконининг йўқлиги туфайли ҳам кўпгина зарарлар ундирилмай қолиб кетмоқда.

Юқоригилардан шундай хулоса қилиш мумкинки, бугунги кундаги жиноят туфайли етказилган зарарни ундириш масаласида бир қатор камчиликлар учраб турибди. Бунинг натижасида фуқароларимизнинг бузилган ҳуқуқ ва эркинликлари тикланмасдан қолиб кетмоқда.

Айрим ҳолларда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари айнан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг хато ва камчиликлари натижасида етказилади. Бунинг ачинарли томони шундаки, ушбу зарарни оддий фуқаролар эмас, балки юридик маълумотга эга масъул шахслар етказишмоқда. Буларга мисол қилиб ноқонуний ушлаб туриш, қамоқда сақлаш, айби йўқ шахсларни жазолаш қабиларни олишимиз мумкин. Қонунга ҳилоф равишда ушлаб турилганлар, эҳтиёт чораси сифатида қонунга ҳилоф равишда қамоқда сақланаётганлар, ишда айбланувчи тарикасида ишга жалб қилинганлиги туфайли вазифасидан қонунга ҳилоф равишда четлаштирилганлар ёхуд ноқонуний тарзда тиббий муассасага жойлаштирилганлар реабилитация этилади.

### **Фуқаролик ишлари бўйича судловлиқни жиноят ишлари бўйича судловлиқдан фарқи**

НамДУ Ҳуқуқшунослик факультети  
2-босқич магистранти У.Нишопова

Фуқаролик ишларининг судловлиги ўзига хос хусусиятлар билан жинорий судловлиқдан ажралиб туради. Бу ўзига хослик шундаки фуқаролик суд ишларининг юриштида фақат жисмоний шахслар иштирок этибгина қолмасдан, даъвогар ёки жавобгар сифатида қорхона, муассаса, ташкилотлар ҳам иштирок этиши мумкин. Бу субъектларнинг иштироки ўз навбатида судловлиқ қондаларига ҳам таъсир кўрсатади. Чунки, фуқаролик ишнинг судда кўришда ҳар икки тараф ҳам юридик шахс бўлса, бу фуқаролик судларининг судловига тегишли бўлмаган низо ҳисобланади. Бундай низолар хўжалиқ судларининг судловига тааллуқлидир. Жинорий ишларининг судловлиги ҳам ўзига хос хусусиятлари билан фуқаролик судловлиқдан фарқ қилади. Масалан, жинорий судловлиқ турлари, ишнинг бир суддан бошқасига ўтказиш қабил ҳолатлар бунга мисол бўлиши мумкин.

Жиноят ишларининг судловига тегишлилиги деганда, жиноят процессуал қонуни билан жиноят ишнинг у ёки бу судда мазмунан кўрилишини белгиловчи юридик хусусият тушунилади. Бу хусусиятга кўра жиноят ишнинг қайси судга тегишли эканлиги ва ягона суд тизими ичида судлар ўртасидаги ваколатлар белгиланади.

Судловга тегишлилик икки хил маънода тушунилади. Судловга тегишлилик, биринчидан, айрим жиноят ишларининг кўрилиши ва ҳал

килиниши суд органларига тааллуқли бўлишлигини англатади; иккинчидан, судловга тегишлилик ягона суд тизимига кирадиган ягона умумий юрисдикция судларининг қайси бири муайян жиноят ишини кўриш ва ҳал қилишга ҳуқуқли бўлишини билдиради.

Демак, судловга тегишлилик деб, суд органларига тегишли бўлган жиноят ишларининг мазмунига кўра суд инстанциялари ўртасида тақсимланишига, шунингдек ҳудудий ва шахсга кўра мазкур жиноят ишининг айнан қайси судга тааллуқли бўлишига айтилади.

Жиноий ишларнинг судловга тегишлилиги ҳақида сўз юритилганда, суд инстанция ваколатларига кирадиган жиноят ишларининг қонуний, асосий, адолатли ва мазмунан аниқ кўрилиши биричи инстанция, апелляция, кассация ва назорат суд инстанцияларига кўп жihatдан боғлиқ бўлиб ҳисобланади. Бундай фикрга келинишига жиноят процессуал қонунида кўрсатилган судловга тегишлилик юридик атамасининг ишлатилиши, чунончи «туман, шаҳар судлари судловига, вилоят судлари судловига ва Олий суд судловига тегишли жиноят ишларининг белгиланиши» асосдир, яъни судловга тегишлилик жиноятнинг характериға кўра квалификация қилиниши билан белгиланди.

Жиноят ишларининг қайси судга тегишли бўлишлигини белгилашда мазмунан кўриб ҳал қилинадиган жиноят ишининг турига қаралади.

Фуқаролик ишининг қайси судга тегишли бўлишлигини белгилашда ҳам ҳуқуқий муносабат тури, субъекти, низо предметиға қаралади.

Жиноят процессуал қонунига кўра жиноий ишларнинг судловлиги турлари қуйидагилар:

- ✓ турдош ёки предметли судловлилик;
- ✓ шахсига кўра судловлилик;
- ✓ ҳудудий судловлилик;
- ✓ мустасно судловлилик.

Жиноят процессида турдош ёки предметли судловга тегишлилик деб ишнинг тури ёки характериға қараб ҳар-хил турдаги судларга жиноят ишларнинг тегишли бўлишлиги тушунилади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 389-моддасининг иккинчи қисмида уларнинг судловига тегишли жиноятлар аниқ белгиланган. Унга кўра, Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди, вилоят ва Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича судининг судловига Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисми, 118-моддасининг 4-қисми, 150, 153, 155, 157, 158-моддалари, 159-моддасининг 3,4-қисмлари, 160, 161-моддалари, 210-моддасининг 3-қисми, 230, 231, 242, 244-моддалари, 273-моддасининг 5-қисмида назарда тутилган жиноятларга доир ишлар тегишлидир.

Демак, жиноий ишларнинг судловлигида туман, шаҳар, вилоят, Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди ва Тошкент шаҳар жиноят иши бўйича суди ва Ўзбекистон Республикаси Олий судининг қандай жиноий ишларни кўришлиги қонунда аниқ белгиланган. Фуқаролик процессуал қонунчилигида бундай норма белгиланмаган. Шунинг

учун фукаролик ишлари бўйича судларнинг ҳам судловга тегишли бўлган фукаролик ишлари аниқ белгиланса, мақсадга мувофиқ бўлади. Шу мақсадда Фукаролик процессуал кодексига туманлараро (шаҳар) вилоят, Тошкент шаҳар, фукаролик ишлари бўйича судда Қорақалпоғистон Республикаси фукаролик ишлари бўйича Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судловига тегишли фукаролик ишлари аниқ белгилаб қўйилишлиги ҳақида тақлиф берилади.

Жиноят процессуал кодексининг 393-моддаси 2-қисмида ишни бошқа вилоятдаги ёки Қорақалпоғистон Республикасидаги судга ўтказиш масаласи Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси томонидан ҳал этилиши мустаҳкамланган Фукаролик процессуал кодексида вилоятлардан ишни бошқа вилоятдаги фукаролик ишлари бўйича судга ўтказиш тартиби тўғрисида ҳеч қандай қоида ўрнатилмаган. Шунинг учун судловлилик тўғрисида юқорида кўрсатилган ҳолатлар ҳақида низоларнинг келиб чиқишини олдини олиш, ишларни тез ва аниқ кўриб чиқишини таъминлаш мақсадида, Фукаролик процессуал Кодексига тегишли норма киритилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Жиноят процессида ишни бир суддан бошқа судга ўтказишга фақат иш суд мажлисида кўрилади бошлагунга қадар йўл қўйилади (ЖПК нинг 313-моддаси, 4-қисми).

Фукаролик процессида ишни бир суддан бошқа судга ўтказиш суднинг ажрими устидан жиноят бериб ёки унга нисбатан протест келтириш муддати ўтгандан кейин, жиноят берилган ёки протест келтирилган тақдирда эса жиноятни ёки протестни қаноатлантирмай қолдириш ҳақида ажрим чиқаргандан кейин ўтказилади (ФПК нинг 147-моддаси).

Жиноий ишлар судловлигининг ўзига хослиги яна шундаки, юқори суднинг суд мажлисида кўрилади бошланган ишни қўйи судга юборишга йўл қўйилмайди. Фукаролик ишларининг судловлилик тўғрисидаги қоидаларга ушбу норма мустаҳкамланмаган.

Жиноят ишларининг судловлилик фукаролик ишларининг судловлигидан яна қуйидаги жиҳатлари билан фарқ қилади. Жиноят процессида жиноят ишлари бирлаштирилганда, уларнинг судловга тегишлилиги тўғрисида норма мустаҳкамланган. Унга кўра, бир неча шахсни турли ҳудудларда содир этган жиноятлари учун айблаш тўғрисидаги жиноят ишлари, шунингдек бир шахсни бир неча жиноятни содир этишда айблаш тўғрисидаги жиноят ишлари бирлаштирилганда, агар бу ишлар бир хил даражадаги икки ёки бир неча суднинг судловига тегишли бўлса, иш дастлабки тергов қайси ҳудудда тамомланган бўлса, шу ҳудуддаги суд томонидан кўрилади. Бир шахс ёки бир гуруҳ шахслар турли даражадаги судларнинг судловига тегишли бир неча жиноятни содир этишда айбланган бўлса, бундай ишлар юқори суд томонидан кўрилади (ЖПК нинг 392-моддаси).

Юқоридаги асослардан маълумки, жиноят ишлари бирлаштирилганда судловлилик масаласи аниқ белгиланган. Фукаролик процессуал кодексининг 156-моддасида судгянинг бир турдаги ишларни бирлаштириш ҳукуқи берилган бўлсада, уларнинг судловлилиги тўғрисида ҳеч қандай қоида

мустахкамланмаган. Шунинг учун Фукаролик процессуал кодексининг 15-моддаси "Судьянинг бир турдаги ишларини бирлаштириш ҳукуки ва уларнинг судловга тегишлилиги" деган ном билан алмаштирилса ва унинг мазмунига судловга тегишли қоидалар киритилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

## Ташки иқтисодий фаолият тушунчаси ва унинг ҳуқуқий асослари

НамДУ Ҳуқуқшунослик факультети  
I-курс магистранти А.А.Алиев

Ташки иқтисодий фаолият давлатлар пайдо бўлиши билан бирга ривожланиб, такомиллашиб келган. Бу фаолият давлатлар ўртасидаги ишлаб чиқариш, айирбошлаш, истғемол ва тақсимот муносабатлари бўлиб, доимо муайян меъёрлар билан тартибга солиниб келинади.

«Ташки иқтисодий фаолият тўғрисида»ги Қонуннинг 3-моддасига мувофиқ ташки иқтисодий фаолият деганда, Ўзбекистон Республикаси юридик ва жисмоний шахсларининг, шунингдек, халқаро ташкилотлар билан ўзаро фойдали иқтисодий алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантиришга қаратилган фаолияти тушунилади, яъни Ўзбекистон қонунчилигига кўра ташки иқтисодий фаолият, бу Ўзбекистон Республикаси жисмоний шахслари билан хорижий давлатларга мансуб юридик ва жисмоний шахслар орасидаги савдо иқтисодий ва бошқа хўжалик алоқаларидан иборат. Ушбу нуқтан назардан қараганда, Т.М.Иванованинг "Ташки иқтисодий фаолият деганда, давлатнинг бошқа давлатлар билан савдо, иқтисодий, техник, маданий, сайёҳлик каби соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган фаолиятдан иборатдир"<sup>1</sup>, деган фикрига кўшилиш кийин. Чунки, ташки иқтисодий фаолият унинг иштирокчилари бўлган юридик ва яқка талбиркор жисмоний шахслар томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга ошириладиган фаолиятдир. Давлат бу фаолиятни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиб бориши, ташки иқтисодий фаолият олиб борилиши учун зарур қулай ташкилий, иқтисодий ва бошқача шарт-шароитларни яратиб бериши мумкин. Давлатнинг ўзи ҳам субъект сифатида ташки иқтисодий фаолиятда бевосита ёки ўзининг махсус ваколат берилган ташкилотлари орқали иштирок этиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ўз суверенитети ва миллий мустақиллигини қўлга киритганидан кейинги дастлабки йиллардан бошлаб, жаҳон хўжалик тизими билан узок вақт давомида узилиб қолган алоқаларни тиклашга, халқаро ҳамжамиятга қирувчи давлатлар билан савдо-иқтисодий ва бошқа алоқаларни йўлга қўйишга киришди. Собик иттифок даврида ташки сиёсатнинг, шу жумладан ташки иқтисодий савдо сиёсатининг марказ томонидан амалга оширилиши, давлат монополияси эканлиги чет элларга, хусусан Ўзбекистон ССРга ўзга мамлакатлар билан бевосита алоқа қилиш имконини бермас эди ва бу ҳол амалда мамлакатимизни ташки дунёдан ажратиб қўйди, жаҳон иқтисодий

<sup>1</sup> Қаранг "Хозяйственное право" М. "Бек", 1994 й. 2-том, 253-бет

хўжалик тизимидан ажралиб қолишига олиб келди. Аслида бу сиёсатнинг мақсади мамлакатимизни бир томонлама ҳам ашё етказиб берувчи регионга айлантиришга қаратилганлиги маълум бўлди. Ташки иқтисодий фаолиятнинг йўлга қўйилиши ва кенг ривожлантирилиши Ўзбекистоннинг ташки дунёга чиқишининг асосий усулларидан бири бўлиб қолди.<sup>2</sup>

Мустақиллик йилларида ташки иқтисодий алоқалар таркибий жиҳатдан ўзгартирилиб, ҳам ашёни четга чиқаришдан тайёр маҳсулотлар, тугалланган технология натижаларини экспорт қилишга ўтила бошланди. Жумладан, агар 1991 йилда экспортда пахтанинг ҳиссаси 77,6 фоизни ташкил этган бўлса, 2000 йилга келиб бу кўрсаткич 28 фоизни, машиналар ва тайёр ускуналарни четга сотиш 1991 йилда бор йўғи 1 фоизни ташкил этган бўлса, 2000 йилда бу кўрсаткич 23 фоизни ташкил қилди. 1998 йилда ташки савдо обороти 6,9 млрд. АҚШ долларини, савдо балансидаги ижобий салғдо эса 240 млн. АҚШ долларини ташкил этди.<sup>3</sup>

2000 йил бошида мамлакатимиз дунёнинг 38 давлати билан савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги келишувларни, 35 давлат билан эса сармоя киритишни рағбатлантириш ва химоялаш тўғрисидаги келишувларни имзолади. Бу ўринда ҳам ҳуқуқий-шартномавий базани шакллантиришда сонга эмас, балки сифатга эътибор қаратилди, яъни ҳар бир келишув Ўзбекистоннинг миллий манфаатларидан ва шерик давлатнинг ўзига хосликларидан келиб чиқиб тайёрланди.

Ўзбекистоннинг АҚШ билан кўп қиррали ҳамкорлигининг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш жараёни жадал олиб борилди, ҳозир 20 дан ортиқ ўзаро келишув ва шартномалар амал қилмоқда, улар қаторида капитал қўйилмаларни рағбатлантириш ва химоя қилиш ҳақидаги келишув ҳам бор. Америка қитғаси давлатлари ичида АҚШ дан ташқари қатта сармоя ресурсларига ва технологик имкониятларга эга бўлган Канада билан шартномавий-ҳуқуқий муносабатларнинг ривожланаётганлигини алоҳида таъкидлаш керак.

Европа Иттифоқи мамлакатлари билан муносабатларни ривожлантириш Ўзбекистон Республикаси ташки иқтисодий стратегиясининг ажралмас қисми ҳисобланади.

Ўзок муддатли, барқарор ва умум тан олинган тамойиллар асосига қурилган ўзаро хўжалик ҳамкорлигини таъминловчи Европа Иттифоқи билан иқтисодий алоқаларни ҳуқуқий таъминлаш орқали ўз стратегик манфаатларига эришиш мақсадида Ўзбекистон қатор икки томонлама шартномалардан ташқари “Шерикчилик ва ҳамкорлик тўғрисида” келишув шаклида савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги умумий келишувни ҳам имзолаган. Ушбу келишув 1998 йил июнида қучга қирган. Уни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори ва Ўзбекистон Республикаси билан Европа Ҳамжамияти ва унга аъзо давлатлар ўртасидаги “Шерикчилик ва ҳамкорлик тўғрисида”ги келишувни амалга ошириш бўйича 2000-2005 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси

<sup>2</sup> Хўжалик (Тадбиркорлик) ҳуқуқи дарслик Тошкент 2003. 249 бет  
<sup>3</sup> “Халқ сўзи”, 2000 йил 13 октябр.



Хукуматининг асосий ташкилий чора-тадбирлари умумий дастури қабул қилинди.

Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базасини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришда жаҳоннинг бошқа минтақалари мамлакатлари билан ҳам савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга ҳам муҳим аҳамият бериш керак.

Яқин истиқболда Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий стратегиясининг шартномавий-ҳуқуқий базасини ишлаб чиқишда Осиё-Тинч океани минтақаси (ОКОМ) мамлакатлари билан савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга алоҳида эътибор бериш керак. Бу минтақадаги жадал ривожланаётган мамлакатларда катта валюта захираларининг тўнланishi уларнинг Ўзбекистондаги инвестиция фаолияти учун имкониятларини кенгайтиради.

Минтақавий иқтисодий гуруҳларда ва келишувларда Ўзбекистоннинг иштирокини кенгайтириш бўйича жадал иш олиб бориш, биз учун кейинги тараққиётни белгилаб берувчи меъерий ҳужжатларни ишлаб чиқишнинг дастлабки босқичларида ўз миллий манфаатларимизни таъминлаш ҳамда минтақадаги мавжуд савдо уюшмалари ва келишувларда тегишли савдо-иқтисодий позицияни эгаллаш учун муҳимдир. Икки томонлама ҳуқуқий асосда ҳамкорлик қилиш ОКОМ мамлакатлари билан иқтисодий алоқаларга асос бўлиши керак. Бу Ўзбекистоннинг минтақа даражасида таъсирининг ва ҳамжиҳатлигининг мустақамланишига ёрдам беради.

Халқаро молия-иқтисодий ташкилотларга аъзолик кўп томонлама ҳамкорлик даражасида шартномавий-ҳуқуқий базани шакллантириш сиёсати доирасида Ўзбекистон Республикаси учун долзарблик касб этмоқда. 1994 йилдан бошлаб Ўзбекистоннинг Бутун жаҳон савдо ташкилотига кириши бўйича ҳуқуқий тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Бу ташкилотга аъзолик Ўзбекистон учун янги имкониятларни очиши мумкин.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик миллий қонуңчилик асосида ҳам ҳуқуқий тартибга солинади. «Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»ги Қонун бу жараённинг самарадорлигини таъминлайди. Унда Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларни тузиш, узайтириш ва бекор қилиш ҳуқуқий воситаларининг амал қилишида тегишли вазирликлар ва идораларнинг ваколатлари, ихтисослашувлари аниқ белгиланган. Бу қонун мамлакат бўйича умуман ташқи алоқаларнинг шартномавий-ҳуқуқий базасини расмийлаштириш соҳасини ривожлантиришга олиб келди.<sup>4</sup>

Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолият давлат ташқи сиёсатининг таркибий қисми сифатида давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари ва нормаларига асосланган ҳолда амалга оширилиши Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгилаб қўйилган. «Ўзбекистон Республикаси Ташқи Иқтисодий Фаолият тўғрисида»ги, «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги, «Чет

<sup>4</sup> Ҳамидов И.А., Алимов А.М. Ўзбекистон Республикаси Ташқи Иқтисодий Фаолият асослари. 19-21 бет.

ли инвестициялари тўғрисида” ги, “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида” ги Қонунлар ташки иктисодий фаолиятни тартибга солувчи ҳуқуқий негиз ҳисобланади. Бундан ташқари, ташки иктисодий фаолиятга у ёки бу даражада дахлдор бўлган “Валюта бошқаруви тўғрисида” ги, “Божхона таърифи тўғрисида” ги, “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида” ги қонунлар қабул қилинган.<sup>5</sup>

1990-йиллардаёқ қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Ташки иктисодий фаолият тўғрисида» ги Қонуни мамлакатда ташки иктисодий фаолиятни ҳар томонлама мувофиқлаштиришда муҳим ўрин эгаллайди.

Амалиётнинг кўрсатишича, бу қонун иктисодиётни бошқаришнинг маъмурий-бўйруқбозлик усулларидан бозор усулларига босқичма-босқич ўтиш, ташки иктисодий фаолиятни бошқариш шароитларида иктисодий ислохотларнинг дастлабки босқичларида муҳим роль ўйнади. Бирок 90-йилларнинг охирида бошланган мамлакат иктисодиётини эркинлаштириш жараёнлари ташки иктисодий фаолиятни ташкил этиш ва бошқариш олдига янги-янги талабларни кўя бошлади. Шу муносабат билан 2000 йилнинг май ойида мамлакат парламенти томонидан Ўзбекистон Республикасининг «Ташки иктисодий фаолият тўғрисида» ги Қонуни янги таҳрирда қабул қилинди, унда бу соҳада кейинчалик қонун яратиш фаолияти учун асос бўладиган ташки иктисодий фаолиятнинг концептуал асослари аниқ белгилаб берилди. Қонуннинг янги таҳририда ташки иктисодий фаолиятни бошқаришнинг маъмурий усулларидан иктисодий усулларининг устуворлиги методологик таъмин сифатида аниқ белгиланди. Давлат ва унинг органларининг ташки иктисодий фаолият субъектлари ишига ноқонуний аралашинлари ман қилинди.

Қонуннинг янги таҳрири моддалари мамлакат қонунчилигида юз берган ўзгаришларни, ташки савдо режимини эркинлаштириш вазифаларни ҳамда бошқа таҳририй тузатишлар ва қўшимчаларни ҳисобга олиб янгиланди.

Ташки иктисодий фаолият моҳиятидан келиб чиқиб, янги таҳрирда ташки иктисодий фаолият турларига аниқлик киритилди. Қонунчиликни қўллаш амалиётида малакали ишлатиш учун қонундаги асосий атамалар ва тушунчаларнинг талқини берилди, улар халқаро-ҳуқуқий дефинициялар билан мос келади.

Янги таҳрирдаги қонунга эркинлаштириш талабларига мос қуйидаги янги қоидалар киритилди, масалан, ташки иктисодий фаолият иштирокчиларининг ўз ҳуқуқ ва манфаатларига тегишли ахборотларга эга бўлиш; хорижий жисмоний шахсларининг Ўзбекистон ҳудудида қорхоналар очиш ҳуқуқи, ташки иктисодий фаолият иштирокчиларининг ҳакамликни ва қўлланиладиган қонунчиликни танлаш ҳуқуқи. Ташки иктисодий фаолият субъектларининг Ташки иктисодий алоқалар вазирлигида рўйхатга олиш талаби эса чиқариб тинланди.

<sup>5</sup> Хужалик (тадбиркорлик) ҳуқуқи. Дарслик. Т.: 2003. 250- бет

Давлат органларининг ваколатлари киска ва ноаник белгиланган Қонуннинг эски тахриридан фаркли ўларок, янги тахрирда ташки иктисодий фаолиятни бошқариш учун масъул бўлган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Ташки иктисодий алоқалар вазирлигининг асосий ваколатлари аниқ белгиланган.

Мамлакатнинг иктисодий мустақиллиги ва хавфсизлигини химоя қилиш устуворлиги концепциясини ривожлантира бориб, жажон амалиётда қабул қилинган ва ГАТТ/ЖСТ битимларида киритилган химоянинг аниқ чора ва усуллари назарда тутилган химоя, компенсация ва антидемпинг чоралари, олиб келинадиган товарларга техник, фитосанитар, экологик талаблар, экспорт-импортни тақиклаш ва чеклаш чоралари белгиланган. Бу ҳозирги босқичда Ўзбекистонда иктисодий ислохотларни амалга оширишнинг муҳим йўналишларидан бири мамлакат экспорт салоҳиятини ривожлантириш, мамлакат иктисодий манфаатлари талаб қилганда чеклашларни жорий қилиш учун муҳимдир. У ташки иктисодий фаолият соҳасида базавий қонуи ҳисобланади.

Қонуннинг янги тахририда қурол-яроғларни, харбий техникани ва икки мақсадда ишлатишга мўлжалланган товарларнинг экспортини назорат қилишни бошқарувчи меъёрлар, шунингдек ташки иктисодий фаолиятни амалга оширишнинг алоҳида тартибини (эркин иктисодий зона ва эркин савдо зонасида имтиёзли шароитларни берувчи) бошқарувчи махсус моддалар киритилган.

Қонуннинг янги тахририда ташки иктисодий фаолият субъектларининг ҳуқуқларини қафолатлашга ва бурчларини белгилаб беришга бағишланган бўлими анча такомиллаштирилган.<sup>6</sup>

Ташки иктисодий фаолиятнинг йўлга қўйилишида ва унинг иштирокчилари томонидан бу фаолиятнинг амалга оширилиши учун зарур шароитлар яратилишида Ўзбекистон Республикасининг ташки савдо иктисодий фаолиятига оид миллий қонунчилиги тизимлари билан бир қаторда халқаро шартномалар, шу жумладан, кўп томонлама ва икки томонлама битимлар ҳамда турли аҳдлашувлар муҳим аҳамиятга эга бўлади. 1992 йил 15 майдаги “Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатларнинг ташки иктисодий фаолият йўналишида ҳамкорлик қилиш ҳақидаги келишув”ини шундай кўп томонлама шартнома мисолида кўрсатиш мумкин.

Ташки иктисодий фаолият аниқ олинган соҳалар бўйича икки томонлама халқаро шартномалар асосида чуқур ривожланади. Чунки бунда шартномалар иктисодий ривожланишда муҳим аҳамият касб этиб, тарафларга нафақат ҳуқуқ ва мажбуриятлар ўрнатиш, балки ўзаро ҳамкорлик қилишнинг аниқ йўналишларини белгилаш, ҳамкорлик қилишда юзага келадиган муаммоларни ҳал этишда муҳим роль ўйнайди. Чунки, савдо иктисодий алоқаларда ўзаро қулай режим (божхона, солиқ ва бошқа соҳаларда) асосан икки томонлама битимларга кўра белгиланади.

<sup>6</sup> Ҳамедов И.А., Алимов А.М. Ўзбекистон Республикаси Ташки иктисодий фаолият асослари. 20-21 бет.

Давлатнинг ташки иктисодий фаолиятни ташкил этиш, ўз миллий хўжалик юритувчи субъектлари учун ташки иктисодий алокаларда кулай иктисодий ва ҳуқуқий режимни яратиш соҳасида ўзга давлатлар, халқаро ташкилотлар билан тузадиган кўп томонлама ва икки томонлама шартнома муносабатлари халқаро оммавий ҳуқуқ предмети ҳисобланса, Ўзбекистон Республикаси миллий хўжалик субъектлари томонидан ўзга давлатларнинг юридик ҳамда жисмоний шахслари билан ўрнатиладиган шартнома алокалари халқаро хусусий ҳуқуқнинг предмети бўлиб саналади. Хўжалик ҳуқуқи эса, хўжалик юритувчи субъектларнинг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш жараёнида, мамлакатнинг божхона ҳудудидан маҳсулот ва товарларни, молия маблағларини, олиб ўтиш ёки бошқа мамлакат ҳудудида хизмат кўрсатиш, иш бажариш билан юзага келадиган муносабатларни ўрганади.

Ташки иктисодий фаолиятни ҳуқуқий тартибга солишнинг объекти бўлиб, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида маҳсулотларни экспорт ва импорт қилиш бўйича юзага келадиган ҳамда бошқа мамлакат ҳудудида хизматлар кўрсатиш ва иш бажариш жараёнида юзага келадиган муносабатлар ҳисобланса, ташки иктисодий фаолият объектлари деганда олди сотди ёки айирбошлаш мумкин бўлган товарлар (ишлар, хизматлар), ҳар қандай мол-мулк, шу жумладан, қимматбаҳо коғозлар, валюталар ва валюта қимматликлари, электр, иссиқлик энергияси ва энергиянинг бошқа турлари, транспорт воситалари, интеллектуал мулк объектлари тушунилади.<sup>7</sup>

### Акциядорлик жамиятларининг маҳсус турлари

ЎЗМУ магистранти А.Қамолов

Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонуннинг 5-моддасига мувофиқ, акциядорлик жамиятларининг очик ва ёпик шакллари мавжуд. Фуқаролик Кодекси 65-66-моддалари ҳам бевосита очик ва ёпик акциядорлик жамиятларининг ҳуқуқий ҳолатини тартибга солади. Айнан бу турлар ҳақида кўплаб тадқиқотлар олиб борилган ва борилмоқда. Лекин амалдаги қонунчилик АЖ ларнинг маҳсус турлари ҳақида тушунча бермайди.

В.В.Лаптев маҳсус қонунчилик билан тартибга солинувчи акциядорлик жамиятларининг бошқа турлари ҳам учрашини таъкидлаб, уларни маҳсус тур, деб аташни тақлиф этади ҳамда уларга банк, инвестиция, суғурта доирасида шунингдек, давлат ва муниципал корхоналарни хусусийлаштириш жараёнида вужудга келган акциядорлик жамиятларини киритади.<sup>1</sup> Бундай АЖ ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги юридик шахслар миллий қонунчилигимизда нафақат ФК ва “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун, балки маҳсус қонун-ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади. Масалан,

<sup>7</sup> Хўжалик (Тадбиркорлик) ҳуқуқи. Дарслик. Тошкент 2003. 250-252 бет

<sup>1</sup> Лаптев В.В. Акционерное право -М. 1999. Контракт. -35 б.

Ўзбекистон Республикасининг «Банк ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонуни 7-моддасида банклар қоида тариқасида мулкчиликнинг ҳар қандай шакли асосида акциядорлик жамияти тарзида ташкил этилиши белгиланган.

Юқоридаги фикрга қисман қўшилган ҳолда фикримизча, махсус тур сифатида сугурта, банк, холдинг, хусусий инвестиция фондларини этироф этиш лозим. Махсус турга қирувчи бу акциядорлик жамиятларини ҳуқуқий тартибга солувчи қонун ҳужжатлари махсус характерга эга, яъни бу қонулар айнан шу доирадаги акциядорлик жамиятларини тартибга солади. Масалан, Банк ва банк фаолияти тўғрисида, Сугурта фаолияти тўғрисидаги қонун, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Холдинглар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги 1995 йил 12 октябрдаги қарори ва бошқалар. Хусусийлаштириш жараёни бошлангандан сўнг барча давлатга қаршли қорхоналар акциялаштирилганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, ҳозирда фаолият юритаётган собиқ иттифок қорхонасининг ҳуқуқий вориси) аксарият йирик хўжалик юритувчи субъектлар(масалан, собиқ пахта тозалаш заводлари, трикатаж фабрикалари) давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш натижасида юзага келган. Агар В.В.Лаптевнинг фикрига қўшиладиган бўлсак, аксарият акциядорлик жамиятлари махсус тур сифатида этироф этиш яъни улар учун махсус қонулар қабул қилиш зарурати тугилади. Шу сабабли ҳам маълум туркумга қирувчи, уларни махсус қонун билан тартибга солиш зарур бўлган турларинигина махсус тур сифатида белгилаш лозим бўлади ва уларни тартибга солишда Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун билан биргаликда махсус қонуларни қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Фикримизча, акциядорлик жамиятларининг махсус турига В.В.Лаптев таъкидлаб ўтганидан ташқари холдинглар ҳам киритилиши лозим.

Юқоридаги низомга мувофиқ, активлари таркибига бошқа қорхоналарнинг акциялари назорат пакетлари қирадиган очик турдаги акциядорлик жамияти холдинг ҳисобланади. И.Бутиковнинг фикрича, холдинг бу унинг таркибига бошқа қорхоналарнинг акциялар назорат пакети қирадиган очик акциядорлик жамиятидир.<sup>2</sup> В.В.Лаптев эса холдингга бошқа ташкилотларнинг акцияларини қўлида ушлаб турувчи ташкилот деб тариф беради.<sup>3</sup> Бу ерда И.Бутиковнинг фикрига қўшилиб бўлмайди, зеро холдинглар нафақат ОАЖ балки, бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклларда (масалан, МЧЖ) ҳам тузилиши мумкин. Холдинг асосан англо-америка ҳуқуқ тизимига хос бўлиб, умуман юридик шахснинг бирлашмалари сифатида ҳам, алоҳида юридик шахс сифатида ҳам ташкил этилади. Юридик шахс бирлашмалари бўлган бош субъект - холдинг гуруҳнинг бошқа иштирокчилари акцияларига эга бўлиш, унга тегишли акциялар пакети гуруҳнинг бошқа иштирокчиларини назорат қилишга имкон бериши, холдинг назоратида бўлган гуруҳнинг бошқа иштирокчилари юридик жихатдан мустақил шахслар бўлиши каби белгиларга эга. Холдинг ГФРда концерн деб

<sup>2</sup> Лаптев В.В. Акционерное право. -М.: Контракт. 1999. -127 б.

номланиб, у ГФР доктаринасига асосан тобе корхоналарга бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатувчи. устунлик килувчи корхона бўлган тақдирда тобе ва ҳукмрон корхона концерни ташкил этилади.<sup>4</sup>

Холдингнинг муассислари ва иштирокчилари мулкчилик шаклидан катъий назар ҳар қандай шахслар бўлиши мумкин. Акциялар назорат пакети холдингнинг активлари таркибига кирадиган корхона шўъба корхонаси дейилади. Холдинг бошка холдингнинг шўъбаси бўлиши мумкин. У давлат ва тармок манфаатларини инобатга олиш, эришилган бироқ, юз бераётган хусусийлаштириш ва акциялаштириш жараёни шароитларидаги ўзгаришга бардош берадиган мавкеиларни сақлаш, тармокни ривожлантиришнинг умумий стратегиясини корхонанинг иктисодий мустақиллиги асосида мулкчилик шаклига мувофик ривожланишнинг мўлжалланган режалари доирасида марказлашган тарзда белгилаш, бошкариш вазифаларини қайта тақсимлаш, шунингдек, ягона фан-техника ҳамда инвестиция сиёсатини олиб бориш, таркибига кирувчи корхоналар мулкчилик шаклининг ҳар хиллигини инобатга олиб тармокқа хизмат кўрсатиш учун янги тузилмалани ташкил этиш, тармокка кирувчи корхоналар меҳнат жамоаларининг манфаатларини инобатга олиш, аҳолининг моддий ижтимоий маданий ва маънавий фаровонлигини яхшилаш максалида ташкил этилиши мумкин.<sup>79</sup> Ҳозирги кунда мамлакатимизда холдинглар ташкил этиш жараёнида юқоридаги ҳолатлар эътиборга олинмокда. Масалан, Ўзбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 декабр 523-сонли "Ўзбекнефтгаз миллий холдинг компаниясини ташкил этиш ва унинг фаолияти масалалари тўғрисидаги қарорига мувофик, "Ўзгеонефтгазказибчиқариш", "Ўзнефтгазқурилиш", "Ўзнефтгазмаҳсулот", "Ўзнефтникайтилаш", "Ўзнефтгазишчитаъминот", "Ўзбургунейтгаз", "Ўзтрансгаз", "Ўзнефтгазмаш" акциядорлик компанияларининг 51 фониз акцияларини қўлга киритган ҳолда ташкил этилган. Айнан ушбу ҳолатни Ўзбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 июл 326-сонли "Ўзқишлоқхўжалиқмаш-холдинг" холдинг компаниясининг фаолияти масалалари тўғрисидаги қарорида ҳам учратиш мумкин<sup>5</sup>.

Нодавлат юридик шахслар томонидан холдинглар нодавлат АЖ акциялари назорат пакетларининг ихтиёрий равишда бирлаштириш йўли билан, нодавлат АЖ томонидан бошка хўжалиқ жамиятларининг акциялари назорат пакетларининг сотиб олиниши йўли билан ташкил этилиши мумкин. Ҳозирги кунда республикаимизда холдинглар 1995 йил 12 октябрдаги Вазирлар Маҳкамасининг №398-сонли қарори ва у билан тасдиқланган Низом асосида фаолият олиб бормокда. Фикримизча, холдингларни махсус "Холдинглар тўғрисида"ги қонун қабул қилиш керак ва унинг тизими

<sup>3</sup> Фуломов С.С. Халқаро савдо ҳуқуқи. Дарслик -Т: 2002. -63 б.

<sup>4</sup> Бутиков И. Қимматли қозғалар бозори -Т.: Консаудитинформ 2001. -177 б.

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 декабр 523-сонли "Ўзбекнефтгаз миллий холдинг компаниясини ташкил этиш ва унинг фаолияти масалалари тўғрисидаги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 июл 326-сонли "Ўзқишлоқхўжалиқмаш-холдинг" холдинг компаниясининг фаолияти масалалари тўғрисидаги қарори // "НОРМА" юридик ахборот тизими. 2006 йил 1 декабрдан буён берилган.

тахминан куйидагича кўриниш олса, яъни кабул қилиниши лозим бўлган қонунда куйидаги нормалар ўз ифодасини топса мақсадга мувофиқ бўлур эди:

-Умумий қондалар (умумий қондаларда одатда ҳолдинглар тўғрисида қонунчилик, ҳолдингларнинг ҳуқуқий ҳолати, номи ва жойлашган манзили, умумий жавобгарлиги ўз ифодасини топади);

-Ташкил этиш ва рўйхатдан ўтказиш (ушбу боб ўз ичига ҳолдингларни ташкил этиш, уни ташкил этишдаги чеклашлар, рўйхатдан ўтказиш тартиби, рўйхатдан ўтказишни рад этиш, давлат тасарруфидан чиқаришда ҳолдингларни ташкил этиш, сармоёсида давлат улуши бўлмаган ҳолдингларни тузиш тартиби ва шу билан боғлиқ нормалар ўз ифодасини топса, мақсадга мувофиқ бўлур эди);

-Ҳолдингнинг фаолият доираси (ушбу боб ҳолдинглар фаолиятининг қонуний асослари, белгиланган фаолият доирасида ҳаракат қилмаганлик учун жавобгарлик масалалари ва бошқа ҳолдингнинг фаолият доирасидаги масалаларни қамраб олса мақсадга мувофиқ бўлур эди);

-Бошқарув органлари (ушбу бобда ҳолдингнинг бошқарув органлари, уларнинг ваколатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари жавобгарлиги масалалари ўз ифодасини топиши лозим);

-қайта ташкил этиш ва тугатиш (бунда қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби, қайта ташкил этишдаги чеклашлар ва унинг шартлари, қайта ташкил этиш орқали қўшиб олинишига ва қўшилиб кетишига йўл қўйилмайдиган корхоналар масаласи<sup>6</sup> ва бошқа бир қатор шу билан боғлиқ масалалар ўз ифодасини топгани маъқул);

Ҳозирги кунда акциядорлик компаниялари ташкил этилмоқда ва улар таркибига бир қатор акциядорлик жамиятлари киритилиб, уларнинг устав фондидаги муайян улуш ушбу компания устав фондида киритилмоқда.

<sup>6</sup> Масалан, ҳозирги кунда мамлакатимизда амалда бўлиб турган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 12 октябрдаги 398-сонли қарори билан тасдиқланган Ҳолдинглар тўғрисидаги Низомга мувофиқ:

-агар қўшиб олинадиган корхона ва ҳолдинг ёки унинг бошқа шўъба корхоналари ўхшаш ёки ўзаро бир-бирининг ўрнини босувчи товарлар (ишлар, хизматлар)ни учинчи шахсларга сотса;

-агар ҳолдинг ёки унинг шўъба корхоналаридан бирортаси қўшиб олинадиган корхона томонидан ишлаб чиқариладиган товар (ишлар, хизматлар)нинг истеъмолчиси ҳисобланса ва қўшиб олинадиган корхонанинг тегишли бозордаги улуши 35 фоздан ортиқни ташкил этса ёхуд қўшилиш пайтида тегишли товар (ишлар, хизматлар)нинг биринчи корхона томонидан истеъмол қилинадиган маъжуд даражасидан ортиқ бўлса;

-агар қўшиб олинадиган корхона ҳолдинг ёки унинг шўъба корхоналаридан бирортаси томонидан ишлаб чиқариладиган товар (ишлар, хизматлар)ни сотишни амалга оширса, ва қўшилиш пайтида биринчи корхонанинг тегишли бозордаги улуши 35 фоздан ортиқни ташкил этса ёхуд ҳолдинг ёки унинг шўъба корхоналаридан бирортаси улушидан ортиқ бўлса;

-агар қўшилаётган корхоналар ўхшаш ёки ўзаро бир-бирининг ўрнини босувчи товарлар (ишлар, хизматлар)ни сотса ва тегишли бозорда уларнинг жами улуши 35 фоздан ортиқни ташкил этса, ёхуд агар уларнинг қўшилиши улардан бирортаси ҳаракат қиладиган бозорнинг кенгайишига олиб келса;

-агар қўшилаётган корхоналардан бири иккинчи корхона томонидан ишлаб чиқариладиган товар (ишлар, хизматлар)нинг истеъмолчиси ҳисобланса, ва иккинчи корхонанинг тегишли бозордаги улуши 35 фоздан ортиқни ташкил этса ёхуд қўшилиш пайтида биринчи корхона томонидан тегишли товар (ишлар, хизматлар) истеъмол қилинишининг маъжуд даражасидан ортиқ бўлса;

-агар қўшилаётган корхоналардан бири иккинчи корхона томонидан ишлаб чиқариладиган товар (ишлар, хизматлар)ни сотишни амалга оширса, ва тегишли бозорда биринчи корхонанинг улуши қўшилиш пайтида 35 фоздан ортиқ бўлса ёхуд иккинчи корхонанинг улушидан ортиқ бўлса.

Масалан, 2004 йил 15 январда Вазирлар Маҳкамасининг 21-сонли қарорига асосан ташкил этилган “Ўзспиртсаноат” Акциядорлик компанияси таркибига этил спирги ишлаб чиқарадиган 5 та акциядорлик жамиятлари киритилган ва компаниянинг устав фонди ушбу 5 жамиятнинг 51 фоизли давлат улушлари асосида шакллантирилган. Ҳозирги кунда миллий қонунчилигимизда юзага келаётган асосай муаммо компания ва унинг таркибига киритилган жамиятлар ўртасидаги муносабатни белгилаш ҳисобланади. Ушбу компания таркибдаги жамиятлар билан айна вақтда ўзаро ҳамкорлик тўғрисида шартнома тузган ҳолда ўзаро муносабатни йўлга қўйган. Ушбу шартнома предмети сифатида Компания ва жамият ўз таъсис ҳужжатларида белгилаб қўйилган мақсад вазибалар ва фаолиятни амалга оширишда ўзаро келишган ҳолда ҳамкорлик қилиш белгиланган ва Компания ижро аппарати харажатларини бир қисмини қоплаш мақсадида жамият ўзининг фойдасининг муайян фоизи миқдорида ўтказиши белгиланган.

Ушбу Компаниянинг уставида нафақат унинг ҳуқуқий мақоми, балки таркибдаги корхоналар билан бўлган муносабати ўз ифодасини топган<sup>7</sup>.

Демак, ушбу акциядорлик компанияларини акциядорлик жамиятларининг махсус турига киритиш мумкинми деган савал тугулиши табиий. Фикримизча, уларни акциядорлик жамиятларининг махсус турларига киритиб бўлмайди. Уларда юридик шахс бирлашмаларининг унсурлари мавжуд. Айнан уларга нисбатан “акциядорлик” иборасини қўллашдан аксони мақсад эса улар устав фонди акциялар умумий номинал нархидан (гарчи у давлатга тегишли бўлсада) иборат бўлганлигидир.

Яна бир махсус тур сифатида эътироф этиладиган акциядорлик жамияти бу хусусий инвестиция фондидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини рағбатлантиришга оид қўшимча чора тадбирлар тўғрисидаги Фармони (31.05.1996й) ва Хорижий инвестиция иштирокидаги лойиҳаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Фармони (09.02.1998й) асосида хориждан инвесторларни жалб қилиш мамлакатимиз акциядорлик жамиятлари фаолиятининг кенгайишига ҳисса қўшмоқда.

ХИФ лар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 25 сентябр 410-сонли қарори билан тасдиқланган Низоми билан тартибга солинади.

Инвесторлар томонидан фонд ёки мулкый бойликларга бўлган талабларни харид этиб, капитални жойлаштириш бевосита инвестициялари англатади, у инвесторни қимматли қоғоз ва мулкка бўлган бевосита ҳуқуқидан далолат беради.

ХИФ бу - аҳоли жамғармасини тўплайдиган ва бу маблағларга хусусийлаштирилган корхоналарнинг қимматли қоғозларини сотиб оладиган, шунингдек қимматли қоғозлардан фойда кўриб, уни акциядорлар ўртасида

<sup>7</sup> Ўзспиртсаноат Акциядорлик компаниясининг 2004 йилда Аллия вазирлиги томонидан тасдиқланган Устави.



дивидент шаклида таксимлайдиган ташкилот бўлиб, унинг мақсади аҳоли кенг қатламини қимматли қоғозлар бозорига жалб этишдир. Улар ўз акцияларини қайта сотиб олиш мажбуриятсиз сотади. Агар улардан бирортаси тўлов қобилиятини йўқотса, ёки самарасиз фаолият туфайли зарар кўрса, бошқа корхоналар даромадлари бу зарарни қоплайди ҳамда ХИФлар барча акциядорларга дивидент тўлашга имкон беради.<sup>1</sup>

Демак, юқоридагилардан келиб чикиб, миллий қонунчилигимизда акциядорлик жамиятларининг махсус турлари хусусидаги модда киритилса ва уни тартибга солиш нафақат умумий акциядорлик жамиятлари тўғрисидаги қонунлар, балки махсус қонунчилик билан ҳам амалга оширилишини белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқ. Бундай моддалар ФК ва Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунларга киритилиши лозим деб ҳисоблаймиз.

### Модернизация даврида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқий мақоми

ТДЮИ 3-ҳуқуқ факултети 1-босқич  
магистранти Д.Жўрабоси

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг ўзининг давлат органлари тизимини қайта шакллантиришга киришди. Шу муносабат билан Конституциямизнинг XXI-боби «Ўзбекистон Республикаси Маҳаллий давлат ҳокимияти асослари» деб номланган. Ушбу асосда Ўзбекистон Республикаси маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг икки табақали тизими вужудга келтирилди. Маҳаллий ижро ва вакиллик органлари ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларнинг конституциявий ҳолати аниқланди. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари бир-бирига бўйисунмаган мустақил давлат ва вакиллик органлари бўлиб, ўзаро муносабатларда ҳамкорлик асосида ўз фаолиятларини ташкил этадилар. Маҳаллий халқ депутатлари Кенгашларига ҳокимларнинг раҳбарлиги ушн Кенгаш олдидаги масъулиятини оширади.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда ҳозирда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини такомиллаштириш ва модернизация қилишга катта эътибор берилмоқда. Бунинг исботи сифатида Президентимиз И.А.Каримов томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига қонунчилик ташаббуси тартибда киритилган "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий қонуни, "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89 -моддасига, 93 -моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида" ги қонуларини келтириб ўтиш мумкин.

<sup>1</sup> Абдуллаев Ё. Шоҳъязов Ш. Қимматли қоғозлар». -Т.: Мехнат, 1997. -203 б.

Мазкур Конституциявий қонунининг олдига қўйилган вазифаларни муваффақиятли ҳал этишда сиёсий партияларнинг жойлардаги ижтимоий – иқтисодий, ижтимоий-сиёсий вазифаларини ҳал этишдаги ролини, ҳокимиятнинг маҳаллий вакиллик органларини шакллантиришдаги таъсирини янада кучайтириш муҳим аҳамиятга эга. Шу мақсадда "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий қонунинг 6-моддасида вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокими номзодлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига тасдиқлаш учун тақдим этилиши қонуний асосда белгилаб қўйилган.

Агар овоз бериш вақтида вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокими номзодлари тегишли халқ депутатлари Кенгашлари депутатлари умумий сонининг кўпчилиги овозини ололмаса, Ўзбекистон Республикаси Президенти кўрсатилган лавозимларга номзодларни партия гуруҳлари билан қўшимча маслаҳатлашувлар ўтказилгандан сўнг бир ой ичида яна икки марта тақдим этиш ҳуқуқига эга. Агар тегишли халқ депутатлари Кенгаши тақдим этилган вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими номзодларини уч марта рад этса, Ўзбекистон Республикаси Президенти вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокими вазифасини бажарувчини тайинлаш ҳамда тегишли халқ депутатлари Кенгашини тарқатиб юбориши ҳуқуқига эгадир. Бунда халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари сайловлар тарқатиб юбориш тўғрисидаги қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч ой ичида ўтказилади.

Бу ҳуқуқий нормаларнинг қонунга киритилишидан кўзланган асосий мақсад жойлардаги давлат бошқаруви тизимининг барқарорлиги ва мустақамлигининг ҳуқуқий кафолатларини, ўзаро муносаббатлик ва мувозанатини сақлаш тизимининг самарали фаолият юритишини таъминлашдир.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг қарорига мувофиқ, ҳоким номзоди бўйича фармон қабул қилади. Бундан ташқари, мазкур конституциявий қонунинг 7- моддасида халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари депутатларининг вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимининг фаолияти устидан назорат қилиш борасидаги ишларини кучайтириш мақсадида партия гуруҳларига вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокими лавозимига тасдиқланган шахсларнинг қониқарсиз фаолияти тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентига асосланган хулосалар тақдим этиш ташаббуси билан чиқиш белгилаб қўйилган. Агар бундай ташаббус этакчи партия гуруҳлари томонидан қўллаб-қувватланса, Ўзбекистон Республикаси Президенти бу ташаббусни тегишли халқ депутатлари Кенгаши муҳокамасига киритади ва муҳокама натижасига кўра ушбу масала юзасидан қарор қабул қилади<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги қонун, 7- модда.

Ўз навбатида Конституциянинг вилоят ҳокими лавозимига тасдиқланган тартибни белгилувчи 93-моддасининг 15-банди, 102 моддасининг иккинчи қисми "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг родини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий қонун нормаларига мувофиқлаштирилди.

Ушбу тузатишлар Ўзбекистон Республикаси Конституциясига давлат бошқарувини янада демократлаштириш, ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи тармоқлари, ҳукумат ва жойлардаги давлат органларининг зиммасига Конституция билан юклатилган ваколатларини амалга оширишдаги роли ва масъулиятини кучайтириш, шунингдек, энг асосийси, сиёсий партияларнинг мамлакат сиёсий, иқтисодий ҳаётига таъсирини ошириш, уларнинг давлат бошқарувини, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини такомиллаштириш ва модернизация қилишдаги родини юксалтириш мақсадида киритилган.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, бу қонулар 2008 йил 1-январдан қўлдан киради. Уларнинг амалиётга қўлланилиши, шубҳасиз, юртимиздаги демократлаштириш жараёнида муҳим қадам бўлиб, жамиятдаги барқарорликни таъминлашга, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини янада янгилаш ва модернизация қилиш билан боғлиқ ҳуқуқий асосларни янада такомиллаштиради.

Қимматли қоғозлар тушунчаси ва аҳамияти.

ЎзФА И.Мўминов номидаги  
"Фалсафа ва ҳуқуқ" институти  
тадқиқотчиси Т.Малумаров

Ривожланган бозор муносабатлари шароитида қимматли қоғозлар алоҳида ўрин тутаяди. Бозор иқтисодиёти муносабатларида ва фуқаролик муомаласида қимматли қоғозлар-мулккий ҳуқуқларнинг кафолати сифатида намоён бўлади ва субъектларнинг ошиқча пул захиралари муомала синитезлаштиришга ёрдам беради.

Қимматли қоғозлар – фуқаролик ҳуқуқлари объектлари ишда ўзига хос ҳуқуқий мақомга эга. Зеро, у мулккий ҳуқуқларни белгиланган шаклга ва мажбурий реквизитларга амал қилган ҳамда тасдиқловчи – махсус ҳужжатдир. Бундай ҳужжатларнинг мавжуд бўлиши эса иқтисодий ривожланиш ва хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига бўш турган пул маблағларини жалб этилиши натижасида иқтисодий барқарорликни таъминлайди.

Мулк шакллари эволюцияси ва кредитнинг ривожланиши жамият ишлаб ишлаб чиқариши тизимида қимматли қоғозларнинг

кенг қўлланилишига сабаб бўлди.<sup>1</sup> Чунки, қимматли қоғозлар ишлаб чиқаришга сармоя жалб қилишнинг энг мақбул усули сифатида бир қатор ижобий хусусиятга эга.

Ҳозирги кунда қимматли қоғозлар тўғрисида тушунчалар етарли эмаслиги оқибатида аҳолининг бўш пул маблағларини хўжалик юритувчи субъектларнинг тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш ниҳоятда паст даражада. Қимматли қоғозларнинг фуқаролик ҳуқуқлари объекти сифатида ўрин аҳамияти ва пулларга нисбатан унинг афзал томонлари тўғрисида кишилар тасаввур анча ғариб.

Қимматли қоғозлар — мулкый ҳуқуқларни белгиланган шаклга ва мажбурий реквизицталарга амал қилган ҳолда тасдиқловчи ҳужжатлар ҳисобланиб, уларни тақдим этган тақдирдагина мазкур ҳуқуқларни амалга ошириши ёки бошқа шахсларга бериши мумкин бўлади (ФКнинг 96 — моддаси). Аниқроғи, қоғоз ўзининг табиий хусусиятлари (қимматбаҳо қоғоздан ёки бошқа жисмдан ясалганлиги) учун эмас балки унинг ўз эгасига белгиланган моддий ёки номоддий манфаатлар ашёлар, пуллар, учинчи шахслар ҳаракатларига нисбатан ҳуқуқларини тасдиқланганлиги учун ҳам қимматли ҳисобланади. Бунда тегишли ҳуқуқларни амалга ошириш учун қоида бўйича қимматли қоғозни тақдим этиш лозим бўлади. Ривожланган хўжалик муомаласида қимматли қоғозларнинг кенг тарқалганлиги, уларнинг белгиланган қийматга эга эканликлари учун пуллар билан энг мақбул муомала ва тўлов воситаси эканлиги, кредит воситаси роилининг бажарилиши мумкинлиги ва турли манфаатларга нисбатан ҳуқуқларни ўткази олиши билан белгиланади.<sup>2</sup>

Қимматли қоғозлар томонидан юқорида кўрсатилган вазибаларнинг бажарилиши уларда субъектив фуқаролик ҳуқуқини белгиловчи бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар, хусусан қарз тилхати, суғурта полиси, васиятнома ва шу кабилардан фарқ қилувчи бир қатор хусусиятларга эга эканлиги билан аниқланади.

Ҳар қандай қимматли қоғоз қонунда қатъий белгиланган шаклда тузилиши ва барча зарурий шартлар (мажбурий реквизицталар)ни ўзида ифодалаш керак. Умумий қоидага кўра, барча қимматли қоғозлар сохлаштиришдан у ёки бу даражада ҳисобланган махсус бланкаларда ёзилади.

Қимматли қоғозларда ифодаланган мажбурий реквизицталар ҳақида гапирадиган бўлсак, улар муомалага чиқарилаётган ҳар бир қимматли қоғозда кўрсатилади ва қонунда белгиланади. Масалан, ФКнинг 808 — моддасига кўра, чеқда қуйидагилар бўлиши шарт:

- ҳужжат матнига киритилган "чек" деган ном;
- муайян пул суммасини тўлаш ҳақида тўловига топшириқ;

<sup>1</sup> И.В.Ступаков. Рынок ценных бумаг и иностранные инвестиции. Право и экономика. 1997. №1. 7 — бет.

<sup>2</sup> Гражданское право. Учебник. А.П.Сергеева, Ю.К.Толстого, М., Проспект. 1998 г.

— тўловчининг номи ва тўлов қайси ҳисобварақдан амалга оширилиши кераклиги;

— тўлов валютаси;

— чекни ёзиб берган шахснинг — чек берувчининг имзоси.

Мантиқий мажбурий талаблар қонунда иодаланиб, барча турдаги қимматли қоғозлар учун қўлланилади. Қимматли қоғозда қайсидир реквизитнинг ифодаланмасдан қолиши ёки белгиланган шаклда тузилмаслиги, унинг ҳақиқий эмаслигига олиб келади.

Мажбурий реквизитлардан кейин қимматли қоғозларда қимматли қоғоз эгаси амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган белгиланган юридик имкониятлар кўрсатилиши керак. Бундай ҳуқуқ аниқ пул суммасини олиш тўғрисида, белгиланган мулкдан олиниши лозим бўлган дивидентлар ёки фоизлар ҳақида, қонунда ёки унда кўрсатилган тартиб билан белгиланиши лозим.

Қимматли қоғозларнинг муҳим хусусиятларидан бири уларнинг бир шахсдан иккинчи шахс ўтказилиши мумкинлигидадир. Қимматли қоғозларнинг турига қараб уларни бир шахсдан иккинчисига ўтиши ҳам турлича — энг оддийдан тортиб жуда муракаабигача бўлади. ФКнинг 96 — моддасига кўра қимматли қоғозлар бошқа шахсга берилиши билан улар томонидан тасдиқланадиган ҳамма ҳуқуқлар ҳам ўша шахсга ўтади. Қонунда ёки у билан белгиланган тартибда ифодаланган ҳолларда, қимматли қоғозларда кўрсатилган ҳуқуқларни амалга ошириш ёки уларни бошқа шахсга ўтказишда махсус респстр (оддий ёки компьютерлаштирилган)га ўзгартириш киритиш орқали амалга оширилади.

Шунингдек, қимматли қоғозларга хос бўлган яна бир хусусият, бу — ушбу қимматли қоғозда кўрсатилган субъектив фуқаролик ҳуқуқини амалга ошириш учун шу қимматли қоғознинг тақдим этишнинг ўзи кифоя қилишлигидадир. Қимматли қоғознинг йўқотилиши унда кўрсатилган ҳуқуқни амалга ошириш мумкин бўлмаслигини тақозо этади. Шу билан бирга тақдим эувчига ёки оерерни қимматли қоғозни йўқотиб қўйган шахс, йўқотилган қимматли қоғозни ҳақиқий эмас деб топиш, унга нисбатан ҳуқуқни тиклаш тўғрисида судга ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқиг эга.

Қимматли қоғозларни муомалага чиқариш ва улар муомаласи бир қатор қонунлар билан тартибга солинади. Улар жумласига, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Қимматли қоғозлар тўғрисидаги, Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги, Қимматли қоғозлар бозорида инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунлар киради. Шу билан бирга ҳар бир қимматли қоғознинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси

Марказий банкнинг қарорлари, низомлари ва йўриқномалари қимматли қоғозлар билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиди. Ушбу қонунлар ва меъёрий ҳужжатларда қимматли қоғозлар эмиссияси, уларнинг тарқалиши, конвертация ва шу каби тушунчалар ифодаланган.

Бозор иқтисодий муносабатлари шароитида қимматли қоғозлар эмиссиясини такомиллаштириш зарур. Айниқса, банкротлик ёқасига келиб қолган ва иқтисодий ночор хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий, иқтисодий аҳволини ўнглаш учун улар фаолиятига шахсларнинг пул маблағларини жалб қилиш мақсадида қимматли қоғоз эмиссияси ниҳоятда қулай воситадир. Бу восита санация ва қарзлардан воз кечишга қараганда анча самарали бўлиб ҳисобланади.

Ана шуларни ҳисобга олиб қимматли қоғозларнинг фуқаролик ҳуқуқлари объекти сифатида ўзига хос хусусиятларини очиб бериш, уларнинг фуқаролик ҳуқуқларининг бошқа объектлардан ўхшашликни ва фарқли томонини таҳлил этиш, банкротликдан ва иқтисодий ночорликдан қутулиш усули сифатида қимматли қоғозларни эмиссия қилишнинг ҳуқуқий жиҳатларини ўрганиш, қимматли қоғозларга оид қонунчиликни такомиллаштириш, улар бозорини ривожлантириш ва кенгайтириш лозим.

### Лизинг шартномаси ва унинг ҳуқуқий моҳияти.

НамДУ Ҳуқуқшунослик факультети 2-босқич магистранти Н. Зайнобиддинов

Мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб, давлатимиз ишлаб чиқаришга, иқтисодиётига сармоя солиш сиёсати бўлган инвестиция фаолиятига катта аҳамият бериб келмоқда. Ўзбекистон бозор муносабатларига босқичма-боқич ўтиш даврида, талбиркорлик фаолиятини маблағ билан таъминлаш, молиялаштиришнинг самарали манбаларини излаб топиш ва жорий қилиш борасида муҳим ишларни амалга оширмоқда, ҳозирга келиб, амалиётда молиялаштиришнинг мавжуд бир нечта турларидан унумли фойдаланмоқда. Ана шундай манбалардан бири лизинг ҳисобланиб, у орқали талбиркорлик фаолиятининг оғир, зарур соҳаларига сармоя солишни рағбатлантириш, иқтисодиётда катта ва тез ўзгаришларга эришиш мумкин.

Лизинг-бу капитал кўйилмаларини молиялаштиришнинг шаклларидадан бўлиб, мулк ижараси муносабатларининг ўзига хос хусусиятларига эга бўлган алоҳида бир туридир.

Лизинг (молиявий ижара) фуқаролик ҳуқуқий шартномаси бўлиб, уни тўғри тушуниш ва қўллай билиш муҳим аҳамиятга эгадир. Лизинг шартномасига фуқаровий ҳуқуқий шартноманинг мустақил тури сифатида қаралган фикрлар тизими И.А.Решетник қарашларида ўзининг тўлиқ ифодасини топган. Унинг фикрича, «лизинг шартномаси табиатан турли хил бўлган элементларни ўз ичига олгандир. Улардан ижара туридаги, олди-

сотди, ҳуқуқий ва аниқ хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартномавий муносабатларни алоҳида тилга олиш мумкин. Шу билан биргаликда қонунчиликда шартнома муносабатларига онд элементларнинг лизинг шартномасида мавжуд эканлиги, бу шартноманинг махсус ҳуқуқий моҳиятини белгиловчи алоҳида ҳолат ва белгиларни келтириб чиқарган.

Бу тизимнинг бир элементини-мумкин вақтинча фойдаланишга бериш билан боғлиқ муносабатларни устун кўйишдан иборат бўлган қонунчиликнинг бугунги нуқтаи-назари самарали эмас. Чунки у фуқаровий-ҳуқуқий муносабатларнинг алоҳида тури (лизинг муносабатлари) ўта мукамал тарзда тартибга соладиган имконият даражасида ҳуқуқий тузилмани яратишга эришишни таъминлай олмайдди. Мураккаброк иқтисодий бирикмани соддарок бир тузилма доирасига киритишга уриниш лизингнинг ҳуқуқий тузилмаси элементларини сунъий ажратишга олиб келади».

Фуқаролик кодексида лизинг шартномаси ижаравий муносабатларини алоҳида тури сифатида кўрилади. Лизинг шартномаси бўйича лизинг берувчи (ижарага олувчи) иккинчи тарафининг топширигига кўра, ишлаб чиқарувчи (сотувчи) учинчи тараф билан ундан ўз маблагини ҳисобига лизинг олувчи учун мол-мулк сотиб олиш ҳақида келишиш мажбуриятини олади.

Лизинг олувчи эса бунинг учун лизинг берувчига лизинг тўловларини тўлаш мажбуриятини олади. Бундан кўриб турибдики, лизинг шартномаси уч ёки кўп тарафлама битим бўлиб, у оддий ижара шартномаларидан, қуйидаги ижара шартномаларидан қуйидаги белгилари фаркланади.

- Лизинг шартномасида мажбурият субъекти сифатида ижарага берувчи ва ижарага олувчи билан бир қаторда мол-мулкнинг эгаси ҳисобланган сотувчи ҳам қатнашади;

-Ижарага берувчи ижарага бермаётган мол-мулкнинг ҳақиқий эгаси ҳисобланмайди. Ижарага берувчи зиммасига бошқа шахс (сотувчи) га тегишли бўлган мол-мулкни сотиб олиш мажбурияти юклатилади;

-Ижарага берувчининг мажбурияти лизинг шартномасидан келиб чиқадиган мажбуриятларга боғлиқ. Ижарага берувчи ижарага олувчи учун мол-мулк сотиб олар экан, сотувчини ушбу мол-мулк ижарага берилиши тўғрисида огохлантирилиши ва ишонтирилиши лозим.

-лизинг муносабатларида ижарага олувчи муҳим ўринга эга бўлиб, у айнан сотувчи ҳамда ижарага бериш учун ижарага берувчи томонидан сотиб олинган мол-мулкни белгилаб беради;

-лизингнинг оддий ижарадан асосий фарқи шундаки, унда ижарага берилган асбоб-ускуналарни шартнома муддати тугаганидан сўнг қолдиқ киймати тўғрисида сотиб олиш кўзда тутилади.

Лизинг шартномасининг субъектлари лизинг берувчи, лизинг олувчи ва сотувчидир.

Лизинг берувчи- жисмоний ёки юридик шахс ҳисобланиб, лизинг шартномасини тузиш орқали ўз ҳисобида мол-мулкни сотиб олади, ва лизинг предмети сифатида муайян ҳақ эвазига муайян муддат ва шартномалар асосида лизинг олувчига вақтинчалик фойдаланиш ва эгаллик қилиш ҳамда

лизинг предметига бўлган мулк ҳуқуқини ўтказиш ёки ўтказмаслик шарти асосида беради.

Лизинг олувчи-жисмоний ёки юридик шахс ҳисобланиб, лизинг шартномасига биноан лизинг предмети (ашёлар, мол-мулклар) га муайян ҳақ эвазига, муайян муддат ва шартномалар асосида вақтинчалик эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш, ҳамда қабул қилиш мажбуриятини олади.

Сотувчи-жисмоний ёки юридик шахс ҳисобланиб, лизинг берувчи билан тузилган олди-сотти шартномасига биноан, унга лизинг предмети ҳисобланган мол-мулкни белгиланган муддатда сотиш ва етказиб бериш мажбуриятини олади.

Хулоса қилиб айтганда, лизинг (молиявий ижара) шартномаси асосида олиб келинган технологиялар, машиналар ва бошқа асбоб ускуналар, шунингдек лизинга берилган бинолар, комплекслар кичик ва ўрта бизнеснинг ривожланишига қўшишга ишчи ўринларининг жорий қилишига, мамлакат иқтисодий тишининг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Лизинг муносабатларининг республикада янада ривожланиши учун ҳукуматимиз томонидан амалга оширилаётган чора тадбирлар бу соҳанинг кенг қулоқ ёйишига тurtки бўлмоқда.

### Мажбуриятларни бажарувчи субъектлар (шахслар)

НамДУ Ҳуқуқшунослик факультети 2-босқич магистранти Д.Усанов

Маълумки, жамиятимиз ҳаётининг энг муҳим тамойилларидан бири конун устуворлиги ҳисобланади. Унинг моҳияти шундан иборатки, «асосий ижтимоий, энг аввало иқтисодий муносабатлар фақат конун билан тартибга солинади, унинг барча қатнашчилари эса ҳеч бир истисносиз ҳуқуқ нормаларини бузганлиги учун жавобгар бўлади».<sup>1</sup> Бозор механизмининг энг асосий хусусиятларидан бири «хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида уларнинг иқтисодий жавобгарлиги ва тўлиқ иқтисодий мустақиллиги асосида»<sup>2</sup> конун ва шартномалар интизомига риоя қилиш ҳисобланади. конун ва шартномалар мазмунида эса кўп ҳолларда фуқаролар ва юридик шахслар зиммасига юкланган мажбуриятлар ётади.

Мажбуриятда қатношувчи тарафларнинг бири-кредитор, иккинчиси-қарздор деб аталади.

Мажбуриятда қарздор ва кредитор бўлиб иштирок этувчилар, фуқаролик ҳуқуқлари ва мажбуриятларига эга бўла оладиган шахслар бўлиши керак. Мажбуриятга оид муносабатларда кредитор ва қарздор сифатида фуқаролар, юридик шахслар, шунингдек баъзи ҳолларда Ўзбекистон Республикаси ҳам субъект бўлиб иштирок этади.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон-бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Биздан озод обод Ватан қолсин. -Т., Ўзбекистон. 1994,48-б.

<sup>2</sup> Ўша ерда.50-б.



Фукаролик хукукида аксарият мажбуриятларда (шартномаларда) катнашувчи шахслар бир вақтнинг ўзида ҳам кредитор, ҳам қарздор бўлиб ҳисобланади.

Масалан, олди-сотти шартномасида сотувчи сотилган нарсани топшириш юзасидан қарздор, унинг суммасини талаб қилиб олиш юзасидан-кредитор ҳисобланади ва аксинча, сотиб олувчи нарсани талаб қилиб олиш юзасидан-кредитор, унинг суммасини тўлаш юзасидан қарздор ҳисобланади.

Мажбурият субъектлари барча ҳолларда қарздор ва кредитор бўлади. Ижро субъектлари эса айрим ҳолларда қарздорлари учун мажбуриятни бажарувчи бошқа бирон шахс бўлиши, кредитор учун ижрони қабул қилувчи учинчи шахс бўлиши мумкин.

Аммо баъзи ҳолларда мажбурият кредитор учун унинг кўрсатмасига биноан, бошқа шахсга ҳам ижро этилиши мумкин.

Масалан, маҳсулот олувчи улгуржи савдо корхоналарига юборилиши тўғрисида маҳсулот етказувчи билан келишиши мумкин.

Қарзни депозитга қўйиш йўли билан мажбуриятнинг бажарилиши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Фукаролик Кодексининг<sup>3</sup> 249-моддасида айtilганки, мажбурият бажарилиши лозим бўлган жойда кредитор ёки ижрони қабул қилиб олиш учун у вакил қилган шахс бўлмаса ёки вакил рози бўлмаса мажбурият бўйича ким кредитор эканлиги хусусида аниқлик йўқлиги кўриниб турган бўлса, хусусан бу ҳақда кредитор билан бошқа шахслар ўртасида низо чиққанлиги муносабати билан кредиторнинг ижрони қабул қилишдан бўйин товлаши ёки унинг томонидан бошқача йўл билан кечиктирилиши муносабати билан амалга оширилади.

Пул суммасини ёки қимматли қозғаларни нотариус ёхуд суднинг депозитга қўйиши мажбуриятни бажариши ҳисобланади.

Депозитга пул ёки қимматли қозғалар қўйган нотариус ёки суд кредиторни бундан хабардор қилади.

Нотариал идоранинг депозитга қарзни қўйиш йўли билан мажбуриятнинг бажарилишига оид муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг «Нотариат тўғрисида» ги қонуни билан тартибга солинади.<sup>4</sup>

Мажбуриятлар Фукаролик кодексининг 263-моддасида айтишганидек, мажбурият шартларига ва қонун ҳужжатларига мувофиқ, бундай шартларга талаблар бўлмаган тақдирда эса-иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак.

Бунда тарафларнинг ҳар бири ўз мажбуриятларини анча тежамли бажариш, иккинчи томонга унинг ўз мажбуриятларини бажаришда ҳар томонлама ёрдам кўрсатилиши лозим.

Хулоса қилиб айтганда, мажбуриятни бажарувчи шахслар, шартнома шартлари ҳамда келишувга биноан тузилган битим қондаларига амал қилсалар ҳар икки тараф учун ҳам фойда бўлар эди.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикасининг Фукаролик кодекси. Т., «Адолат», 2003.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997 2-сон. Ўзбекистоннинг янги қонуналари. Т.-; Адолат. 1997. 15-сон.

## Контракция шартномасининг ўзига хос хусусиятлари.

НамДУ Хуқуқшунослик факультети 2-босқич  
магистранти М.Мақсудов

Мамлакатимиз бозор иқтисодиётини шакллантиришда кишлоқ хўжалиги муҳим аҳамиятга эга. У республикаимиз ишлаб чиқаришининг асосий манбаи ҳисобланади. Шунинг учун Президентимиз И.А.Каримов қайд этгандек: «Кишлоқда туб ислохотлар ўтказиш, кишлоқ хўжалигини тараққий қилдириш, кишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг асосий омили ва манбаи».<sup>1</sup> ҳисобланади.

Ҳақиқатда ҳам кишлоқ хўжалиги республикаимизда энг устувор соҳа, асосий, ҳал қилувчи тармоқ ҳисобланади.

Кишлоқ хўжалиги маҳсулотларни харид қилиш контрактация шартномаси тузиш орқали амалга оширилиши билан бирга пахта, галла каби маҳсулотларни харид қилиш нисбатан давлат контракти ҳақидаги қондалар ҳам қўлланилади. Кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи субъектлар давлат буюртмасини ва контрактация шартномасини бажарганларидан сўнг ортиб қолган маҳсулотларни бошқа истеъмолчиларга олди-сотти шартномаси, айирбошлаш шартномалари орқали сотиши мумкин.

Контракция шартномаси Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, ҳамда Вазирлар маҳкамасининг 1994 йил 29-августдаги 438-қарори билан тасдиқланган «Кишлоқ хўжалик маҳсулотлари контрактация шартномаларини тузиш ва бажариш тартиби тўғрисида Низом» га асосан ҳамда 2003 йил 4 сентябрдаги Вазирлар Маҳкамасининг 383- қарори билан тасдиқланган «Кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар билан тайёрлов, хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасида шартномалар тузиш, уларни рўйхатдан ўтказиш, бажариш, шунингдек уларнинг бажарилиши мониторингини олиб бориш тартиби тўғрисида» ги Низом билан ҳуқуқий тартибга солинади.

Контракция шартномаси ўзининг алоҳида хусусиятлари билан мулк ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказишга қаратилган ёки олди-сотди шартномасининг предмети фуқаролик муомаласидан чиқарилмаган ҳар хил мулклар бўлиши мумкин. Контракция шартномасида эса фақат етиштирилган ва дастлабки қайта ишланган кишлоқ хўжалик маҳсулотлари шартнома предмети ҳисобланади.

Контракция шартномасининг маҳсулот етказиб бериш шартномасида фарқли томонлари субъектив таркиби, предмети ва шартноманинг қўлланилиш соҳаси бўйича бўлади. Маҳсулот етказиб бериш шартномасида маҳсулот сотувчи сифатида ҳар қандай тадбиркорлик фаолияти билан шугулланаётган шахслар бўлиши мумкин. Контракция шартномасида фақат бевосита кишлоқ хўжалик маҳсулотини ишлаб чиқарувчи маълум шахслар сотувчи ҳисобланади.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. 4-том. Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1996 йил, 164-бет.

Контракция шартномасининг предмети факат кишлок хўжалик махсулотлари бўлса, махсулот етказиб бериш шартномасининг предмети бошка махсулотлар бўлиб, турга ёки хусусий аломатларга эга бўлган махсулот етказиб берувчи томонидан ёки бошка шахслар томонидан тайёрланадиган ёки тайёр махсулотлар, ашёлар бўлиши мумкин.

Контракция шартномасида олди-сотди, махсулот етказиб бериш каби шартномаларда бўлмаган, яъни кишлок хўжалик махсулотини етказиб берувчи хўжаликларга тайёрловчи томонидан кўмакланиш, ёрдам-бўнак (аванс) бериш ҳолатлари мавжуд.

Хулоса қилиб айтганда кишлок хўжалик махсулотларини контракция шартномаси орқали сотиш, шартнома мажбуриятларини бажариш давлат учун ҳам хўжалик юрутувчи субъект учун ҳам фойда келтиради.

### Жиноят процессида фуқаровий даъво: уни қўзғатиш тартиби ва ҳуқуқий асослари

НамДУ Ҳуқуқшунослик факультети  
3-курс талабаси Н.Атақўзиёва

«Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқи ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари мансабдор шахслар жамоат бирлашмаларининг гайриқонуний ҳаракатлари устидан шикоят қилиш ҳуқуқи қафолатланади».

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 44- модда

Жиноят қонуни билан кўрикланадиган объектларга нисбатан содир этилган ижтимоий хавфли, ҳуқуққа хилоф қилмиш жиноят ҳисобланар экан, бундай қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) нинг содир этилиши натижасида шахсга, жамиятга, давлатга қайсидир даражада зарар етиши табиийдир. Чунки, жиноят объектив томонининг зарурий белгиси бўлган жиний оқибатнинг келиб чиқишининг ўзи муқаррар зарарни вужудга келтиради. Бу зарарнинг ўрнини тўлдириш, етказилган зиённи қоплаш мақсадида жиноят процессида фуқаровий даъво институти жорий қилинган. Мазкур институтнинг ўз вақтида ва тўлиқ асосда қўлланилиши содир этилган жиноят натижасида жамият аъзоларига зарар етишини қамайтиради, қайсидир маънода бунинг олдини олади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 275-моддасига биноан, бевосита жиноят туфайли ёки ақли норасо шахснинг ижтимоий хавфли қилмиши натижасида фуқароларга ва юридик шахсларга етказилган мулкӣ зиённи қоплаш, шунингдек, жабрланувчини дафн этиш ёки унинг стационарда даволаниш харажатларини ҳамда сугурта тарихидаги унга тўланган пул, нафақа ёки пенсия пулини ундириш тўғрисидаги фуқаровий даъволар жиноят процессида кўрилади.<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси Т.: 2001 й 131-бет.

Демак, фукаровий даъво кўзгатилиши учун асос бўлувчи зарар бевосита жиноят ёки акли норасо шахснинг ижтимоий хавfli қилмиш натижасида етказилган бўлиши керак. Бунда жабрланувчини фукаровий даъвогардан ажрата билиш лозим. Фукаровий даъвогар жабрланувчи бўлмаслиги ҳам мумкин. Айтайлик, ҳайдовчи бепарволиги оқибатида пнѐдани уриб юборди ва бориб йўл четида турган автомобилга урилди. Жиноят натижасида пнѐда оғир тан жароҳати олди, йўл четидаги автомобилг эса шикастланди. Бу ҳолатда тан жароҳати олган шахс жабрланувчи ва фукаровий даъвогар бўлса, шикастланган автомобилг эгаси факат фукаровий даъвогар бўлади.

Жиноят процессида фукаровий даъво бевосита мулкий зиѐн кўрган шахснинг ўзи ёки унинг вакили томонидан жиноят иши кўзгатилган пайтдан бошлаб, то суд тергови бошлангунга қадар кўзгатилиши мумкин. Бунда мулкий зиѐн кўрган шахс вафот этган тақдирда унинг меросхўрлари даъво кўзгатиш ва қувватлаш ҳуқуқига эга бўлади. Бундан ташқари, бу ҳуқуқ прокурорда ҳам бўлиб, унинг бу борадаги ваколатлари бироз ўзгачарок. 1998 йил 11 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг «Жинoий ҳаракатлар оқибатида етказилган моддий зарарни қоплаш масаласига доир суд амалиѐти тўғрисида»ги 21-сонли қарорига биноан вояга етмаганларнинг, шунингдек муомалага лаѐқатсиз деб эътироф этилган шахсларнинг манфаатларини химоя қилиш учун фукаровий даъво уларнинг қонуний вакиллари ва прокурор томонидан кўзгатилиши мумкин<sup>2</sup>. Бундан ташқари, башарти, давлат ёки жамият манфаатларини ёхуд фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини химоя қилиш тақозо этса, даъвога қарши эътироз билдириши шарт (ЖПКнинг 279-моддаси)<sup>3</sup>.

Фукаровий даъвогар сифатида нафакат жисмоний шахслар, балки юридик шахслар, жумладан, қорхона, муассаса, ташкилотлар ҳам эътироф этилиши мумкин. Бу ҳолатда улар ҳам процесснинг тенг ҳуқуқли иштирокчиси сифатида процессуал ҳуқуқлардан фойдаланадилар, мажбуриятларини бажарадилар.

Қоидага кўра фукаровий даъво оғзаки шаклда ҳам, ѐзма шаклда кўзгатилиши мумкин. Жиноят процессида фукаровий даъвони кўриб ҳал қилиш учун давлат божи ундирилмайди, шунингдек бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган даъво муддатлари бу даъвога нисбатан қўлланилмайди.

Фукаровий даъво кўзгатилгандан сўнг содир этилган қилмиш натижасида даъво кўзгатган шахсга мулкий зиѐн етган деб ҳисоблаш учун асослар етарли бўлса, суриштирувчи, терговчи қарор, суд эса ажрим чиқариб, шахсни фукаровий даъвогар деб эътироф этади. Фукаровий даъвогар процессга кириб келгач, бу даъво учун жавоб бериши лозим бўлган шахсни ишга жалб қилиш масаласи ҳал этилади. Фукаровий жавобгар содир этилган жиноят ёки акли норасо шахснинг ижтимоий хавfli қилмиши натижасида

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами Т.: 2006 й. 170-бет

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси ЖПК Т.: 2001 й. 133-бет

етказилган мулккий зиённи коплаш мажбурияти юкланган шахс бўлади. Шахсни фукаровий жавобгар деб эътироф этиш учун юкоридаги асослар ва тартиб кўлланилади. Бунда фукаровий жавобгарни айбланувчи ёки судланувчидан фарқлаб олиш лозим. Фукаровий жавобгар айбланувчи ёки судланувчи бўлмаслиги, яъни бевосита жиноятни содир этмаган бўлиши ҳам мумкин. Жумладан, вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноят оқибатида етказилган мулккий зиён учун уларнинг қонуний вакиллари, яъни ота-оналари, васий ёки хомийлари жавобгар бўлади. Фукаровий даъвогарда бўлгани каби фукаровий жавобгар ҳам факатгина жисмоний шахслар эмас, юридик шахслар ҳам бўлиши мумкин. Чунончи, Олий суд Пленумининг юкоридаги қарорининг 15-бандида кўрсатилишича, фаолияти теварак-атрофдагиларга ошиқча хавф тугдирадиган давлат ёки мулкчилик шаклидан қатъий назар бошқа ташкилотларга қарашли транспорт воситаларини бошқараётган шахс томонидан транспорт жинояти содир этилганда моддий зарарни коплаш масаласини хал қилаётган судлар етказилган зарарнинг бевосита жиноят содир этган айбдор шахсдан эмас, балки ушбу ташкилотлардан ундирилиши лозимлигига эътибор қаратишлари керак<sup>4</sup>. Демак, фукаровий жавобгар юридик шахс бўлиши мумкин экан, бу уни айбланувчи ёки судланувчидан ажратиб турувчи яна бир фарқ хисобланади. Чунки жиноят қонунига биноан белгиланган ёшга етган ақли расо жисмоний шахсларгина жиноят субъекти бўлиши мумкин. Лекин бунда яна бир муаммоли масала келиб чиқади: фукаровий даъвогар ҳам, фукаровий жавобгар ҳам юридик шахс бўлиб қолса, фукаровий даъво қандай хал қилинади? Бу масалага жавобни Олий суд Пленумининг юкоридаги қароридан олиш мумкин. Унга кўра, қорхона, муассаса, ташкилотлар ўртасидаги низолар ФПҚнинг 31-моддасига кўра, судга тааллуқли эмаслигини эътиборга олиб, фаолияти теварак атрофдагиларга ошиқча хавф тугдирувчи манба бошқа қорхонага моддий зарар етказган ҳола ФПҚнинг 100-моддаси 1-бандига мувофиқ, қелтирилган даъво талаби бўйича иш юритишдан тугатилиши ва манфаатдор тарафларга хўжалик судида низони хал этиш ҳуқуқлари тушунтирилиши лозим<sup>5</sup>.

Фукарларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳисобга олган ҳолда қонун фукаровий даъво масаласини дастлабки тергов босқичида хал қилишни назарда тутди. Лекин бунда суднинг бу борадаги ваколатлари ҳам эътироф этилади. Чунончи, жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш жараёнида суд фукаровий даъво кўзғатилгани ва жиний ҳаракати оқибатида етказилган моддий зарарнинг ундирилишини таъминловчи қоралар кўрилгани ҳақидаги масалаларни аниқлаши зарур. Агар суриштирувчи ёки терговчи фукаровий даъвони таъминлаш қораларини кўрмаган бўлса, суд ЖПҚнинг 290-моддаси талабига биноан ўз ташаббуси билан бу қораларни кўради ёки тегишли

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами. Т.: 2006 й. 174-бет

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами. Т.: 2006 й. 175-бет

органлар зиммасига моллий зарарнинг копланилишини таъминлаш чораларини кўриш мажбуриятини юклайди<sup>6</sup>.

Жиноят ёки акли норасо шахснинг ижтимоий хавфли қилмиши натижасида мулкий зарар кўрган шахс фуқаровий даъво кўзғатмаган ёки жиноят процессида даъвоси кўрилмасдан қолдирилган бўлса, даъвони фуқаровий суд ишларини юритиш тартибида кўзғатиши мумкин. Шахс жиноят процессида фуқаровий даъво кўзғатган бўлса-ю, даъво каноатлантирилмаган бўлса, даъвогар шу шахсга ва худди шу асослар бўйича фуқаролик судига мурожаат қилиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади.

Суд оқлов ҳукми чиқараётганда, шунингдек тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш бўйича ишни тугатиш ҳақида ажрим чиқараётганда фуқаровий даъвони қондиришни қуйидаги ҳолларда рад этади, башарти:

- 1) жиноят ёки ижтимоий хавфли қилмиш ходисаси юз бермаган бўлса;
- 2) судланувчининг ёки тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш масаласи ҳал этилаётган шахснинг содир этилган жиноятга ёки ижтимоий хавфли қилмишга дахли йўқлиги аниқланган бўлса;
- 3) Судланувчининг ёки тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш масаласи ҳал этилаётган шахснинг мулкий зиён келтирган ҳаракати зарурий мулоффа чегарасидан чиқмаган ҳолда содир этилган бўлса<sup>7</sup>.

Амнистия акти қўлланиши туфайли тергов органлари қарори ёки суд ажрими билан жиноий жавобгарликдан озод этилган шахсларга нисбатан фуқаровий даъво кўрмай қолдирилганда манфаатдор шахс фуқаровий ишларни юритиш тартибида даъво билан судга мурожаат қилиши мумкин.

Суд амалиёти изчиллик билан шундан келиб чиқадики, жиноят ҳақида хабар бермаслик ёки уни яширганлик учун ҳукм қилинган шахс моддий жавобгар бўлиши мумкин эмас. Бу ҳолларда даъво фуқаролик ишларини судда юритиш тартибида кўриб чиқилади<sup>8</sup>.

Жиноят процессида фуқаровий даъво кўзғатилиши ҳамда уни жиноий айблов билан биргаликда кўриб чиқилиши ҳар томонлама мақбул усулдир. Чунки бу институтнинг қўлланилиши жабрланувчининг бузилган мулкий ҳуқуқларини тезроқ тиклашни таъминлайди, далилларни тўлароқ тадқиқ этилишини каофлатлайди ва жиноят процесси барча иштирокчилари учун қулайликлар яратади. Шунингдек судланувчини аввал жиноят иши бўйича, сўнг эса жавобгар сифатида фуқаролик иши бўйича судда икки марта қатнашиш мажбуриятидан озод этади. Энг муҳими фуқаровий даъвонинг жиноят процессида кўрилиши жиноят ишини юритиш учун масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслар, қолаверса, улар фаолиятига кўмаклашувчи шахсларнинг ишнинг енгиллаштиради ва бир қанча

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами. Т.: 2006 й. 171- бет

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикаси ЖПК Т.: 2001й. 134- бет.

<sup>8</sup> Жиноят процесси. Дарслик. З.Ф.Иноғомжонованинг умумий таҳрири остида Т.: 2002 й. 330- бет.

енгиликларни вужудга келтиради. Шу сабабдан ҳам жиноят процессида фуқаровий даъвои тўлиқ ва ҳар томонлама ҳал қилиниши давлат манфаатларини ҳам, жамият манфаатларини ҳам ифода этади ҳамда амалга ошишини кафолатлайди.

## Сиёсий партиялар ролини кучайтириш заруратининг ҳуқуқий асослари

НамДУ Ҳуқуқшунослик факултети  
3-курс талабаси К.Алиходжаев

Турли мамлакатларда партияларнинг ривожланиши ҳар хил кечади. Бундай ривожланиш ҳар бир давлат, миллат тарихи, сиёсий фаоллиги, ижтимоий-сиёсий тажрибасидан келиб чиқиб, миллий хусусиятлари асосида турлича бўлиши мумкин. Мамлакатимизда эса мустақиллик йилларида олиб борилаётган кенг камровли ислохотлар натижасида сиёсий партияларнинг ижтимоий ва сиёсий фаолияти учун кенг имкониятларни тағминлайдиган қонунчилик базаси яратилди. (1996 й 26-декабрда қабул қилинган «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонун). Бундай ислохотларни янада чуқурлаштириш ва давом эттириш мақсадида амалда ўзини оқлаган босқичма-босқич ривожланиш йўлидан изчил бориб, ислохотларнинг бир босқичи охирига етиши билан уларни янги босқичга кўтариш зарурати, аниқроғи, сиёсий партияларнинг фаолияти самарадорлигини янада ошириш ва ҳаётимизда ҳал қилувчи сиёсий кучга айлантиришни ҳозирда даврнинг ўзи такозо этаётганлиги сабабли яқинда «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинди.

Мамлакатимизда сиёсий партиялар фаолиятини кучайтириш, уларнинг жамият ва давлат сиёсий ҳаётидаги ўрнини мустаҳкамлаш сиёсати ҳаводан ёки қайсидир давлат тажрибасидан олингани йўқ. Ҳозирда уларнинг давлат бошқарувини такомиллаштириш ва модернизация қилишдаги ролини кучайтиришни даврнинг ўзи талаб қилмоқда. Бу ҳолатни қуйидагилар орқали кўриш мумкин:

Биринчидан, мамлакатимиз мустақилликка эришгач, ўз олдида ҳуқуқий демократик давлат қуришни мақсад қилиб қўйди. Том магнодаги демократия эса фаол сиёсий партияларнинг бўлишини такозо этади. Сиёсий партия - мукамал ташкилот бўлиб, демократик бошқарув жараёнида муҳим бўлган бир қатор ўзаро боғланган функцияларни амалга оширади. Шулардан энг асосийси, давлат муассасалари ва органлари устидан маълум бир даражадаги

назоратни кўлга киритиш мақсадида сайловларда катнашиш ва галаба козониш хисобланади<sup>1</sup>.

Иккинчидан, айни пайтда сиёсий партияларнинг фаолияти ҳеч қандай жамоатчиликни ҳам, уларнинг аъзоларини ҳам қониктирмапти. Ҳатто, сиёсий партияларни фаоллари ҳам ўзлари қилаётган ишлари, айниқса, уларнинг самарасидан қониқиш ҳосил қилмаётганлигини, ҳозирда фаол ҳаракатлар, амалий ишлар етиб келганлигини, ўз саъй-ҳаракатлари билан сайловчилар манфаатларини ифода этиш, парламентчилик фаолиятида ўзларини кўрсатишлари зарурлигини матбуот орқали чиқишларида тағкидлашмоқда<sup>2</sup>.

Учинчидан, ҳозирда мавжуд сиёсий партиялар фаолиятидаги пассивлик натижасида улар ўртасидаги соғлом рақобат деярли йўқолиб бораётганлиги сабабли, сиёсий партияларнинг ўрни сайлов вақтидагина кўринаяпти, холос. Улар ўртасидаги рақобатни кучайтиришни эса ҳозирда даврнинг ўзи талаб қилмоқда. Бу ҳақда Президент И.А.Каримов шундай деган: «Сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари, ҳокимият тизимларидан, аввало, ҳокимиятнинг сайлаб олинаётган органларидан ўрин олиш учун курашар эканлар, аниқ мақсадлари, ҳаракат дастурлари бўлиши керак. Токи бу дастурнинг амалга оширилиши мамлакатдаги ижобий ўзгаришларга баракали таъсир этсин. Бунинг учун, аввало, партия етакчилари ҳам, уларнинг тарафдорлари ҳам, нима учун ва нимага қарши курашётганликларини аниқ равшан тасаввур этишлари зарур. Барча демократик давлатларда бўлганидек, бизда ҳам партияларнинг ўзаро кураши, гоё ва қарашларнинг рақобати, керак бўлса сайловчилар овози учун кураш бўлиши табиий»<sup>3</sup>.

Тўртинчидан, маълумки партиялар турли ижтимоий гуруҳ ва катламларнинг манфаатларини жамиятнинг сиёсий тизимида ифода этиш йўли билан давлат ва жамият ўртасидаги боғловчилик ва воситачилик вазифасини бажаради<sup>4</sup>. Бу эса партияларнинг кучли, барқарор ҳамда доимо фаол бўлишни талаб қилади. Кучли партиялар эса давлатни кучсизлантирмайди ва аксинча, улар сиёсий жараёнларни назорат қилишга ёрдамлашиб, давлатни янада кучайтиради.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, сиёсий партиялар ролининг кучайтириш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари 2008-йил 1-январдан қучга қиради. Унинг ҳаётга тадбиқ этилиши эса бутун сиёсий тизимга ва давлатчиликка, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислохотларнинг мамлакатларни демократик янгилаш суръатига ижобий таъсир кўрсатади. Улар шубҳасиз, сиёсий партиялар нуфузини ва қўлусида қабул қилинадиган қонунлар сифатини оширишга хизмат қилади. Эндиликда, барча ривожланган давлатлар сингари, Ўзбекистонда ҳам сиёсий партияларнинг

<sup>1</sup> Беков И.Р., Аббосқўжаев Ш.А. Сайлов ва сиёсий партиялар Т. 2004, 6-б

<sup>2</sup> Ўша асар, 37-б.

<sup>3</sup> Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қуралиш.-Т.: Ўзбекистон нашриёти 7-том, 384-б

<sup>4</sup> Хамидова К.Т. Сайловлар ва сиёсий партиялар фаолиятини молиялаштириш.-Т., 2004, 6-б



бемалол фаолият юритишлари, сайловларни демократик тарзда ўтказиш, давлат бошқарувини такомиллаштириш ва модернизация қилиш, уларнинг ролини кучайтириш учун барча ҳуқуқий асослар мавжуд. Қолгани эса сиёсий партияларнинг фаолиятига, аниқроғи, фаоллигига боғлиқ.

## Инсон ҳуқуқлари моҳияти

НамДУ Ҳуқуқшунослик факультети  
3-курс талабаси Б.Кенжаев

Илмий фалсафада табиий фан маълумотларига асосланиб, одам табиатнинг ажралмас қисми, унинг олий маҳсулидир деб ҳисоблайди.

Инсон тараққиётининг илк босқичларида, одам табиатдан эндигина ажралиб чиққан кезларда жуда ночор ҳаёт кечирган, у табиат кучларига қарам бўлган, табиатнинг тайёр маҳсулотларини исьтемом қилиб қун кечирган, деб ҳисобланади.

Кейинчалик меҳнат натижасида, меҳнат қуроллари яшаш, моддий ва маънавий бойликларни яратиш асосида кишилик жамияти пайдо бўлади ва ривожланади.

Фаробийнинг фикрича, «Ҳар бир инсон ўз табиати билан шундай тузилганки, у яшаш ва олий даражага етукликка эришмоқ учун кўп нарсаларга муҳтож бўлади, у бир ўзи бундай нарсаларни қўлга кирита олмайди, уларга эга бўлиш учун инсонлар жамоасига эҳтиёж туғилади... Бундай жамоа аъзоларининг фаолияти учун бир бутун ҳолда уларнинг ҳар бирига яшаш ва етукликка эришмоқ учун зарур бўлган нарсаларни етказиб беради. Шунинг учун инсон шахслари кўпайдилар ва ернинг аҳоли яшайдиган қисмига ўрнашдилар ва натижада инсон жамоаси вужудга келди»<sup>1</sup>.

Инсон масаласига Давлат ва ҳуқуқ назарияси, инсонни, унинг манфаатларини ва талабларини муайян гуруҳ, синф вакили, жамият ва давлат аъзоси сифатида ўрганади. Инсон - табиий куч ва ижтимоий мавжудот, лекин у меҳнат қилиш, ишлаб чиқариш қобилиятига эга бўлганлиги билан бошқа мавжудотлардан ажралиб туради. Инсоннинг кучи шундаки, у ижтимоий куч, жамоанинг, фуқаролик жамиятининг ажралмас бўлагидир. Жамиятда инсоннинг онги шаклланади, тафаккури ривожланади, тили бойийди, тажрибаси ортади, моддий ва маънавий бойликлар яратади. Жамият туфайли инсон ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётда фаол иштирок этади, ўзининг жамият ҳаётидаги ўрнини англайди. Фан ва техниканинг ҳамма ютуқлари - инсоннинг аклий салоҳияти ва ижоди натижасидир. Инсон жамиятда бошқалардан ажралган ҳолда эмас, балки одамлар билан алоқада бўлади, унинг фаолияти турли хил омиллар билан ифодланади<sup>2</sup>.

Инсоннинг жамоадаги алоқалари муайян меъёрлар билан тартибга солинади. Ана шу нормалардан бири- ҳуқуқ ҳисобланади. Форобий таъбири

<sup>1</sup> Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри, 1993 йил, 186-бет

<sup>2</sup> Сандов. А ва бошқалар. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Т., «Адолат», 2001. 220-бет

билан айтганда ҳуқук - эҳтиросларни жиловлаш воситаси ҳисобланади. Давлат ва ҳуқук назариясида тушунча берилишича, «ҳуқук» ибораси кундалик ҳаётимизда кўп қўлланадиган тушунча бўлиб, «ҳақ», «ҳақиқат» сўзларидан олинган<sup>3</sup>.

Афлотун ва Арасту фанга сиёсий ҳуқук - тушунчасини киритган ва уни табиий ва шартли ҳуқуққа бўлган. Табиий ҳуқук - тан олиш ёки тан олмасликдан катъи назар ҳамма жойда бир хил аҳамиятга эга бўлган қоидалар. Шартли ҳуқук- инсонлар томонидан уларнинг хоши-иродасига кўра ўрнатиладиган қоидалар мажмуидир.

Инсоннинг табиий ва шартли ҳуқуқлари давлат томонидан муайян нормаларда мустаҳкамланади. Шунингдек, инсон ҳуқуқлари давлатлар ўртасидаги ўзаро битишувлар асосида белгиланади.

Ҳуқук икки хил маънода тушунилади.

Биринчиси, ҳуқук-бу жамиятдаги муносабатларни тартибга солувчи ҳамда расмий юридик ҳужжатлар билан ифодаланган меъёрлар тизимидир.

Иккинчиси, ҳуқук-бу ёки бу шахсга тегишли шахсий имконият, у ёки бу ишни қилиш эркинлиги, у ёки бу қимматликка бўлган асосли талабдир.

Инглиз тилида ҳуқуқни англатувчи икки хил сўз мавжуд: «The law»- яъни қонун, қоида ҳамда «The right», яъни ҳуқук, имконият, у ёки бу нарсага бўлган ҳуқук.

Шунингдек, «Ҳуқук»- маънавий ва позитив ҳуқуқларга бўлинади. (Бу ўринда маънавий ҳуқук тушунчаси табиий ҳуқуқ тушунчасига қисман тўғри келади). Бу ҳуқуқдаги бўлинишни тушунишда, америкалик сиёсатшунос М. Крэнстоннинг 1970 йилларда ёзган «Инсон ҳуқуқи» асарига мурожаат қиламиз. Унда тушунтирилишича позитив ҳуқуқ давлат ва инсонлар ўртасидаги келишув бўлиб, сайлаш-сайланишда, мамлакатдан чиқиш ва киришда ва шу қабиларда ифодаланиб, давлатнинг реал қонунларида белгилаб қўйилган. Бу ҳуқуқлар «хизматига яраша» тамойилига асосланиши лозим бўлиб, айрим ҳолларда бу тамойилдан четга чиқиш юз бериши мумкин. Масалан. Россия Думаси депутатларининг шахар транспортларидан фойдаланишида кўзга ташланиши мумкин.

Маънавий ҳуқук эса отанинг ўз уйидаги воқеликдан хабардор бўлиши ҳуқуқи каби тушунчаларда ифодаланади.

Позитив ҳуқуқнинг маънавий ҳуқуқдан фарқи яна шунда кўринадики, позитив ҳуқуқ амалдаги қонунларни юриспруденция йўналишида ўрганиш орқали ўзлаштирилиши мумкин. Маънавий ҳуқук эса бундай усулда ўрганиб бўла олмайдиган ҳуқук ҳисобланади. Маънавий ҳуқук асослашни талаб этади, бу эса узок даврни талаб этади.

«Асослаш қулай бўлган маънавий ҳуқук- бу алоҳида шахснинг индивидуал ҳуқуқи ҳисобланади.» дейилади тушунтиришда. Маънавий ҳуқуқни ишлаб топилган, сотиб олинган, ҳадя қилинган, мерос қилинган, совға қилинган объектлар орқали орттирилган деб асослаш мумкинлигини тушунтириб ўтаемиз.

<sup>3</sup> Бобоев, Х.Б. Давлат ва ҳуқук назарияси. Т. ОЖИ Қўмақ жамғармаси. 2000. 201-бет.

М.Крэнстон инсон ҳуқуқлари ва табиий ҳуқуқлар синоним сифатида ишлатилган. Ушбу тушунчалар куйидагича солиштирилган.

«Шунга боғлиқ ҳолда, инсон ҳуқуқлари ҳақида куйидагича савол пайдо бўлади: улар маънавий ҳуқуқлар котегориясига мансубми? Ёки позитив ҳуқуқлар котегориясига мансубми? Бошқа сўзлар билан айтадиган бўлсак, фуқаролик ҳуқуқлари бу инсонлар эга бўлган ҳуқуқларми ёки эга бўлиши лозим бўлган ҳуқуқларми? Конкрет мисол келтирамиз. 1948 йил БМТ томонидан эълон қилинган Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси 13-моддасида айтилишича, ҳар бир инсон истаган мамлакатни, хусусан ўз мамлакатини ҳам тарк этиши ҳамда ўз юртига қайтиб келиш ҳуқуқига эга. Агарда бу қондани факт эътирофи сифатида олиб қарайдиган бўлсак, у ҳақиқатга тўғри келмайди. Англия фуқароси, мисол учун, ўз мамлакатини истаган вақтда тарк этиши ҳамда қайтиб келиши ҳуқуқига эга, башарти у тергов ҳаракатлари остида бўлмаса. Юкорида айтилган фикр барча мамлакатларга бўлмаса ҳам, кўпчилигига тааллуқлидир. Ҳатто АҚШда ҳам айрим ҳолларда фуқаролар учун мамлакатни тарк этиш паспорт беришдан бош тортишади. Бундан кўришиб турибдики, Декларацияда назарда тутилган ва ҳар бир кишига тегишли бўлган мамлакатни тарк этиш ҳуқуқи позитив эмас, Декларация муаллифлари шунчаки ҳар бир киши эга бўлиши лозим бўлган ҳуқуқни мустаҳкамлаб кўйишган ҳолос. Қисқаси Декларацияда мустаҳкамланган ҳуқуқлар маънавий ҳуқуқлардир»<sup>4</sup>.

Инсон ҳуқуқлари-бу маънавий ҳуқуқлар дея туриб, биз инсон ҳуқуқлари айна вақтда аксарият одамлар учун позитив эканлигини инкор этмаймиз. Улар универсалдир, аксарият маънавий ҳуқуқлар аниқ вазиятлардан келиб чиққан ҳолда аниқ одамларга тааллуқли бўлади: ер эгасининг ҳуқуқлари, муҳаррирга тегишли ҳуқуқлар, судьянинг ҳуқуқлари ва ҳақозо. Бу шахсларнинг махсус ҳуқуқлари уларнинг махсус мақомидан келиб чиқади. Шу билан бирга уларнинг мажбуриятлари билан узвий боғлиқ бўлади.

Инсон ҳуқуқлари борасидаги таълимотлар давлатчилик тарихий босқичларига мос ҳолда хранологик тартибда ҳам ўрганилиши мумкин. Лекин инсон ҳуқуқлари ривожланишининг алоҳида босқичлари ҳам мавжуд бўлиб бу босқичлар алоҳида ўрганишни талаб этади.

Проф. Ҳ. Бобоев томонидан яратилган ўқув кўлланмада инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчилик ўз таракқиётида уч катта босқични босиб ўтган, деб белгиланган. Улар:

**Биринчи босқич** 1789 йилги Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари француз Декларациясидан бошланиб, то биринчи жаҳон урушига қадар давом этган. Бу босқичда инсоннинг шахсий ва сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчилик устувор равишда ривожланган. Бунга мисол қилиб, АҚШ Конституциясига киритилган биринчи 10 та кўшимча Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Биллни кўрсатиш мумкин.

<sup>4</sup> Human Rights Clinic Tashkent State Law Institute/ Тархатма материаллар Т., 2005. 12-бет

Шах эркинлиги ва фукаро тенглиги ҳукуки, шахс дахлсизлиги, хусусий мулк ҳукуки, сайлов ҳукуки қонунларда мустаҳкамланган.

Иккинчи босқич XX аср биринчи ярмини ўз ичига олган бу босқичда социалистик ғоялар ва ҳаракатлар таъсирида инсонларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлаига оид қонунчилик тез ривожланган.

Меҳнат қилиш ҳукуки, дам олиш ҳукуки, ижтимоий ёрдам олиш ҳукуки тўғрисидаги қонунлар алоҳида аҳамиятга эга бўлган.

Франция ва Швециядаги социал қонунчилик, 1920 йилги Веймар Конституцияси, Франция ва Италиянинг 1946 йилги Конституциялари бунга мисол бўлади.

Учинчи босқич XX асрнинг иккинчи ярмига тўғри келиб, бу босқичда Инсон ҳуқуқларининг «янги авлоди» тўғрисидаги қонунчилик ривожланди.

Улар: тинч яшаш ҳукуки, соф ва тоза муҳитга эга бўлиш ҳукуки, ахборот олиш ҳукуки қабилар.

БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 70 та атрофида, Европа Кенгаши томонидан 160 атрофида, ЮНЕСКО томонидан 70дан ортиқ, Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти томонидан 30 дан кўпроқ, бошқа минтақавий ҳамкорлик ташкилотлари томонидан ҳам кўплаб инсон ҳуқуқларига оид халқаро шартномалар, конвенциялар, декларациялар ва пактлар қабул қилинди.

Ҳозирги кунда ҳаммаси бўлиб инсон ҳуқуқлари бўйича 400дан кўп халқаро ҳужжатлар мавжуд<sup>5</sup>.

### Қуръонда инсон ҳуқуқлари

НамДУ Ҳуқуқшунослик факультети 3-курс талабалари Р.Ҳалилов ва Б.Кенжаев

Қуръон бутун инсониятнинг маънавий-маданий мероси бўлган ҳуқуқий ёзма ёдгорликдир. У Аллоҳ таоло томонидан илоҳий қонун сифатида нозил қилинган сўзлар бўлиб, мусулмонлар амал қилиши лозим бўлган қатор қоидалар тўпламидир. Қуръон 114 та катта-кичик суралардан ташкил топган.

Қуръонда инсон азиз ва муқаррам, барча мавжудотларнинг заррин тожи ва фазилатлари эгаси сифатида эъзозланади.

Уларнинг инсоний ҳақ-ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ғояси етакчилик қилади. Бу ҳақ-ҳуқуқларни ислом уламолари ўнтага ажратишади. Шулар жумласига: ота-онанинг ҳақ-ҳуқуқлари, фарзандларнинг ота-оналардаги ҳақ-ҳуқуқлари, қариндошларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, эр-хотиннинг ҳақ-ҳуқуқлари, ҳокимият ва раъиятнинг ҳақ-ҳуқуқлари, қўшниларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, мусулмонларнинг ҳақ-ҳуқуқлари қиради.

Халқ ва миллат ичидаги тинч-тотувликни таъминлашда қўшнилар, яъни оилалар ўртасидаги муносабатлар муҳим аҳамиятга эга. Шу боис,

<sup>5</sup> Бобосов Х. Инсон ҳуқуқлари қўлланма. Тошкент, Ўзбекистон., 1997 йил. 7 -бет

Қуръони Каримда ҳам кўшниларининг ҳақ-ҳуқуқларига эътибор берилган. кўшниларининг ўзаро ҳақ-ҳуқуқлари бир-бирлари билан яхши муносабатда бўлишлари хоҳ моддий, хоҳ маънавий томондап бир-бирларига ёрдам беришлариدير. Кўшнига эзгулик қилишдан мақсад ёрдам сўраса ёрдам бериш, касал бўлса холига яраш, хурсандчилик вақтида табриклаш, мусибат етса ҳамдардлик ва шу қабилардир. Бу борада пайғамбар алайҳиссалом ўз ҳадиси шарифларида «Кимки Аллоҳга ва қиёмат кунига иймон келтирган бўлса, ўз кўшнисига яхшилик қилсин» дедилар. Бу ҳадисдан маълум бўладики, кўшнига ёмонлик қилиш Аллоҳга ва қиёмат кунига ишонмаслик каби ўта оғир гуноҳ ҳисобланар экан. Демак, кўшниларининг ҳақ-ҳуқуқлари шу даражада юксакликка кўтарилган.

Қуръони Каримда раъият ва давлат раҳбарларининг ҳақ-ҳуқуқлари белгиланган. Чунки, инсон ҳуқуқларининг таъминланиши ана шуларга ҳам боғлиқдир. Раъиятнинг раҳбарлардаги ҳақ-ҳуқуқлари адолатли, тўғри ва одил сиёсат олиб бориш, халқ ҳаёти учун зарур осойишталик ва тинчликни ўрнатишдир. Ўз навбатида, раҳбарларнинг халқ ва раъиятдаги ҳақи, халқнинг эҳтиёж ва талабларини қаноатлантириш, жиноятчилар тугёнидан халос бўлишда халқнинг истагини адо этишдир. Халқнинг амалдор ва ҳоким кишилардаги ҳақлари шуки, мискин фуқароларнинг холини сўраши, кишиларнинг моддий ва маънавий таъминланишига ёрдам бериши, турмуш тарзининг ҳар томонлама манфаат топишига ёрдам беришидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, қуръони Каримда инсонларнинг билим олиш, меҳнат ва шу қабил бошқа ҳуқуқлари ҳам ўз ифодасини топган. қуръони каримда илм олиш ҳуқуқи ҳақида зикр этилиб: «Ўқинг! Сизнинг Парвардигорингиз (инсониятга) қаламни (яъни ёзишни, хатни) ўргатган ўта қарамли зотдир. У зот инсонга унинг билмаган нарсаларини ўргатди»<sup>1</sup> дейилади. Ушбу оятларда Ислом дини инсонларни жаҳолат, хурофотга эмас, балки илм-маърифатга қорлаши маълум бўлади. Расулulloҳ саллоллоху алайҳи васаллам: «Бешиқдалиқ чоғингиздан то лаҳадга киргунингизча илм ўрганинг» ва яна: «Илм исташ ҳар бир муслим ва муслима учун фарздир», деб марҳамат қилганлар. Исломда илм инсонларни юксак маънавий қамолотга етакловчи таянч сифатида қадрланади. Шу билан бирга илмли бўлиш инсоннинг нафакат ўзлигини англашда, балки ҳаётини яхши бўлишидаги куч қудрат манбаи эканлиги ёркин кўрсатиб берилади. Илм олиш, ўқиш энг керакли меҳнатдир. Меҳнат севар бўлиш, илм ҳам инсон учун олий фазилатдир. Чунки, булар кишиларнинг аҳолини яхшилайти, мамлакат ободонлиги, жаҳолат қоронғулигидап қугилиш йўли ҳам шу фазилатлар орқали амалга ошади. Зеро, кишилик жамиятининг асл тарихи ҳам меҳнатдан бошланган. Бу хусусда қуръонда шундай дейилади:

<sup>1</sup> "Алақ" сураси, 3-5-оятлар.

«Дарҳақиқат, Биз инсонни меҳнат, машаққатга яратдик». Бундан маъно шуки, инсон ўз ҳаётида меҳнат қилади. Ана шу меҳнат қилиш ҳуқуқидан ҳалол фойдаланиб, нафақат ўзига, балки, ўзгаларга ҳам наф қелтириши талаб этилади. Шунинг учун ҳам пайгамбаримиз Мухаммад саллоллоху алайҳи ва саллам ўз ҳадиси шарифларининг бирида: «Ҳалол меҳнат қилиб бола-чака боқишнинг савоби, нафл намоз ўқувчиларининг савоби билан баробардир» деб башорат берганлар.

Қуръони Карим ва ҳадисларнинг энг муҳим жиҳати шундаки, унда жамиятга ва инсонга иснод келтирувчи ҳар қандай ҳаракатга қарши нафрат устун туради. Исломи шариати қонунларида: ўғрилиқ, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, зино, қон тўкиш каби ўта ёмон иллатлар ҳар бир инсон ҳазар қиладиган дард сифатида қораланади. Чунки бу иллатлар инсон ҳуқуқлари бузилишининг сабабчисидир.

Қуръони Каримда, инсоннинг ҳақ йулидан бориши, ноҳақ йўлдан тийилиши ўзига хос услубда уқтирилади: «Эй мўминлар, молларингизни ўрталарингизда ноҳақ (яъни ўғрилиқ, қароқчилик, судхўрлик, порахўрлик, кимор каби) йўллар билан емангиз! Балки ўзаро ризолик билан бўлган савдосотик орқали мол-дунё касб қилингиз...»<sup>2</sup>. Чунки нопок йўлга кириш, унга ружу қўйиш нафақат кишининг ўзига, балки бошқа инсонларнинг ҳам ҳуқуқий манфаатларига зарар етказди. Исломи шариати қонунларида инсоннинг соғлиғига, ақл-идроқига путур етказадиган ичимликларни истеъмол қилиш таъқиқланади. Жаноб Расулulloх ҳадиси шарифларидан бирида: «Қайф қилдирувчи нарса - ҳамр. Ҳар қандай ҳамр ҳаромдир», деган доно сўзларини ўқиш мумкин. Шунинг учун қуръони карим оятларида, ичкилик ичиш, кимор уйнаш шайтон амалидан бўлган ҳаром иш сифатида таъқиқланиб, булардан узоқ бўлишга даъват этилган. Чунки, бу иллатлар инсонни тафаккурдан айириб адоват (ўч олиш ҳиссини) ва нафратини уйғотади. Бунинг оқибатида қотиллик, ўғрилиқ, зино, дўстларнинг душманга айланиш ҳоллари юз беради.

Қотиллик шарнат бўйича ҳаром ва гуноҳ жинойятдир. қуръонда «Аллох ҳаром қилгач, бировни ноҳақ қатл қилмангиз»<sup>3</sup> дейилади.

Хулоса шуки, Қуръони Карим ва «Ҳадиси Шариф»ларда ҳамда исломи динининг қонунлари бўлган «Шариати Исломия»да инсон, унинг ҳуқуқий манфаати тўла ҳимоя қилинган. Бу улуг таълимотлар инсонларварлик гоёларига асосланади. Исломи дини инсонни имонли, ахлоқли, маърифатли бўлишга ундайди. Инсон манфаатига путур етказадиган ва жамиятни таназзулга етакловчи барча ёмон иллатларни қоралайди. Инсонни тўғрилиққа, ҳалолликка, покликка, ўзаро ҳурматга чақиради. Зеро ана шундай фазилатлар орқали инсоннинг ҳуқуқлари ҳурмат қилинади.

<sup>2</sup> "Нисо" сураси, 29-оят

<sup>3</sup> "Баи Исроил" сураси 33-оят.

Шунингдек, барча ер юзидаги халқлар билан ҳамкорлик қилиш шариати исломнинг олий максадидир. Чунки, қуръони карим оятларида: «Эзгулик ва такво йўлида ҳамкорлик қилинганлар» деб буюрилган. Бу мақсад бутун инсониятнинг муштарак манфаатини кўзлайди.

## Давлат боқарувини такомиллаштириш ва миллий қонуңчилигини

НамДУ Ҳуқуқшунослик факультети  
2-курс талабаси, Қ.Нижоужаев

Бизнинг бош мақсадимиз жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир.

И.А.Каримов

Бугунги кунда мамлакатимиз тараққиётнинг янги босқичига қадам қўйди. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, бу босқичдаги бош мақсадимиз жамиятни демократлаштириш ва янгилаш мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдан иборат.

Маълумки, ислоҳот давлатнинг аниқ мақсадига йўналтирилган кенг қўламли ижтимоий фаолияти ҳисобланади. Бу жиддий, мураккаб ва ўзига ҳос жараёндир. Ислоҳотлар доимо пухта ўйланган концептуал асосларга, ҳуқуқий, сиёсий, ташкилий, иқтисодий ижтимоий тадбирлар тизими асосланиши керак. Ислоҳотлар янгилашни заруратини англаб этишдан бошланади.

Давлатимизда амалга оширилаётган барча ислоҳотлар юртбошимиз томонидан илгари сурилган гоё, ҳар бир ислоҳот давр талабига мос ҳамда босқичма-босқич амалга оширилиши, ҳар бир ислоҳот замирида инсон манфаатлари ётиши деган асосий қондани алоҳида таъкидлаш лозим.

Қўриниб турибдики, мамлакатимизда ислоҳотлар бирданига йўқ жойда пайдо бўлмаган ёки бошқа давлатларга ҳавас қилиб улардан ўрнак олиб бошланмаган. Юртбошимиз бу ислоҳотларни фундаментал асосини, амалга ошириш босқичларини ўз асарлари ва нутқларида белгилаб берди. Президентимиз томонидан чиқарилган меъёрий ҳужжатлар сиёсий фаолиятимизни тартибга солувчи норматив ҳужжатлар тизимида ўзининг янги ечимга эгаллиги, юқори самарадорлиги, тараққиёт соҳаларини донмиё равишда кенгайтириб бориш билан ажралиб туради.

Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи рўёбга чиқариш қонун чиқариш жараёнининг биринчи босқичи деб эътироф этилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга субъектлар белгилаб берилган. Булар жумласига

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституциявий ҳуқуқи. Дарслик. -Т.: ТДУИ 2005 йил. 284-285 бетлар.

Конституциянинг 83-моддасига асосан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга субъектлар қатори Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳам эътироф этиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 83-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига қонунчилик ташаббуси тартибда "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг родини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий қонун ва "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаларини кўриб чиқиш учун киритди.

Ушбу Қонуннинг мақсади давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг родини кучайтиришдан иборат.

Қонун Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига тегишли тузатишлар, шунингдек амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш учун асос ҳисобланади.

Қонунга асосан сиёсий партия фракцияси - сиёсий партиядан кўрсатилган депутатлар томонидан партия манфаатларини Қонунчилик палатасида ифодалаш мақсадида тузиладиган ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган депутатлар бирлашмасидир.

Қонунчилик палатасида кўпчилик ўринни эгаллаган сиёсий партия фракцияси парламентдаги кўпчиликни ташкил этади.

Қонуннинг аҳамиятини томони шундаки, унда тарахий аҳамиятга эга парламент фаолиятини янада такомиллаштиришга қаратилган бир қатор тушунчалар белгиланган. Шулар жумласига, қонуннинг 2-моддасида биринчи марта "кўпчилик" деган тушунчани учратиш мумкин. Шу билан ушбу кўпчилликка қарама қарши ўларок "муҳолифат" тушунчаси амалга киритилади.

Парламентдаги кўпчиликни ўзларининг мақсадли дастурий вазифаларининг яқинлиги ёки ўзаро мослигидан келиб чиққан ҳолда блок тузаётган бир неча сиёсий партиялар фракциялари ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар ҳам ташкил этиши мумкин.

Янгитдан шакллантирилган ҳукуматнинг тутган йўли (курси) ва дастури ёки унинг айрим йўналишларига қўшилмайдиган сиёсий партиялар фракциялари, шунингдек, сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар ўзларини муҳолифат деб эълон қилиши мумкин.

Сиёсий партиялар фракцияларининг блокка биришиши қонунда назарда тутилган ҳуқуқларни амалга оширишда уларнинг мустақиллигини чеклаб қўймайди.

Ўзини парламентдаги муҳолифат деб эълон қилган сиёсий партия фракцияси қонунда фракциялар учун назарда тутилган ваколатлар билан бир қаторда қуйидаги ҳуқуқларга ҳам эга эканлиги белгиланган:



- конунчилик палатаси масъул кўмитасининг тегишли масала бўйича маърузаси билан бир вақтда конун лойиҳасининг мукобил тахририни киритиш;
- мухокама этилаётган масалалар юзасидан ўзининг алоҳида фикрини конунчилик палатаси ялпи мажлисининг баённомасига киритиш;
- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан рад этилган конун бўйича келишув комиссиясида ўз вакилларининг кафолатли иштирок этиши.

Яна конуннинг ахамиятга молик томони парламентдаги мухолифатнинг конун билан кафолатланган ҳуқуқлари парламент кўпчилиги томонидан камситилиши мумкин эмас эканлиги белгилаб берилган.

Бизнинг фикримизча, ҳукуматнинг тутган йўли (курси) ва дастури ёки унинг айрим йўналишларига қўшилмасдан ўзини мухолифат деб эълон қилмоқчи бўлган ҳар қандай сиёсий партия фракцияси ёки ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар энг аввало ҳукумат томонидан таклиф этилган мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастуридан ҳам мукамалроқ бўлган ўз дастурларига эга бўлишлари ва бу дастурни амалиётга татбиқ этишнинг асосий тартиб-тамойиллари, ҳукумат асосларини кўрсатиб берувчи дастурига эга бўлишлари лозим.

Демак, сиёсий партия фракциясини ёки ташаббускор гуруҳлардан сайланган депутатларни ҳукуматга мухолифатда бўлиши, энг аввало, ўз сайловчилари олдидаги масъулиятини янада тарафқаранг олинб келадди.

Конуннинг 3-моддасида Конунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарларини сайлаш тартиби ҳам кўрсатиб ўтилади. Унга кўра Конунчилик палатаси ўз таркибидан Конунчилик палатасининг Спикери ва унинг ўринбосарларини сайлайди.

Конунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарлари яширин овоз бериш орқали депутатлар умумий сонининг кўпчилик овози билан Конунчилик палатасининг ваколати муддатига сайланади.

Сиёсий партиянинг Конунчилик палатасида тузилган фракцияси ўз вакили Конунчилик палатаси Спикери ўринбосари лавозимларидан бирини эгаллашида кафолатли ҳуқуққа эга.

Конунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарини сайлаш учун сиёсий партия фракцияси, коюда тарикасида, ўз фракцияси раҳбарининг номзодини тақдим этади.

Сиёсий партия фракциясидан тақдим этилган номзод Конунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари лавозимига сайланмаган тақдирда, сиёсий партия фракцияси ўз фракцияси аъзолари орасидан бошқа номзодни тақдим этиш ҳуқуқига эга.

Конунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари Конунчилик палатаси кўмиталаридан бирининг таркибига сайланиши мумкин.

Конунда давлатнинг олий мансабдор шахсларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш тартиби белгилаб берилган. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг мансабдор шахслари сайланганидан ва органлари

шакллантирилганидан кейин бир ой ичида Ўзбекистон Республикаси Президенти, томонидан Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракцияларининг ҳар бири ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар билан маслаҳатлашувлар ўтказилгандан сўнг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати тасдиклаши учун киритилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг кўпчилик овозини олган номзод Ўзбекистон Республикаси Бош вазири этиб тасдиқланган ҳисобланади.

Агар овоз бериш вақтида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ёки Сенатида Қонунчилик палатаси депутатлари ёки Сенати аъзолари умумий сонининг кўпчилик овозини ололмаса, Ўзбекистон Республикаси Президенти сиёсий партиялар фракциялари ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар билан кўшимча маслаҳатлашувлар ўтказганидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Бош вазири лавозимига номзодни яна икки марта тақдим этиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ёки Сенати тақдим этилган Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини уч марта рад этган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикаси Бош вазири вазифасини бажарувчини тайинлайди, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисини ёки унинг палаталаридан бирини таркатиб юбориш ҳуқуқига эга бўлади.

Вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими номзодлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳларининг ҳар бири билан маслаҳатлашувлар ўтказилгандан сўнг тегишли халқ депутатлари Кенгашларига тасдиқлаш учун тақдим этилади.

Вилоят ёки Тошкент шаҳар ҳокими номзоди тегишли халқ депутатлари Кенгаши депутатлари умумий сонининг кўпчилик овозини олган тақдирда, тасдиқланган ҳисобланади.

Агар овоз бериш вақтида вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими номзоди тегишли халқ депутатлари Кенгаши депутатлари умумий сонининг кўпчилик овозини ололмаса, Ўзбекистон Республикаси Президенти кўрсатилган лавозимларга номзодларни партия гуруҳлари билан кўшимча маслаҳатлашувлар ўтказганидан сўнг бир ой ичида яна икки марта тақдим этиш ҳуқуқига эга.

Тегишли халқ депутатлари Кенгаши тақдим этилган вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими номзодларини уч марта рад этган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Президенти вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими вазифасини бажарувчини тайинлаш ҳамда тегишли халқ депутатлари Кенгашини таркатиб юбориш ҳуқуқига эга. Бунда халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашларига сайлов таркатиб юбориш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч ой ичида ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг қарорига мувофиқ ҳоким номзоди бўйича фармон қабул қилади.

Амалдаги Конституцияга кўра Президент вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимини тайинлайди ва лавозимдан озод қилади, кейинчалик бу масалани тегишли халқ депутатлари Кенгашининг тасдиғига киритади.

Назорат қилиш вазифаларининг самарадорлигини ошириш мақсадида халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар Кенгашларининг партия гуруҳларига вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими лавозимига тасдиқланган шахсларнинг қоникарсиз фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига асосли ҳулосалар тақдим этиш ташаббуси ҳуқуқи берилади. Агар бундай ташаббус етакчи партия гуруҳлари томонидан қўллаб-қувватланса, Ўзбекистон Республикаси Президенти бу ташаббусни халқ депутатлари Кенгаши муҳокамасига киритади ва муҳокама натижаларига мувофиқ қарор қабул қилади.

Ўзбекистонда давлат ва жамият қурилиши соҳасидаги ислохотлар ўзининг эволюцион усули билан ажралиб, у босқичма – босқичлик тамойилига асосланади. Бу ҳақда Юртбошимиз қуйидагича таъкидлайди: “Албатта, биз, аввалгидек, давлат ва жамиятни ислох этиш ҳамда модернизация қилишда ўзбек моделининг муҳим таркибий қисми бўлган босқичма – босқичлик тамойилига бундан буён ҳам қатъий амал қиламиз”.

Либераллаштиришнинг мазмун-моҳияти мамлакатимиз давлат сиёсатининг асосий ёналишларида ҳамда стратегия дастурларида белгиланган. Яна шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистондаги ислохотлар жамиятнинг ўзини-ўзи бошқарадиган қучли фуқаролик жамияти шаклидаги моделни барпо этишга қаратилган.

Бир неча йиллик йиллик тажрибадан ҳулоса қилиб фикр юритадиган бўлсак, мамлакат Бош қомуси ўз олдида қўйилган вазифаларни муваффақиятли бажарибгина қолмай, балки дунё ҳамжамиятида тобора ўз ўрни ва салоҳиятига эга бўлиб бораётган Ўзбекистон деб аталмиш янги мураккаб республиканинг том маънодаги ҳуқуқий пойдевори сифатида ўзини намойиш қилди.

Конституциянинг мамлакат таракқиёти, жамият ривожини ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашдаги ролини ошириш учун, у ҳақида жозибадор сўзлар айтиш эмас, балки унинг нормалари ва асосий тартиб-тамойилларига бутун фуқароларимиз, давлат органларининг мансабдор шахслари томонидан қатъий риоя қилингандагина ҳамда қонунларни конституция асосида қабул қилиш орқали эришиш мумкинлигини барчамиз яхши англаб олдик.

Ҳулоса қилиб айтганда, ҳар икки қонун лойиҳаларининг қабул қилиниши ижтимоий-сиёсий ислохотларнинг давоми, мамлакатнинг давлат-ҳуқуқий ва сиёсий тизимини босқичма-босқич тадрижий ривожлантиришнинг натижаси, қучли давлатдан қучли фуқаролик жамияти сари ташланган муҳим қадам бўлди.

## Суд-хуқук ислохотлари: ҳакамлик судлари шима?.

НамДУ Ҳуқуқшунослик факультети  
2-курс талабаси Ў.Гурсинбоев

«Кучли давлатдан – кучли  
фуқаролик жамияти сарин»  
И.А.Каримов

Мамлакатимизнинг Асосий қонуни жамиятимизда демократик ислохотларнинг амалга оширишнинг бош манбаи, ҳуқуқий асосидир. У жамиятнинг бир-биридан мустақил қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятидан иборат тармоқлари ўртасида мувозанатли таъминлашида ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Ўтган йиллар мобайнида мамлакатимизда суд-хуқуқ тизими қурилишининг мутлақ янги концепцияси жорий этилди. Прокуратура идораларининг суд жараёнига аралашувини чеклаш бўйича қонунчилик меъёрларига зарур ўзгартиришлар киритилди. Бугунги кунда суд жараёнида тортишув тамойили, яъни прокурор билан адвокат ҳуқуқларининг тенглиги таъминланмоқда.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг суд-хуқуқ тизимида мустақил суд ҳокимиятини шақаллантириш борасида катта ишлар амалга оширилди. Суд тизимининг ташкилий-ҳуқуқий асослари ташкил топди, молиявий ва кадрлар билан таъминлаши такомиллаштирилди, судгялар мустақиллиги қафолатлари кучайтирилди. Суд-хуқуқ соҳасидаги ислохотларни янада ривожлантириш ва унинг самарадорлигини ошириш амалдаги қатор қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Мамлакатимизда судлар ихтисослашувининг амалга оширилиши билан суднинг алоҳида мустақил ҳокимият тарикасида мавқеи янада мустаҳкамланади, суд ишларининг қонунга мувофиқ ва ўз вақтида қўриб чиқилиши таъминланади, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш қафолатлари кучайди.

Ҳозирги кунда, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашда хўжалик суди билан бир қаторда Ҳакамлик судлари томонидан ҳам қўриб чиқилмоқда «Ҳакамлик суди тўғрисида»ги қонун лойиҳасида тадбиркорлик субъектлари ҳамда бирлашмаларининг ўзлари томонидан ҳакамлик суди ташкил этилиши назарда тутилиши белгилаб қўйилди.<sup>1</sup>

Ҳакамлик судининг иш юритиш тамойиллари тадбиркорлик субъектларига мос келади. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи фуқаролар ва юридик шахслар учун ҳакамлик судларини афзаллиги шундаки, улар учун тижорат сирларини ошқор қилмаслик таъминланади, иш юритиш ёпиқ тарзда олиб борилади, ҳакамлик судларининг ҳал қилув қарорлари қоида бўйича эълон қилинмаслиги таъминланади. Ҳакамлик судининг ўзига хос томонларидан яна бири иш қўриш қисққа муддатларда амалга

<sup>1</sup> «Халқ сўзи» газетаси 2006 йил 14 октябр.

оширилади. Ҳакамлик судига низони ҳал қилиш билан боғлиқ харажатлар низоларни хўжалик судларида кўриш ва ҳал этиш учун кетадиган суд харажатларидан бир неча бор камлиги ҳам талбиркорларнинг манфаатларига мос келади.

Ҳакамлик судлари давлат судларидан фарқ қиладиган мустақил тузилма. Лекин ҳакамлик судини карама-қаршилик эмас, балки низоларни ҳал қилишнинг ўзгача янги усули ҳисобланади.

«Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси Вазирлар Маҳкамаси ташаббуси билан 2005 йил 11 августда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилиб, мазкур қонун лойиҳаси бир неча бор кизгин муҳокамадан ўтгач, Қонунчилик палатаси томонидан 2006 йил

8 февралда қабул қилинди ва Олий Мажлис Сенатининг 2006 йил 25 августда бўлиб ўтган еттинчи ялпи мажлисида маъқулланди. Қонун 2007 йил 1 январдан эътиборан қучга кирди.<sup>2</sup>

Ҳакамлик судлари низоларни ҳал этишда давлат судларига нисбатан муқобил ҳисобланади. Хўжалик судларидан фарқли равишда ҳакамлик судлари одил судловни амалга оширувчи давлат суд тизимига кирмайди, балки тарафларнинг қелишувига асосан ташкил этилган суд тарзида намоён бўлади. Тарафлар низони кўриб чиқиш учун ўзлари ихтиёрий равишда танланган йиғирма беш ёшдан кичик бўлмаган низони ҳолис ҳал қилишнинг таъминлашга қодир бўлган, низонинг пировард натижасидан белосита ва билвосита манфаатдор бўлмаган, ҳакамлик битими тарафларидан мустақил бўлган ва ҳакамлик судьяси мажбуриятларининг бажаришга розилик берган, Ўзбекистон Республикаси фуқароси ҳакамлик судьяси этиб сайланган субъект орқали амалга оширилади.

Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш концепциясини амалда рўёбга чиқариш учун муҳим аҳамиятга эга «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги, 9 боб ва 59 моддадан иборат бўлган қонун қабул қилинди.

Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судлари юридик шахслар томонидан ташкил этилиб уларнинг ҳузурида ўз фаолиятини амалга оширади. Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судини ташкил этган юридик шахс унинг ташкил этилганлиги тўғрисида ҳужжатлар нуسخаларини ҳакамлик суди жойлашган ердаги адлия органига юборади. Юридик шахс доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судининг қондаларини, яъни низоми ва регламентини шунингдек, ҳакамлик судьялари рўйхатини тасдиқлаганида сўнг, доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди ташкил этилган деб ҳисобланади.

Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди ўз номи ёзилган бланка ва юмалоқ муҳрга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳисоб-китоб варақлари, валюта ҳисоб варақларига ҳамда бошқа банк ҳисоб варақларига эга бўлиши мумкин.

<sup>2</sup> Ҳуқуқ ва бурч журнали. 2006 йил 8-9 сонлар.

Ҳакамлик судлари низони ҳал этиш учун тарафларнинг ўз ташаббуси билан ташкил этилиб, низо кўриб чиқилганидан кейин ўз фаолиятини тугатади. Ҳакамлик судлари фуқаролик ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи низоларни, шу жумладан тадбиркорлик субъектлари ўртасида вужудга келувчи хўжалик низоларини ҳал этади.

Ҳакамлик судлари маъмурий, оила ва меҳнат ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқувчи низоларни, шунингдек, қонунда назарда тутилган бошқа низоларни ҳал этмайди.<sup>3</sup>

Ҳакамлик судларида кўриладиган низоларнинг тўғри ва сифатли ҳал этилиши кўп жihatдан ҳакамлик судьяларининг билими, малакаси ва тажрибасига боғлиқ. Судьялар юридик шахс томонидан тасдиқланган ҳакамлик судьялари рўйхатига киритилган судьялар орасидан сайланади.

Ҳакамлик битимининг тарафлари ҳакамлик суди таркибини ва судьялари сонини мустақил белгилайди. Судьялар сони белгиланган бўлмаса, ҳакамлик судининг таркиби уч нафар судьядан иборат бўлади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ҳакамлик муҳокамасининг асосий афзалликларидан бири тарафлар томонидан маблағларнинг тежалиши ҳисобланади. Низоларни ҳакамлик судида ҳал этиш давомида ундириладиган харажатлар, давлат божлари ва ишни кўриб билан боғлиқ чиқимларга нисбатан анча камлиги билан ҳам фарқланади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари ҳакамлик судлари тўғрисида, уларнинг афзалликлари ҳақида тўлиқ тасаввурга эга эмас. Улар учун малакатимизда бундай имконият яратилиши, давлатимизни тадбиркорлик фаолиятини кўллаб қувватлаш ҳисобланади. Чунки, энди улар хўжалик борасидаги низоларни иш хажми жуда кўп бўлган хўжалик судларида эмас, балки тадбиркорлар учун қулай, тез ва камчиқим бўлган ҳакамлик судлари орқали ҳал этиш имконияти пайдо бўлди.

### Жиноят процессида «гаров» тушунчаси ва уни қўллашнинг ҳуқуқий асослари

Р.Ш.Собиров

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 25-моддасида «Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга. Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас»<sup>1</sup> деб кўрсатилган.

Ривожланган демократик ва фуқаролик жамияти барпо этиш, албатта, ундаги соғлом муҳитга, ҳуқуқий тафаккурнинг шаклланишига, фуқароларнинг ўзаро тотувлиги, миллатлар тенглиги ва уларнинг қонунга бўйсунушига боғлиқдир.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис палаталарининг Ахборотномаси / 2006 йил № 10. Т. 1.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.: «Ўзбекистон», 2003. 6-бет.

Маълумки, барча давлатларда ва жамиятда ўрнатилган қонунларни бузган, унга ҳилоф хатти-ҳаракат ёки ҳаракатсизликлар содир этган шахслар жазога тортилган. Ҳар қандай жазо, аввало аниқланиб, шахснинг айбдорлик даражаси суд томонидан кўриб чиқилгач, унга жазо тайинланади.

Ана шу жараёнда ҳаракатларнинг ижтимоий ҳавфлилик даражасига қараб, қонунни бузган ва жиноят содир этган шахсларга нисбатан эҳтиёт чораси қўлланилиб, қамокка олинади ёки очикда қўйилган ҳолда тергов ва суд ишлари юритилади.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процессуал кодексининг 237-моддасида эҳтиёт чораларига алоҳида ўрин берилган<sup>2</sup>.

Бундан кўриниб турибдики, қонун ўз-ўзидан суруштирувчи, терговчи, прокурор ва судга жуда катта ваколат берган. Буида улар ишнинг моҳиятига қараб, қонунийликни бузмай, процессуал талаблар асосида шахсни қамокда ушлаш ёки очикда бўлиш масаласини муस्ताқил ҳал этадилар.

Қўплаб хорижий мамлакатлар жиноят жараёнида кўп йиллардан буён эҳтиёт чораси сифатида гаров қўлланилади. Бизнинг мамлакатимизда, ҳуқуқий асослари яратилган бўлсада, гаров чораси қам қўлланилади. Ҳали бу чорани қўллаш тажрибаси кенгаймаган.

1998 йил 1 майда тасдиқланган «Гаров тўғрисида»ги қонунда гаров тушунчаси, унинг моҳияти, мазмуни, гаров олувчи ва қўювчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳақида батафсил кўрсатиб берилган.<sup>3</sup>

Ҳуқуқшунос Н.Исмоилов гаровга қуйидагича таъриф беради: «Гаров-мажбуриятларнинг ижросини таъминлаш мақсадида мол-мулк ёки мулкрий ҳуқуқларни гаровга қўйиш тартиби ва шартларини, гаров предметининг ҳуқуқий режимини, гаров олувчи ва қўювчининг ҳуқуқий ҳолатини мажбурият бажарилмаган тақдирда, кредитор томонидан гаров нарчасидан ўз талабларини қаноатлантириш тартибларини белгиловчи меъёрлар мажмуидир»<sup>4</sup> дейди.

Гаров тушунчаси Фуқаролик кодексида ҳам кўрсатилган. Хусусан, 246-моддада «Бир шахснинг бошқа шахсга мол-мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқини, мажбуриятларни таъминлаш учун бериши гаров ҳисобланади»<sup>5</sup> дейилади.

Биз эътиборимизни қаратадиган гаров масаласини жиноят процессида қўллаш алоҳида аҳамият касб этади. Бирок, жиноят процессида гаров нормасини қўллашда ваколатли мансабдор шахслар қўллаш тажрибаси шаклланмагандан ёки унчалик ривожланмаганлиги боис кўпроқ эҳтиёт чораси сифатида қамок ёки муносиб ҳулқ-атворда бўлиш турини қўлламоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 249-моддасида гаровни қандай расмийлаштириш, қимлар қатнашиши аниқ белгилаб қўйилган<sup>6</sup>.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси ЖП 237-моддаси. Тошкент, 2004 й.

<sup>3</sup> Ҳўжалик ва ҳуқуқ журнали. 1999 йил 1-сон, 37-39 бет.

<sup>4</sup> «Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси». Тошкент, 2003 йил.

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси ЖПК 249-модда. Тошкент, 2001 йил.

Хўш гаров сифатида нималарни белгилаш мумкин. Гаров предмети тарикасида пул маблағлари, қимматбаҳо буюмлар ва кўчмас мулкни олинishi мумкин.

Конунчиликда гаровга кўювчи шахс айбланувчи ёки судланувчининг қариндошлари, бошқа фуқаролар ёки юридик шахслар томонидан гаровга мулк кўйилиши назарда тутилади.

Конунда гаровни қайтариб бериш асослари кўрсатиб ўтилган.

1. Эҳтиёт чорасини ўзгартириш, уни танлаш шарт-шароитлари бузилганлиги туфайли рўй бермаётган бўлса;

2. Иш юритиш тугатилганида;

3. Суд ҳукми кучга кириши муносабати билан.

Эҳтиёж чораси сифатида гаровни қўллаш орқали тергов ва суд жараёнида конуний ечимга келишига катта ёрдам бермоқда. Сир эмаски, тергов ва судда гувоҳларни кўндиришга уриниш энг кўп учрайдиган конунсиз ҳаракатдир. Агар гаров чораси қўлланиладиган бўлса, мулкий қарамлик бундай ҳаракатларнинг олдини олади.

Бизнинг назаримизда, эҳтиётсизлик орқасида содир этилган жиноятлар, айрим иқтисодий жиноятлар, унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этган шахсларга шу чорани қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Гаров-эҳтиёт чорасини қўллаш тергов ва суд амалиётида жуда яхши самара беради. Уни тўғри, конунга асосан қўллаш фақат конунчиликни мустақкамлашга хизмат қилади деган умиддамиз.

### **Фуқаролик жамиятини шакллантиришда ўзини-ўзи бошқариш органларининг тутган ўрни хусусида айрим мулоҳазалар**

НамДУ Ҳуқуқшунослик факультети  
2-курс талабаси Д.Д.Муротов

Мустақилликка эришган Ўзбекистон Республикасининг бош мақсади-озод ва обод ватан, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлатдан фуқаролик жамияти сари ўтишдир. Ана шу мақсадни амалга ошириш учун республикамизда мустақкам белгиланган ҳуқуқий пойдевор асосида демократик ва ҳуқуқий давлатдан адолатли фуқаролик жамиятига ўтишнинг узок муддатли, изчил концепцияси ишлаб чиқилди. Президентимиз И.А.Каримов, ушбуни назарда тутиб таъкидлаганларидек: "Биз фуқаролик жамиятини куришга интилмоқдамиз. Бунинг маъноси шуки, давлатимиз ривожлана борган сари бошқарувнинг турли хил вазибаларини бевосита халққа топшириш, яъни ўзини-ўзи бошқариш органларини янада ривожлантириш дсмақдир"<sup>1</sup>. Юқорилардагидан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, бугунги кунда давлатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотлар, туб ўзгаришлар ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада оширишни, уларни иш

<sup>1</sup> Каримов И.А. "Ватан саждагоҳ каби муқаддас" 3-жилд. Тошкент "Ўзбекистон" 1996 йил 11-бет.



самарадорлигини ва мавқеъларини оширишни такозо этади. Шу бонсдан ҳам давлатимизда, авваламбор, ўзини-ўзи бошқариш органларини конституциявий асослари белгилаб қўйилди. Ўзини-ўзи бошқариш органларининг асосий бўғини бўлмиш маҳалла атамаси биринчи марта конституциямизга киритилди. Унга аҳоли ўзини-ўзи бошқарувининг ноёб шакли сифатида конституциявий мақом берилди. Бугунги кунда, ижтимоий ҳаётимизда, ўзини-ўзи бошқариш органлари тизимини шакллантириш, замон талаби даражасидаги сиёсий масалага айланганлигини кўриниб турибди. Ўзини-ўзи бошқариш органларининг жамиятнинг бошқаришда, фуқароларимизнинг ижтимоий сиёсий фаоллигини ва ташаббускорлигини оширишда, аҳолининг кенг қўламли ислохотлардаги иштирокини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга эканлиги барчамизга аён. Шунингдек, фуқароларнинг сиёсий-иқтисодий, ижтимоий ва маънавий-маданий савиясини оширишда, уларни ҳуқуқий жиҳатдан тарбиялашда ҳам ўзини-ўзи бошқариш органларида катта имкониятлар мавжуд. Ўзини-ўзи бошқариш органлари тизимида олиб борилаётган ислохотлар мислсиз ҳодиса сифатида ҳар бир фуқарода теран фикрлашни такозо этади. Мени назаримда, ўзини-ўзи бошқариш органлари тизимида қуйидаги омилларни шакллантириш фуқаролик жамиятини қарор топтиришнинг бугунги кундаги долзарб масалалардандир. Яъни, ўзини-ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқий асосларини мукаммаллаштириш; ўзини-ўзи бошқариш органларига ижтимоий бошқарувни амалга оширишдаги иштирокларини янада кенг имкониятларни аниқлаш уларнинг давлат органлари билан муносабатларини мувофиқлаштириш; ўзини-ўзи бошқариш тизимида жамоа тизимини кучайтириш ва уларнинг амалий тажрибаларидаги ижобий жиҳатларни умумлаштириш. Демак, бу борада бизнинг олдимизда амалга оширилиши керак бўлган қанчадан-қанча тадқиқот ишлари мавжуд. Зеро, фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг энг муҳим асосларидан бири бўлган ўзини-ўзи бошқариш органлари, юксак, олий кадрият ҳисобланмиш инсонни шахс сифатида камол топишини, фуқароларнинг давлат ва жамият ҳаётида иштирок этишида ўз фикри ва овозига эга бўлишини, ҳар бир инсон қалбида ватан туйғусини шаклланишини, ҳамда миллий гуруҳни вужудга келишини таъминловчи ижтимоий тузилмадир. Ҳаётимизнинг барча соҳаларини янада эркинлаштириш ва жамиятни демократлаштиришда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларини нуфузи ва мавқени ошириш зарурлиги тўғрисида давлатимиз раҳбари И.А.Каримовнинг қайта-қайта таъкидлашларидан англаш мумкинки, биз, бу масалага янги юз йиллик бошида мамлакатимизнинг ривожлантиришнинг бош стратегик нуқтаи назаридан қарашимиз лозим. Жумладан, И.А.Каримов 1998 йил декабр ойида Парламентнинг 13 сессиясида шундай деб таъкидлаган эдиларки: "... Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари жамиятнинг пойдеворини ташкил этади... жамиятнинг талаб ва эҳтиёжларини яхши биладиган ўзини-ўзи бошқариш органлари кучли жамиятнинг асосий омили, асосий негизига

айланмоғи лозим. Ҳаёт шуни шарт қилиб қўймоқда.<sup>12</sup> Шунингдек, давлатимиз раҳбари Олий Мажлиснинг иккинчи чақириқ 9-сессиясидаги маърузаларида мамлакатимиздаги демократик ўзгаришларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятининг асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари ҳақида тўхталиб, ушбу жараёнларнинг муҳим етти йўналишларидан бири сифатида - фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим шarti бўлган ўзини-ўзи бошқариш органларининг жамият ҳаётида тутган ўрни ва аҳамиятини кескин кучайтиришдан иборатлигини таъкидлаб ўтдилар. Бошқача қилиб айтганда, бу - "Кучли давлатдан кучли жамият сари" тамойил амалда ҳаётга жорий этиш демакдир. Юқоридаги тамойил бугунги кунда ҳар қачонгидан ҳам долзарб эканлигини ҳаёт кўрсатмоқда.

Мустақилликнинг дастлабки кунлариданок ўзини-ўзи бошқаришнинг жаҳон амалиётида ўхшаши йўқ, ноёб ҳисобланган маҳалларни ижтимоий ҳаётдаги мавқеини оширишга катта аҳамият берилди. 1992 йилдаёқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида биноан, республика "Маҳалла" хайрия жамғармаси ташкил этилди, 1993 йилда "Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги қонуни илк бор қабул қилинди. 1999 йилга келиб эса Олий Мажлис томонидан ушбу қонун такомилга етказилиб янги таҳрирда қабул қилинди. Ўзини-ўзи бошқариш органларининг муҳим бўлини ҳисобланган маҳаллалар ижтимоий тараққиётининг синовидан ўтган, фақат халқимизга хос бўлган тузилма эканлигини унутмаслик керак деб ўйлайман. Маҳалланинг давлат ва жамият бошқаруви тизимида фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқаришнинг муҳим органи сифатида тутган ўрни ва ролини ошириш мақсадида, 2003 йилни мамлакатимизда "Обод маҳалла йили" деб эълон қилиниши тўғрисидаги Президентимиз фармонлари ва "Обод маҳалла йили дастурини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш бўйича республика комиссиясини тузиш тўғрисидаги фармойишлари жамиятимиз ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Ўйлайманки, ушбу фармонлар халқимизнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга фуқароларнинг жойлардаги жамоа бўлиб яшашлари билан боғлиқ бўлган масалаларнинг ҳал қилинишида, фуқаролик институтлари тизимини барпо этишда маҳалланинг ўзини-ўзи ташкил этиш ва бошқариш доирасини юксалтиришда катта аҳамиятга эга. Бугунги кунда юртимизда фуқаролик жамиятини шакллантириш ва жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш борасида амалга оширилаётган ислохотлар бевосита ҳар бир фуқаронинг онг-шуурида акс этиб амалий ишларини рўёбга чиқаришга ундамоқда.

Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, бугунги кунда ўз вазифаларини самарали ҳал қилишларида, ислохотлар моҳиятини ҳар бир шахс онгига етказишга муносиб ҳисса қўша оладиган ишончли органга айланишлари учун яна қандай ҳуқуқий меъёрларни ҳаётга жорий этиш кераклиги, шунингдек тарихий анъана ва кадриятларимизнинг қайси томонларини мустаҳкамлаш зарурлиги борасидаги муаммолар ҳозирги кунда ҳам ўрганилиши лозим бўлган долзарб масалалардан бири бўлиб қолади.

<sup>12</sup> Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари журнали. 1999 йил. 1-сон.

Европа Иттифоки ўзида халқаро ташкилот ва федератив давлат хусусиятларини мужассамлаштирган давлатлараро уюшма ҳисобланади. Ғарб давлатларининг иқтисодий соҳадаги бирлашуви жараёни ғарбнинг XX аср иккинчи ярмидан кейинги тараққиётини ўзига хос тарзда намоян этди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврдаги аҳвол европа давлатларининг иқтисодий муаммоларини биргаликда ҳал этишга ундади. 1951 йилда Европанинг 6 та давлати (Белгия, Италия, Люксембург, Голландия, ГФР ва Франция) кўмир ва пўлат бўйича Европа уюшмасини туздилар. 1957 йилда эса у «Европа иқтисодий ҳамжамияти»га айлантирилди (у «умумий бозор» деб ҳам аталади).

1957 йилда имзоланган Рим шартномасига кўра, бу 6 та давлат ўзаро савдода бож тўсиқларини тугатиш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ягона бозорини вужудга келтиришга қарор қилдилар. 1973-1995 йиллар оралиғида Буюк Британия, Дания, Ирландия (1973 йил), Юнонистон (1981), Португалия ва Испания (1986), Австрия, Финляндия, Норвегия ва Швеция (1995), ушбу ҳамжамиятга аъзо бўлиб кирдилар<sup>1</sup>.

1990 йилдан бошлаб сармоя, товар ва ички кучларининг Европа иқтисодий ҳамжамияти доирасида эркин ҳаракат қилишга ҳалақит қилувчи барча тўсиқлар олиб ташланди. 1991 йилда Европани бирлаштириш йўлида яна бир катта қадам қўйилган. Шу йилнинг декабр ойида Голландиянинг Маастрихт шаҳрида ЕИХ нинг 12 аъзоси ягона Европани вужудга келтириш тўғрисида шартномалар имзоладилар. Европа мамлакатларининг сиёсий ва валюта - иқтисодий иттифоқини вужудга келтириш тўғрисидаги бу шартнома 1993 йил 1 ноябрдан кучга кирган.<sup>2</sup>

Шартномалар қуйидаги 3 гуруҳдан иборат эди:

1. Европанинг ягона пул бирлиги (Евро)ни жорий этиш.

2. Евро сиёсий иттифоқини шакллантириш.

3. Евро комиссиясини тасдиқлаш.

Европа иттифоқининг мақсадлари:

- Европа халқларининг мустақкам иттифоқини вужудга келтириш;

- Ички чегаралари бўлмаган макон яратиш;

- Иқтисодий ва ижтимоий ўзаро таъсирини кучайтириш йўли билан мувофиқлаштирилган узок муддатли иқтисодий тараққиётга ёрдам бериш, биргаликда ташқи сиёсат олиб бориш ва хавфсизлик борасида сиёсат юритиш, келгусида эса муҳофаза сиёсатини ҳам олиб бориш йўли билан халқаро соҳада ўзига хос бир хилликни қарор топтириш;

- Адлия ва ички ишлар соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш умумий бойликни сақлаб қолиш ва кўпайтиришдан иборатдир.

<sup>1</sup> «Ўзбекистон миллий энциклопедияси». Давлат илмий нашриёти. Т. 2002 й. 410-бет.  
<sup>2</sup> Давидов М., Жўраев У. Жаҳон тарихи. «Турон-Иқбол» нашриёти, 2005 й. 163-бет.

Европа иттифоки органлари:

Европа иттифокининг бошқарувини ташкил этиб улар иттифокдаги мамлакатларни куйидаги органлар орқали бирлаштириб туради: Европа машварати, Европа парламенти, Европа иттифоки кенгаши, Европа комиссияси, Европа суди.<sup>3</sup>

Ташкилотга 15 та мамлакат (Австрия, Белгия, Буюк Британия, Германия, Греция, Дания, Ирландия, Испания, Италия, Люксембург, Нидерландия, Португалия, Финляндия, Франция, Швеция) аъзо (2002 йил январ) унинг қароргоҳи Страсбург шаҳрида (Франция) жойлашган.

1999 йилнинг декабр ойида ЕИ аъзолари қуролли кучларини тузиш ҳақида қарор қабул қилдилар. Унинг вазифаси ҳарбий инқирозлар юз берган ҳудудларда тинчликни сақлашдан иборат деб белгиланган.

Европа ҳамжамиятлари мамлакатларида 2002 йил 1 январдан янги пул бирлиги «Евро» муомалага киритилди.

Европа ҳамжамиятининг тинчликни сақлашга оид ишларини аъзо давлатлар мисолида кўрсак, 1991 йилда Буюк Британиянинг Маастрихт шартномасига қўшилгани бу давлат ташқи сиёсатида Европа муаммоларини биргаликда ҳал этиш томон жиддий ўзгариш юз берганлигини кўрамыз.

Европа саноати Европа давлатларининг бирлашишлари ва қолоқ давлатларни қўллаб-қувватлашлари натижасида анча олдинга силжий бошлади. Бунга куйидаги омилларни мисол қилиб кўрсатишимиз мумкин.

- Иктисодиётни юксак даражада ривожланиши масаласи ҳукумат сиёсати даражасига кўтарилди.

- Иктисодиётни сармоялаш ҳар томонлама рағбатлантирилди.

- гарб давлатларида давлат иктисодиётини тартибга солиш сиёсатини юритди. Бу сиёсат аралаш иктисодиётни вужудга келтириш орқали амалга оширилди.

- кишлок хўжалиги том маънода инқилоб - биотехнология ва кимёлантирини амалга оширилди.

- кишлок хўжалиги тўла механизациялаштирилди.

- Саноат техника ва технология асосида қайта қурилди.

Биз эътиборимизни қаратаётган масала нафақат иктисодий балки сиёсий ва ҳуқуқий масалаларни ҳам таҳлил этишни талаб этади. Европа Иттифокининг энг муҳим ҳуқуқий асосларидан бири ҳисобланган ҳужжат-бу Европа конституцияси бўлиб қолмоқда. 2004 йил 29 октябрда Римда 25 та мамлакатнинг раҳбарлари томонидан имзоланган умумевропа конституцияси Европа Иттифокининг бирлигини мустаҳкамлашга қаратилган. Европа конституцияси Европа конвенти томонидан Франциянинг собиқ президенти Валерии Жискар д'Эстен раҳбарлигида тайёрланган. Ушбу конституциядан кўзланган мақсад, европанинг бирлигини сақлаб қолиш, ҳамда истикболли келажagini қуриш учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.<sup>4</sup>

<sup>3</sup> «Ўзбекистон миллий энциклопедияси». Давлат илмий нашриети, Т. 2002 й. 411-бет.  
<sup>4</sup> Интернет [www.google.ru](http://www.google.ru) Конституция саросиюза.

Шундай қилиб, Европа иттифоқи ҳозирда ўзига ҳос ривожланиш йўлини ишлаб чиққан, давлатнинг конфедерация шаклини қабул қилган давлатларнинг бирлашмасига айланди. Ҳозирда Европа иттифоқида европарламент, еврокомиссия ва бошқа бир қатор органлар ўз фаолиятларини олиб бормоқдалар.

## Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши устидан прокурор назорати

НамДУ Ҳуқуқшунослик факультети  
1-босқич талабаси А.Хасанов

Прокурор қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширади. Прокурор сўзи латинча “Procurator” сўзидан олинган бўлиб “ғамхўрлик қилиш, бошқариш” деган маънолари англатади. Прокуратура дастлаб XIV асрда Францияда пайдо бўлган. Унинг функцияси фуқароларни жазолаш ва айблаш бўлган.<sup>1</sup> Вақт ўтиши билан прокуратура органлари фаолияти ривожлантирилиб, уларга кўплаб вазифалар юклатилган. Бу вазифалардан бири фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашдир. Петер “прокуратура давлатнинг ва фуқароларнинг манфаатларини кўриклаши керак”<sup>2</sup> деб, прокурорларга кўшимча вазифалар юклатилиши тўғрисида ўз фикрларини баён этган. Мамлакатимизда ҳам прокуратуранинг фаолияти такомиллаштирилиб борилмоқда. Уларга фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш вазифаси юклатилиши учун кўплаб қонунлар ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинган. Жумладан, 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган ва унга ўзгартиришлар билан 2001 йил 29 августда янги таҳрирдаги “Прокуратура тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Қонунда прокурорларнинг ваколатлари, вазифалари белгилаб берилган. Бу қонунлар орқали фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари таъминлаш ҳамда уларни қўллаб - қувватлаш вазифаси улар зиммасига юклатилиб кўйилган. “Прокуратура тўғрисида”ги қонуннинг 2-моддасида “Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг (бундан буён маънада прокуратура органлари деб юритилади) асосий вазифалари қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг конституциявий тузминини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишдан иборат”<sup>3</sup> деб кўрсатиб ўтилган. Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2004-йил 22-июндаги “Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан прокурорлар фаолиятини самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги 25-сонли буйруғи қабул қилинди. Бу буйруқ ҳам фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб қабул қилинганлиги фикримиз далилидир. Прокурорлар авваллари давлат қораловчи вазифасини

<sup>1</sup> Пўлатов Б.Х. Қонунлар ижроси устидан прокурор назорати. Т. 2006 йил

<sup>2</sup> Прокуратура Санкт-Петербурга - С.Петербург: 1987 - С.6

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги “Прокуратура тўғрисида”ги қонун (янги таҳрири).

бажаришган бўлсалар, эндиликда республикамизда бошқарувни демократлаштириш муносабати билан улар халқ учун хизмат қилмоқдалар. Президентимиз И.А.Каримов "прокуратура халқнинг устидан назорат қилмаслиги, аксинча, унга хизмат қилмоғи даркор"<sup>4</sup>, деб таъкидлаган эдилар. Конституциямизнинг 39-моддасида "Ҳар ким қариганда, меҳнат фаолиятини йўқотганда, шунингдек боқувчисидан маҳрум бўлганда ва бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга.

Пенсия, нафақалар, ижтимоий ёрдам бошқа турларининг миқдори расман белгилаб қўйилган тирикчилик учун зарур энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмас"<sup>5</sup> лиги белгилаб қўйилган. Бу каби ёрдамларни олишда ҳам прокурорлар хизматларини айтиб ўтиш даркор.

Умуман олганда прокуратура халқимизнинг ҳуқуқлари тўла таъминланишида қонунларни огишмай бажарилиши устидан назорат қиладилар. Бу прокурорларнинг асосий вазифалари ҳисобланади. Суд жараёнида ҳам прокурорлар айбланувчининг айби бўлмаса уни ҳимоя қилиб, суд қарорларининг адолатли бўлиши учун ўз ҳиссаларини қўшишлари шарт қилиб қўйилган. Суд қарорларининг ҳам адолатли ижро этилиши устидан назорат ҳам прокуратура зиммасига юклатилган асосий вазифа ҳисобланади.

<sup>4</sup> Каримов И.А. Адолат қонун устиворлигида. "Халқ сўзи" газетаси. 2001 йил 30 август.

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.: "Ўзбекистон". 2003.

1. Й.Рахимов Сўз боши.....	3
2. М.Х.Жиянов Таркибли жиноят тушунчаси, белгилари ва турлари.....	5
3. О.Эрназаров, Д.Эрназаров Мулк ҳуқуқининг баъзи муаммолари.....	9
4. М.Акаева Қишлоқ хўжалиги соҳасида шартнома муносабатлари.....	15
5. З.Н.Эсанова Суд-ҳуқуқ ислохотларини амалга оширишда фуқаролик процессуал ҳуқуқи фанини такомиллаштиришнинг ҳуқуқий асослари.....	17
6. З.Н.Эсанова, А.Артықов Роль и место Национальной инновационной системы в развитии науки и производства.....	20
7. Э.Шарипов, А.Аҳмедов Ўзбекистонда ҳуқуқий-демократик жамият куришда миллий гоиянинг зарурлиги.....	23
8. В.Топилдиев Интернет тармоғида фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар.....	25
9. Н.Х.Эгамбердиева Фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар.....	30
10. Ш.Жўрабоев Судлов ҳуқуқи маданияти.....	34
11. О.Маматов Миллий истиклол мафқурасининг ҳуқуқий гоиялари.....	37
12. Ш.Жўрабоев, К.Алиходжаев Суд процессида конун ва виждон назорати.....	40
13. Ж.Умаров Ишларнинг фуқаролик ва хўжалик судларига таалукчилигини фарқлаш мезонлари.....	42
14. И.Кўзибоев Ўлим жазоси тайинлаш назарда тутилган жиноят учун жавобгарликка тортиш муддати кўлланилишининг ўзига хос хусусиятлари.....	46
15. С.Тўйчибоев, К.Ҳайитов Суд ижрочилари туман (шаҳар) бўлимларининг ҳуқуқий мақоми.....	49
16. Х.Холиқов Фуқаролик жамиятини шакллантиришда ўзини-ўзи бошқариш органларининг тутган ўрни ва аҳамияти.....	51
17. Ф.Собиров Фаолият билан лицензиясиз шугулланиш.....	53
18. Ш.Журабоев Талаба ёшларнинг ҳуқуқий маданияти.....	55
19. А.Нишонов Тадбиркорлик субъектларини текширишнинг ҳуқуқий асослари.....	57
20. И.Атамирзаев Германия жиноят процессида прокуратура идораларининг ўрни.....	61
21. Х.Ҳакимов Ўзбекистон Республикасида Парламент.....	63
22. О.Топилдиев Ўзбекистон Республикаси Конституциясида Бағрикенглик тамойиллари.....	68
23. О.Юнусалиев, И.Мавлонов “Экологик мувозанатни барқарорлаштириш ва уни ҳуқуқий таъминлаш”.....	71
24. Б.Р.Топилдиев Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасининг объектлари.....	73
25. А.Ортиқов Ўзбекистон Республикасида интеллектуал мулк ҳимоясининг ҳуқуқий асослари.....	75

26. В. Норбеков, Д. Муротов Молия и жараси шартномасини тартибга солишнинг ҳукукий муаммолари.....	78
27. М. Қаххаров Хусусий корхоналарнинг ҳўжалик субъекти сифатидаги фаолияти.....	80
28. Б. Холдоров Мажбуриятларни тартибга солишда қонунчиликнинг аҳамияти.....	81
29. Д. Усанов Мажбуриятда қатнашувчи тарафлар.....	85
30. Н. Зайнобиддинов Лизинг шартномасининг субъектлари ва объектнинг хусусиятлари.....	87
31. Ш. Исмоилов Муалифлик ҳукуқи ва унинг ҳукукий белгилари.....	89
32. О. Рахимов Хусусий мулк ҳукуқининг субъекти сифатида фуқаролар.....	94
33. Қ. Долимаев Қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини харид қилиш артиномаси субъектлари ва уларнинг ҳукукий ҳолати.....	96
34. Ш. Эралиев Мусулмон ҳукуқида фуқаролик ҳукукий муносабат сифатида савдо-сотик ишларини юритилиши.....	97
35. Х. Сотиволдиева Жилоят туфайли етказилган мулккий зарарни бартараф этиш муаммолари.....	99
36. У. Нишонова Фуқаролик ишлари буйича судловлиликни жиноят ишлари буйича судловлиликдан фарқи.....	102
37. А. Алиев Ташқи иқтисодий фаолият тушунчаси ва унинг ҳукукий асослари.....	105
38. А. Камолов Акциядорлик жамиятларининг махсус турлари.....	110
39. Д. Жўрабоев Модернизация даврида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳукукий мақоми.....	115
40. Т. Мадумаров Қимматли қўғозлар тушунчаси ва аҳамияти.....	117
41. Н. Зайнобиддинов Лизинг шартномаси ва унинг ҳукукий моҳияти.....	120
42. Д. Усанов Мажбуриятларни бажарувчи субъектлар (шахслар).....	122
43. М. Мақсудов Контракция шартномасининг ўзига хос хусусиятлари.....	124
44. Н. Атақўзиева Жиноят процессида фуқаровий даъво: уни қўзғатиш тартиби ва ҳукукий асослари.....	125
45. К. Алиходжаев Сийосий партиялар ролини кучайтириш заруратининг ҳукукий асослари.....	129
46. Б. Кенжаев Инсон ҳуқуқлари моҳияти.....	131
47. Р. Ҳалилов, Б. Кенжаев Куръонда инсон ҳуқуқлари.....	134
48. Қ. Ниёзхўжаев Давлат бошқарувини такомиллаштириш ва миллий қонунчилигимиз.....	137
49. Ў. Турсибоев Суд-ҳуқуқ ислохатлари: ҳакамлик судлари нима?.....	142
50. Р. Собиров Жиноят процессида «гаров» тушунчаси.....	144
51. Д. Муротов Фуқаролик жамиятини шакллантиришда ўзини-ўзи бошқариш органларининг тутган ўрни хусусида айрим мулоҳазалар.....	146
52. М. Азимов Европа Иттифоқи ривожланишининг ҳукукий асослари.....	149
53. А. Ҳасанов Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши устидан прокурор назорати.....	151



# НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Тахрир хайъати: Й.Рахимов (раис), М.Х.Жиянов (масъул),  
О.Э.Эрназаров, Ш.Т.Жўрабоев, Ж.Умаров.

## ҲОЗИРГИ ЗАМОН ЮРИДИК ФАНЛАРИНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

мавзусидаги республика илмий-назарий конференцияси  
материаллари

Конференция 2007 йил 27 апрел кунин Наманган Давлат университети  
мажлислар залида бўлиб ўтган

Мухаррир: Жамолiddин Муслим  
Техник мухаррир: Д.Парпиев  
Мусаххих: М.Жиянов

Мазкур анжуман илмий мақола ва тезисларида билдирилган фикр ва  
мулоҳазалар конференция ташкилотчилари фикрига мос тушмаслиги  
мумкин.

Босишга рухсат берилди: 2007 йил 30 май  
Қогоз бичими 84x108 1/4 Босма табоқ 6,0 Адади 100 нусха  
Буюртма № 2

“Наманган” нашрияти (Наманган шаҳри Навоий-36)да нашрга тайёрланди

---

НамДУ Ахборот ресурслари маркази компютерида саҳифаланди  
Наманган шаҳар Б.Машраб кўчаси, 13-уй.

